

Гўзал исмлар МАЪНОСИ

Муаллиф: **Зиёвуддин Раҳим**

КИРИШ СЎЗИ

Исм ҳар бир инсонни ўзгалардан ажратиб туради. Одам боласи дунё ва охирадда ўз исми билан чақирилади. Шунинг учун уламолар – хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин – чақалоққа яхши исм қўйиш лозимлигини таъкидлашган. Тасаввур қилинг, агар одамнинг исми бўлмаса, уни қандай чақирилади, у бошқалардан қандай қилиб ажратилади?

Исм масаласи шу қадар муҳимлигидан Европанинг баъзи давлатларида тарихий-миллий исмлар қўйиш, ўзга халқлардан исм олмаслик лозимлиги ҳақида алоҳида қонунлар қабул қилинган. Аслида бу нарсага биз бошқалардан кўра кўпроқ амал қилишимиз, фарзандларимизга энг сара, чиройли, маънодор исмлари қўйишимиз керак. Бунда бизга шонли тарихимиз, буюк аجدодларимиз ҳақида ёзилган китоблар асқатади.

Араблар орасида “Ҳар бир инсон ўз исмидан насибасини олади” деган нақл бор. Зеро, киши исми ҳаётда унга таъсир қилади. Бу нарса тарихдан, хусусан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва у кишининг саҳобалари тарихидан маълум. Масалан, Ҳудайбияда Расули ақрам алайҳиссалом Саҳл ибн Амр келаётганини кўриб: “Аллоҳ ишингизни енгиллаштирадиганга ўхшайди”, деганлар (“Саҳл” исми “енгил” маъносини англатади). Шунингдек, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг ҳаруқалик (ёниш жойилик) Жамра ибн Шихоб (яъни, исми маъноси “ёниб турган олов ўғли чўғ”)га қараб: “Тез уйингга бор. Улар аллақачон ёниб кул бўлишди”, деб айтган.

Шу маънода қуйида фарзандга қўйиш тавсия этиладиган исмлар рўйхатини келтирамиз. Бу ердаги аксар исмлар саҳобалар, тобеинлар, табаа тобеин, олиму фузалоларга тегишли. Бу нарса “Менинг ҳам фарзандим олим бўлсин, яхши инсон бўлиб вояга етсин!” дея ният қиладиган ҳар бир инсонни безътибор қолдирмайди, деган умиддамиз.

АЛЛОҲНИНГ 99 ГЎЗАЛ ИСМИ

Набавий хадис матнида Аллоҳнинг гўзал исмларидан 99 таси зикр қилинган. Уларнинг шарҳини қуйида кўриб чиқамиз:

1. Аллоҳ.

Ўз сифатида, зотида ягона, ибодат қилиш учун энг муносиб, ундан бошқа илоҳ йўқ Зот.

“Аллоҳ” исми Парвардигоримизнинг жами гўзал исмлари маъносини ўзида жамлаган.

2. Ар-Раҳмон.

Ўта Меҳрибон, карамли, барча махлуқотларга, жумладан, кофирга ҳам, мўминга ҳам ризқ берувчи Зот.

“Раҳмон” сифати фақат Аллоҳ таолонинг Ўзига хос. Бу сифат Ундан бошқасига ишлатилмайди.

3. Ар-Раҳим.

Меҳрибон, Раҳмли, қиёмат куни фақат мўминларга раҳм қилувчи, Ҳақиқий имон келтирганлар гуноҳини авф қилиб, жаннатга киритувчи.

“Ар-Раҳим” сифати “Ар-Раҳмон”дан хосроқ бўлиб, “Охиратда фақат мўминларга шафқат қилувчи” маъносини билдиради.

Юқорида “Раҳмон” сифатини Аллоҳ таолодан ўзгага қўллаб бўлмаслиги айтилди. Лекин “Раҳим” Аллоҳдан ўзгаларга, жумладан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбатан қўлланилиши мумкин (Қаранг: “Тавба” сураси, 128-оят).

4. Ал-Малик.

Барча мулкларнинг ҳақиқий Эгаси, Ундан ўзга эга йўқ. Аллоҳ хоҳлаган ишини қила олади, хоҳлаган нарсасини яратиши мумкин.

5. Ал-Қуддус.

Ҳар қандай айб-нуқсондан пок, мукамал Зот. Мутлақ муқаддаслик фақат Аллоҳга хос.

6. Ас-Салом.

Нуқсонлардан саломат, пок, бандаларини ҳалокатлардан сақловчи, уларга омонлик, хотиржамлик берувчи.

7. Ал-Мўъмин.

Дунёда исталган бандасига, охиратда жаҳаннам ўтидан фақат мўминларга омонлик берувчи; омонатга вафо қилувчи, бандаларига жаннат ҳақида башорат бериб, қиёмат куни бунинг тасдиғи ўларок уларни жаннатга киритувчи Зот.

8. Ал-Муҳаймин.

Барча нарсани кузатиб турувчи, махлуқотларни ҳимоя қилувчи, уларнинг ҳар бир ҳолатини билиб турувчи; ҳар бир нарсага шоҳид бўлувчи; махлуқотлар ишини тадбир қилувчи; амин, ишончли, ваъдасига вафо қилувчи.

9. Ал-Азиз.

Куч-қувват Эгаси, ҳеч қачон мағлуб бўлмайдиган; барча нарсдан ғолиб келувчи.

10. Ал-Жаббор.

Махлуқотлари устидан мутлақ Ғолиб, уларга Ўзи хоҳлаган амр-қайтариқларни жорий қилувчи.

11. Ал-Мутақаббир.

Улуғ, Азиз, кибриё Эгаси.

12. Ал-Ҳолиқ.

Аввал йўқ бўлган нарсаларни Яратувчи, ҳар бир нарсани аниқ ўлчов билан халқ қилувчи.

13. Ал-Борий.

Йўқдан бор қилувчи.

14. Ал-Мусаввир.

Ҳар бир махлуқотига ўзига яраша, ўзга махлуқотлардан ажралиб турадиган даражада сурат берувчи; бандаларига оналари қорнида турган ҳолларида Ўзи хоҳлаган тарзда шакл берувчи.

15. Ал-Ғаффор.

Ҳақиқий тавба қилувчи бандалари хато-камчиликларини, гуноҳларини доим кечирувчи, нуқсонларини беркитувчи.

16. Ал-Қаҳҳор.

Барча махлуқотларидан устун, уларга Ўзининг адолатли ҳукмини юргизувчи.

17. Ал-Ваҳҳоб.

Бандаларига эвазни ният қилмаган ҳолда жуда кўп неъматлар берувчи.

18. Ар-Раззоқ.

Ризқларни яратиб, уларни махлуқотларига етказувчи, махлуқотларини доим ризқлантириб турувчи.

19. Ал-Фаттоҳ.

Бандаларига ризқ ва раҳмат эшикларини очувчи.

20. Ал-Алим.

Барча нарса ва ҳодисаларнинг ботиний, зоҳирий, энг нозик, энг катта жиҳатларигача Билувчи, илми ҳамма нарсани тўлиқ қамраб олган Зот.

21. Ал-Қобиз.

Ўз ҳикмати билан баъзи бандалари ризқини тор қилувчи, ўлим чоғида бандалар руҳини олувчи.

22. Ал-Босит.

Ўз карами, раҳмати билан хоҳлаган бандаси ризқини кенг қилувчи, бандалар ҳаётлик чоғида жасадлари ичидаги руҳларини қўйиб юборувчи.

23. Ал-Хофиз.

Кофир, мушрик, осий бандалар мартабасини пасайтирувчи.

24. Ар-Рофиъ.

Мўмин бандалари мартабасини баланд қилувчи, авлиё бандаларини Ўзига яқинлаштирувчи.

25. Ал-Муиз.

Хоҳлаган бандасини имон йўлига бошлаб, азиз-мукаррам қилувчи.

26. Ал-Музил.

Бандаларидан кимни хоҳласа, хор қилувчи, улардан азизликни, мукаррамликни олувчи.

27. Ас-Самий.

Ҳар бир нарсани эшитиб турувчи. Бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодиса Аллоҳнинг эшитишидан, илмидан холи эмас.

28. Ал-Басир.

Ҳар бир нарсани кўриб турувчи, бўлаётган ҳар қандай ҳолат Аллоҳнинг кўришидан четда қолмайди.

29. Ал-Ҳакам.

Мутлақ Ҳоким. Ҳеч ким Аллоҳнинг ҳукмига эътироз билдириб, қаршилиқ кўрсата олмайди.

30. Ал-Адл.

Адолатли, мутлақ адолат қилувчи.

31. Ал-Латиф.

Лутф кўрсатувчи, карамли, мулойим, меҳрибон; ҳар бир нарсанинг ўта нозик жиҳатларигача билиб турувчи.

32. Ал-Ҳабир.

Ҳар бир нарсанинг зоҳирий (ташқи), ботиний (ички) жиҳатларидан хабардор Зот.

33. Ал-Ҳалим.

Бандалари исёнига тезда ғазаб қилмайдиган, уларга имкон берувчи, осий бандаларига азоб беришга шошилмайдиган, фақат мавриди келгандагина жазоловчи.

34. Ал-Азим.

Инсон ақли, тафаккури тасаввур қила олмайдиган даражада улуғ Зот.

35. Ал-Ғафур.

Бандалар гуноҳларини кечириб, айб-камчиликларини беркитувчи.

36. Аш-Шакур.

Итоаткор, солиҳ амаллар қилувчи бандаларига ниҳоятда кўп мукофот берувчи, оз амал қилувчи бандаларига ҳам ниятларига, ихлосларига яраша ажр-савоб берувчи.

37. Ал-Алий.

Жуда олий мартабали; Унинг зотини, сифатини тасаввур қилишга ақллар ожизлик қилади.

38. Ал-Қабир.

Ўта улуғ, махлуқотларидан мутлақ устун, азалий, абадий Зот.

39. Ал-Ҳафиз.

Махлуқотларини Ўзи хоҳлаган муддат ҳалокатдан сақлаб турувчи.

40. Ал-Муқит.

“Ал-Муқит” сифатининг биринчи маъноси “Ал-Ҳафиз”ники билан бир хил. Иккинчи маъноси эса ҳар бир махлуқотига ўз насибасини берувчидир.

41. Ал-Ҳасиб.

Кифоя қилувчи, махлуқотларини кифоя қиладиган даражада ризклантирувчи, қиёмат куни бандаларини ҳисоб қилувчи.

42. Ал-Жалил.

Улуғлик сифатини ўзида жамлаган Зот; буюк, улуғ, олий.

43. Ал-Карим.

Карами, саховати чексиз Зот. Инъом қилиш билан Аллоҳнинг хазинаси камайиб қолмайди.

44. Ар-Рақиб.

Ҳар бир нарсани кузатиб турувчи.

45. Ал-Мужиб.

Бандалар ихлос билан қилган дуоларини ижобат этувчи.

46. Ал-Восиъ.

Раҳмати барча нарсадан кенг, хоҳлаган бандаси ризқини кенгайтирувчи.

47. Ал-Ҳаким.

Ҳар бир тадбирини ҳикмат билан амалга оширувчи.

48. Ал-Вадуд.

Ўзининг солиҳ бандаларини яхши кўрувчи, улардан рози бўлувчи, бандалари томонидан севилувчи.

49. Ал-Мажид.

Шухрати ниҳоятда чексиз, кадри жуда баланд; карамининг чеки йўқ, ўта сахий Зот.

50. Ал-Бос.

Мазкур сифатнинг икки хил маъноси бор: 1. Тирилтирувчи. 2. Юборувчи.

Яъни, бандаларига пайғамбарлар юборувчи, барча махлуқотларини қиёмат куни қайта тирилтирувчи.

51. Аш-Шаҳид.

Бўлаётган ҳар бир нарса, ҳодиса устида ҳозир-шоҳид бўлиб турувчи. Бирон нарса Аллоҳнинг гувоҳлигидан четда қолмайди.

52. Ал-Ҳақ.

Мавжудлиги ҳақиқатан тасдиқланган, Ҳақ, Ҳақни юзага чиқарувчи Зот.

53. Ал-Вакил.

Бандалари ишларини амалга оширувчи, уларга манфаат етказишга кафил Зот.

54. Ал-Қавий.

Куч-қувват Эгаси, бирон амални бажаришдан ожиз қолмайдиган Зот. Аллоҳ мутлақ кудрат Соҳибидир.

55. Ал-Матин.

Ўта қувватли, матонатли Зот. Бирон ишни амалга оширгач, Аллоҳ чарчамайди, заифлашиб қолмайди.

56. Ал-Валий.

Ёрдам берувчи; валий бандаларини яхши кўрувчи; бутун оламдаги махлуқотлари ишларини бошқариб турувчи Зот.

57. Ал-Ҳамид.

Ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай замонда ҳамду санога энг муносиб, бандалари томонидан тинимсиз мақталадиган Зот.

58. Ал-Муҳсий.

Ҳар бир нарсани Ўз илми билан ҳисобга олувчи, илми барча нарсани қамраган, ҳар бир нарсанинг энг нозик жиҳатларини ҳам, эътиборга молик томонларини ҳам инобатга олувчи.

59. Ал-Мубдиъ.

Ҳар бир нарсани ўхшаши йўқ даражада аввалдан Яратувчи, йўқдан бор қилувчи.

60. Ал-Муид.

Махлуқотларини ўлимга қайтарувчи (яъни, ўлдирувчи), сўнг қиёмат куни уларни яна ҳаётга қайтарувчи.

61. Ал-Муҳйи.

Қиёматда ўликларни қайта тирилтирувчи, уларга жон ато этувчи.

62. Ал-Мумит.

Ўлимни яратувчи, хоҳлаган бандаси жонини хоҳлаган вақтида олувчи.

63. Ал-Ҳай.

Доим тирик, ҳеч қачон ўлмайдиган Зот.

Боқийлик фақат У Зотга хос. Ўлим, фонийлик эса махлуқотларга хос. Бундай сифатлар Аллоҳга нисбат берилмайди. Аллоҳ барҳаётлиги бандалар тириклигидан тубдан фарқ қилади.

64. Ал-Қайюм.

Ўз-ўзидан қоим бўлувчи, бошқаларни ҳам қоим қилувчи, ҳар бир нарса устида гувоҳ бўлувчи.

65. Ал-Вожд.

Хоҳлаган нарсасини хоҳлаган вақтида топувчи, ҳеч қачон фақир бўлмайдиган даражада бой Зот.

66. Ал-Можид.

Шон-шухрат Эгаси, қадрли баланд, карамли, саҳий Зот.

67. Ал-Воҳид.

Ягона, Ёлғиз, шериги йўқ Зот.

Аллоҳ таолонинг азалда ҳам шериги бўлмаган, бундан кейин ҳам бўлмайди. У Зот ўз сифатида, зотида, илоҳликда, ибодатга муносибликда Яккаю Ягонадир.

68. Ас-Сомад.

Мазкур сифат бир неча маъноларни англатади. Жумладан, “мутлақ Ҳоким”, “доим барҳаёт турувчи”, “ҳеч кимга ҳожати тушмайдиган, аксинча махлуқотлари ҳожатини раво қилувчи Зот”.

69. Ал-Қодир.

Ҳар бир нарсага қодир Зот. Аллоҳ хоҳлаган ишини қилишдан ожиз эмас. Ҳар қандай иш Унга осон.

70. Ал-Муқтадир.

Қудрати чексиз, ниҳоятда кучли Зот.

71. Ал-Муқаддим.

Хоҳлаган нарсасини олдинга суриб, уларни ўз жойига қўювчи. Ким ёки нима олдинга сурилишга муносиб бўлса, олдинга суради.

72. Ал-Муаххир.

Хоҳлаган нарсасини ортга суриб, уларни ўз жойига қўювчи. Ким ёки нима ортга сурилишга муносиб бўлса, ортга суради.

73. Ал-Аввал.

Бошланишининг аввали йўқ, барча нарсадан аввал бўлган Зот.

Аллоҳ таоло махлуқотлар яратилмасидан олдин ҳам мавжуд эди. Дунёдаги барча нарсалар, мавжудотлар “Ал-Аввал” сифатли Аллоҳ томонидан яратилган.

74. Ал-Охир.

Махлуқотлар ўлиб кетганидан сўнг ҳам боқий қолувчи, ҳеч қачон ўлмайдиган, мавжудлигининг охири йўқ Зот.

75. Аз-Зоҳир.

Барча нарсадан устун, олий Зот. Атроф-муҳитдаги нарсалар, ҳолатлар Аллоҳнинг зоҳирлигига далолат қилади.

Ҳақиқатан, ақл юритган киши Аллоҳнинг борлигини, Яккаю Ягоналигини билади. Зеро, У Зотнинг мавжудлиги очиқ-ойдин кўриниб туради.

76. Ал-Ботин.

Махлуқотлар назаридан беркинган, уларга кўринмайдиган Зот. Чунончи, кўз билан Аллоҳни бу дунёда кўриб бўлмайди.

77. Ал-Волий.

Барча нарсанинг Эгаси, уларни тасарруф этувчи Зот.

78. Ал-Мутаолий.

Кофирлар У Зотга нисбатан айб тақашларидан, мўминлар ҳамду саноларидан олий Зот.

Яъни, кофир ва мушрикларнинг Аллоҳ таолога нисбатан нолайиқ тухматлари У Зот шаънига путур етказмайди. Мўминлар ҳамду санолари эса У Зот улуғлигини зиёда қилмайди. Чунончи, бандалари тухматлари, ҳамду санолари Аллоҳ таолога зарар ҳам, фойда ҳам келтирмайди. У Зот бандалари қиладиган амалларидан, айтадиган гапларидан Олий ва Беҳожатдир.

79. Ал-Бар.

Бандаларига чексиз яхшиликлар қилувчи, лутф-карами, эҳсонининг чеки йўқ Зот.

80. Ат-Таввоб.

Бандалари ихлос билан қилган тавбаларини қабул қилувчи.

81. Ал-Мунтақим.

Ғазабини кўзгаган бандаларидан интиқом (қасос) олувчи, уларни жазоловчи. Лекин Аллоҳнинг жазолаши зулм эмас, адолатдир.

82. Ал-Афув.

Бандалари гуноҳларини кечириб юборувчи.

Мазкур сифат маъноси “Ал-Ғафур”никидан ҳам кучлироқ. Зеро “Ал-Ғафур” бандалар гуноҳларини беркитишни, “Ал-Афув” гуноҳларни кечиришни, ўчириб юборишни англатади.

83. Ар-Рауф.

Ўта Меҳрибон, ниҳоятда Шафқатли, Раҳмли Зот.

84. Моликул мулк.

Мулк эгаси, ишларни Ўзи хоҳлаган тарзда амалга оширади, Унинг ҳукмига қарши борувчи йўқ, мутлақ тасарруф қилувчи.

85. Зул жалоли вал икром.

Улуғлик ва қарам Эгаси.

86. Ал-Муқсит.

Адолатли Зот.

Аллоҳ Ўз ҳукмида, жазо беришида, маҳрум этишида адолатлидир. Бандаларига зулм қилмайди, уларни гуноҳларига яраша жазолайди, яхши ишларини муносиб тақдирлайди.

87. Ал-Жомий.

Махлуқотларни ҳисоб қилиш учун қиёмат куни маҳшаргоҳга Жамловчи.

88. Ал-Ғаний.

Бой, Беҳожат Зот. Бошқаларнинг Аллоҳга ҳожати тушади, бироқ Аллоҳ ҳеч кимга, ҳеч нарсага муҳтож эмас.

89. Ал-Муғний.

Беҳожат-бой қилувчи.

Аллоҳ бандалари орасидан кимни хоҳласа, ўшани бой-беҳожат қилиб қўяди.

90. Ал-Моний.

Ўзига итоат этувчи мўмин бандаларини ҳар хил кулфатлардан, қийинчиликлардан асровчи, уларни балолардан қутқарувчи; хоҳлаган бандасидан кенг ризқни ман қилувчи.

91. Аз-Зор.

Зарарли нарсаларни ҳам яратувчи.

Аллоҳ яхшини ҳам, ёмонни ҳам, фойдалини ҳам, зарарлини ҳам яратади. Шу орқали хоҳлаган махлуқотига Ўз ҳикмати билан зарар еткази.

92. Ан-Нофий.

Хоҳлаган бандасига манфаат келтирувчи.

93. Ан-Нур.

Кўзи ожизлар Аллоҳнинг нури билан кўради. Маънавий сўқирлар Унинг ҳидояти ила тўғри йўлни топади. Аллоҳ Ўзи зоҳир бўлувчи, ўзгаларни ҳам зоҳир қилувчи Зотдир. У осмонлар ва Ернинг нуридир.

94. Ал-Ҳодий.

Хоҳлаган бандасини тўғри йўлга йўлловчи, ҳидоятга бошловчи.

95. Ал-Бадий.

Мислсиз нарсаларни йўқдан бор қилувчи.

96. Ал-Боқий.

Доим боқий турувчи, фонийлик сифатидан холи.

97. Ал-Ворис.

Барча махлуқотлар ўлиб кетганидан кейин ҳам мангу қолувчи.

98. Ар-Рашид.

Хоҳлаган бандасини тўғри йўлга бошловчи.

99. Ас-Сабури.

Ўта сабрли Зот.

Аллоҳ гуноҳкорларни жазолашга шайланмайди, балки ҳидоят йўлига юриб, ўзларини ислоҳ қилишларига имкон беради.

А

Абд, Abd (*ap.*) – банда, қул, хизматкор (“Аллоҳнинг қули” маъносида) * 1) Абд ибн Замъа ибн Қайс ибн Абдушамс ибн Абдун (саҳобий, уммул мўминин Савда онамизнинг туғишган биродари), 2) Абд ибн Ҳумайд ибн Наср Абу Муҳаммад Кеший (табаа тобеинлардан илм ўрганган, муҳаддис, ҳадис илмига оид таснифлар муаллифи. У ҳижрий 170-йилдан кейин туғилган. Абд ибн Ҳумайд Али ибн Осим Воситий, Муҳаммад ибн Бишр Адий, Ибн Абу Фудайк, Язид ибн Ҳорун, Яҳё ибн Одам, Абу Али Ҳанафий, Абу Довуд Ҳафарий, Абдураззоқ, Абу Усома, Абу Довуд Таёлисий, Воқидий, Абу Осим ва бошқа кўплаб кишилардан ривоят қилган. Ўз ўрнида Бухорий, Муслим ва Табарий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳумайд ҳижрий 249-йилда вафот этган), 3) Абд ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ғуфайр Абу Зар Ансорий (ҳадис илми олими, ҳофиз, моликий мазҳаби олимларидан. “Ибн Саммок” деб ҳам чақирилган. Ибн Аҳмад асли ҳиротлик. Кейинчалик Маккада яшаган ва ўша ерда вафот этган. Абд ибн Аҳмад кўплаб таснифлар муаллифи. Жумладан, “Тафсирул қуръон”, “Мустандрок алас саҳихайн”, “Ас-Суннату вас-сифат” каби асарларини санаб ўтиш мумкин).

Аббод, Abbod (*ap.*) – кўп ибодат қилувчи; доимий тарзда, тинимсиз ибодат қилувчи; Аллоҳга ҳақиқий бандалик қилувчи * 1) Аббод ибн Бишр ибн Вақш ибн Зуғба ибн Зауро Абу Бишр Ансорий (саҳоба, Мусъаб ибн Умайр розияллоҳу анҳу сабабидан мусулмон бўлган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Музайна закотиға омил қилиб тайинлаганлар. Аббод ибн Бишр Ямома куни вафот этган. Абу Довуд “Ҳазоилул ансор”да ундан ривоят қилган), 2) Аббод ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом Абу Яҳё Асадий (тобеин, катта имом, қози. Отаси даврида қозилик ва бошқа мансабларда ишлаган. Аббод ибн Абдуллоҳ отаси Абдуллоҳ ибн Зубайр, момоси, Асмоъ, отасининг холаси ва Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган. Ибн Абдуллоҳдан Ҳишом ибн Урва, Ибн Абу Мулайка, Абдулвоҳид ибн Ҳамза, Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Зубайр ва бошқалар ривоят қилишган), 3) Аббод ибн Рошид Басрий (табаа тобеин, ишончли имом. Ибн Рошид Ҳасан, Қатода, Саид ибн Абу Хайрадан ривоят қилган. Ундан Ибн Маҳдий, Абу Довуд, Абу Нуайм, Муслим ибн Иброҳим, Аффон ва бошқалар ривоят қилишган. Имом Аҳмад уни солиҳ киши ва ишончли ровий эканини айтган), 4) Аббод ибн Аббод ибн Ҳабиб Абу Муовия Аздий (ҳофиз ва ишончли ровий. Ибн Аббод Абу Ҳамза Зубайр, Осим ибн Сулаймон, Ҳишом ибн Урва ва бошқалардан ривоят қилган. Ундан Мусаддад, Аҳмад ибн Ҳанбал, Халаф ибн Ҳишом, Яҳё ибн Маин, Қутайба ибн Саид, Аҳмад ибн Манийъ ва бошқалар ривоят қилишган. Аббод ибн Аббод Бағдодда вафот этган), 5) Аббод ибн Аввом ибн Умар ибн Абдуллоҳ ибн Мунзир Абу Саҳл Килобий (имом, муҳаддис, ишончли ровий. Ибн Аввом Абу Молик Ашжаий, Абдуллоҳ ибн Абу Нажих Маккий, Абу Исҳоқ Шайбоний, Ибн Авн, Саид Журайрийдан ривоят қилган. Ундан Аҳмад ибн Ҳанбал, Амр Ноқид, Зиёд ибн Айюб, Али ибн Муслим Тусий, Ҳасан ибн Арафа ва бошқалар ривоят қилган. Аббод ибн Аввом 180-187-йиллар орасида вафот этган), 6) Аббод ибн Мансур Абу Салама Ножий Басрий (имом, қози. Аббод ибн Мансур Икритма, Қосим, Ато, Абу Зуҳодан ривоят қилган. Ундан Яҳё Қаттон, Язид ибн Ҳорун, Назр ибн Шумайл, Равх, Абу Осим ва бошқалар ривоят қилган. Ибн Мансур ҳижрий 152-йилда вафот этган).

Аббос, Abbos (*ap.*) – довьорак, жасур, кўркмас, ботир * 1) Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф Абулфазл Қураший Ҳошимий (машҳур саҳобий, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакилари, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг отаси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Аббос ибн Абдулмутталиб ҳижрий 32-йилда вафот этган), 2) Аббос ибн Мирдос ибн Абу Омир Абул Ҳайсам Суламий (машҳур саҳобий. Абу Довуд ва Ибн Можа Ибн Мирдосдан ривоят қилган), 3) Аббос ибн Убайдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб Қураший Ҳошимий (тобеин, ишончли ровий. Абу Довуд

ва Насоий ундан ривоят қилган), 4) Аббос ибн Жалид Ҳижрий Мисрий (тобеин, ишончли ровий. Абу Довуд ва Табарий ундан ривоят қилган. Ибн Убайдуллоҳ ҳижрий 100-йилда вафот этган), 5) Аббос ибн Саҳл ибн Саъд Ансорий Соидий (тобеин, фақиҳ, ишончли ровий. Насоийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ибн Саҳл тахминан ҳижрий 120-йилда вафот этган), 6) Аббос ибн Абу Толиб Абу Муҳаммад (ишончли ровий. У Шабоба, Яҳё ибн Абу Букайр ва Ҳавзадан дарс эшитган. Аббос ибн Абу Толибдан Ибн Можа, Ибн Абу Довуд, Умар ибн Бужайр, Абдурахмон ибн Абу Ҳотим ривоят қилган. Ибн Абу Толиб ҳижрий 258-йилда вафот этган), 7) Аббос ибн Валид ибн Мазид Абу Фазл Узрий (х. 169-269-йиллар), (табаа тобеинлардан илм олганлардан, обид ва ишончли ровий. Абу Довуд ва Насоий ундан ҳадис ривоят қилган).

Абдол, Abdol (*ap.*) – тоат-ибодат қилувчи.

Абдудоим, Abdudoim (*ap.*) – “Абдулбоқий” исми билан маънодош.

Абдузоҳир, Abduzohir (*ap.*) – барча нарсадан устун, олий, атрофдаги нарса ва ҳолатлар Унинг зоҳирлигига далолат қилувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдузоҳир ибн Фазл (Мисрдаги Фотимийлар давлати вазирларидан), 2) Абдузоҳир ибн Муҳаммад Нуриддин Абу Самх Талиний (Маккаи мукаррама хатиби ва имоми, Мисрнинг “Ал-Азҳар” билим юртида ўқиб, фақиҳ бўлган. У аввал Искандариядаги “Абу Ҳошим” масжиди имоми бўлган. Малик Абдулазиз ибн Сауд уни Маккага таклиф қилган ва Макка имоми, Дорул ҳадис раиси вазифасига тайинлаган).

Абдулатиф, Abdulatif (*ap.*) – лутф кўрсатувчи, карамли, мулойим, меҳрибон, ҳар бир нарсанинг ўта нозик жихатларигача билиб турувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулатиф ибн Аҳмад ибн Умар Қозий Тақиюддин Аснавий Мисрий Шофевий (Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Асқалонийдан илм олганлардан), 2) Абдулатиф ибн Абдулазиз ибн Аминуддин Кармоний (ханафий фақиҳи. Фикҳга оид “Шарҳул мажмаил баҳрайн”, усулга оид “Шарҳул манор” каби асарлар муаллифи).

Абдулаъло, Abdula'lo (*ap.*) – энг улуғ Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулаъло ибн Адий Баҳроний Ҳимсий Қозий (тобеин, Абдурахмон ибн Адийнинг биродари. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар ва Заҳабий уни ишончли ровий деган), 2) Абдулаъло ибн Абдуллоҳ ибн Омир ибн Курайз Абу Абдурахмон Кураший (кичик тобеин. Абу Довуд “Қадар”да ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар унинг макбул ровий эканини айтган), 3) Абдулаъло ибн Абдуллоҳ ибн Абу Фарва Абу Муҳаммад Маданий (катта табаа тобеин, Усмон ибн Аффон оиласи мавлоси. Абу Довуд “Маросил”да ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар у ишончли ровий ва фақиҳ бўлганини айтган), 4) Абдулаъло ибн Абдулаъло ибн Муҳаммад Абу Муҳаммад Кураший Басрий Сомий (табаа тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ибн Абдуллоҳ ҳижрий 189-йилда вафот этган), 5) Абдулаъло ибн Қосим Абу Бишр Ҳамдоний (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ибн Қосим ишончли ровий саналади), 6) Абдулаъло ибн Мусҳир ибн Абдулаъло Абу Мусҳир Димашқий (табаа тобеинлардан илм олганлардан (х. 140-218-йиллар). Ибн Мусҳир фозил киши, Шом юртининг шайхи бўлган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 7) Абдулаъло ибн Восил ибн Абдулаъло ибн Ҳилол Асадий Куфий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган. Ибн Восил ишончли ровий саналади. У 247-йилда вафот этган), 8) Абдулаъло ибн Ҳаммод ибн Наср Абу Яҳё Боҳилий (хофиз, муҳаддис. У Ҳаммод ибн Салама, Абдулжаббор ибн Вард, Вухайб ибн Холид, Молик ибн Анас, Саллом ибн Абу Мутеъ, Язид ибн Зурайъ, Ҳаммод ибн Зайд, Абдуворис ва бошқалардан ривоят қилган. Ибн Ҳаммоддан Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Ҳоким, Абу Зуръа, Муҳаммад ибн Абд ибн Ҳумайд, Абдуллоҳ ибн Ножия, Абу Яъло Мавсилий, Абул Қосим Бағавий ва яна кўплаб ровийлар ривоят қилишган. Абдулаъло ибн Ҳаммод ҳижрий 237-йилда жумодус соний ойида вафот этган).

Абдулғаввал, Abdul'avval (*ap.*) – бошланишининг аввали йўқ, барча нарсадан аввал Зот – Аллоҳнинг бандаси * Абдулғаввал ибн Исо ибн Шуайб ибн Иброҳим ибн Исҳоқ Абулвақт Сижзий (шайх, имом, зоҳир, суфий, шайхул Ислому. У ҳижрий 458-йилда туғилган. Ибн Исо 465-йилда Абул Ҳасан Абдурахмон ибн Муҳаммад Довудийдан “Ас-Саҳих”, “Сунану Доримий” ва “Мунтахабу муснади абд ибн хумайд”ни эшитган. Абдулғаввал ибн Исо Абу Осим Фузайл ибн Яҳё, Муҳаммад ибн Абу Масъуд Форисий, Абу Яъло Соид ибн Ҳибатуллоҳ, Бийбо бинти Абдусмад, Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Афифлардан ҳам дарс эшитган).

Абдулғаҳад, Abdul'ahad (*ap.*) – Ўз зоти ва сифатида Ягона Аллоҳнинг бандаси.

Абдулазиз, Abdulaziz (*ap.*) – куч-қувват Эгаси, ҳеч қачон мағлуб бўлмайдиган, барча нарсадан голиб келувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулазиз ибн Усайд Тоҳий Басрий (тобеин), 2) Абдулазиз ибн

Башир ибн Каъб Адавий Басрий (тобеин), 3) Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Холид ибн Усайд Абул Ҳажжож Қураший Умавий (тобеин), 4) Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам Қураший Умавий (кичик тобеин, халифа Абдулмаликнинг туғишган биродари, машхур халифа Умар ибн Абдулазизнинг отаси), 5) Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб Абу Муҳаммад Қураший Адавий (табаа тобеин), 6) Абдулазиз ибн Абу Ҳозим Салама ибн Динор Абу Таммом Маданий (табаа тобеин, муҳаддис ва фақиҳ. Ибн Ҳанбал у ҳақида: “Мадинада Моликдан кейин Ибн Абу Ҳозимдан ҳам фақиҳроқ бирон олим бўлмаган”, деган).

Абдульазим, Abdul'azim (*ap.*) – инсон ақли, тафаккури тасаввур қила олмайдиган даражада улуғ Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдульазим ибн Абдулқавий ибн Абдуллоҳ ибн Салома ибн Саъд Абу Муҳаммад Закиюддин Мунзирий Шомий Мисрий Шофезий (имом, аллома, ҳофиз, муҳаққик, шайхул Ислоом, ҳадис ва араб тили билимдони. Ибн Абдулқавий ҳижрий 581-йилда туғилган. Мунзирий кўплаб таснифлар муаллифидир. Жумладан, “Ат-Тарғиб ват-тарҳиб”, “Шарҳут танбиҳ”, “Мухтасару саҳиҳи муслим”, “Мухтасари сунани аби довуд” каби асарлар Мунзирий қаламига мансуб. Мунзирий Мисрда туғилиб, ўша ерда вафот этган), 2) Абдуъазим ибн Воҳид ибн Зофир ибн Абу Исбаъ Бағдодий Мисрий (шоир, адабиёт соҳаси билимдони. Ибн Воҳиб Мисрда туғилиб, ўша ерда вафот этган. У “Бадиул Қуръон”, “Фи анвоил бадиъил ворида фил оетил карима”, “Таҳрирут таҳбир”, “Ал-Хавотирус савониҳ фи кашфи асрорил фавотиҳ”, “Ал-Бурҳон фи эъжозил қуръон” каби асарлар муаллифидир).

Абдулькабар, Abdul'akbar (*ap.*) – энг улуғ ва буюк Аллоҳнинг бандаси.

Абдульалий, Abdul'aliy (*ap.*) – жуда олий мартабали Аллоҳнинг бандаси * Абдульалий Муҳаммад ибн Низомиддин Муҳаммад Абул Аббос Ансорий (машхур ханафий фақиҳи. “Баҳрул улум” лақаби билан танилган. Кўплаб асарлар муаллифи).

Абдульалим, Abdul'alim (*ap.*) – барча ҳодиса ва нарсаларнинг ботиний, зоҳирий, энг нозик ва энг катта жиҳатларигача Билувчи, илми ҳамма нарсани қамраб олган Зот – Аллоҳнинг бандаси.

Абдулбар, Abdulbar (*ap.*) – бандаларига чексиз яхшиликлар қилувчи, лутф-карами ва эҳсонининг чеки йўқ Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулбар ибн Абульало Ҳасан ибн Аҳмад Ҳамадоний (шайх, ҳофиз, ровий. У отаси, Али ибн Муҳаммад Мушконий, Наср ибн Музаффар Бармакий, Абулвақт Сижзий, Абулхайр Муҳаммад ибн Аҳмад Боғобондан ривоят эшитган. Ибн Абульалодан Бирзолий, Зиё, Садр Бакрий ва бошқалар ривоят қилишган. Абдулбар ибн Абулаъло ҳижрий 624-йилда вафот этган), 2) Абдулбар ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ажхурий (мисрлик шофезий мазҳаби фақиҳи. Фикҳ ва бошқа соҳада бир неча шарҳлар, хошиялар ёзган).

Абдулбасир, Abdulbasir (*ap.*) – ҳар бир нарсани кўриб турувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулборий, Abdulboriy (*ap.*) – йўқдан бор қилувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулбосит, Abdulbosit (*ap.*) – Ўз карами ва раҳмати билан хоҳлаган бандаси ризқини кенг қилувчи, бандаларнинг ҳаётлик чоғларида жасадлари ичидаги руҳларини кўйиб юборувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулбосит ибн Халил ибн Шохин Зайнуддин Қоҳирий (тарихчи, ханафий фикҳи билан ҳам шуғулланган. Ибн Халил Дамашқ ва Қоҳирада таҳсил олган. У “Ар-Равзул босим фи ҳаводисил умури ват тарожим”, “Найлул амал фи зайлид дувал”, “Ғоятус сул фи сийратир расул” каби асарлар муаллифи. Яна ханафий фикҳига оид бир неча шарҳлари ҳам бор), 2) Абдулбосит ибн Мусо ибн Муҳаммад ибн Исмоил Улмавий (дамашқлик шофезий мазҳабига мансуб воизлардан), 3) Абдулбосит ибн Ҳасан ибн Мустафо ибн Фатҳуллоҳ (фозил, котиб, “Ал-мажмаул илмий ал-арабий” аъзоларидан. Ибн Ҳасан Байрутда туғилиб, ўша ерда вафот этган. Унинг кўплаб мақолалари матбуотда босилган).

Абдулбоқий, Abdulboqiy (*ap.*) – доим боқий турувчи, фонийлик сифатидан холи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулбоқий ибн Қонез (ахли илм, саҳобалар ҳақидаги луғат муаллифи), 2) Абдулбоқий ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абу Тоҳир Баззо (солиҳ шайхлардан бўлган (х. 381-461-йиллар). У сафар ойининг 20-куни жума оқшомида вафот этиб, жума куни имом Аҳмад мақбарисига дафн қилинган).

Абдулвадуд, Abdulvadud (*ap.*) – солиҳ бандаларини яхши кўрувчи, солиҳ бандалари томонидан севиловчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулвакил, Abdulvakil (*ap.*) – махлуқотлари ишларини амалга ошириб, уларга манфаат етказишга қафил бўлган Аллоҳнинг бандаси.

Абдулвалий, Abdulvaliy (*ap.*) – ёрдам берувчи, валий бандаларини яхши кўрувчи, бутун оламдаги махлуқотлар ишларини бошқариб турувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулвахҳоб, Abdulvahhob (*ap.*) – бандаларига эваз ёки бирон ғаразни ният қилмаган ҳолда кўплаб неъматларни доимий суратда ато этувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулвахҳоб ибн Бухт Абу Убайда Қураший Умавий (тобеин), 2) Абдулвахҳоб ибн Абу Бакр Маданий (табаа тобеин), 3) Абдулвахҳоб ибн Ҳакам ибн Нофё Абулҳасан Варроқ (Имом Аҳмаднинг шогирдларидан), 4) Абдулвахҳоб ибн Аҳмад ибн Али Ҳанафий (ҳанафий фақиҳи, “Мадорикус соликин ва иршодут толибин ила маротибил уламоил омилини” асари муаллифи).

Абдулволий, Abdulvoliy (*ap.*) – барча нарсанинг Эгаси, уларни тасарруф этувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулворис, Abdulvoris (*ap.*) – барча махлуқотлардан кейин ҳам боқий қолувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулворис ибн Абу Ҳанифа Куфий (катта табаа тобеин. Насоий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни мақбул ровий санаган), 2) Абдулворис ибн Саид ибн Заквон Абу Убайда Тамимий Анбарий (табаа тобеин, Абдусамад ибн Абдулвориснинг отаси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ибн Абу Ҳанифа ҳижрий 180-йилда вафот этган), 3) Абдулворис ибн Убайдуллоҳ Атакий Марвазий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Термизий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар ва Заҳабий унинг ишончли ровий эканини айтган. Ибн Убайдуллоҳ ҳижрий 239-йилда вафот этган), 4) Абдулворис ибн Абдусамад ибн Абдулворис ибн Саид Абу Убайда Таннурий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Муслим, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган. Абдулворис ибн Абдусамад ҳижрий 252-йилда вафот этган), 5) Абдулворис ибн Суфён ибн Жубрун Қуртубий (муҳаддис, олим, зоҳид, ишончли ровий. Ундан Абу Муҳаммад Асилий, Абу Имрон Фосий, Абу Умар ибн Ҳаззоъ ва Абу Умар ибн Абдулбар ривоят қилган. Абдулворис ибн Суфён ҳижрий 395-йилда вафот этган).

Абдулвосеъ, Abdulvose' (*ap.*) – раҳмати барча нарсадан кенг, хоҳлаган бандаси ризқини кенгайтирувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулвосеъ ибн Абдулкофий ибн Абдулвосеъ ибн Абдулжалил Қозий Шамсуддин Асирий Димашқий Шофёбий (Али Абу Абдуллоҳ Суламий Макдисийдан Байҳақийнинг “Ас-Сунанул кубро”сини эшитган. Умму Муайяд Зайнаб бинти Абдурахмондан ривоят қилган), 2) Абдулвосеъ ибн Яҳё Восеъий Санъоний (ҳадис илми билимдони ва тарихчи олим. У “Канзус сикот фи илмил авқоф”, “Ал-Ақдул фаридул жомеъ лимутафарриқатил асонид”, “Ал-Мухтасар фит-тарғиби ват-тарҳиб”, “Ал-Латоифул баҳийя” каби асарлар муаллифидир).

Абдулвоҳид, Abdulvohid (*ap.*) – Яккаю Ягона, шериги йўқ Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулвоҳид ибн Айман Абулқосим Қураший Махзумий (кичик тобеин, Қосим ибн Абдулвоҳиднинг отаси. Бухорий, Муслим ва Насоий ундан ривоят қилган), 2) Абдулвоҳид ибн Абдуллоҳ ибн Буср Мозиний Ҳимсий (кичик тобеин, “Сихоҳи ситта” соҳибларидан биронтаси ундан ривоят қилмаган, аммо Ибн Ҳажар уни ишончли ровий санаган), 3) Абдулвоҳид ибн Абдуллоҳ ибн Каъб ибн Умайр Абу Юср Насрий (кичик тобеин. Муслимдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 4) Абдулвоҳид ибн Қайс Абу Ҳамза Суламий (кичик тобеин), 5) Абдулвоҳид ибн Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом Абу Ҳамза Қураший Асадий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Муслим, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган), 6) Абдулвоҳид ибн Сафвон ибн Абу Айёш Қураший Умавий Маданий (катта табаа тобеин. Басрада яшаган. Ибн Можа “Тафсир”да ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар унинг мақбул ровий эканини айтган), 7) Абдулвоҳид ибн Зиёд Абу Бишр Абдий (табаа тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ибн Зиёд ҳижрий 176-йилда ёки ундан кейин вафот этган), 8) Абдулвоҳид ибн Али ибн Умар ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Бурҳон (фикҳ, сарф-наҳв ва тарихга оид асарлар, жумладан “Ал-Ихтиёр фил фикҳ” китоби муаллифи).

Абдулжаббор, Abduljabbor (*ap.*) – махлуқотлари устидан мутлақ Ғолиб, уларга Ўзи хоҳлаган амр-қайтариқларни жорий қилувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулжаббор ибн Воил ибн Ҳужр Абу Муҳаммад Ҳазрабий Куфий (тобеин, Алқама ибн Воилнинг биродари. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Абдулжаббор ибн Воил ҳижрий 112-йилда вафот этган), 2) Абдулжаббор ибн Аббос Ҳамадоний Куфий (катта табаа тобеин), 3) Абдулжаббор ибн Вард ибн Абу Вард Абу Ҳишом Қураший Махзумий (катта табаа тобеин, ишончли ровий, Вуҳайб ибн Варднинг биродари. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган), 4) Абдулжаббор ибн Умар Абу Умар Айлий Қураший Умавий (катта табаа тобеин), 5) Абдулжаббор ибн Алоъ ибн Абдулжаббор Абу Бакр Аттор Басрий Маккий (табаа тобеинлардан илм олганлардан, имом, муҳаддис, ишончли ровий. У Суфён ибн Уяйна, Юсуф ибн Атийя, Марвон ибн Муовия, Абдулвахҳоб Сақафий, Муҳаммад ибн Жаъфар Ғундар ва бошқалардан ривоят қилган. Ўз навбатида ундан Муслим, Термизий, Насоий, Абу Бакр ибн Абу Осим,

Исҳоқ ибн Аҳмад Хузойи, Умар ибн Бужайр, Абу Қурайш Муҳаммад ибн Жумъа, Яҳё ибн Соид, Ибн Хузайма, Абу Аруба Ҳарроний ва бошқалар ривоят қилган. Ибн Хузайма Ибн Алоъ ҳақида: “У ва Бундардан кўра тез қироат қиладиган бирон кишини кўрмаганман”, деган. Абдулжаббор ибн Алоъ ҳижрий 248-йилда вафот этган), 6) Абдулжаббор ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдулжаббор ибн Тавба Абу Мансур Укбарий Шофёбий (имом, қори, фақиҳ. У Абу Муҳаммад ибн Ҳазормард ва Абу Хусайн ибн Накқурдан ривоят эшитган. Ундан Ибн Асоқир, Самъоний Тоҷул Киндий, Юсуф ибн Муборак Хаффоф, Абдулазиз ибн Ахзар ва бошқалар ривоят қилган. Абу Мансур Укбарий ҳижрий 535-йилда жумодус соний ойининг учинчи куни вафот этган), 7) Абдулжаббор ибн Абдулҳолиқ ибн Муҳаммад Абу Муҳаммад (муфассир, ҳанбалӣ мазҳаби фақиҳларидан. Бағдодда туғилиб, ўша ерда ижод қилган. У “Тафсирул қуръон”, “Ал-муқаддамоту фи усулил фикҳ” каби асарлар муаллифи).

Абдулжавод, Abduljavod (ap.) – мурувват ва марҳамат соҳиби Аллоҳнинг бандаси * Абдулжавод ибн Абдулатиф Қоётӣ (шофёбий мазҳаби фақиҳи. Мисрнинг Қоёт шаҳрида туғилиб, ўша ерда вафот этган. Қоҳирада таълим олган. Унинг насаби машҳур саҳоба Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳуга бориб тақалади. У “Мажмаул фатово” ва “Ал-Интисор ли-аҳлит тариқ” каби асарлар муаллифидир).

Абдулжалил, Abduljalil (ap.) – улуғлик сифатини ўзида жамлаган буюк Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулжалил ибн Ҳумайд Абу Молик Яҳсабий (катта табаа тобеин. Насоий ундан ривоят қилган. У ишончли ровий саналади. Ибн Ҳумайд ҳижрий 148-йилда вафот этган), 2) Абдулжалил ибн Атийя Абу Солиҳ Қайсий (катта табаа тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Абу Довуд ва Насоий “Сунан”да ундан ривоят қилган. Ибн Атийя ишончли ровийдир), 3) Абдулжалил ибн Абу Саъд Мансур ибн Исмоил Абу Муҳаммад Ҳаровий Фомий (адолатли, ҳурматли ва солиҳ кишилардан, Ҳирот аҳли муҳаддиси ва ровийси (470-562). У Бийбо бннти Абдусаммад Ҳарсамия, Абдурахмон ибн Муҳаммад Кулор Бушунжий ва Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Ансорийлардан дарс эшитган. Ибн Абу Саъддан Самъоний, фарзанди Абу Музаффар, Абдулбоқий ибн Абдулвосеъ Аздий, хофиз Абдулкодир Руҳовийлар ривоят қилишган), 4) Абдулжалил ибн Мусо ибн Абдулжалил Абу Муҳаммад Ансорий Авсий Андалусий Қуртубий (шайх, имом, аллома, ориф. У “Қасрий” нисбати билан машҳур бўлган. Абдулжалил ибн Мусо “Муваддоъ”ни Абулҳасан ибн Ҳунайдан ривоят қилган. Ундан Абу Абдуллоҳ Аздий, Абулҳасан Ғофиқий ва бошқалар ривоят қилишган. Ибн Мусо Қасрий ҳижрий 608-йилда вафот этган), 5) Абдулжалил ибн Абу Ғолиб ибн Абулмаолий ибн Муҳаммад ибн Хусайн ибн Мандавайҳ Абу Масъуд Асбахоний Сарийжоний (шайх, имом, қорилар устози (522-610). У “Ибн Мандавайҳ” кунyasi билан машҳур бўлган. Ибн Мандавайҳ Наср ибн Музаффар ва Абулвақт Сижзодан илм олган. Ундан Бирзолий, Мунзирий, Ибн Халил, Зиё, Ялдоний, Қусий, Абу Бақр ибн Умар Миззий, Али ибн Абу Бақр ривоят қилган), 6) Абдулжалил ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Муродий Қайравоний (тунислик тарихчи, “Танбиҳул аном” ва “Шифоул асқом” асарлари муаллифи), 7) Абдулжалил ибн Абулмавоҳиб Муҳаммад ибн Абдулбоқий Мавоҳибий Ҳанбалӣ Димашқий (фозил кишилардан, сарф ва наҳвга оид асарлар муаллифи).

Абдулжамил, Abduljamil (ap.) – гўзалликни яхши кўрувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулкабир, Abdulkabir (ap.) – ўта улуғ, махлуқотлари устидан мутлақ Ҳоқим, азалий, абадий Зот – Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулкабир ибн Абдулмажид ибн Убайдуллоҳ Абу Бақр Басрий (кичик табаа тобеин, Абу Али, Шарик ва Умайрлар биродари. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Абу Бақр Басрий ҳижрий 204-йилда вафот этган), 2) Абдулкабир ибн Муҳаммад ибн Исо ибн Муҳаммад ибн Бақий Абу Муҳаммад Ғофиқий (Андалусияда ўз вақтининг фуқаҳолари шайхи, моликий мазҳаби фақиҳи), 3) Абдулкабир ибн Муҳаммад ибн Абдулкабир Ҳусний Идрисий (Фоснинг кўзга кўринган фақиҳларидан. У Фос шаҳрида туғилиб, ўша ерда вафот этган), 4) Абдулкабир ибн Ҳишом Абу Муҳаммад Каттоний (Фос шаҳридан бўлган тарихчи).

Абдулкарим, Abdulkarim (ap.) – карами чексиз, инъом қилиши билан хазинаси камайиб қолмайдиган Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулкарим Уқайлий Басрий (кичик тобеин. Бухорий “Фи халқи афъолил ибод”да ундан ривоят қилган), 2) Абдулкарим ибн Рашид Басрий (кичик тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ҳадис ровийси), 3) Абдулкарим ибн Ҳорис ибн Язид Абу Ҳорис Ҳазрамий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Муслим ва Насоий ундан ривоят қилган), 4) Абдулкарим ибн Сулайт ибн Уқба Ҳанафий Марвазий Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Насоий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни мақбул ровий санаган), 5) Абдулкарим ибн Молик Абу Саид Жазарий Ҳарроний (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳуни кўрган, олим, хофиз, Жазиранинг олими. У Саид ибн Мусайяб, Товус, Саид ибн Жубайр, Мужоҳид ибн Жабр, Икристима

ва яна кўплаб кишилардан ривоят қилган. Ундан Ибн Журайж, Шуъба, Маъмар, Суфён Саврий, Молик ибн Анас, Суфён ибн Уяйна ва бошқалар ривоят қилган. Унинг ривоятини “Сихоҳи ситта” соҳиблари ўз китобларида келтиришган. Абу Саид Жазарий ҳижрий 127-йилда вафот этган), 6) Абдулкарим ибн Абдурахмон Бажалий Куфий (табаа тобеин. Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар унинг мақбул, Заҳабий эса ишончли ровий эканини айтган), 7) Абдулкарим ибн Муҳаммад Абу Муҳаммад Журжоний Қозий (табаа тобеин), 8) Абдулкарим ибн Муҳаммад Абу Муҳаммад Журжоний (кичик табаа тобеин, Журжон шаҳри қозиси. Термизий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни мақбул ровий санаган. Абдулкарим ибн Муҳаммад ҳижрий 180-йилда вафот этган), 9) Абдулкарим ибн Ҳавозин ибн Абдулмалик ибн Талҳа Абулқосим Қушайрий Хуросоний Нишопурий Шофеъий (имом, зоҳид, муфассир ва сўфий. У ҳижрий 375-йилда туғилган), 10) Абдулкарим ибн Ҳамза ибн Хизр ибн Аббос Абу Муҳаммад Суламий Димашкий (шайх, ишончли ровий. У Абулқосим Ҳинноий Абу Бакр Хатиб, Муҳаммад ибн Маккий, Абдудоим ибн Ҳасан Ҳилолий ва бошқалардан илм ўрганган. Абу Муҳаммад Суламий ҳижрий 526-йил, зулкаъда ойида вафот этган), 11) Абдулкарим ибн Абдуллоҳ Аббосий (ҳанафий фақиҳи, Мадинаи мунавварада муфтий вазифасида ишлаган).

Абдуллоҳ, Abdulloh (*ap.*) – Ўз зоти ва сифатида Ягона, Ундан ўзга илоҳ йўқ, ибодатга энг муносиб Зот – Аллоҳ таолонинг бандаси (Саҳиҳ ҳадисда айтилишича, Аллоҳ учун энг маҳбуб исмлардан бири) * 1) Абдуллоҳ¹ ибн Усмон (Абу Қуҳофа) ибн Омир ибн Амр ибн Каъб ибн Саъд ибн Тайм ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб Абу Бакр Сиддиқ Таймий Қураший (машҳур саҳобий, хулафои рошидинлардан, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг энг яқин дўстлари. Унинг Исломдан олдинги исми “Абдулкаъба” бўлган. Насаби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Мурра ибн Каъба бирлашади. Абу Бакр Сиддиқ, унинг отаси Абу Қуҳофа, Абу Бакрнинг икки ўғли Муҳаммад ва Абдурахмон, набираси Абу Атиқлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суҳбатларида бўлишган). 2) Абдуллоҳ ибн Масъуд ибн Оқил ибн Ҳабиб ибн Фор ибн Шамх ибн Махзум ибн Соҳила ибн Коҳил ибн Ҳорис ибн Тамим ибн Саъд ибн Ҳузайл ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар Абу Абдурахмон Ҳузалий (машҳур саҳобий, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яқин сирдошларидан эди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафотларидан сўнг Куфа байтул молига раҳбарлик қилган), 3) Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим Абул Аббос Қураший Ҳошимий (машҳур саҳобалардан. Онаси Лубоба бинти Ҳорис ибн Ҳазн ибн Бажийя ибн Ҳазм ибн Рубийя ибн Абдуллоҳ ибн Ҳилол ибн Омир ибн Саъсаъа Ҳилолия Хадижа розияллоҳу анҳодан кейин Исломни қабул қилган иккинчи аёлдир. Ибн Аббос ҳижратдан уч йил аввал дунёга келган. Туғилганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам муборак сўлақлари билан унинг танглайини кўтарганлар. Ибн Аббос илми кўплиги, фаҳми ўткирлиги сабаб “умматнинг олими”, “илмда денгиз каби” “Қуръон таржимони” (яъни, муфассири) деб чақирилди. У динда фақиҳ, таъвил илми билимдони эди. Абдуллоҳ ибн Аббос ҳозиржавоб ва зийрак бўлган. Унинг юзи нурли, ранги оқ, бўйи узун, танаси гўштдор эди. Абдуллоҳ ибн Аббос Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан 1660 га яқин ҳадис ривоят қилган. Унинг ривоятлари “Сихоҳи ситта” соҳиблари томонидан келтирилган. Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ҳижрий 68-йилда Тоифда вафот этган. Унинг жанозасини Муҳаммад ибн Ҳанафия ўқиган ва уни “Бу умматнинг раббонийси”, деб атаган). 4) Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб Абу Абдурахмон Адавий (машҳур саҳобий. Ибн Умар отаси Умар розияллоҳу анҳумо билан ҳижрат қилган. У Қурайш ёшлари ичида дунёдан ўзини тийиб туришда энг кучлиси эди. Унга ибодат қилишда кўп куч-қувват берилганди. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларини маҳкам ушлаган, охиратни таниган, уни дунёдан устун кўйганди. Дунё ва ундаги нарсалар Абдуллоҳни чалғитолмас, фитнага сола олмасди. Ибн Умар ибодатларини хушў билан бажарар, кўп йиғларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни солиҳ кишилардан

¹ “Абдуллоҳ” исми саҳобалар “абодила” дейилади. “Абодила” сўзи “Абдуллоҳ” исмининг кўплик шакли ҳисобланади. Ибн Салоҳга кўра, Абдуллоҳ исми саҳобалар сони икки юз йигирмага, Ибн Фатхунга кўра, уч юзга яқин. Аслида “Абдуллоҳ” исми саҳобаларнинг барчаси “абодила” дейилади. Аммо фикҳ ва мусталаҳул ҳадис илмида “абодила” дейилганда, Қурайш қавмидан бўлган машҳур тўрт саҳобий – Абдуллоҳ ибн Умар, Абдуллоҳ ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ва Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳум назарда тугилади. Айнан бу зотлар “абодила” деб танилишларига сабаб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик вақтларида улар бошқа саҳобаларга нисбатан ёшроқ бўлишган, илм-маърифатли бўлганлари боис кўп йиллар давомида одамлар улар ҳузурига келиб, савол бериб туришган. Мазкур саҳобалар ибодатлари, такволари билан бир қаторда кишилар саволларига берган жавоблари орқали ҳам машҳур бўлишган. Агар фикҳда “бу абодиланинг қавли”, дейилса, мазкур тўрт саҳоба қавли назарда тугилади.

ҳисоблаганлар. Ёши кичиклиги сабаб Бадрда қатнашишга рухсат берилмаган. Абдуллоҳ бундан жуда хафа бўлиб, кўп кўз ёш тўккан. Кейин Хандақ ғазотида қатнашган. Унинг узугига “Абдуллоҳ Аллоҳ учун”, деб ёзиб қўйилганди. Олтмиш йил давомида одамларга фатво берган. Абдуллоҳ ибн Умар 73/74-йилда саксон олти ёшида оёғидаги жароҳат сабаб вафот этган. У Маккада энг охирги вафот этган саҳобийдир), 5) Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос ибн Воил ибн Ҳишом ибн Саид ибн Саъд ибн Саҳм ибн Амр ибн Ҳусойс ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб Абу Муҳаммад (Қурайш қабиласидан бўлган машҳур саҳобий. У солиҳ амалларда серғайратлиги билан машҳур бўлган. Абдуллоҳ ибн Амр кундузлари рўза тутар, кечалари намозда бардавом бўлар, Куръонни ҳар куни бир марта хатм қиларди. Бу йўлда ҳатто таркидунё қилиш даражасига етганида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни бу ишдан қайтарганлар, кунора рўза тутишга, Куръонни камида етти кунда бир хатм қилишга, ҳам ибодат қилиб, ҳам ўзгалар ҳақини адо этишга чақирганлар. Онасининг исми Райта бинти Мунаббих ибн Ҳажжож ибн Омир ибн Ҳузайфа ибн Саъд ибн Саҳмдир. У билан отаси ўртасида йигирма йил бор эди. Абдуллоҳ ибн Амр 63-йилда вафот этган. Абдуллоҳ ибн Амрдан саҳобалардан Абу Умома Боҳилий, Суфён ибн Авф Қорий, Мисвар ибн Махрама, Абу Умома ибн Саҳл ибн Ҳунайф, Соиб ибн Язид, Абу Туфайл, тобеинлардан Саид ибн Мусайяб, Қосим ибн Муҳаммад, Урва, Абу Салама ибн Абдурахмон, Ҳумайд ибн Абдурахмон, Исо ибн Талха ибн Убайдуллоҳ ва Икрималар ривоят қилишган). 6) Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом Абу Бакр Қураший Асадий (машҳур саҳобий, Зубайр ибн Аввом ва Асмоъ бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳумоларнинг ўғли. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари Оиша розияллоҳу анҳо бу кишига хола бўладилар. Унинг бобоси Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудир. Ота тарафдан бувиси Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аммалари Сафийя бинти Абдулмутталибдир. Абдуллоҳ ибн Зубайр хижратдан сўнг Мадинада биринчи туғилган саҳоба саналади. Туғилганида унинг танглайини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кўтарганлар ва унга “Абдуллоҳ” деб исм қўйганлар. Унинг туғилиши мусулмонларга чексиз қувонч бахш этган. Саккиз ёшида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат берган. У кундузлари рўза тутар, кечалари ибодатда қоим бўларди. У тўғри сўзлар, қариндошлари билан яхши муносабатда бўлар, фожир кишиларга қаттиқ турар, тақводорларга ўзини хокисор тутарди. Абдуллоҳ ибн Зубайрни 73-йилда Ҳажжож ибн Юсуф қатл қилдирган. Туғилганида улуғ саҳобалар хурсанд бўлиб такбир айтган бўлсалар, вафот этганида Шом аҳлининг фожир кимсалари такбир айтганлар. Аллоҳ таоло у кишидан рози бўлсин), 7) Абдуллоҳ ибн Қайс Абу Мусо Ашъарий (машҳур олим, қори ва фақиҳ саҳобалардан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Муоз ибн Жабал билан Яманга юборганлар. У Маккада мусулмон бўлган, Ҳабашистонга хижрат қилган, икки хижрат – Ҳабашистон ва Мадина хижрати соҳиби. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни омил қилиб тайинлаганлар. Абу Мусо Куръонни чиройли қироат қилишда машҳур бўлган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни мактаб, “Сенга Довуд алайҳиссаломнинг чиройли овози берилган экан”, деганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Автос куни унинг ҳақиқага дуо қилиб, “Эй Аллоҳ, унинг гуноҳини мағфират қил, уни ҳурматли жойга (жаннатга) кирит!” деганлар. Абу Мусо кўп юртларни фатҳ қилишда иштирок этган ва волийлик қилган. Абу Мусо Умму Кулсум бинти Фазл ибн Аббос ибн Абдулмутталибга уйланган. Улардан Мусо ибн Абу Мусо туғилган. Абу Мусо онасининг исми Забъа бинти Ваҳб ибн Ак бўлган. У Ислонни қабул қилган, Мадинада вафот этган. Вафоти қачон, қабри қаерда экани борасида ихтилофлар бор. Баъзилар айтишича, Абу Мусо 52-йилда вафот этган ва Маккага дафн қилинган. Бошқа ривоятда келишича, 44-йилда вафот этган ва Куфадан икки мил узоқликдаги “Тавба” деган жойга кўмилган. Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳудан саҳобалардан Абу Саид, Абу Ҳурайра, Анас ибн Молик, Абу Дардо, Абу Умома, Усома ибн Шарик ва Торик ибн Шихоб розияллоҳу анҳум, тобеинлардан Саид ибн Мусайяб, Товус, Абу Усмон Наҳдий раҳматуллоҳи алайҳим ривоят қилишган). 8) Абдуллоҳ ибн Абдульғасад ибн Ҳилол ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум Абу Салама (саҳобий, илк имон келтирганлардан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аммалари Барра бинти Абдулмутталиб ибн Ҳошимнинг ўғли, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эмиқдош биродарлари, Умму Салама онамизнинг аввалги завжаси, икки хижрат соҳиби – Ҳабашистон ва Мадинага хижрат қилган. У Ҳабашистондалигида ўғли Умар ибн Абу Салама туғилган. Абу Салама Бадр ва Уҳуд жанглирида қатнашиб, жароҳат олган ва хижрий тўртинчи йилда вафот этган). 9) Абдуллоҳ ибн Равоҳа ибн Имрулқайс ибн Саълаба ибн Абд ибн Амр ибн Имрулқайс ибн Саълаба ибн Каъб ибн Хазраж (машҳур саҳобий, Ақаба ва Бадрда иштирок этган. Саккинчи йилда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Жаъфардан кейин амир қилиб тайинлаганлар. Ибн Равоҳа Муъта куни шаҳид бўлган. У Набий

соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кўриқчилари ва шоирлари эди. Анас ибн Молик ундан ҳадис ривоят қилган), 10) Абдуллоҳ ибн Арқам ибн Абдуяғус ибн Ваҳб ибн Абдуманоф ибн Зухра Қураший (саҳоба, Умар ибн Хаттоб уни халифалиги даврида байтул молга раҳбар этиб тайинлаган. Онасининг исми Умара бинти Арқам ибн Ҳишом ибн Абдуманофдир. Ибн Арқам Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам котибларидан бири бўлган. Кейинчалик Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анхумога котиблик қилган). 11) Абдуллоҳ ибн Ҳузофа ибн Қайс ибн Адий ибн Саид ибн Саҳм ибн Амр ибн Ҳусойс ибн Каъб ибн Луай Саҳмий (саҳоба, Хорижа ибн Ҳузофанинг туғишган биродари, Урва, Ибн Шихоб ва Ибн Исҳоқлар уни Бадрда қатнашганлар қаторида зикр қилишмаган. Ибн Исҳоқ: “У Ҳабашистонга ҳижрат қилганлардан”, деган. Баъзи хабарларда келишича, Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Бадрда қатнашган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳажжатул вадодда Абдуллоҳ ибн Ҳузофага Мино кунлари еб-ичиш кунлари эканини эълон қилишни буюрганлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни Кисро олдига элчи қилиб юборганлар. Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Усмон розияллоҳу анху халифалиги даврида Мисрда вафот этган). 12) Абдуллоҳ ибн Зоида, “Ибн Умму Мактум” куняси билан машҳур бўлган (кўзи ожиз саҳоба. Унинг исми борасида ихтилофлар бор. Баъзилар унинг исмини “Амр”, яна баъзилар “Абдуллоҳ”, бошқалар “Ибн Исҳоқ” деб келтиришган. Аслида у Абдуллоҳ ибн Амр² ибн Шурайх ибн Қайс ибн Зоида ибн Асамдир. Мусъаб Зубайрий айтади: “Умму Мактумнинг исми Отика бинти Абдуллоҳ ибн Анкаса ибн Омир ибн Махзумдир. Абдуллоҳ ибн Умму Мактум розияллоҳу анху “Абаса” сурасининг аввалги оятлари нозил этилишига сабабчи бўлган. У Мусъаб ибн Умайрдан сўнг Мадинага биринчи борганлардандир. Абдуллоҳ ибн Умму Мактум Қодисияда иштирок этган. Ўшанда байрокни кўтариб юрган). 13) Абдуллоҳ ибн Муғаффал ибн Абдунаҳм ибн Афиф ибн Усуҳайм ибн Рабийъа ибн Адий ибн Зуайб ибн Саъд ибн Идод ибн Усмон ибн Амр ибн Ад ибн Тобиха ибн Илёс ибн Музар Абу Саид Музаний (саҳоба. Онасининг исми Айла бинти Муовия ибн Муовиядир. Абдуллоҳ ибн Муғаффал Басрада яшаган. Унинг уйи Басрада, жомеъ масжиди олдида бўлган. У Ҳудайбияда дарахт остида байъат берганлар. Абдуллоҳ ибн Муғаффал 60-йилда Басрада Муовия ҳукмронлигининг охирида вафот этган. Унга Оиз ибн Амр, бошқа ривоятга кўра, Абу Барза жаноза ўқиган). 14) Абдуллоҳ ибн Абу Авфо Абу Муовия Асламий (саҳоба, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан еттита ғазотда иштирок этган, Ҳунайн куни кўлидан жароҳатланган. У соч-соқолини ҳинага бўяб юрарди. Умрининг охирида кўзи ожиз бўлиб қолган. У ҳижрий 86-йилда, баъзи манбаларда айтилишича, 87-йилда Куфада вафот этган. У Куфада вафот этган саҳобаларнинг энг сўнггисидир). 15) Абдуллоҳ ибн Буср Абу Сафвон³ Суламий Мозиний (саҳоба, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга икки қиблага қараб намоз ўқиган, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бошига муборак кўллари кўйиб, унга барака сўраб дуо қилганлар. У, ота-онаси, туғишган биродари Атийя, синглиси Саммоъ Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўрган ва суҳбатларида бўлган. У 96-йилда, баъзи манбаларда айтилишича, 88-йилда Сулаймон халифалиги даврида юз ёшида вафот этган, Абдуллоҳ ибн Буср Шомда охириги вафот этган саҳоба ҳисобланади). 16) Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб Абу Жаъфар Ҳошимий (саҳоба, онасининг исми Асмоъ бинти Умайс ибн Нўмон ибн Каъб ибн Молик ибн Қуҳофа ибн Хасъас. У Ҳабаш ерида туғилган. Етти ёшида Абдуллоҳ ибн Зубайр билан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган. Қачон вафот этгани борасида турли маълумотлар бор. Баъзи китобларда 80-йилда Мадинада вафот этгани айтилса, Мадоиний таъкидлашича, у 84-йилда вафот этган. Ундан Урва ибн Зубайр, Қосим ибн Муҳаммад, Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб, Шаъбий, Ибн Абу Мулайка, фарзандлари Исмоил, Муовия ва Исҳоқлар ривоят қилишган). 17) Абдуллоҳ ибн Салом ибн Ҳорис Абу Юсуф Ҳазражий (бани қайнуқолик саҳобий. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга “Абдуллоҳ” деб исм кўйганлар. Аввалги исми “Ҳусойн” эди. Абдуллоҳ ибн Салом 43-йилда Мадинада вафот этган. Ундан Абу Ҳурайра, Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Муғаффал, ўғиллари Юсуф ва Муҳаммад, Ҳубайш Ғифорий, Қайс ибн Аббод, Рибъий ибн Ҳирош, Зурора ибн Авфо, Хараша ибн Ҳур ва Бишр ибн Шиофлар ривоят қилишган). 18) Абдуллоҳ ибн Жаҳш Абу Муҳаммад Асадий (саҳоба. Онасининг исми Умайма бинти Абдулмутталиб ибн Ҳошимдир. Абдуллоҳ ибн Жаҳш Бадрда қатнашган, Ухудда шаҳид бўлган, Ҳабашистонга ҳижрат қилганлардан. У Аллоҳдан шаҳид бўлишни сўраган эди. Дуоси қабул қилинган. Абдуллоҳ ибн Жаҳшнинг синглиси Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо мўминлар онаси

² Баъзилар “Амр ибн Қайс ибн Шурайх ибн Молик”, деб келтиришган.

³ У “Абу Буср” куняси билан ҳам чақирилган.

ҳисобланади). 19) Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ (Абу Бакр Сиддик) ибн Усмон ибн Омир (саҳоба. Абу Бакр Сиддик розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан ғорга яширинганларида ҳар тунда у ерга озик-овқат ва Маккадан хабар олиб борган. Тоиф куни яраланган, отаси Абу Бакр Сиддик розияллоху анху халифалик қилган йиллар бошида Мадинада вафот этган). 20) Абдуллоҳ ибн Ҳабиб ибн Рубаййа Абу Абдурахмон Сулабий Куфий (машҳур тобеин, қори, имом, ишончли ровий. Ҳижрий 70-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган). 21) Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб Абу Ҳошим Қураший Ҳошимий (тобеин, Ҳасан ибн Муҳаммад Ҳанафиянинг биродари. Ҳижрий 99-йилда Шомда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган). 22) Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Амр ибн Нотил ибн Молик Абу Қилоба Журмий (тобеин. Ҳижрий 104-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ибн Ҳажар унинг ишончли ровий ва фозил кишилардан бўлганини айтган. Заҳабий уни тобеинлар имомларидан, деган). 23) Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб Абу Абдурахмон Қураший Адавий (тобеин, Солим ибн Абдуллоҳнинг биродари. Ҳижрий 105-йилда вафот этган, Термизийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган). 24) Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Абу Мулайка (Зухайр) ибн Абдуллоҳ ибн Жудбон ибн Амр ибн Каъб ибн Саъд ибн Тайм ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай Абу Бакр Қураший Таймий (машҳур тобеинлардан, имом, ҳофиз, фақиҳ. Али розияллоху анху халифалиги даврида туғилган. У Оиша ва Асмоъ, Ибн Аббос, Абдуллоҳ ибн Амр Саҳмий, Ибн Умар, Ибн Зубайр, Умму Салама, Абдуллоҳ ибн Жаъфар ва Усмон ибн Аффондан ривоят қилган. Ибн Абу Мулайка ҳижрий 117-йилда вафот этган, “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган). 25) Абдуллоҳ ибн Абу Закариё (Иёс) Абу Яҳё Хузойй (тобеин. Ҳижрий 119-йилда вафот этган, Абу Довуд ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар унинг ишончли ровий, фақиҳ ва обид бўлганини айтган). 26) Абдуллоҳ ибн Урва ибн Зубайр ибн Аввом Абу Бакр Қураший Асадий, (тобеин, Ҳишом ибн Урванинг биродари. Ҳижрий 45-йилда туғилган, Абу Довуддан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган, Ибн Ҳажар унинг ишончли ровий, фозил ва донишманд кишилардан бўлганини айтган). 27) Абдуллоҳ ибн Шибрима ибн Туфайл ибн Ҳассон ибн Мунзир ибн Зирор Абу Шибрима Заббий (кичик тобеин, Куфа аҳлининг фақиҳи. 144-йилда вафот этган. Термизийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган). 28) Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб Абу Муҳаммад Қураший Ҳошимий (х. 70-145), кичик тобеинлардан. Онасининг исми Фотима бинти Ҳусайн ибн Али, “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган. 29) Абдуллоҳ ибн Саид ибн Жубайр Асадий Волибий, (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, Абдулмалик ибн Саид ибн Жубайрнинг акаси. Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий ва фозил кишилардан бўлган). 30) Абдуллоҳ ибн Муборак ибн Возих Абу Абдурахмон Ҳанзалий Тамимий (х. 118-181), машҳур табаа тобеин, Ислом ҳофизларидан, Хуросон шайхи, фақиҳ, олим, саҳий ва мужоҳид, ўзида кўплаб яхши сифатларни жамлаган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. 31) Абдуллоҳ ибн Абдулазиз ибн Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб Абу Абдурахмон Қураший Адавий (х. 98-184), (табаа тобеин, Мадина аҳли олими. Абу Довуд “Маросил”да ундан ривоят қилган, ишончли ровий). 32) Абдуллоҳ ибн Идрис ибн Язид ибн Абдурахмон ибн Асвад ибн Ҳужайя ибн Асхаб ибн Язид ибн Ҳалова Абу Муҳаммад Авдий Заофирий (табаа тобеин, ишончли ровий, обид ва фақиҳ. Ҳижрий 192-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Абдулмавлон, Abdulmavlun (ap.) – бутун оламлар Парвардигори Аллоҳнинг бандаси.

Абдулмажид, Abdulmajid (ap.) – шухрати ниҳоятда чексиз, қадри баланд, карамининг чеки йўк, ўта саҳий Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулмажид ибн Абу Язид Абу Ваҳб Уқайлий Омирий (тобеин. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ибн Маийн уни ишончли ровий санаган), 2) Абдулмажид ибн Суҳайл ибн Абдурахмон ибн Авф Абу Ваҳб Қураший Зухрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси. У Ибн Мусайяб, Абу Салама, Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган. Ундан Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий, Молик, Сулаймон ибн Билал ва Даровардий ривоят қилган), 3) Абдулмажид ибн Абдулазиз ибн Раввод Абу Абдулҳамид Аздий (кичик табаа тобеин), 4) Абдулмажид ибн имом Абдулазиз ибн Абу Раввод Абу Абдулмажид Маккий (олим, ҳофиз, содик, шайхул ҳарам, Муҳаллаб ибн Абу Суфранинг мавлоси. Ундан Абу Бакр Ҳумайдий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Муҳаммад ибн Яҳё Аданий, Ҳожиб Манбижий, Аҳмад ибн Шайбон Рамлий, Зубайр ибн Баккор, Ҳусайн ибн Абдуллоҳ Рақкий ва бошқалар ривоят қилишган), 5) Абдулмажид ибн Исмоил ибн Муҳаммад Қайсий Ҳаровий (Рум мамлакати козиси, ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан), 6) Абдулмажид Сулайм

Ханафий Мисрий (Миср диёри муфтийси, “Ал-Азхар”да шайх Муҳаммад Абдуҳдан илм олган), 7) Абдулмажид Абу Муҳаммад Шарнубий (мисрлик моликий мазхаби фақиҳларидан. У фикҳ ва ҳадисга оид кўплаб асарлар муаллифидир), 8) Абдулмажид ибн Али ибн Исмоил Адавий (Қоҳира аҳлидан бўлган, ханафий мазхабига мансуб фозил кишилардан. Унинг ҳадис, ақоид, ҳикоят ва масжид куриш фазилати ҳақида асарлари бор), 9) Абдулмажид ибн Маҳмуд Азиз Мағрибий (ханафий фақиҳи, фароиз илми билимдони).

Абдулмалик, Abdulmalik (*ap.*) – барча мулк ва тасарруфларнинг ҳақиқий Эгаси Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулмалик ибн Умайр ибн Сувайд Абу Амр Лахмий (тобеин. Ҳижрий 33-йилда туғилиб, 136-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ҳадис ривоят қилишган. Ибн Ҳажар Абдулмалик ишончли ровий эканини айтиб ўтган. Насоий ва бошқалар унинг иллати йўқлигини зикр қилишган), 2) Абдулмалик ибн Муғийра ибн Навфал ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф Абу Муҳаммад Қураший Ҳошимий (тобеин), 3) Абдулмалик ибн Саид ибн Сувайд Ансорий Маданий (тобеин), 4) Абдулмалик ибн Убайд (кичик тобеин), 5) Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж Абулвалид (ўз даврида Ҳижоз аҳли имоми, Ҳарами шарифнинг фақиҳи бўлган).

Абдулманнон, Abdulmannon (*ap.*) – бандаларига ризқ ва неъматларни муттасил тарзда бериб турувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулмужиб, Abdulmujiб (*ap.*) – бандаларининг ихлос билан қилган дуоларини қабул қилувчи, уларга ижобат этувчи Аллоҳнинг бандаси * Абдулмужиб ибн Абулқосим Абдуллоҳ ибн Зуҳайр ибн Зуҳайр Абу Муҳаммад Бағдодий (солиҳ кишилардан. У Қуръонни кўп тиловат қиларди. Абу Муҳаммад Бағдодийдан Зиё, Ибн Халил, Бирзолий, Дубайсий, Мунзирий, Нажиб, Фаҳр Али ва бошқалар ривоят қилишган. У ҳижрий 604-йилда муҳаррам ойида Ҳамот шаҳрида етмиш етти ёшида вафот этган).

Абдулмунъим, Abdulmun'im (*ap.*) – махлуқотларига неъматларини бекаму кўст берувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулмутаолий, Abdulmutaoliy (*ap.*) – бандаларининг У Зотга нисбатан айб тақашларидан Олий, бошқаларининг ҳамду саноларидан Олий, бандалар қилаётган солиҳ амаллари ва маъсиятларидан Олий Аллоҳнинг бандаси.

Абдулмуиз, Abdulmuiz (*ap.*) – бандаларидан кимни хоҳласа имон йўлига ҳидоят қилиб, азизу мукаррам қилувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулмуиз ибн Муҳаммад ибн Абулфазл ибн Аҳмад ибн Асъад ибн Соид Абу Равҳ Соидий Хуросоний Ҳаровий Баззор Суфий (улуғ шайх, ишончли ҳадис ровийларидан, Хуросон шаҳри муҳаддиси. У ҳижрий 522-йилда зудқаъда ойида Ҳиротда туғилган. Кўплаб устозлардан илм ўрганган. Жумладан, Халаф ибн Атодан “Саҳиҳул бухорий”ни, Тамим ибн Абу Саид Журжонийдан “Муснаду аби яъло”ни эшитган), 2) Абдулмуиз ибн Муҳаммад ибн Абдулмалик ибн Исмоил ибн Абдулмалик Абу Бакр (ҳадис ровийларидан).

Абдулмуқтадир, Abdulmuqtadir (*ap.*) – куч-қудрати чексиз, ниҳоятда қудратли Аллоҳнинг бандаси * Абдулмуқтадир ибн Маҳмуд ибн Сулаймон Минҳожиддин Шурайҳий Киндий (араб тилида ижод қилган ҳинд шоирларидан. У Таҳониср шаҳрида туғилган. Минҳожиддин Шурайҳий Дехлида улғайиб, ўша ерда яшаган).

Абдулмуғис, Abdulmug'is (*ap.*) – ёрдам берувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулмуҳаймин, Abdulmuhaymin (*ap.*) – барча нарсани кузатиб турувчи, уларни Ўз ҳифзида сақловчи, махлуқотларининг ҳар қандай ҳолатидан огоҳ бўлиб турувчи, ваъдасига вафо қилувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулмуҳаймин ибн Аббос ибн Саҳл ибн Саъд Соидий Ансорий Маданий (табаа тобеин, Убай ибн Аббоснинг биродари. Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар ва Заҳабийлар унинг заиф ровий эканини айтган. Абдулмуҳаймин ибн Аббос ҳижрий 170-йилда вафот этган), 2) Абдулмуҳаймин ибн Муҳаммад ибн Абдулмуҳаймин Абу Муҳаммад Ҳазрабий (адабиёт ва тарих илми билимдони).

Абдулмуҳсин, Abdulmuhsin (*ap.*) – барча махлуқотларига яхшилик қилувчи Аллоҳнинг бандаси (“Муҳсин” аслида бандалар сифати, лекин барча яхшиликлар Аллоҳга тегишли бўлиб, Аллоҳ яхшиликни мукамал суратда қилади. Бандалар У Зот берган куч-қуввати билангина яхшилик қила оладилар).

Абдулмуғний, Abdulmug'niy (*ap.*) – бандалари орасидан кимни хоҳласа, ўшани беҳожат ва бой қилувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулмўмин, Abdulmo'min (*ap.*) – дунёда жами бандаларига омонлик берувчи, охирада фақат мўмин бандаларига омонлик берувчи, омонатга вафо қилувчи, бандаларига жаннат ҳақида башорат

бериб, бунинг тасдиқи ўлароқ қиёмат куни уларни жаннатга киритувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулмўмин ибн Холид Абу Холид Ҳанафий (катта табаа тобеин. Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган. Заҳабий уни ишончли ровий санаган), 2) Абдулмўмин ибн Убайдуллоҳ Абу Убайда Садусий (табаа тобеин. Абу Довуд “Қадар”да, Ибн Можа “Тафсир”да ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар унинг ишончли ровий эканини айтган), 3) Абдулмўмин ибн Халаф ибн Туфайл ибн Зайд Абу Яъло Тамимий Насафий (имом, ҳофиз. У ҳижрий 259-йилда туғилган), 4) Абдулмўмин ибн Халаф ибн Абулҳасан ибн Шарафиддин ибн Хизр ибн Мусо Абу Муҳаммад Димётий (ҳадис ровийларидан. У ҳадис ва насаб илмида етакчи бўлган. Ҳижрий 705-йилда зулқайда ойининг 15-куни вафот этган), 5) Абдулмўмин ибн Абдулҳақ Сафийюддин Бағдодий Ҳанбалий (Бағдодда ўз даврининг олими. У Бағдодда туғилиб, ўша ерда вафот этган. Сафийюддин Бағдодий “Тарихи табарий” ва “Мўъжамул булдон” асарларини мухтасар қилган. Яна кўплаб асарлар ёзган).

Абдулфаттоҳ, Abdulfattoh (*ap.*) – бандаларига ризқ ва раҳмат эшикларини очувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулфаттоҳ ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Ҳасаний Идрисий (ҳанафий мазҳаби фақиҳларидан. У асли мисрлик саналади. Мисрнинг машхур “Ал-Азҳар” университетиде тахсил олган. Димёт шаҳрида фатво бериш вазифасида ишлаган. У бир неча асарлар муаллифидир), 2) Абдулфаттоҳ ибн Дарвеш Тамимий Ҳанафий Нобулисий (фақиҳ. Қуддусда яшаган. У “Ал-Фавоидул фаттоҳия фи фикҳил ҳанафия” асари муаллифидир), 3) Абдулфаттоҳ ибн Мустафо ибн Муҳаммад Абулҳасан Маҳмудий Лозикий (шофееий мазҳаби фақиҳи, ҳижрий 1258-1297-, мелодий 1842-1880-йилдан кейин вафот этган. Мисрда яшаган, адабиёт билан ҳам шуғулланган), 4) Абдулфаттоҳ Халифа (мисрлик мударрис (х. 1301-1365, м. 1884-1946), тафсир илми билан шуғулланган. 1910-йилда Қоҳирадаги “Дорул улум” мадрасасини тугатган. Кейинчалик ўша ерда дарс берган. Абдулфаттоҳ Халифа “Тафсиру суратил аҳзоб”ни тасниф қилган), 5) Абдулфаттоҳ Бадавий Мисрий (“Ал-Азҳар” дорулфунунида араб тили факултетида мударрис. У ҳижрий 1367-, мелодий 1948-йилда туғилган. У “Тариху миср мунзул фатҳил усмоний” китобини тасниф қилган).

Абдулхалил, Abdulxalil (*ap.*) – бандалари орасидан баъзиларини ўзига дўст тутувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулҳолик, Abdulxoliq (*ap.*) – аввал йўқ бўлган нарсаларни Яратувчи, ҳар бир нарсани аниқ ўлчов ва мезон билан яратувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулҳолик ибн Салама Абу Равҳ Шайбоний (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси. Муслим, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган), 2) Абдулҳолик ибн Абдусамад ибн Али ибн Бадан Бағдодий (шайх, солих, қироат илми устози, ишончли ровий. У Абулҳасан ибн Муҳтадийбиллоҳ, Абдусамад ибн Маъмун, Абу Жаъфар ибн Муслима, Сарифийний ва бошқалардан дарс эшитган. Ибн Бадандан Ибн Асокир, Абу Аҳмад ибн Сукайна, Абу Шужоъ ибн Макрун, Сулаймон Мавсилиий, Али ибн Муҳаммадлар ривоят қилишган. Ибн Бадан ҳижрий 538-йилда вафот этган), 3) Абдулҳолик ибн Аҳмад ибн Абдуқодир ибн Муҳаммад ибн Юсуф Абулфараж (шайх, имом, ҳофиз. Ибн Носир иккиси Бағдод муҳаддиси бўлишган. У ҳижрий 464-йилда туғилган. Абулфараждан Салафий, Ибн Асокир, Самъоний, Ибн Жавзий, Тож Киндий, Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Мубодир, Абдулваҳҳоб ибн Али ибн Ихва, Абдусалом Бардағулий, Абдульазиз ибн Ахзар ва бошқалар ривоят қилишган. Абдулҳолик ибн Аҳмад ҳижрий 548-йилда муҳаррам ойининг 24-куни саксон тўрт ёшида вафот этган), 4) Абдулҳолик ибн Зоҳир ибн Тохир ибн Муҳаммад Абу Мансур Нишопурий Шаҳҳомий (шайх, олим, муҳаддис, ишончли ровий. У ҳижрий 475-йилда туғилган. Бобоси, Усмон ибн Муҳаммад Маҳмий, Абу Бакр ибн Халаф, Абулқосим Абдурахмон ибн Аҳмад Воҳидий, Фазл ибн Абу Ҳарб, Муҳаммад ибн Исмоил, Муҳаммад ибн Саҳл Саррож, Абдулмалик ибн Абдуллоҳ Даштий, Абу Музаффар Мусо ибн Имрон ва бошқалардан илм эшитган. Ундан Ибн Асокир, Самъоний, Абдурахмон ибн Абу Саъд, Муайяд Тусий, Саффор Қосим ибн Абдуллоҳ ва бошқалар ривоят қилишган), 5) Абдулҳолик ибн Асад ибн Собит Абу Муҳаммад Димашқий Ҳанафий (фақиҳ, имом, муҳаддис, муфтий. У аввал шофееий мазҳабида бўлган. Кейин ҳанафий мазҳабига ўтган. У “Тожуддин” лақаби билан танилган. Абдулҳолик ибн Асад ҳижрий 564-йил муҳаррам ойида вафот этган), 6) Абдулҳолик ибн Иброҳим Курсовий (фозил, олим, ҳадис илми билимдони. У ҳадис илми бўйича китоб ёзган), 7) Абдулҳолик ибн Зайн ибн Муҳаммад Зайн ибн Сиддиқ ибн Абдулбоқий Зубайдий (қироатлар олими. Отаси раҳнамолигида фикҳ илмини ўрганган. Ҳажга борганида икки Ҳарам уламоларидан илм олган ва ҳадис илмида пешқадам бўлган), 8) Абдулҳолик ибн Исо ибн Аҳмад Абу Ҳурайра розияллоху анху Жаъфар Ҳошимий (Бағдодда ўз даврининг имоми бўлган. Ҳанбалий мазҳабида мансуб олим. У бир неча

китоблар тасниф қилган. Жумладан, “Руъусул масоил”, “Адабул фикҳ” ва бошқалар. Вафот этганида имом Аҳмад қабри олдида дафн қилинган).

Абдулкаюм, Abdulqayum (*ap.*) – ўз-ўзидан қоим бўлувчи, бошқаларни ҳам қоим қилувчи, ҳар бир нарса устида гувоҳ бўлиб турувчи Аллоҳнинг бандаси * Абдулкаюм Абу Убайд Аздий (саҳобий. У ўз мавлоси Абу Рошид билан Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келган).

Абдулкаҳҳор, Abdulqahhor (*ap.*) – барча махлуқотларидан устун, уларга Ўзининг адолатли ҳукмини юргизувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдулқодир, Abdulqodir (*ap.*) – ҳар нарсага қодир, хоҳлаган ишини қила оладиган Аллоҳнинг бандаси * 1) Шайх Абдулқодир ибн Абдуллоҳ Мухйиддин Абу Муҳаммад Жийлий Ҳанбалий (имом, олим, зоҳид, ориф, Бағдод шахри шайхи. У ҳижрий 471-йилда Жийлон шахрида таваллуд топган. Ёшлигида Бағдодга бориб, Абу Саъд Мухаррабийдан фикҳ илмини ўрганган. Абу Ғолиб Боқиллоний, Аҳмад ибн Музаффар ибн Сус, Абулқосим ибн Баён, Жаъфар ибн Аҳмад Саррож ва бошқалардан илм эшитган. Ундан Самъоний, Умар ибн Али Қураший, Ҳофиз Абдулғаний, шайх Муваффақуддин ибн Қудома, шайх Али ибн Идрис, Акмал ибн Масъуд Ҳошимий ва бошқалар ривоят қилишган), 2) Абдулқодир ибн Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ Ҳофиз Абу Муҳаммад Руховий Ҳанбалий (имом, ҳофиз, Жазиранинг муҳаддиси. Абу Муҳаммад Руховий ҳижрий 536-йил Рухода туғилган, Мавсилда вояга етган. У Абу Зуръа Тохир ибн Муҳаммад Макдисийдан “Сунану ибн можа”ни, Наср ибн Сайёрдан “Жомеъут термизий”ни эшитган. Абу Зуръа ҳижрий 612-йил жумодул увла ойининг иккинчи куни вафот этган), 3) Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Ҳасан Шарафуддин ибн Бағдодий Мисрий Шофеъий (имом, муфтий (х. 553-634). У Дамашқда Кутб Найсобурийдан, Мисрда Шихоб Тусийдан илм олган. Аҳмад ибн Ағлокий ва Ибн Масдийлар ундан ривоят қилган), 4) Абдулқодир ибн Абдулазиз ибн Муаззам Исо ибн Одил Абу Бакр Муҳаммад ибн Айюб ибн Шозий ибн Марвон Абу Муҳаммад Айюбий (ҳадис ровийларидан. У ҳижрий 642-йил рабиул аввал ойида туғилиб, 737-йил рамазон ойида Рамла шахрида вафот этган, Қуддусга дафн қилинган), 5) Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Насруллоҳ ибн Солим ибн Абулвафо Абу Муҳаммад Қураший Мисрий (ҳадис ровийларидан, “Табакотул ханафия” асари муаллифи. У ҳижрий 690-йил шаъбон ойининг 20-куни туғилиб, 775-йил Қохирада вафот этган), 6) Абдулқодир ибн Муҳаммад ибн Али ибн Умар ибн Ҳамза Абу Муҳаммад Мухйиддин Умарий (ҳадис ровийларидан. Ҳижрий 732-йил рабиул аввал ойининг саккизинчи куни туғилиб, 799-йил Ийдул азҳо куни вафот этган), 7) Абдулқодир ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Юсуф ибн Закий Иброҳим Салоҳиддин Солиҳий (ҳадис ровийларидан), 8) Абдулқодир ибн Усмон Қоҳирий (Мисрдаги ханафийлар муфтийси (ҳижрий 1030-, мелодий 1620-йилда туғилган), адабиёт соҳасида ҳам етук илмга эга бўлган, “Туврий” нисбати билан шуҳрат қозонган. Туврий “Ал-Азҳар”да дарс ва фатво берган), 9) Абдулқодир ибн Юсуф Нақиб Ҳалабий (ханафий мазҳаби фақиҳи (ҳижрий 1107-, мелодий 1695-йилда таваллуд топган), Ҳалабда туғилиб, ўша ерда вояга етган, кейинчалик Мадинага келиб, шу ерда вафот этган. У “Лисонул ҳукком”, “Маърифатур райм бис-сиҳом” каби асарлар муаллифи саналади), 10) Абдулқодир ибн Солиҳ ибн Абдурахмон Ҳалабий Банқусий (ханафий мазҳаби фақиҳи (х. 1142-1199, м. 1730-1785), бир неча асарлар муаллифи), 11) Абдулқодир ибн Мустафо ибн Абдулқодир Байсорий Рофеъий (ханафий мазҳаби фақиҳи, “Ал-Азҳар” уламоларидан (х. 1248-1323, м. 1832-1905). Ибн Мустафо Шомнинг Тароблусида туғилган, “Ал-Азҳар”да таълим олган. У ханафий фикҳида шуҳрат қозонган. Ҳатто уни “кичик Абу Ҳанифа” деб чақиришган. Абдулқодир ибн Мустафо Қоҳиранинг шаръий маҳкамисидаги илмий мажлисга бошчилик қилган, Миср диёри муфтийси вазифасида ишлаган), 12) Абдулқодир ибн Абдулқодир Вардийғий Мағрибий (моликий мазҳаби фақиҳи, наҳв олими, фозил кишилардан бўлган. У ҳижрий 1313-, мелодий 1895-йилда туғилган).

Абдулқоҳир, Abdulqohir (*ap.*) – 1) Абдулқоҳир ибн Сиррий Абу Рифоа Сулабий (табаа тобеин, Қайс ибн Ҳайсамнинг ўғилларидан), 2) Абдулқоҳир ибн Абдуллоҳ (табаа тобеин), 3) Абдулқоҳир ибн Шуайб ибн Абу Саид Ҳабҳоб Миъвалий (табаа тобеин), 4) Абдулқоҳир ибн Тохир ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Бағдодий (усули фикҳ уламоларидан).

Абдулқуддус, Abdulquddus (*ap.*) – ҳар қандай нуқсондан пок Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулқуддус ибн Ҳажжож Абу Муғйра Хавлоний (кичик табаа тобеин), 2) Абдулқуддус ибн Бакр ибн Хунайс Абу Жаҳм Куфий (кичик табаа тобеин), 3) Абдулқуддус ибн Муҳаммад ибн Абдулкабир ибн Шуайб ибн Ҳабҳоб Абу Бакр Миъвалий Ҳабҳобий (табаа тобеинлардан илм олганлардан).

Абдулғаний, *Abdulg‘aniy* (ap.) – махлуқотлар ҳожатини раво қиладиган, ҳеч кимга ҳожати тушмайдиган Аллоҳнинг бандаси (Ушбу исм бизда, одатда, “Абдуғани” шаклида қисқартириб кўлланилади) * 1) Абдулғаний ибн Абдуллоҳ ибн Нуайм ибн Ҳаммом Қайний Урдуний (қатта табаа тобеин), 2) Абдулғаний ибн Толиб Ғанимий Димашкий (ҳанафий фақиҳи, “Китобул лубоб шарҳул қудурий” ва бошқа асарлар муаллифи), 3) Абдулғаний ибн Аҳмад ибн Абдулқодир Рофеъий Фаруқий (фақиҳ олимлардан).

Абдулғафур, *Abdulg‘afur* (ap.) – бандалар гуноҳларини кечириб, камчиликларини беркитувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулғафур ибн Лукмон ибн Муҳаммад Тожиддин Абулмафохир Кардорий (ҳанафийлар имомларидан. Асли Хоразмнинг Кардор қишлоғидан. Кейинчалик Ҳалабда қозилик мансабида ишлаган, ўша ерда вафот этган. Абулмафохир Кардорий “Усулул фикх”, “Шарҳут тажрид”, “Шарҳул жомеъис сағир”, “Шарҳул жомеъил кабир”, “Ҳайратул фуқаҳо” каби асарлар муаллифи), 2) Абдулғафур ибн Салоҳ Лорий Ансорий (адиб, тилшунос (ҳижрий 912-, мелодий 1507-йилда туғилган), мулла Жомийнинг шогирди бўлган. Унга Ҳинд билан Шероз орасидаги Лор шаҳри нисбати берилди. Ибн Салоҳ Лорий “Ҳошиятун ғалал фавоидиз зиёийя шарҳул кофия лил жомий” ва бошқа асарлар муаллифи).

Абдулғаффор, *Abdulg‘affor* (ap.) – ҳақиқий тавба қилувчи бандалари гуноҳларини доимий суратда кечирувчи, уларнинг нуқсонларини беркитувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулғаффор ибн Ҳакам Кураший Умавий (табаа тобеинлардан илм олганлардан), 2) Абдулғаффор ибн Довуд Бухорий (табаа тобеинлардан илм олганлардан), 3) Абдулғаффор ибн Довуд ибн Маҳрон ибн Зиёд ибн Раддод ибн Рабийъа ибн Сулаймон ибн Умайр Абу Солиҳ Бакрий (табаа тобеинлардан илм олганлардан).

Абдулҳай, *Abdulhay* (ap.) – доим тирик, ҳеч қачон ўлмайдиган Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулҳай ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Имод Абулфалоҳ Укрий Ҳанбалий (тарихчи, фақиҳ ва адабиёт соҳаси олими (ҳижрий 1032-1089-, мелодий 1623-1679-йиллар). У Дамашқда туғилган, узоқ муддат Қоҳирада яшаган, ҳаж қилиш учун Маккага бориб, ўша ерда вафот этган. Абулфалоҳ Ҳанбалий “Шазаротуз заҳаб фи ахбори ман заҳаб”, “Шарҳу матнил мунтаҳо”, “Шарҳу бадийъийяти ибни ҳожжа” каби асарлар муаллифи), 2) Абдулҳай ибн Абу Бакр Баълий (фозил, олим кишилардан, адабиёт билимдони (ҳижрий 1034-1099-, мелодий 1625-1688-йиллар). У асли баълабаклик, аммо Дамашқда вафот этган), 3) Абдулҳай ибн Фаҳриддин ибн Абдулғалий Ҳасаний Толибий (ҳинд тарихчи ва тадқиқотчиси (х. 1286-1341, м. 1869-1923). Унинг асли араб. Боболаридан бири Қутбиддин Бағдоддан Ғазнага келган, Ҳиндистонга мужоҳид сифатида кириб борган. У география, тарих ва ҳадис илмига оид асарлар муаллифи. Урду тилида ҳам китоблар ёзган).

Абдулҳакам, *Abdulhakam* (ap.) – мутлақ Ҳоким, ҳеч ким Унинг ҳукмига эътироз билдириб, қаршилиқ кўрсата олмайдиган Зот – Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулҳакам ибн Абдуллоҳ Қасмалий Басрий (кичик тобеин), 2) Абдулҳакам ибн Заквон Садусий Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси).

Абдулҳаким, *Abdulhakim* (ap.) – ҳар бир тадбирини ҳикмат билан амалга оширувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулҳаким ибн Махлуф ибн Муҳаммад Бадвий Манёвий (мисрлик адиб, “Самирул амир” ва “Ҳошиятун алад дардир” асарлари муаллифи), 2) Абдулҳаким Афғоний Қандаҳорий (ҳанафий мазҳаби фақиҳи (х. 1251-1326, м. 1835-1908), зоҳид ва тақводорлардан бўлган. У Дамашқда яшаб, ўша ерда вафот этган. Абдулҳаким Қандаҳорий “Кашфул ҳақоик”, “Шарҳуш шотибия”, “Ҳошиятун ала шарҳил бухорий” каби асарлар муаллифи. Шунингдек, у “Ҳидоя”, “Ҳошиятун ибни обидин” ва “Шарҳул манор”, “Тафсирун насафий” китобига ҳошия ва таълиқ ёзган).

Абдулҳалим, *Abdulhalim* (ap.) – бандалар исёнидан тезда ғзаби келмайдиган, уларга имкон берувчи, осий бандаларига азоб беришга шошилмайдиган, уларни фақат мавриди келгандагина жазоловчи адолатли Зот – Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулҳалим ибн Муҳаммад Румий (қози, Усманийлар давлати уламоларидан (х. 963-1013, м. 1556-1604). У Истамбулда туғилиб, ўша ерда таълим олган. Шу шаҳарда вафот этган), 2) Абдулҳалим ибн Аҳмад ибн Халаф Ҳофий (қози, Ироқнинг машҳур кишиларидан (х. 1276-1362, м. 1860-1943). У Бағдодда туғилиб, ўша ерда вафот этган. Унинг насаби Бишр Ҳофийга бориб тақалади. Ибн Халаф Ҳофий ажиб кутубхонага эга бўлган. Вафотидан сўнг унинг китоблари умумий вақфлар кутубхонасига совға қилинган. У ерда 1524 дона китоб бўлиб, улардан 159 таси қўлёзма эди), 3) Абдулҳалим Нажжор (доктор, таржима соҳаси уламоларидан (ҳижрий 1383-,

мелодий 1964-йилда туғилган). Асли мисрлик. У Вашингтондаги Ислом марказига мудирлик қилган. Ўзи Германияда ўқиган. Таржима соҳасида бир неча асарлар муаллифи).

Абдулҳамид, Abdulhamid (ар.) – ҳар қандай ҳолатда ҳамду санога энг муносиб Зот, бандалари томонидан тинимсиз мақталиб туриладиган Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулҳамид (тобеин, Бани Ҳошим қабиласи мавлоси), 2) Абдулҳамид ибн Динор (тобеин), 3) Абдулҳамид ибн Солим Абу Солим (тобеин, Амр ибн Зубайрнинг мавлоси), 4) Абдулҳамид ибн Абдурахмон ибн Зайд ибн Хаттоб Абу Умар Қураший Адавий (тобеин), 5) Абдулҳамид ибн Мунзир ибн Жоруд Абдий Басрий (кичик тобеин), 6) Абдулҳамид ибн Жубайр ибн Шайба ибн Усмон ибн Абу Талха Қураший Абдарий Маккий (кичик тобеин).

Абдулҳафиз, Abdulhafiz (ар.) – Ўзи хоҳлаган муддатда махлуқотларини ҳалокатдан сақлаб турувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулҳафиз ибн Абдуллоҳ Маҳдавий Шарафий (яманлик фозил кишилардан (ҳижрий 1077-, мелодий 1666-йилда вафот этган). Ҳадис илми билан шуғулланган), 2) Абдулҳафиз ибн Усмон Қорий (тоифлик ҳанафий фақиҳи (ҳижрий 1298-, мелодий 1881-йилдан кейин вафот этган), Маккада мударрислик қилган. У Абу Айюб Ансорий розияллоху анҳу ҳақида “Жилоул кулуб” асарини ёзган), 3) Абдулҳафиз ибн Муҳаммад Ванжаний Жазоирий (моликий мазҳаби фақиҳи (ҳижрий 1266-, мелодий 1850-йилда вафот этган), “Ат-Таъриф бил инсонил комил”, “Ал-Ҳикамул ҳофизия”, “Сиррут тафаккур фи аҳлит тазаккур”, “Ғаниматул муридин”, “Ғоятул бидоя фи сирри ҳукмин ниҳоя” каби асарлар муаллифи), 4) Абдулҳафиз ибн Муҳаммадтоҳир ибн Абдулкабир Абулфазл Фихрий Фосий (тарих, таржима ва ҳадис соҳаси олимларидан (х. 1296-1383, м. 1879-1964). Асли андалусиялик, Фос шаҳрида туғилиб, шу ерда таълим олган. Унинг энг машҳур китоби “Мўъжамуш шуноҳ” бўлиб, уни “Риёзул жаннат” деб ҳам номлаган).

Абдулҳақ, Abdulhaq (ар.) – мавжудлиги ҳақиқатан тасдиқланган, ҳакни зоҳир қилувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдулҳақ ибн Муҳаммад ибн Ҳорун Абу Муҳаммад Саҳмий Қураший Сақалий (имом, моликийлар шайхи. Ҳижрий 466-, мелодий 1073-йилда Искандарияда вафот этган), 2) Абдулҳақ ибн Абу Бакр Ғолиб ибн Атийя Абу Муҳаммад Муҳорибий Ғарнотий (имом, аллома, муфассирлар шайхи, фикҳ, тафсир ва араб тилида етакчи олимлардан бўлган. У отаси, Ҳофиз Абу Али Ғассоний, Муҳаммад ибн Фараж, Абулхусайн Яҳё ибн Абу Зайд Муқриъ ва бошқалардан ривоят қилган. Абу Муҳаммад Ғарнотийдан Абулқосим ибн Хубайш Ҳофиз, Абу Муҳаммад ибн Убайдуллоҳ, Абу Жаъфар ибн Мазоъ, Абдулмунъим ибн Фарс, Абу Жаъфар Ҳакам ва бошқалар ривоят қилишган. У ҳижрий 541-йил рамазон ойининг 25-куни вафот этган), 3) Абдулҳақ ибн Ғолиб ибн Абдурахмон ибн Атийя Абу Муҳаммад Муҳорибий Ғарнотий (андалусиялик фақиҳ ва муфассир (х. 481-542, м. 1088-1148). Ибн Атийя ўн жилдлик “Ал-Муҳаррарул ваҗиз фи тафсирил китобил азиз” номли тафсири билан машҳур бўлган), 4) Абдулҳақ ибн Ҳофиз Абдулолиқ ибн Аҳмад Абулхусайн Бағдодий Юсуфий (шайх, олим, муҳаддис, ишончли ровий. У ҳижрий 494-йилда туғилган. Унинг отаси жуда кўп олимлардан таҳсил олишига сабабчи бўлган. Абулхусайн Бағдодийдан Абу Муҳаммад ибн Ахзар, Ибн Хусрий, Абдулқодир Руҳовий, Ибн Қудома, Ибн Рожих, Ҳамд ибн Судайқ, Абдурахмон ибн Бахтиёр, Иброҳим ибн Хаййир ва бошқалар ривоят қилишган), 5) Абдулҳақ ибн Абдурахмон ибн Абдуллоҳ ибн Хусайн ибн Саид Абу Муҳаммад Аздий Андалусий Ишбилий (имом, хофиз, аллома, мужаввид (х. 510-581, м. 1116-1185), Андалусия уламоларидан. Ўз даврида “Ибн Харрот” куняси билан машҳур бўлган. У фақх, ҳадис ва унинг иллатлари, ҳадис ровийлари илми билимдони бўлган), 6) Абдулҳақ ибн Халаф ибн Абдулҳақ Зиёвуддин Абу Муҳаммад Димашкий Солиҳий Ханбалий (фақиҳ, имом. У Абулфаҳм ибн Абулажоиз, Абулғаноим ибн Сасро, Аҳмад ибн Абулвафо, Абулмаолий ибн Собир ва бошқалардан илм эшитган. Мунзирий айтишича, у салоҳияти ва яхшилиги билан машҳур бўлган. Абдулҳақ ибн Халаф ҳижрий 641-йилда шаъбон ойида вафот этган), 7) Абдулҳақ ибн Сайфуддин Дехлавий (ҳанафий фақиҳи (х. 959-1052, м. 1552-1642), Дехли шаҳридан. Ўз даврининг муҳаддиси бўлган. Тўрт йил Маккаи мукаррамада яшаган ва ўша ердаги уламолардан илм олган. Айтилишича, унинг араб ва форс тилидаги китоблари минг мужалладдан иборат), 8) Абдулҳақ ибн Муҳаммад Ҳиндий (усулул фикҳ ва мантиқ бўйича олим. У ҳижрий 1296-, мелодий 1879-йилда вафот этган).

Абдулҳодий, Abdulhodiy (ар.) – хоҳлаган бандасини тўғри йўлга ҳидоят қилувчи Аллоҳнинг бандаси * Абдулҳодий ибн Абу Саид ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Маъмун Абу Аруба Сижистоний (имом, зоҳид, обид зотлардан бўлган. У ҳижрий 562-йилда саксон тўққиз ёшида вафот этган).

Абдуносир, Abdunosir (ар.) – мўминларга ёрдам берувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдунофиъ, Abdunofi' (*ap.*) – хоҳлаган бандасига манфаат етказувчи Аллоҳнинг бандаси * Абдунофеъ ибн Умар Ҳамавий (фозил кишилардан. Асли ҳамотлик. Шомнинг Тароблусида яшаган. У “Ар-Рисолатул ҳодия ила эътиқоди фироқин ножиъ”, “Тафсиру суратил ихлос”, “Таҳрирул абҳос фи каломи ала ҳадиси хуббиба илайя мин дунякум салос” каби асарлар муаллифи. Ибн Умар Ҳамавий хижрий 1016-, мелодий 1607-йилда вафот этган).

Абдунур, Abdunur (*ap.*) – осмонлар ва Ернинг нури бўлмиш Аллоҳнинг бандаси.

Абдураббих, Abdurabbih (*ap.*) – Раббининг (яъни, Аллоҳнинг) бандаси * 1) Абдураббих ибн Саид ибн Қайс ибн Амр Ансорий Нажжорий (кичик тобеин), 2) Абдураббих ибн Атоъ Қураший (табаа тобеин), 3) Абдураббих ибн Нофеъ Абу Шиҳоб Киноний (табаа тобеин).

Абдураззоқ, Abdurazzoq (*ap.*) – ризқларни яратиб, уларни махлуқотларига етказувчи, махлуқотларини доим ризқлантириб турувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдураззоқ ибн Умар Абу Бакр Димашқий (табаа тобеин), 2) Абдураззоқ ибн Ҳаммом ибн Нофеъ Ҳимярий (кичик табаа тобеин, ишончли ҳадис ровийси, Суфён ибн Уяйнанинг устози, имом Аҳмад ибн Ҳанбал ва Яҳё ибн Маин шогирди), 3) Абдураззоқ ибн Умар Базийъ Базийъ (табаа тобеинлардан илм олганлардан), 4) Абдураззоқ ибн Умар ибн Муслим Димашқий (табаа тобеинлардан илм олганлардан).

Абдурауф, Abdurauf (*ap.*) – ўта Меҳрибон, ниҳоятда Шафқатли, Раҳмли Аллоҳнинг бандаси.

Абдурашид, Abdurashid (*ap.*) – тўғри йўлга ҳидоят қилувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдурашид ибн Абу Ҳанифа ибн Абдураззоқ Заҳириддин Абулфатҳ Валволижий (ханафий фақиҳи (х. 467-540, м. 1074-1145). Бадахшоннинг Валволижида туғилган, ўша ерда вафот этган. Балхда фикҳ илмини ўрганган. У “Ал-Фатово валволижия” асари муаллифидир), 2) Абдурашид ибн Мустафо Шамсуддин Жунфурий (ҳиндистонлик ханафий мазҳабига мансуб фозил кишилардан, “Ар-Рашидия” асари муаллифи. Мазкур китоби Шариф Журжонийнинг “Одобул баҳс” рисоласига ёзилган шарҳ ҳисобланади).

Абдурахим, Abdurahim (*ap.*) – қиёмат куни фақат мўминларни раҳматига олувчи, улардан Ўзига ҳақиқий имон келтирганлар гуноҳларини кечириб, жаннатга киритувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдурахим ибн Сулаймон Абу Али Киноний (табаа тобеин, ишончли ровий, бир неча китоблар муаллифи), 2) Абдурахим ибн Маймун Абу Марҳум Маданий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси), 3) Абдурахим ибн Ҳорун Абу Ҳишом Ғассоний (кичик табаа тобеин), 4) Абдурахим ибн Абдурахмон ибн Муҳаммад Абу Зиёд Муҳорибий (табаа тобеинлардан илм олганлардан), 5) Абдурахим ибн Мутарриф ибн Унайс ибн Қудома Абу Суфён Руосий (табаа тобеинлардан илм олганлардан).

Абдурахмон, Abdurahmon (*ap.*) – ўта карамли, бутун мавжудотларга Меҳрибон, уларни доим ризқлантириб турувчи Аллоҳнинг бандаси (Ҳадиси шарифда айтилишича, Аллоҳ учун энг махбуб исмлардан бири) * 1) Абдурахмон ибн Авф ибн Абдуъавф ибн Абд ибн Ҳорис ибн Заҳро Абу Муҳаммад Қураший (машҳур саҳобий, ашараи мубашшарлардан), 2) Абдурахмон ибн Саҳр Абу Ҳурайра Давсий (машҳур саҳобий. Саҳобалар ичидан Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан энг кўп ҳадис ривоят қилган киши. Абу Ҳурайра Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан 5344 та ҳадис ривоят қилган. Жоҳилият давридаги исми “Абдушамс” бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг исмини “Абдурахмон”га ўзгартирганлар), 3) Абдурахмон ибн Абза Ҳузойи (саҳобий), 4) Абдурахмон ибн Абу Бакр Сиддик ибн Абу Қуҳофа Абу Абдуллоҳ (саҳобий), 5) Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон (ханафий фақиҳи, “Мажмаул анхур фи шарҳи мултақал абҳур” ва “Назм ул фавоид фи масоил хилоф фит тавҳид” асарлари муаллифи).

Абдусалом, Abdusalom (*ap.*) – айб-нуқсонлардан саломат, бандаларини ҳалокатлардан сақлаб турувчи, уларга омонлик, офият, хотиржамлик берувчи Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдусалом ибн Абу Ҳозим Абу Толут Абдий Қайсий (тобеин), 2) Абдусалом ибн Ҳафс Абу Мусъаб Лайсий (катта табаа тобеин), 3) Абдусалом ибн Абу Жануб Маданий (табаа тобеин), 4) Абдусалом ибн Ҳарб ибн Силм Абу Бакр Наҳдий Мулоий (табаа тобеин), 5) Абдусалом ибн Шуайб ибн Ҳабҳоб Миъвалий Басрий (кичик табаа тобеин).

Абдусамад, Abdusamad (*ap.*) – мутлақ Ҳоким, доим барҳаёт турувчи, ҳеч кимга ҳожати тушмайдиган, Унга барча махлуқотлар ҳожати тушадиган Зот – Аллоҳнинг бандаси * 1) Абдусамад ибн Маъкил ибн Мунаббих Ямоний (катта табба тобеин), 2) Абдусамад ибн Абдулворис ибн Саид Абу Саҳл Тамимий Анбарий (кичик табаа тобеин), 3) Абдусамад ибн Абдулваҳҳоб Абу Бакр Ҳазрабий (табаа

тобеинлар илм олганлардан), 4) Абдусамад ибн Сулаймон ибн Абу Матар Абу Бакр Атакий (табаа тобеинлардан илм олганлардан).

Абдусамий, Abdusami' (ap.) – ҳар бир нарсани эшитиб турувчи, бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодиса унинг эшитишидан, илмидан холи бўлмайдиган Зот – Аллоҳнинг бандаси.

Абдусаттор, Abdusattor – бандалар камчиликларини беркитувчи Аллоҳнинг бандаси * Абдусаттор ибн Абдулваҳҳоб ибн Худоёр ибн Азим Ҳусайнёр ибн Аҳмадёр Абулфайз Муборакшоҳий Бакрий Сиддикий Ҳанафий Дехлавий (таржима, яъни, кишилар тарихи бўйича олим (х. 1286-1355, м. 1869-1936). Маккада туғилиб, ўша ерда вафот этган. Кўплаб асарлар муаллифи).

Абдусабул, Abdusabur (ap.) – ўта сабрли, гуноҳкор бандаларини жазолашга шошилмайдиган, уларга имконият берувчи, ҳидоят йўлига юриб, ўзларини ислоҳ қилишлари учун шароит яратувчи меҳрибон Аллоҳнинг бандаси * Абдусабул ибн Абдусалом Абу Собир Ҳаровий Фомий (улуғ ва ишончли шайх. У ҳижрий 470-йилда туғилган. Нажиб Воситий ва Илёс ибн Музарлардан дарс эшитган. Ундан Самъоний, ўғли Абдурахим, Абулҳасан ибн Нажо Воиз, Аҳмад ибн Ҳасан Оқулийлар ривоят қилишган. Абу Собир Ҳаровий ҳижрий 552-йил шаъбон ойида Ҳиротда вафот этган).

Абдушакур, Abdushakur (ap.) – итоаткор ва солиҳ амаллар қилувчи бандаларига ниҳоятда кўп савоб берувчи, оз амалга ҳам кўп ажр-савоб ато этувчи Аллоҳнинг бандаси.

Абдушаҳид, Abdushahid (ap.) – ҳар бир ҳодиса устида ҳозир бўлиб турувчи, ҳеч бир нарса Унинг гувоҳлигидан четда қолмайдиган Зот – Аллоҳнинг бандаси.

Абдух, Abduh (ap.) – Унинг, яъни Аллоҳнинг бандаси. (“Абдуллоҳ” ва “Абдураббих”нинг қисқартма шакли).

Абон, Abon (ap.), (э.и.) – 1) Абон ибн Усмон ибн Аффон Абу Саид Қураший Умавий (тобеин, мужтаҳид факих, Амр ибн Усмоннинг туғишган биродари), 2) Абон ибн Солиҳ ибн Умайр ибн Убайд Абу Бакр Қураший (кичик тобеин), 3) Абон ибн Абу Айёш Абу Исмоил Басрий (кичик тобеин), 4) Абон ибн Язид Абу Язид Басрий (катта табаа тобеин), 5) Абон ибн Абдуллоҳ ибн Абу Ҳозим ибн Саҳр ибн Айла Бажалий Аҳмасий Куфий (катта табаа тобеин).

Аброр, Abror (ap.) – пок, солиҳ, такводор.

Абубакр, Abubakr (ap.) – гуноҳсиз, маъсум боланинг отаси; *Сўзма-сўз*. “Бакрнинг отаси”.

Абубашир, Abubashir (ap.) – хушхабар келтирувчи; *Сўзма-сўз*. “Хушхабар келтирувчининг отаси” * Абу Башир Ансорий Соидий (саҳобий. Хандақ ғазотида қатнашганлардан. Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган. Абу Башир ҳижрий 60-йиллардан кейин вафот этган).

Абулкарам, Abulkaram (ap.) – сахий, саховатли, карами кенг * 1) Абулкарам Муборак ибн Фохир ибн Муҳаммад ибн Яъқуб Бағдодий Нахвий Луғавий (шайх, аллома, наҳв олими, кўплаб таснифлар муаллифи. У ҳижрий 431-йил рабиул аввал ойида туғилган), 2) Абулкарам Али ибн Абдулкарим ибн Абулаллоҳ Аббосий Ҳамадоний (шайх, Ҳамадон муҳаддиси).

Абулмаҳосин, Abulmahosin (ap.) – келишган, чиройли; яхшилик соҳиби * Абдулмаҳосин Муҳаммад ибн Абдулҳолик ибн Абу Шукр Асбаҳоний (олим, ровий. У “Ҳиля”, “Ал-Мустахраж алас саҳиҳайн” ва “Тариху асбаҳон”ни Абу Али Ҳаддоддан, “Ал-Мўъжамул кабир”ни Мужассад ибн Муҳаммад Искофдан эшитган. Абу Шукр Асбаҳоний ҳижрий 583-йилда вафот этган).

Абулфазл, Abulfazl (ap.) – яхшиликлар соҳиби, фазилат эгаси.

Абулфайз, Abulfayz (ap.) – фазилли; олийжаноб, саховатли, мурувватли.

Абулфалоҳ, Abulfaloh (ap.) – нажот топувчи.

Абулфараж, Abulfaraj (ap.) – қийинчиликлардан чиқиб кетувчи, мусибатларга мардонавор сабр қилиб, уларни енгиб ўтувчи * 1) Абулфараж Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ибн Умар ибн Маймун Доримий Бағдодий Шофеъий (имом, аллома, шофеъий мазҳаби шайхи. У ҳижрий 448-йилда зулкаъда ойининг бошларида тўқсон ёшида вафот этган), 2) Абулфараж Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад ибн Абдулҳамид Бажалий Жаририй Ҳамадоний (улуғ шайх, омонатдор зотлардан бўлган, Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анху авлодларидан. Абулфараж Жаририй ҳижрий 468-йилда рамазон ойининг 28-кунида вафот этган), 3) Абулфараж Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Аллон Каражий Куфий (имом, муҳаддис, ишончли ровий. Ибн Аллон Каражий ҳижрий 476-йил шаъбон ойида вафот этган), 4) Абулфараж Абдулвоҳид ибн Муҳаммад ибн Али ибн Аҳмад Ансорий Шерозий Ҳанбалий (имом, шайхул Ислому, Ислому имомлари улуғларидан. У Ироқда “Мақдисий” нисбати билан танилган), 5) Абулфараж Саҳл ибн Бишр ибн Аҳмад ибн Саид Исфороиний Суфий (шайх, имом, муҳаддис (х. 409-491). У Миср,

Бағдод, Рамала, Тунис, Журжон шаҳарларига сафар қилиб, у ердаги олимлардан таҳсил олган), 6) Абулфараж Абдурахмон ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абдурахмон ибн Аҳмад ибн Зоз Сарахсий Шофезий (аллома, шофезий мазҳаби имоми, Марв шаҳри фақиҳи. “Зозий” нисбати билан танилган. Абулфараж Зозий ҳижрий 494-йил рабиул аввал ойида вафот этган), 7) Абулфараж Муҳаммад ибн Маҳмуд ибн Ҳасан Ансорий Қазвиний Омулий (шайх, фақиҳ. Ҳижрий 501-йилда Омудда вафот этган), 8) Абулфараж Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абу Саид Ағражий (имом, бир неча соҳа билимдони, адолатли, воиз, муфтий бўлган. Хоразм уламолари шайхи. Ундан Абу Али Исмоил ибн Байҳақий ва Замахшарий ривоят қилган. Абулфараж Ағражий ҳижрий 553-йил рабиул аввал ойида вафот этган. Ибн Арсалон “Тарих”да уни зикр қилган), 9) Абулфараж Абдурахмон ибн Али ибн Муҳаммад ибн Али ибн Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамمودий ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Абдулоҳ ибн Қосим ибн Назр ибн Қосим ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн фақиҳ Абдурахмон ибн фақиҳ Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддик (розияллоху анху) Қураший Таймий Бакрий Бағдодий Ҳанбалӣ (шайх, имом, аллома, ҳофиз, муфассир, шайхул Исломи, воиз, кўплаб таснифлар муаллифи. У “Ибн Жавзий” куняси билан машҳур бўлган. Ҳижрий 509/510-йилда таваллуд топган), 10) Абулфараж Муҳаммад ибн Ҳибатуллоҳ ибн Комил Бағдодий – шайх, муҳаддис ва фақиҳ (ҳижрий 522-607-йиллар).

Абулфатҳ, Abulfath – голиб, музаффар, муваффақият қозонувчи * 1) Абулфатҳ Юсуф ибн Умар ибн Масрур Бағдодий (имом, муҳаддис ва ишончли ровий. У ҳижрий 300-йилда туғилган), 2) Абулфатҳ Ҳилол ибн Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Саъдон ибн Абдурахмон ибн Моҳавайх ибн Маҳёр ибн Марзубон Каскарий Бағдодий (шайх, ишончли ровий, Бағдод муҳаддиси. У ҳижрий 322-йил туғилиб, 414-йил сафар ойида вафот этган), 3) Абулфатҳ Носир ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Али Қураший Умарий Марвазий Шофезий (имом, фақиҳ, шофезий мазҳаби фақиҳи. У Абу Бакр Қафғол Абу Тойиб Суълукий ва Ибн Маҳмиш Зиёдий ҳузурда фикҳ илмини ўрганган. Кейинчалик Нишопур аҳли ундан фикҳни ўрганган. У камтар, фақир ва қаноатли кишилардан эди. Абулфатҳ Умарий ҳижрий 444-йилда зулкаъда ойида вафот этган), 4) Абулфатҳ Мансур ибн Ҳусайн ибн Али ибн Қосим ибн Муҳаммад ибн Раввод Асбахоний Тоний (шайх, муҳаддис ва омонатдор кишилардан бўлган, ҳадис илмида бир неча китоблар ёзган. Абулфатҳ Тоний ҳижрий 450-йилда зулҳижжа ойида вафот этган), 5) Абулфатҳ Наср ибн Ҳасан ибн Қосим Туркий Шоший Тункутий (улуғ шайх, олим, муҳаддис, ишончли ровийлардан (х. 406-486). Тункут Шошдаги жой номи. Абулфатҳ Тункутий кўплаб юртларга сафар қилиб, илм ўрганган. Жумладан, Мисрда Абулҳасан Тафғолдан, Нишопурда Абулҳусайн Форисий ва Ибн Масрурлардан, Сурда Хатибдан, Искандарияда Ҳусайн ибн Муҳаммад Муофирийдан, Андалусда Ибн Дилҳосдан таҳсил олган. У ҳадис эшитиш ва тижорат мақсадида саёҳат қилган, жуда кўп бойлик орттирган. Ундан Абулқосим ибн Самарқандий, Аблуҳолиқ Юсуфий, Наср ибн Наср Уқбарий ва Тоҳир ибн Муфаввизлар ривоят қилишган), 6) Абулфатҳ Наср ибн Иброҳим ибн Наср ибн Иброҳим ибн Довуд Нобулусий Макдисий Шофезий (имом, аллома, муҳаддис, шайхул Исломи, бир неча тасниф ва амолӣлар муаллифи. Ҳижрий 410-йилдан олдин туғилган. Сурда фақиҳ Сулайм Розийдан таҳсил олган), 7) Абулфатҳ Аҳмад ибн Али ибн Барҳон ибн Ҳаммомий Бағдодий Шофезий (аллома, фақиҳ. Шоший ва Ғазолийдан фикҳ илмини ўрганган), 8) Абулфатҳ Муҳаммад ибн Муҳаммад Нуштекин Хоразмшоҳ (подшоҳ, олим, фозил, сахий, кўп тиловат ва ғазотлар соҳиби, тафсир илми билимдони).

Абулфаҳм, Abulfahm (ар.) – фаҳм-фаросатли, ақлли, доно, сергак, хушёр.

Абулхайр, Abulхайr (ар.) – хайр-барақа ва яхшилик соҳиби * 1) Абулхайр Муҳаммад ибн Мусо ибн Абдуллоҳ Марвазий (шайх, муҳаддис. Абу Бакр Муҳаммад ибн Мансур Самъоний, Абу Бакр Муҳаммад ибн Исмоил Марвазий, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Абу Али Ҳамадоний, Абулфатҳ Муҳаммад ибн Абдурахмон Кушмиҳаний ва бошқалар ундан ривоят қилишган), 2) Абулхайр Носириддин Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Али Байзовий Шофезий (машҳур муфассир, “Анворут танзил” асари муаллифи), 3) Абулхайр Абдуллоҳ ибн Марзуқ Ҳаровий (имом, муҳаддис, шайхул Исломи Абу Исмоил Ансорийнинг мавлоси. Айтилишича, у ҳижрий 441-йилда туғилган), 4) Абулхайр Абдурахим ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Асбахоний (имом, ҳофиз, катта олим. Ҳижрий 500-йилда сафар ойида туғилган), 5) Абулхайр Аҳмад ибн Исмоил ибн Юсуф Розиюддин Толқоний Қазвиний Шофезий (шайх, имом, аллома, воиз, бир неча илмлар билимдони. У ҳижрий 512-йилда Қазвинда туғилган. Фикҳ ва бошқа илмларни ўрганиб, Низомияда дарс берган), 6) Абулхайр Абдуллоҳ ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Али Носируддин Шерозий Байзовий (қози, аллома, муфассир. Шероз яқинида жойлашган Фориснинг Байзо

шаҳрида туғилган. Абулхайр Байзовий бир неча китоблар муаллифи. Жумладан, “Анворут танзил ва асрорут таъвил” (“Тафсири байзовий” номи билан машҳур бўлган), “Таволиул анвор” (тавҳид ҳақида), “Минҳожул вусул ила илмил усул”, “Луббул лубоб фи илмил эъроб”, “Низомут таворих”, “Ал-ғоятул қусо фи диroyтил фатво” (Шофеъий мазҳаби фикҳида) каби асарлар Байзовий қаламига мансуб).

Абулҳасан, Abulhasan (*ap.*) – яхшилик ва эзулик соҳиби.

Абунаср, Abunasr (*ap.*) – “Абулфатх” билан маънодош.

Абуризон, Aburizvon (*ap.*) – Аллоҳ розилигини қозонувчи.

Абуризо, Aburizo (*ap.*) – бошқалардан рози бўлувчи ёки Аллоҳни рози қиладиган амалларни бажарувчи.

Абусаид, Abusaid (*ap.*) – бахтли, саодатли, омадли.

Абусаодат, Abusaodat (*ap.*) – бахт ва омад эгаси, муваффақият соҳиби.

Абусаъд, Abusa'd (*ap.*) – бахт-саодатга эришувчи.

Абутуроб, Abuturob (*ap.*) – хокисор, камтар * 1) Абутуроб Аскар ибн Ҳусойн Нахшабий (имом, аллома. Нахшаб шаҳри Балх атрофларида жойлашган. У “Насаф” ҳам дейилади. Абутуроб Нахшабий Нуайм ибн Ҳаммод, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Нумайр ва бошқалардан ривоят қилган. Ундан Фатх ибн Шахраф, Абубакр ибн Абу Осим, Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал, Юсуф ибн Ҳусайн Розий, Аҳмад ибн Жаллоъ ва бошқалар ривоят қилишган. Абутуроб Нахшабийдан шундай ҳикмат қолган: “Уч нарса имон белгиларидандир. Улар: ўлимга тайёрланиш, кифоя қилувчи ризққа рози бўлиш, Аллоҳга ишларни топшириш. Уч нарса куфр белгиларидандир. Улар: Аллоҳдан узоқ муддат ғофил қолиш, шумланиш ва ҳасад”), 2) Абутуроб Абдулбоқий ибн Юсуф ибн Али ибн Солиҳ ибн Абдулмалик ибн Ҳорун Мароғий Наризий Шофеъий (шайх, имом, факих, аллома. У ҳақида Самъоний шундай деган: “У имом Абу Туроб ўз илмида тенги йўқ, чиройли хулқ ва кўринишли, хотиржам, илмига амал қилувчи, одамларга манфаат етказувчи, ҳифзи кучли, нафслар факихидир. У Бағдодда Қози Абу Таййиб ҳузурда фикҳни ўрганган).

Аввом, Avvom (*ap.*) – * 1) Аввом ибн Ҳамза Мозиний Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган), 2) Аввом ибн Ҳавшаб ибн Язид Абу Исо Шайбоний Рабаий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, имом, муҳаддис. У Иброҳим Нахайй, Мужоҳид, Амр ибн Мурра, Салама ибн Кухайл ва бошқалардан ривоят қилган. Ўз ўрнида “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Абу Исо Рабаий ҳижрий 148-йилда вафот этган), 3) Аввом ибн Аббод ибн Аввом Воситий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар унинг мақбул ровий эканини зикр қилган).

Авлиё, Avliyo (*ap.*) – “Валий”нинг кўплик шакли. Маъноси: “Аллоҳнинг яқин бандаси”.

Авлиёзода, Avliyozoda (*ap.-ft.*) – авлиёлар наслига тегишли фарзанд.

Авн, Avn (*ap.*) – ёрдам, кўмак, мадад, (“Наср” исмининг бошқа шакли) * 1) Авн ибн Абу Жухайфа (Вахб) ибн Абдуллоҳ Сувоий Куфий (тобеин), 2) Авн ибн Абдуллоҳ ибн Утба ибн Масъуд Абу Абдуллоҳ Ҳузалий (тобеин), 3) Авн ибн Абу Шаддод Абу Маъмар Уқайлий (кичик тобеин), 4) Авн ибн Солиҳ Бориқий (катта табаа тобеин).

Авона, Avona (*ap.*), (*э.и.*) – “Авн” билан маънодош * Авона ибн Ҳакам ибн Иёз ибн Визр Калбий (аллома, нақл қилишда ишончли бўлган. У ҳижрий 407-йилда вафот этган).

Авс, Avs (*ap.*) – 1) Авс ибн Абу Авс Ҳузайфа Сақафий (саҳобий, Умар ибн Авснинг отаси), 2) Авс ибн Абу Авс Сақафий (саҳобий), 3) Авс ибн Сомит Ансорий Хазражий (саҳобий, Убода ибн Сомитнинг туғишган биродари), 4) Авс ибн Замъож Куфий (катта тобеин), 5) Авс ибн Абдуллоҳ Абул Жавзоъ Рабаий (тобеин).

Авсат, Avsat (*ap.*) – ўртача, ўртаҳол * Авсат ибн Исмоил ибн Авсат Абу Исмоил Бажалий Шайбоний Ҳимсий (катта тобеин. Шом аҳлидан. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида яшаган, аммо у зотни кўрмаган. Абу Исмоил Бажалий ишончли ҳадис ровийсидир. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Насоий ва Ибн Можа “Сунан”да ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар унинг ишончли ровий эканини айтган. Авсат ибн Исмоил ҳижрий 79-, мелодий 698-йилда вафот этган).

Авф, Avf (*ap.*) – меҳмон; ҳолати яхши киши * 1) Авф ибн Молик ибн Абу Авф Абу Ҳаммод Ашжаий Ғатафоний (саҳобий), 2) Авф ибн Молик ибн Назла Абул Аҳвас Ашжаий Жушамий (тобеин), 3) Авф ибн Ҳорис ибн Туфайл ибн Саҳбара Аздий (тобеин).

Авфо, Avfo (*ap.*), (*э.и.*) – берган ваъдасига вафо қилувчи, аҳдини бажарувчи * 1) Авфо ибн Мавала Аназий (саҳобий. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суҳбатларида бўлган. У басралик саналади),

2) Авфо ибн Далхам Адавий Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Термизий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар ва Заҳабий унинг ишончли ровий эканини зикр қилган).

Адиб, Adib (*ap.*) – устоз, мураббий, тарбиячи; одобли.

Адиба, Adiba (*ap.*) – “Адиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Адий, Adiy (*ap.*) – 1) Адий ибн Ҳотим ибн Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Ҳазраж ибн Тоий Абу Ваҳб (машҳур саҳобий. Ҳижрий 7-йилда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига келиб мусулмон бўлган. Отаси Ҳотим Тоий ўз саховати билан машҳур бўлган), 2) Адий ибн Зайд Ансорий (саҳобий), 3) Адий ибн Умайра Абу Зурога Киндий (саҳобий).

Адолат, Adolat (*ap.*) – ҳақ, тўғрилиқ, адолат, одиллик белгиси.

Адҳам, Adham (*ap.*) – қора рангли; қимматбаҳо, ноёб.

Ажлон, Ajlon (*ap.*) – солиҳ амалларга шошилувчи * 1) Ажлон Маданий (тобеин, Мушмаилнинг мавлоси), 2) Ажлон Маданий (тобеин, Фотима бинти Утба ибн Рабийъанинг мавлоси, Муҳаммад ибн Ажлоннинг отаси).

Ажмал, Ajmal (*ap.*), (*э.у.*) – энг чиройли, энг гўзал.

Азаматуллоҳ, Azamatulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг улуғлиги, буюклиги, азамати (“Кибриёуллоҳ” исми билан маънодош).

Азизберган, Azizbergan (*ap.-ўз.*) – куч-қувват Эгаси Аллоҳ берган фарзанд.

Азизберди, Azizberdi (*ap.-ўз.*) – “Азизберган” билан маънодош.

Азиздўст, Azizdo‘st (*ap.-фм.*) – куч-қувват соҳиби Аллоҳнинг валий бандаси.

Азизёр, Azizyor (*ap.-фм.*) – куч-қувват эгаси Аллоҳ қўллайдиган банда.

Азизқул, Azizqul (*ap.-ўз.*) – куч-қувват эгаси Аллоҳнинг бандаси.

Азимберган, Azimbergan (*ap.-ўз.*) – Буюк Аллоҳ берган фарзанд.

Азимберди, Azimberdi (*ap.-ўз.*) – “Азимберган” билан маънодош.

Азимдўст, Azimdo‘st (*ap.-фм.*) – буюк Аллоҳнинг валий бандаси.

Азимёр, Azimyor (*ap.-фм.*) – улуғ Аллоҳ қўллайдиган банда.

Азимқул, Azimqul (*ap.-ўз.*) – улуғ Аллоҳнинг бандаси.

Азмия, Azmiya (*ap.*) – азму қарорли, бир сўзли, кучли ирода соҳибаси.

Азрак, Azraq (*ap.*) – 1) Азрак ибн Қайс Ҳорисий Басрий (тобеин. Бухорий, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган. Азрак ибн Қайс ҳижрий 120-йилдан кейин вафот этган), 2) Азрак ибн Али ибн Муслим Абу Жаҳм Ҳанафий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Абу Довуд “Носих вал мансух”да ундан ривоят қилган), 3) Азрак Муҳаммад ибн Фараж ибн Маҳмуд Абу Бакр Бағдодий (муҳаддис, олим, ровий. Хатиб унинг ҳадислари саҳиҳлигини айтиб ўтган. Азрак Муҳаммад ҳижрий 281-йилда вафот этган), 4) Азрак Юсуф ибн Яъқуб ибн Ҳофиз Исҳоқ ибн Бухлул Абу Бакр Танухий Анборий Бағдодий – шайх, олим, ишончли ровий (ҳижрий 238-329-йиллар).

Азро, Azro (*ap.*), (*а.у.*) – бокира; ҳаёли, ифбатли; маъсума; чиройли, гўзал.

Азҳар, Azhar (*ap.*) – аниқ, равшан; ёруғ, нурафшон; чиройли, хушбичим * 1) Азҳар ибн Рошид Басрий (кичик тобеин), 2) Азҳар ибн Саид Ҳарозий Ҳимярий Ҳимсий (кичик тобеин), 3) Азҳар ибн Абдуллоҳ ибн Жамиъ Ҳарозий Ҳимярий Ҳимсий (кичик тобеин).

Айдар, Aydar (*турк.*) – юқори мартабаларга эришувчи (Ушбу исм арабча “Ҳайдар” исмидан олинган, деб тахмин қилинади).

Айёш, Ayyosh (*ap.*) – “Оиш”нинг кучайтирма шакли * 1) Айёш ибн Абу Рабийъа Амр ибн Муғийра ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Кураший (саҳобий), 2) Айёш Суламий (тобеин), 3) Айёш ибн Амр Омирий Тамимий Куфий (кичик тобеин), 4) Айёш ибн Уқба ибн Кулайб Абу Уқба Ҳазрабий (катта табаа тобеин).

Айман, Ayman (*ap.*) – ўнг томон соҳиби * 1) Айман ибн Хурайм ибн Ахрам ибн Шаддод ибн Амр ибн Фотик Абу Атийя Асадий (саҳобий эканида ихтилоф қилишган. Баъзилар уни тобеин, деган), 2) Айман (тобеин), 3) Айман Ҳабаший Маккий Кураший Махзумий (тобеин), 4) Айман ибн Собит Абу Собит Куфий (тобеин), 5) Айман ибн Нобил Абу Имрон Ҳабаший (кичик тобеин).

Айюб⁴, Ayyub (*қад.яҳ.*) – тўғри йўлда бардавом бўлувчи; қилган гуноҳларига пушаймон чекувчи; сабр-бардошли; тавбага юзланувчи⁵ * 1) Айюб ибн Амвас ибн Розаҳ ибн Ийс ибн Исҳоқ ибн Иброҳим

⁴ “Айюб” исми инглиз тилида “Job” шаклида қўлланади.

алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан бири), 2) Айюб ибн Башир ибн Саъд ибн Нўъмон ибн Акол ибн Лавзон ибн Ҳорис ибн Умайя ибн Муовия ибн Молик Абу Сулаймон Ансорий Муовий Маданий (катта тобеин), 3) Айюб ибн Холид ибн Сафвон ибн Авс ибн Жобир ибн Курт ибн Қайс Ансорий Нажжорий Маданий (тобеин), 4) Айюб ибн Абдуллоҳ ибн Микроз ибн Ҳафс ибн Ахяф Кураший Омирий (тобеин), 5) Айюб ибн Хавт Абу Умайя Басрий (кичик тобеин).

Акмал, Akmal (*ap.*) – комил, мукаммал, етук * Акмал ибн Аҳмад ибн Музаффар Абу Аҳмад Аббосий (ҳадис ровийларидан).

Акмалуддин, Akmaluddin⁶ (*ap.*) – имони комил банда * Акмалуддин Юсуф ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Зухрий Ширвоний (ҳанафий мазҳаби фақиҳи. Ширвонда туғилиб, Мадинада вафот этган. У “Ҳадийятус сабиҳ шарҳу мишкотил масобих” (ҳадис шарҳи, уч жилдди) ва “Шарҳу мултақол абхур” (фиқҳ, икки жилдди) каби асарлар муаллифи).

Акрам, Akram (*ap.*) – энг сахий, қўли очик; ҳурматли, эътиборли, обрўъли; энг тақводор.

Али, Ali (*ap.*) – юксак, олий, юқори мартабали (Бошқа шакллари: Алибой, Алибек, Алидиёр, Алидўст, Алиёр, Ализода, Алиназар, Алиниёз, Алинур, Алиризо, Алисаид, Алихўжа, Алихайдар) * 1) Али ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф Абул Ҳасан Кураший Ҳошимий (машҳур саҳобий, амирул мўминин, ашараи мубашшаралардан. Хадижа онамиздан сўнг имон келтирган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам қарамоғларида тарбияланган), 2) Али ибн Талқ ибн Мунзир ибн Қайс ибн Амр Ҳанафий Ямомий (саҳобий), 3) Али ибн Шайбон ибн Муҳриз Суҳаймий Ямомий Ҳанафий (саҳобий, Абдурахмон ибн Али ибн Шайбоннинг отаси), 4) Али ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб Абул Ҳусайн Кураший Ҳошимий (машҳур тобеин. “Зайнул обидин” лақаби билан машҳур бўлган), 5) Али ибн Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб Абу Муҳаммад Кураший Ҳошимий (тобеин. Али ибн Абу Ҳамла у ҳақида: “Али ибн Абдуллоҳ бир кунда минг марта сажда қиларди”, деб айтган), 6) Али ибн Холид Дуалий Маданий (тобеин, ишончли ҳадис ровийси), 7) Али ибн Ҳакам Абул Ҳакам Буноний (кичик тобеин).

Алиаббос, Aliabbos (*ap.*) – “Али” ва “Аббос” исмлари бирикмаси.

Алиакбар, Aliakbar (*ap.*) – “Али” ва “Акбар” исмлари бирикмаси.

Алибек, Alibek (*ap.-ўз.*) – “Али”га “бек” қўшимчаси қўшиб ясалган исм.

Алимберган, Alimbergan (*ap.*) – ҳар бир нарсанинг асл ҳақиқатидан хабардор Аллоҳ берган бола.

Алимберди, Alimberdi (*ap.-ўз.*) – “Алимберган” билан маънодош.

Алимдўст, Alimdo‘st (*ap.-фм.*) – ҳар нарсадан воқиф Аллоҳнинг валий бандаси.

Алимёр, Alimyor (*ap.-фм.*) – ҳар нарсани билувчи Аллоҳ қўллайдиган банда.

Алимқул, Alimqul (*ap.-ўз.*) – ҳар бир нарсанинг асл ҳақиқатидан хабардор Аллоҳнинг бандаси (“Абдулғалим” исмининг ўзбекча шакли).

Алишер, Alisher (*ap.-фм.*) – шердек жасур ва қўрқмас бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Алиризо, Alirizo (*ap.*) – “Али” ва “Ризо” исмлари бирикмаси.

Алисаид, Alisaid (*ap.*) – “Али” ва “Саид” исмлари бирикмаси.

Алиумар, Aliumar (*ap.*) – “Али” ва “Умар” исмлари бирикмаси.

Алифайз, Alifayz (*ap.*) – “Али” ва “Файз” исмлари бирикмаси.

Алихонтўра, Alixonto‘ra – “Али”га “хон” ва “тўра” қўшимчалари қўшиб ясалган исм.

⁵ Аллоҳ таолонинг имтиҳонига, турли синов ва машаққатларга мардонавор сабр қилгани, тўғри йўлдан тойилмагани учун мазкур пайғамбарга “Айюб” деб ном берилган.

⁶ Баъзилар “-дин” ва “-ислом” қўшимчаси қўшиб ясалган исмлар қўйиш макруҳ. Сабаби бу исмлар улуғликни ифодалайди, дейишган. Улар бунга Нававийнинг “Муҳйиддин”, яна бошқа бир алломанинг “Тақиюддин” деб чақирилишни ёқтирмаганларини сабаб қилиб келтирадидлар. Аммо “-дин” қўшиб ясалган исмлар кўплаб уламоларнинг машҳур исми ёки лақаби бўлганини эслатиб ўтиш лозим. Мисол тариқасида Бурҳониддин Марғилоний, Баҳоуддин Нақшбандий, Зиёвуддин Мақдисий, Шамсиддин Заҳабий, Жалолиддин Суятий, Нуриддин Синдий, Бадриддин Айний, Шихобиддин Алусий ва бошқалар исмини келтириш мумкин.

“-дин” қўшиб ясаладиган исм илк бор хижрий тўртинчи асрда Баҳоуддавлa Рукниддин ибн Бувайхга қўйилган (“Ал-ислом вал ҳазоратул ғарбия”, Муҳаммад Курд Али).

Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозим, бу каби исмлар аввалда исмнинг олдида фахрий ном, яъни лақаб вазифасида қўлланилган. Ҳозирда улар исм ўрнида ишлатилади.

Ал-Ясаъ⁷, Al-Yasa' (*ap.*) – кўпаювчи, кенгаювчи?⁸ * 1) Ал-Ясаъ ибн Шофот (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан бири. Ал-Ясаъ Илёс алайҳиссалом амакисининг ўғли бўлиб, Илёс алайҳиссаломдан сўнг Баълабак аҳлига пайғамбар бўлган. Тахминан милоддан аввалги 840-йилларда вафот этган. Ал-Ясаъ алайҳиссалом исми Қуръони каримнинг икки ўрнида – “Анъом” сурасининг 86-оятда, “Сод” сурасининг 48-оятларида келган), 2) Ал-Ясаъ ибн Муғийра Қураший Махзумий (тобеин), 3) Ал-Ясаъ ибн Зайд ибн Саҳл Абу Наср Зайнабий Маккий (шайх, олим. Баъзилар айтишича, у Суфён ибн Уяйна билан учрашган), 4) Ал-Ясаъ ибн Исо ибн Ҳазм ибн Абдуллоҳ ибн Ал-Ясаъ Абу Яҳё Фофикий Жиёний (тарихчи, қироат илми уламоларидан. Ҳижрий 575-, мелодий 1179-йилда вафот этган).

Аллоҳберган, Allohbergan (*ap.-ўз.*) – Аллоҳ ато этган фарзанд (Аксар ҳолларда ушбу исм бир оз ўзгартириб, “Оллоберган” шаклида қўлланади).

Аллоҳберди, Allohberdi (*ap.-ўз.*) – “Аллоҳберган” исмининг бошқа шакли (Ушбу икки исм ва Аллоҳ таолонинг гўзал исмларига “-берди”, “-берган” кўшимчалари кўшиб ясаладиган бошқа исмлар фарзанд туғилганда хурсандчилигини изҳор этиш, Аллоҳ таолога шукр ва ҳамд айтиш маъносида, чақалок келажакда Аллоҳнинг ҳақиқий мўмин бандаларидан бўлсин, деган мақсадда кўйилади).

Аллоҳдўст, Allohdo'st (*ap.-фм.*) – Аллоҳнинг валий бандаси.

Аллоҳёр, Allohyor (*ap.-фм.*) – “Аллоҳдўст” билан маънодош (Бу исм бизда “Оллоёр” тарзида қўлланилади. Аммо уни “Аллоҳёр” шаклида ёзган маъқул).

Аллоҳқул, Allohqul (*ap.-ўз.*) – Аллоҳнинг бандаси (“Абдуллоҳ”нинг ўзбекча шакли).

Аллоҳқулихон, Allohqulixon (*ap.-ўз.*) – “Аллоҳқул”га “хон” кўшиб ясалган исм (Баъзилар бу исмни “Оллоқулихон” шаклида ишлатишади).

Ало, Alo (*ap.*) – юксалиш, юкорилаш; юкори мартаба соҳиби * 1) Ало ибн Ҳазрабий (саҳобий), 2) Ало ибн Абдурахмон ибн Яъқуб Абу Шибл (кичик тобеин), 3) Ало ибн Зайд Абу Муҳаммад Сақафий (кичик тобеин), 4) Ало ибн Ҳорис ибн Абдулворис Абу Ваҳб Ҳазрабий (кичик тобеин), 5) Ало ибн Абдуллоҳ ибн Рофеъ Ҳазрабий Жазарий (катта табаа тобеин).

Алоуддин, Alouddin (*ap.*) – Ислом дининг улуғлиги, буюклиги рамзи * 1) Алоуддин ибн Масъуд ибн Аҳмад Абу Бакр Косоний (машҳур ханафий фақиҳи, “Бадоеус саноиъ фи тартибиш шароиъ”, “Ас-султонул мубин фи усулид дин” ва бошқа асарлар муаллифи), 2) Алоуддин Али ибн Халил Абул Ҳасан Тараблусий (ханафий фақиҳи. Қуддус шаҳрида қозилик қилган).

Алп, Alp (*ўз.*) – довьорак, ботир.

Алқама, Alqama (*ap.*), (*э.у.*) – дарахт тури * 1) Алқама ибн Қайс ибн Абдуллоҳ ибн Молик Абу Шибл Нахайй (катта тобеин, Иброҳим Нахаййнинг тоғаси. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тирик вақтларида туғилган. Сиффин жангида қатнашган. Саҳобалардан кўплаб ҳадислар ривоят қилган. Ирок диёри фақиҳи бўлган), 2) Алқама ибн Ваққос ибн Миҳсон Абу Яҳё Лайсий Маданий (катта тобеин), 3) Алқама ибн Воил ибн Ҳужр ибн Саъд ибн Масрук Ҳазрабий Киндий Куфий (тобеин, Воил ибн Ҳужр розияллоҳу анҳунинг ўғли, Абдулжаббор ибн Воилнинг туғишган биродари. Ибн Ҳажар уни ишончли ҳадис ровийси, деган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ҳадис ривоят қилишган), 4) Алқама ибн Назла ибн Абдурахмон ибн Алқама Киноний (кичик тобеин).

Амал, Amal (*ap.*), (*а.у.*) – умид, ишонч, мурод.

Аматуллоҳ, Amatulloh (*ap.*), (*а.у.*) – Аллоҳнинг бандаси (“Абдуллоҳ” исмининг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли) * Аматуллоҳ бинти Разина (саҳобия. Айтилишича, у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хизматкорлари бўлган).

Амин, Amin (*ap.*) – ишончли; омонатдор; хавфсиз, тинч, осойишта (Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатларидан бири – Муҳаммад Амин) * 1) Амин ибн Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб Жундий Аббосий Димашқий (Дамашқдаги ханафийлар муфтийси (х. 1229-1295, мел. 1814-1878). “Асмоу аҳли бадр” ва “Шарҳу рисолатиш шайх раслон” каби китоблар муаллифи), 2) Амин ибн Иброҳим Шумайл (котиб, тадқиқотчи (х. 1243-1313, мел. 1828-1897). У Ливанда туғилган ва Қоҳирада вафот этган), 3) Амин ибн Муҳаммадхалил Сафаржалоний (Дамашқдаги ханафийлар фақиҳларидан. Ҳижрий 1335-, мелодий 1916-йилда вафот этган. У “Ал-қутуфуд дония фил улумис самония”, “Уқудул

⁷ “Ал-Ясаъ” исми инглиз тилида “Elisha” шаклида қўлланади.

⁸ “Ал-Ясаъ” исми “ийлий”, “ёҳ” ва “шоъ” кўшимчаларидан ясалган бўлиб, “Парвардигорим менинг халоскоримдир” маъносини англатади.

асонид”, “Ал-кавкабул ҳасис фи мусталаҳул ҳадис”, “Ал-ақдул ваҳид” каби асарлар муаллифи), 4) Амин ибн Башир ибн Юсуф Тулайъ Жамил – ливанлик табиб (х. 1284-1354, мел. 1867-1935).

Амина, Amina (*ap.*) – “Амин”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли (“Омина” ва “Амина” бир ўзакдан ясалган исмлар бўлиб “хотиржам”, “саломат”, “хавфсиз”, “ишончли”, “омонатдор” каби маъноларни англатади) * Амина бинти Муҳаммаднажиб (мисрлик фозила аёллардан (ҳиж. 1304-1335, мел. 1887-1917). Қоҳирада туғилиб, ўша ерда вафот этган. У “Ҳаматул ислом” китоби муаллифи Мустафонажибнинг синглицидир).

Амир, Amir (*ap.*) – раҳбар, йўлбошчи (Амиралли, Амирзода, Амирназар, Амирсаид).

Амирхон, Amirxon (*ap.*) – “Амир”га “хон” қўшимчаси қўшиб ясалган исм.

Аммор, Ammor (*ap.*) – кўп умр кўрувчи, узоқ яшовчи * 1) Аммор ибн Ёсир ибн Омир ибн Молик Абул Яқизон Ансий (машҳур саҳобий), 2) Аммор ибн Саъд ибн Оиз (тобеин), 3) Аммор ибн Абу Аммор Абу Умар Маккий (тобеин), 4) Аммор ибн Зурайқ Абул Аҳвас Заббий (табаа тобеин).

Аммора, Ammora (*ap.*) – “Аммор”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Амон, Amon (*ap.*), (*a.u.*) – хавфсизлик, хотиржамлик.

Амоний, Amoniy (*ap.*), (*a.u.*) – орзу, умид.

Амр, Amr (*ap.*) – яшовчи, умр кўрувчи * 1) Амр ибн Зоид Қураший Омирий (саҳобий. “Ибн Умму Мактум” кунyasi билан танилган. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам муаззинлари бўлган. Баъзи манбаларда унинг исми “Абдуллоҳ” деб келтирилган), 2) Амр ибн Ос ибн Воил Абу Абдуллоҳ Қураший (саҳобий, Миср диёри фотиҳи), 3) Амр ибн Ҳорис ибн Абу Зирор ибн Ҳабиб ибн Оиз Хузойй Мусталиқий (саҳобий, уммул мўминин Жувайрия онамизнинг ақалари), 4) Амр ибн Умайя ибн Хувайлид ибн Абдуллоҳ ибн Иёс Абу Умайя Замрий (машҳур саҳобий. Ўзининг жидду жаҳди, жасурлиги билан танилган), 5) Амр ибн Ахтаб ибн Рифоа Абу Зайд Ансорий (машҳур саҳобий).

Амридин, Amriddin (*ap.*) – Ислом динининг амри, буйруғи, фармони; Ислом аҳкомларига тўлиқ амал қилувчи банда.

Анас, Anas (*ap.*) – дўст, ҳамроҳ; фарах, қувонч * 1) Анас ибн Назр ибн Замзам ибн Зайд ибн Ҳаром ибн Жундуб ибн Омир ибн Ғанм ибн Адий ибн Нажжор Абу Ҳамза Нажжорий Ҳазражий (машҳур саҳобий. Кўп йиллар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам хизматларида бўлган. Анас ибн Моликнинг амакиси. Уҳуд жангида қатнашган ва ўша ерда шаҳид бўлган.), 2) Анас ибн Молик Абу Умайя Каъбий Кушайрий (машҳур саҳобий., Набий соллalloҳу алайҳи ва салламга ўн йил⁹ хизмат қилган. Ҳижрий 93-йилда бир юз икки ёшида вафот этган), 3) Анас ибн Сийрин Абу Мусо Ансорий (тобеин), 4) Анас ибн Ҳаким Заббий Басрий (тобеин).

Анбар, Anbar (*ap.*), (*a.u.*) – хушбўй, ёқимли, муаттар.

Андалиб, Andalib (*ap.*) – булбул, ширинсухан бола.

Анвар, Anvar (*ap.*) – энг нурли, энг ёруғ, жуда нурафшон; бахтли, толеъи баланд * 1) Анвар ибн Саид ибн Анис Аттор (нозиктаъб шоир (х. 1326-1392, мел. 1908-1972). Дамашқда туғилиб, ўша ерда вафот этган), 2) Анвар ибн Аҳмад ибн Юнус Хатиб (хуқуқшунос, ҳимоячи – адвокат, вазир (х. 1328-1390, мел. 1910-1970). Байрутда туғилиб, ўша ерда вафот этган).

Анзират, Anzirat (*фт.*), (*a.u.*) – тенгсиз, беназир; ноёб, камёб.

Анис, Anis (*ap.*) – дўст, ҳамроҳ, улфат.

Аниса, Anisa (*ap.*) – “Анис”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ансор, Ansor (*ap.*) – ёрдам берувчи, кўмаклашувчи; Аллоҳ йўлида мўмин биродарларига ёрдам берувчи (Маккадан Мадинага ҳижрат қилиб борган муҳожирларга ёрдам берган – уларни уй-жой, озиқ-овқат билан таъминлаб, Аллоҳ йўлида катта ёрдам кўрсатганлар “ансорлар” деб аталади).

Арзақ, Arzaq (*ap.*) – ризқлантирилган, насибали, кенг ризқли.

Арофат, Arofat (*ap.*) – ҳаж амалларини бажарувчилар Арафа куни тўпланадиган тепалик номи.

Арқам, Arqam (*ap.*) – баён қилувчи; белгиловчи; ёзувчи * 1) Арқам ибн Абу Арқам (Абдуманоф) ибн Асад ибн Абдуллоҳ Абу Абдурахмон Махзумий (саҳоба, собиқунал аввалиндан. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам мушриклар тазйиқи кучайганида унинг Маккадаги уйида яшаганлар. Арқам ибн Абу Арқам Бадрда қатнашган, Муовия давлати ташкил топгунга қадар яшаган. Ҳижрий 53-йилда саксон беш ёшида вафот этган. Арқам розияллоҳу анҳу Байтул Макдисда намоз ўқиш ниятида

⁹ Баъзи манбаларда саккиз, бошқаларида эса етти йил, дейилган.

сафарга чикмоқчи бўлиб турганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг сафардан кўзлаган мақсади тижорат ёки бирон ҳожат учунми, деб сўраганларида, у: “Мен у ерда намоз ўқимоқчиман”, деб жавоб берган. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Менинг масжидимда (ўқилган) намоз ундан бошқасидагида мингта намоздан яхшироқ. Фақат Масжидул ҳаром бундан мустасно”, дедилар. Шунда Арқам ўз қарорини ўзгартириб, у ерга бормаган), 2) Арқам ибн Жуфайна Тажибий (саҳобий. Миср фатҳида қатнашган), 3) Арқам ибн Шурахбил Авдий Куфий (тобеин, Ҳузайл ибн Шурахбилнинг биродари. Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар ва Заҳабий уни ишончли ровий ҳисоблашган).

Асадуллоҳ, Asadulloh (*ap.*) – сўзма-сўз. “Аллоҳнинг шери”, маънавий жиҳатдан “Аллоҳнинг довурак, жасур бандаси” маъносини англатади (Бу, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари Ҳамза ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф Қураший Ҳошимий розияллоҳу анҳунинг лақаби саналади).

Асал, Asal (*ap.*) – тили болдек ширин, истараси иссиқ бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм (Бошқа шакллари: Асалбиби, Асалбека, Асалбону, Асалгул).

Асвад, Asvad – * 1) Асвад ибн Сарийъ ибн Ҳумайр ибн Убода ибн Низол ибн Мурра ибн Убайд Абу Абдуллоҳ Саъдий Тамимий (Бани Саъд қабиласидан бўлган саҳобий. Тўртта ғазотда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан қатнашган. Чиройли шеър ўқувчи ва қисса айтувчи киши бўлган. Ҳасан Басрий ва Абдурахмон ибн Абу Бакралар ундан ҳадис ривоят қилишган. Абу Довуд ва Насоий “Сунан”да, Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ушбу саҳобий ривоят қилган ҳадисларни келтиришган. Асвад ибн Сарийъ ҳижрий 42-йилда, Жамал воқеаси арафасида вафот этган), 2) Асвад ибн Ҳилол Абу Саллом Мухорибий (катта тобеин. Куфадан. Жоҳилият даврини кўрган. У Умар, Муоз, Ибн Масъуд ва Абу Ҳурайрадан ривоят қилган. Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Насоий ундан ривоят қилган. Ҳижрий 84-йилда вафот этган), 3) Асвад ибн Язид ибн Қайс Абу Амр Нахайй (катта тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Абу Амр Нахайй ҳижрий 74/75-йилда вафот этган), 4) Асвад ибн Масъуд Аназий Басрий (тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар уни ишончли ровий эканини айтган), 5) Асвад ибн Саид Ҳамадоний Куфий (тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар уни ишончли ровий санаган), 6) Асвад ибн Қайс Абу Қайс Абдий (тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 7) Асвад ибн Шайбон Абу Шайбон Садусий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳунинг мавлоси. Термизийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган, фақат Бухорий унинг ривоятини “Ал-Адабул муфрад”да келтирган. Абу Шайбон Садусий ҳижрий 160-йилда вафот этган), 8) Асвад ибн Омир Абу Абдурахмон Шомий (кичик табаа тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Асвад ибн Омир ҳижрий 208-йилда Бағдодда вафот этган), 9) Асвад ибн Алоъ ибн Жория Сақафий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Муслим ва Насоий ундан ривоят қилган).

Асил, Asil (*ap.*) – насл-насабли; маълум, машхур.

Асила, Asila (*ap.*) – “Асил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Аслам, Aslam (*ap.*) – соғлом; хотиржам, тинч-омон * 1) Аслам Абу Холид Қураший Адавий (катта тобеин, Умар ибн Хаттобнинг мавлоси, Зайд ибн Аслам ва Холид ибн Асламларнинг отаси), 2) Аслам ибн Язид Абу Имрон Тажибий Мисрий (тобеин), 3) Аслам Ижлий Рабаий Басрий (тобеин).

Аслия, Asliya (*ap.*) – соф, тоза, асл.

Асмар, Asmar (*ap.*) – буғдойранг, жигарранг * 1) Асмар ибн Музаррис Тоий (саҳобий. Абу Довуд ундан ривоят қилган), 2) Асмар ибн Соида ибн Ҳалавот Мозиний (саҳобий).

Асмоъ, Asmo' (*ap.*), (*а.э.и.*) – юксак мартабали * 1) Асмоъ бинти Абу Бакр Сиддиқ (Абдуллоҳ) ибн Абу Қуҳофа (машхур саҳобия, Зубайр ибн Аввомнинг завжаси, яъни Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг онаси), 2) Асмоъ бинти Язид ибн Сакан ибн Рофеъ ибн Имрулқайс ибн Абдулғашҳал Умму Салама Ансория Ашҳалия (машхур саҳобия), 3) Асмоъ бинти Зайд ибн Хаттоб Қурашия Адавия (саҳобия), 4) Асмоъ бинти Саид ибн Язид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл Адавия (саҳобия), 5) Асмоъ бинти Шакл Ансория (саҳобия), 6) Асмоъ бинти Умайс Ҳасъамия (саҳобия, у Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам завжалари Маймуна бинти Ҳорисга она томондан сингил ёки опа бўлади), 7) Асмоъ бинти Абдурахмон ибн Абу Бакр Сиддиқ (тобеин).

Изоҳ: Юқорида келтирилган мисоллардан “Асмоъ” исми асосан аёлларга қўйилишини билиб олдик. Нодир ҳолларда эркакларга ҳам “Асмоъ” исми қўйилади. Масалан, Асмоъ ибн Ҳакам Абу Ҳассон Фазорий деган тобеин ўтганлиги манбаларда зикр қилинган.

Асомиддин, Asomiddin (*ap.*) – Ислом динининг тутқичи (Ушбу исм аслида “Исомиддин” шаклида бўлиши керак).

Асьад, As’ad (*ap.*) – энг бахтли, энг саодатманд * 1) Асьад ибн Зурора ибн Удус ибн Убайд ибн Саълаба ибн Ғанм ибн Молик ибн Нажжор Абу Умома Ансорий Хазражий (машхур саҳобалардан. Бадр ғазотидан олдин вафот этган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биринчи бўлиб унга жаноза намозини ўқиганлар ва у илк бор “Бақийъ” қабристонига дафн қилинган маййит саналади), 2) Асьад ибн Саҳл ибн Ҳунайф ибн Воҳиб Абу Умома Ансорий Маданий (саҳоба (х. 8-100). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга “Асьад” деб исм қўйганлар. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ибн Ҳажар у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўргани, аммо у зотдан ҳадис ривоят қилмаганини айтган), 3) Асьад ибн Салома Ашҳалий (саҳобий. Явмул жиср куни вафот этган), 4) Асьад ибн Атийя ибн Убайд ибн Бажола ибн Авф Қузойи (саҳобий).

Асқад, Asqad (*ap.*) – жуда хурсанд, энг омадли, бахтли.

Асқар, Asqar (*ap.*) – (аслида “Асғар”) кичик, кенжа (Бошқа шакллари: Асқарали, Ақсартой).

Атийя, Atiyya (*ap.*), (*э.и.*) – совға, ҳадя, тухфа * 1) Атийя Қуразий (саҳобий), 2) Атийя ибн Буср Мозиний (саҳобий. Абдуллоҳ ибн Бусрнинг туғишган биродари), 3) Атийя ибн Буср Ҳилолий (саҳобий), 4) Атийя ибн Омир (саҳобий), 5) Атийя ибн Урва ибн Саъд Саъдий (саҳобий), 5) Атийя ибн Омир Жуханий (катта тобеин).

Атиф, Atif (*ap.*) – меҳрибон, раҳмдил; мурувватли (инсон қалбининг сифати).

Атифа, Atifa (*ap.*) – “Атиф”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ато, Ato (*ap.*) – ато қилинган нарса, совға, тухфа * 1) Ато ибн Абу Рабоҳ Абу Муҳаммад Қураший Фихрий (машхур тобеин, Абу Хайсамнинг мавлоси, Макка аҳли муфтийси), 2) Ато ибн Ясор Абу Муҳаммад Ҳилолий (катта тобеин, уммул мўминин Маймуна бинти Ҳорис розияллоҳу анҳонинг мавлоси, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Убай ибн Каъб, Абдуллоҳ ибн Салом ва бошқа саҳобалардан илм олган ишончли ҳадис ровийси), 3) Ато ибн Фаррух Ҳижозий Маданий (тобеин), 4) Ато ибн Соиб ибн Молик Абу Муҳаммад Сақафий Куфий (кичик тобеин), 5) Ато ибн Ажлон Абу Муҳаммад Басрий Ҳанафий (кичик тобеин).

Атоуллоҳ, Atoullah (*ap.*) – Аллоҳ берган совға, тухфа (яъни, Раббим Аллоҳ берган бола) * 1) Атоуллоҳ ибн Аҳмад ибн Атоуллоҳ ибн Аҳмад Азҳарий Маккий (адиб, мисрлик шофеъий мазҳабига мансуб олим. Ҳижрий 1186-, мелодий 1772-йилдан кейин вафот этган), 2) Атоуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Ҳасан Мударрис (ҳалаблик фозил кишилардан (ҳиж. 1256-1332, мел. 1840-1913). Ҳалабда туғилиб, ўша ерда вафот этган).

Аттор, Attor (*ap.*) – мушку анбар ва хушбўйликлар сотувчи; хушбўй бўлиб юрувчи * 1) Аттор Ҳасан ибн Исҳоқ ибн Язид Абу Али Бағдодий (шайх, муҳаддис, ишончли ровий. Абу Али Бағдодий Умар ибн Шабиб, Зайд ибн Ҳубоб, Ҳасан ибн Мусо, Муҳаммад ибн Букайр, Абу Нуайм ва бошқалардан ривоят қилган. Ундан Муҳаммад ибн Махлад, Абул Аббос Асам ва Исмоил Саффор ривоят қилган. Ибн Исҳоқ ҳижрий 272-йил сафар ойида вафот этган), 2) Аттор Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Али Абу Бакр Асбахоний (имом, хофиз, ишончли ровий. У ҳижрий 466-йил сафар ойида вафот этган), 3) Аттор Аҳмад ибн Абдулбоқий ибн Аҳмад ибн Бишр Абу Ғолиб Кархий Бағдодий (шайх, имом, ҳадис ровийси (х. 434-520). У Абу Толиб Ғайлон ва Жавҳарийдан ривоят эшитган. Абу Муаммар Ансорий ва Абул Алоъ ибн Акил ундан ривоят қилган), 4) Аттор Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Абдусаммад ибн Абдураззоқ Абулқосим Шамсиддин Суламий Бағдодий Сайдалоний (шайх, амир, муҳаддис, ишончли ровий (х. 546-615). Айтилишича, у машхур тобеин Абу Абдурахмон Суламий авлодидан).

Афзал, Afzal (*ap.*) – афзал, устун, юқори.

Афиф, Afif (*ap.*) – ҳаром ишлардан ҳаё қилувчи банда * 1) Афиф ибн Маъдиқариб Киндий (саҳобий, Ашъас ибн Қайсининг она тарафдан биродари. Насоий ундан ривоят қилган), 2) Афиф ибн Ҳорис Ямоний (саҳоба), 3) Афиф ибн Амр ибн Мусайяб Саҳмий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Абу Довуд ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар унинг макбул ровийлигини айтган), 4) Афиф ибн Солим Абу Амр Мусилий Бажалий (табаа тобеин. Насоий “Муснаду али”да ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар унинг ишончли ровий эканини айтган. Афиф ибн Солим ҳижрий 180-йилдан кейин вафот этган).

Афифа, Afifa (*ap.*) – “Афиф”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли – ҳаёли, номусли; бокира, маъсума * 1) Афифа бинти Абу Бакр Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад Умму Ҳонейъ Асбахония Форфония (улуғ шайх аёллардан, Исфакхон шаҳри муҳаддиси, ҳадис ва фикҳ илмида шуҳрат

қозонган (х. 516-606, мел. 1122-1209). Афифа бинти Абу Бакр “Ал-Муъжамул кабир”, “Ал-Муъжамус сағир” ва Нуайм ибн Ҳаммоднинг “Фитан” китобини эшитган, ўзи ҳам ривоят қилган), 2) Афифа бинти Саид ибн Абдуллоҳ Хуврий (ёзувчи, адаб илми билимдони).

Афлах, Aflah (*ap.*) – дунё ва охиратда нажот топувчи * 1) Афлах (саҳоба, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мавлолари. Баъзилар уни Умму Саламанинг мавлоси, дейишган), 2) Афлах ибн Қуайс (саҳоба), 3) Афлах Абу Абдурахмон (катта тобеин, Абу Айюб Ансорийнинг мавлоси. Муслим ва Абу Довуд ундан ривоят қилган. У ҳижрий 63-йилда вафот этган), 4) Афлах ибн Саид Абу Муҳаммад Ансорий (катта табаа тобеин. Муслим ва Насоий ундан ривоят қилган. Ибн Саид ҳижрий 156-йилда вафот этган), 5) Афлах ибн Ҳумайд ибн Нофеъ Абу Абдурахмон Ансорий Нажжорий (катта табаа тобеин, Сафвон ибн Авсинг мавлоси. Термизийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Афлах ибн Ҳумайд ҳижрий 158-йилда вафот этган).

Аффон, Affon (*ap.*) – 1) Аффон ибн Сайёр Абу Саид Боҳилий (табаа тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар уни ишончли ровий сифатида зикр қилган), 2) Аффон ибн Муслим ибн Абдуллоҳ Абу Усмон Боҳилий Басрий Саффор (табаа тобеинлардан илм олганлардан, имом, хофиз, Бағдод муҳаддиси (х. 134-220, мел. 751-835). У Азра ибн Собит Ансорийнинг мавлоси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Шунингдек, ундан Аҳмад, Ибн Мадиний, Ибн Маин, Исҳоқ, Фаллос, Ибн Абу Шайба, Зухлий, Халаф ибн Солим, Ибн Саъд, Абу Хайсама, Ибн Нумайр, Абу Курайб, Ҳилол ибн Алоъ Абу Ҳотим, Исҳоқ ибн Ҳасан Ҳарбий ва бошқалар ривоят қилишган. Аффон ибн Муслим Бағдодда истикомат қилган. Маъмун даврида Қуръон махлуқлиги ҳақидаги гап чиқарилганида халифа ўз аъёнларига Аффондан бу ҳақида сўрашни, агар жавоб бермаса, ойликдан маҳрум қилишини айтади. Аффон ибн Муслим ўша вақтда бир ойда 500 дирҳам маош оларди. Халифа одамлари келиб, унга мазкур масалада савол беришганида Аффон хотиржамлик билан “Осмонда сизларнинг ризкинғиз ва сизларга ваъда қилинаётган нарса бор” оятини тиловат қилган, лекин ўша саволга жавоб бермаган. Ибн Жавзийнинг айтишича, Аффон ибн Муслим бу масала борасида энг биринчи имтиҳон қилинган кишидир. Аллоҳ у зотни раҳматига олсин).

Ашраф, Ashraf (*ap.*) – энг ҳурматли.

Аъмаш, A'mash (*ap.*) – * 1) Аъмаш Сулаймон ибн Миҳрон Абу Муҳаммад Асадий Коҳилий Куфий (тобеин, имом, шайхул Ислому, қори ва муҳаддислар имоми. У Анас ибн Молик розияллоҳу анҳуни кўрган ва ундан ривоят қилган), 2) Аъмаш Ҳамд ибн Наср ибн Аҳмад Абул Алоъ Ҳамадоний (имом, хофиз, Ҳамадон муҳаддиси (х. 431-512).

Ақида, Aqida (*ap.*), (*a.u.*) – Ислому дини ақидаси, эътиқоди; эътиқоди тўғри, ақидаси мустаҳкам.

Аҳлиддин, Ahliddin (*ap.*) – дин аҳлидан, Исломуга мансуб бўлган, дин йўлида хизмат қилувчи.

Аҳлиимон, Ahliimon (*ap.*) – “Аҳлиддин” билан маънодош.

Аҳлиислом, Ahliislom (*ap.*) – “Аҳлиддин” билан маънодош.

Аҳлуллоҳ, Ahlulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг сеvimли бандаларидан бири.

Аҳмад¹⁰, Ahmad (*ap.*) – мақтовга сазовор, олқишга муносиб (Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “Муҳаммад”дан кейинги исмлари¹¹) * 1) Аҳмад ибн Муфаззал Абу Али Кураший Умавий Ҳафрий (табаа тобеин), 2) Аҳмад ибн Ҳусайн ибн Али Абу Бакр Байҳақий (машҳур муҳаддис, “Шуабул имон” ва шу каби кўплаб асарлар муаллифи), 3) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исмоил (ҳанафий фақиҳи, “Ҳошиятуд дуррил мухтор” асари билан машҳур бўлган), 4) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Саломат ибн Салама Абу Жаъфар Аздий Таҳовий (Шофеий мазҳабининг етук фақиҳларидан бўлиб етишган, сўнг Ҳанафий мазҳабига ўтган, “Ал-Мухтор фил фикҳ” ва “Ал-Ихтилоф байнал фуқаҳо” асарлари муаллифи), 5) Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Қудурий Ҳанафий (машҳур ханафий фақиҳи, “Мухтасурул Қудурий” асари муаллифи).

Аҳмадали, Ahmadali (*ap.*) – “Аҳмад” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Аҳмадамин, Ahmadamin (*ap.*) – ишончли ва тўғрисўз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммати.

¹⁰ “Аҳмад” исми Туркияда “Аҳмет”, “Аҳмед”, Боснияда “Аҳмед” шаклида қўлланилади.

¹¹ Ривоят қилинишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўнг “Аҳмад” исми илк бор аруз соҳиби Халил ибн Аҳмаднинг отаси Аҳмад Фароҳидий Басрийга қўйилган.

Аҳмадбашир, Ahmadbashir (*ap.*) – такволи ва солиҳ бандаларга жаннат башоратини берувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадзокир, Ahmadzokir (*ap.*) – Раббини бир зум ҳам унутмайдиган, У Зотни доим зикр қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадзоҳид, Ahmadzohid (*ap.*) – зуҳду такво қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадкозим, Ahmadkozim (*ap.*) – ғазаби чикқанда Аллоҳ розилиги учун ўзини босувчи, сабр қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадлатиф, Ahmadlatif (*ap.*) – илтифотли, мулойим Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадмансур, Ahmadmansur (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг нусратига эришган Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадмасдук, Ahmadmasduq (*ap.*) – ростгўйлиги ўзгалар томонидан тан олинган Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадмахмуд, Ahmadmahmud (*ap.*) – мақталган, олқишланган, бандалар ичида мақтовга энг муносиб Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадмухтор, Ahmadmuxtor (*ap.*) – Аллоҳ томонидан рисолатни етказиш учун танлаб олинган Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадмуҳсин, Ahmadmuhsin (*ap.*) – ҳаммага яхшилик қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадмўмин, Ahmadmo‘min (*ap.*) – Аллоҳ таолога ҳақиқий имон келтирувчи, мўминлар ичида имони энг кучли, энг такводор Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмаднажиб, Ahmadnajib (*ap.*) – насл-насабли Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадназир, Ahmadnazir (*ap.*) – бандаларни охират азобидан огоҳлантирувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадрауф, Ahmadrauf (*ap.*) – раҳмдил Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадрашид, Ahmadrashid (*ap.*) – тўғри йўлга бошловчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадраҳим, Ahmadrahim (*ap.*) – шафқатли Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадризвон, Ahmadrizvon (*ap.*) – “Аҳмад” ва “Ризвон” исмлари бирикмаси.

Аҳмадризо, Ahmadrizo (*ap.*) – “Аҳмадризвон” билан маънодош.

Аҳмадсайид, Ahmadsayyid (*ap.*) – инсоният саййиди Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадсарвар, Ahmadsarvar (*ap.-фм.*) – Сарвари коинот Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадсиддиқ, Ahmadsiddiq (*ap.*) – ўта ростгўй Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадсобир, Ahmadsobir (*ap.*) – турли азият ва балоларга сабр қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадсобит, Ahmadsobit (*ap.*) – тўғри йўлда собитқадам турувчи; ўз аҳдида мустаҳкам бўлган Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадсодик, Ahmadsodiq (*ap.*) – ростгўй Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадсожид, Ahmadsojid (*ap.*) – Аллоҳга сажда қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадсолиҳ, Ahmadsolih (*ap.*) – Аллоҳнинг энг солиҳ бандаси Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадфозил, Ahmadfozil (*ap.*) – ақлли, доно ва ҳикмат эгаси Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадфотих, Ahmadfotih (*ap.*) – куфр ва ширк диёрларига Ислом динини олиб кирувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадфуод, Ahmadfuod (*ap.*) – “Аҳмад” ва “Фуод” исмлари бирикмаси.

Аҳмадхалил, Ahmadxalil (*ap.*) – Аллоҳнинг яқин дўсти Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадшакур, Ahmadshakur (*ap.*) – Раббига шукр қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадшариф, Ahmadsharif (*ap.*) – шарафли Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадшафиқ, Ahmadshafiq (*ap.*) – меҳр-шафқатли Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадюнус, Ahmadyunus (*ap.-қад.яҳ.*) – “Аҳмад” ва “Юнус” исмлари бирикмаси.

Аҳмадюсуф, Ahmadyusuf (*ap.-қад.яҳ.*) – “Аҳмад” ва “Юсуф” исмлари бирикмаси.

Аҳмадқосим, Ahmadqosim (*ap.*) – кишилар ўртасида адолатли ҳукм қилувчи, ўлжалар тақсимловчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳмадҳабиб, Ahmadhabib (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг суюкли бандаси Муҳаммаднинг уммати (“Аҳмадхалил” исми билан маънодош).

Аҳмадҳомид, Ahmadhomid (*ap.*) – Аллоҳга ҳамд айтувчи Муҳаммаднинг уммати.

Аҳнаф, Ahnaf (*ap.*) – фақат Аллоҳгагина ибодат қилувчи, ширк амаллардан йироқ юрувчи, Дин аҳкомларига ихлос билан амал қилувчи * Аҳнаф ибн Қайс ибн Муовия ибн Хусойн ибн Убода ибн Низол

ибн Мурра ибн Убайд ибн Ҳорис ибн Амр ибн Саъд ибн Зайдиманот ибн Тайм ибн Мур Абу Бахр Тамимий Саъдий (катта тобеин, ишончли ҳадис ровийси (х. 3-72, мел. 619-691). “Аҳнаф” мазкур тобеиннинг лақаби бўлиб, асл исми “Заҳҳок”, бошқа манбаларда “Сахр” деб келтирилган. У бир оёғини ён томонга ташлаб юрарди. Шу сабаб “Аҳнаф” (қадамини қийшиқ босувчи) деб лақаб қўйилган. Унинг ҳалимлиги тилларда дoston бўлган. Аҳнаф Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик даврларида Исломга кирган, аммо у зотни кўрмаган. Шундай бўлса-да Абу Нуайм уни “Маърифатус саҳоба” китобида келтирган. Демак, у мухазрамлардан саналади. Аҳнаф ибн Қайс Басрада туғилган. У Хуросондаги фатҳларда қатнашган, Жамал куни фитнадан узоқ турган, Сиффин жангида Али розияллоҳу анҳу қўшини қўмондонларидан бири бўлган. Аҳнаф Хуросон волийси бўлган, Ироқ амири Мусъаб ибн Зубайрнинг энг яқин дўсти ҳисобланган. У Умар, Али, Абу Зар, Аббос, Ибн Масъуд, Усмон ибн Аффон ва бошқа саҳобалардан ривоят қилган. Ундан Амр ибн Жовон, Ҳасан Басрий, Урва ибн Зубайр, Талқ ибн Ҳабиб, Абдуллоҳ ибн Амира, Язид ибн Шиххир, Хулайд Асорий ва бошқалар ривоят қилган. Аҳнаф ривояти “Сихоҳи ситта” соҳиблари китобларида келтирилган).

Аҳсан, Ahsan (*ap.*) – энг чиройли, жуда кўркам; кишиларга кўп яхшилик қилувчи.

Б

Бадиа, Badia (*ap.*) – ноёб, беназир, нодир (Бошқа шакллари: Бадиабоби, Бадиагул).

Бадр, Badr (*ap.*) – ўн тўрт кунлик ой (мукаммал мўминлардан бўлсин, деган ниятда қўйилади. Мазкур исмнинг бошқа шакллари: Бадрижамол, Бадрижаҳон, Бадрикамом, Бадринисо) * 1) Бадр ибн Абдуллоҳ Музаний (саҳобий), 2) Бадр Абу Абдуллоҳ Хатмий (саҳоба), 3) Бадр ибн Амр ибн Жарод Таймий Саъдий Куфий (тобеин. Ибн Можа ундан ривоят қилган), 4) Бадр ибн Усмон Қураший Умавий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, Усмон ибн Аффоннинг мавлоси. Муслим ва Насоий ундан ривоят қилган), 5) Бадр ибн Ҳайсам ибн Халаф Абулқосим Лахмий (қози, фақиҳ, ишончли ровий. Ҳижрий 200-йилда туғилиб, 317-йилнинг шаввол ойида вафот этган), 6) Бадр ибн Абдуллоҳ Абу Нажм Арманий (шайх, ишончли ровий. Ҳижрий 532-йилнинг рамазон ойида саксон ёшида вафот этган).

Бадриддин, Badridin (*ap.*) – Ислом динидаги етук имон соҳиби * 1) Бадриддин ибн Умар Маккий (фозил кишилардан, адабиёт ва тарих билан шуғулланган. Маккада туғилиб, ҳижрий 1175-, мелодий 1862-йилда ўша ерда вафот этган), 2) Бадриддин ибн Маҳмуд Ҳомид (моҳир шоирлардан – ҳижрий 1315-1381-, мелодий 1897-1961-йиллар).

Бадрия, Badriya (*ap.*) – хулқи ва ҳусни тўлин ойдек гўзал аёл.

Бадруллоҳ, Badrulloh (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг комил имонли бандаси.

Баёз, Bayoz (*ap.*) – оппоқ; мусаффо, покиза.

Бакр, Bakr (*ap.*) – ёш, навқирон, жўшқин, шижоатли * 1) Бакр ибн Шидох Лайсий (саҳобий. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хизматларида бўлган. Ундан Абдулмалик ибн Яъло Лайсий ривоят қилган), 2) Бакр ибн Мубашшир ибн Жабр Ансорий Маданий (Бани Убайд қабиласидан бўлган саҳобий), 3) Бакр ибн Савода ибн Сумома Жузамий Мисрий (тобеин), 3) Бакр ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Музаний (тобеин), 5) Бакр ибн Амр Абу Сиддик Ножий Басрий (тобеин), 6) Бакр ибн Зуръа Хавлоний Шомий (кичик тобеин).

Баккор, Bakkor (*ap.*) – * 1) Баккор ибн Абдулазиз ибн Абу Бакра Сақафий (катта табаа тобеин. Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Баккор ибн Яҳё (табаа тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, унинг ҳоли мажҳул), 3) Баккор ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Басрий (имом, ишончли ровий. Ҳижрий 124-йилда вафот этган), 4) Баккор ибн Қутайба ибн Асад ибн Убайдуллоҳ ибн Башир Сақафий (аллома, муҳаддис, қози. Ҳижрий 182-йилда Басрада туғилган).

Банда, Banda (*фм.*) – қул, банда (Арабча “Абд” исми билан маънодош).

Барака, Baraka (*ap.*), (*а.э.и.*) – барака, файз, мўллик, фаровонлик * 1) Барака Ҳабашия (саҳобия), 2) Барака бинти Ясор (саҳобия, Қайс ибн Абдуллоҳ Асадийнинг хотини. У эри билан Ҳабашистонга ҳижрат қилган), 3) Барака Абу Валид Мужошбий (тобеин. Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар ва Заҳабий унинг ишончли ровий эканини айтишган).

Баракатуллоҳ, Barakatulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг баракаси, файзи, инъоми (“Файзуллоҳ” исми билан маънодош).

Барлос, Barlos (ўз.) – мард, жасур, ботир.

Барно, Barno (фм.) – ёш, навқирон; чиройли, зебо (Бошқа шакллари: Барнобиби, Барногул).

Бароъ, Baroʻ (ар.) – пок, озода, маъсум * 1) Бароъ ибн Озиб ибн Ҳорис ибн Адий Абу Умора Ансорий Авсий (саҳобий), 2) Бароъ Салитий (тобеин), 3) Бароъ ибн Зайд Басрий (тобеин, Анас ибн Моликнинг набираси), 4) Бароъ ибн Ножиа Коҳилий (тобеин).

Барчин, Barchin (ўз.), (а.у.) – гўзал, зебо, чиройли (Бошқа шакллари: Барчинбиби, Барчинбуви, Барчинсулув).

Басират, Basirat (ар.) – зеҳни ўткир, оқила, доно.

Бассом, Bassom (ар.) – табассум қилувчи * Бассом ибн Абдуллоҳ Абулҳасан Сайрофий (кичик тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Бахт, Baxt (ар.) – бахтли, саодатманд.

Бахтиазим, Baxtiazim (ўз.) – улуғ бахт соҳиби, толеи порлоқ.

Бахтибор, Baxtibor (ўз.) – бахтли, толеи баланд.

Бахтиёр, Baxtiyor (ар.-фм.) – кувноқ, бахтли, саодатли.

Бахтимурод, Baxtimurod (ўз.) – бахтли бўлиб, муродига етсин, деган ниятга қўйиладиган исм.

Бахтинисо, Baxtiniso (ўз.-ар.) – аёлларнинг бахтлиси.

Башар, Bashar (ар.) – инсон, одам, инсон фарзанди (камтарлик юзасидан, инсонлигини унутмасин, кибру ҳавога кетмасин, деган ниятда қўйиладиган исм. “Одам” исми билан маънодош).

Башир, Bashir (ар.) – хушхабар келтирувчи, башорат берувчи (Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам исмларидан бири) * 1) Башир ибн Саъд ибн Саълаба ибн Жилос ибн Зайд ибн Молик ибн Саълаба ибн Каъб ибн Хазраж Ансорий Хазражий (саҳобий, Нўъмон ибн Баширнинг отаси. Насоий ундан ривоят қилган), 2) Башир Ҳорисий (саҳобий), 3) Башир ибн Зайд ибн Маъбад ибн Зибоб Садусий Заббий (саҳобий), 4) Башир Абу Бишр Асламий (саҳобий, дарахт остида байъат берганларлар), 5) Башир ибн Акраба Абул Ямон Жуханий (саҳобий), 6) Башир ибн Абдулмунзир Абу Лубоба Ансорий Авсий (саҳобий), 7) Башир ибн Абдуллоҳ Ансорий (саҳобий. Ямома куни шахид бўлган), 8) Башир Абу Исом Каъбий (саҳобий. Унинг аввалги исми “Акбар” эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни “Башир”га ўзгартирганлар), 9) Башир Муовий (саҳобий), 10) Башир ибн Жобир ибн Ғуроб ибн Авф ибн Дуола Абсий (саҳобий. Миср фатҳида қатнашган), 11) Башир ибн Салом Ансорий Маданий (тобеин, Ҳусайн ибн Баширнинг отаси. Насоий ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар уни ишончли ровий, деган), 12) Башир ибн Наҳик Абу Шаъсо Садусий (тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 13) Башир ибн Маймун Шақарий Басрий (тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 14) Башир ибн Муҳожир Куфий Ғанавий (кичик тобеин. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 15) Башир ибн Собит Ансорий Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, Нўъмон ибн Баширнинг мавлоси. Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Башира, Bashira (ар.) – “Башир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Башорат, Bashorat (ар.) – хушхабар, башорат, мужда; севинчли хабар.

Башшор, Bashshor (ар.) – “Башир”нинг кучайтирма шакли * 1) Башшор ибн Абу Сайф Жармий Шомий (кичик тобеин), 2) Башшор ибн Исо Абу Али Зубайи (кичик табаа тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар уни макбул ровий санаган), 3) Башшор ибн Мусо Абу Усмон Ижлий (катта муҳаддис. Ҳижрий 228-йилда вафот этган).

Баҳийя, Bahiyya (ар.), (а.у.) – чиройли, зебо, гўзал.

Баҳира, Bahira (ар.) – чиройли, чароғон, равшан.

Баҳманёр, Bahmanyor (ар.) – эзгу ниятли.

Баҳовуддин, Bahovuddin (ар.) – Ислом динининг улуғворлиги; Диннинг кўрки, чиройи (“Жамолиддин” исми билан маънодош) * 1) Абдуллоҳ (Баҳовуддин) ибн Махмуд (Шихобуддин) ибн Абдуллоҳ Алусий (боғдодлик шофееий мазҳабиға мансуб қозилардан – х. 1248-1291, мел. 1832-1874), 2) Муҳаммад (Баҳовуддин) ибн Абдулғаний ибн Ҳасан ибн Иброҳим Байтор (фозил кишилардан. Унинг назм, наср ва тасаввуфда асарлари бор. У Дамашқда туғилиб вафот этган. Ибн Абдулғаний отасидан Куръонни тўлиқ ёдлаган. Кейин араб тилидаги китобларни, жумладан шариат илмларига бағишланган асарларни ўқиб чиққан. Шунингдек, фалак илми ва тасаввуфга оид китобларни ҳам мутолаа қилган. У бир неча асарлар муаллифидир).

Баходир, Bahodir (ўз.мўз.) – ботир, пахлавон, мард.

Баҳор, Bahor (фм.) – ҳаёти баҳордек яшнаган бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм (Бошқа шакллари: Баҳоржамол, Баҳорниёз).

Бахраманд, Bahramand (фм.) – ризқ-насибали, омадли.

Баҳринисо, Bahriniso (ар.) – аёлларнинг энг чиройлиги, юзи нурлиси.

Баҳрия, Bahriya (ар.) – нурли; омадли; чиройли.

Баҳриддин, Bahriddin (ар.) – Диннинг нури; Диннинг виқори.

Бегали, Begali (ўз-ар.) – аслида “Бекали”. “Али” исми олдига “бек” қўшиб ясалган.

Бек, Век (ўз.) – ҳукмдор, бошқарувчи, ўтмишда юқори мансаблардан бири бўлган (Бошқа шакллари: Бекниёз, Бекпўлат, Бексафар, Бектой, Бектўра, Бекхўжа).

Бекзод, Bekzod (ўз.-фм.) – беклар авлодига мансуб бола.

Бекйигит, Bekyigit (ўз.) – ҳақиқий мард йигитлардан бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Бекмурод, Bekmurod (ўз.-ар.) – “Бек” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Бекмуҳаммад, Bekmuhammad (ўз.-ар.) – “Бек” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Бекназар, Beknazar (ўз.-ар.) – “Назар” исми олдига “бек” қўшиб ясалган исм.

Бексаид, Beksaid (ўз.-ар.) – баланд мартабали, бахтли.

Бектоҳир, Bektohir (ўз.-ар.) – “Бек” ва “Тоҳир” исмлари бирикмаси.

Бектурди, Bekturdi (ўз.) – “Бек” ва “Турди” исмлари бирикмаси.

Бектурсун, Bektursun (ўз.) – “Бек” ва “Турсун” исмлари бирикмаси.

Бектурғун, Bekturg'un (ўз.) – “Бек” ва “Турғун” исмлари бирикмаси.

Бердиазиз, Berdiaziz (ўз.-ар.) – “Азизберди”га қаранг.

Бердиазим, Berdiazim (ўз.-ар.) – “Азимберди”га қаранг.

Бердиакбар, Berdiakbar (ўз.-ар.) – буюк Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиакрам, Berdiakram (ўз.-ар.) – карами кенг Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиалий, Berdialiy (ўз.-ар.) – олий мартаба ва буюклик Эгаси Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиалим, Berdialim (ўз.-ар.) – “Алимберди”га қаранг.

Бердиаъло, Berdia'lo (ўз.-ар.) – энг улуғ Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиаҳад, Berdiahad (ўз.-ар.) – ёлғиз ва тенги йўқ Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиборий, Berdiboriy (ўз.-ар.) – йўқдан бор қилувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердибосит, Berdibosit (ўз.-ар.) – кенг ризқ берувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердибоқий, Berdiboqiy (ўз.-ар.) – боқий қолувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердивалий, Berdivaliy (ўз.-ар.) – солиҳ бандаларни яхши кўрувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиваҳҳоб, Berdivahhob (ўз.-ар.) – “Ваҳҳобберди”га қаранг.

Бердиворис, Berdivoris (ўз.-ар.) – мангу қолувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиёр, Berdiyoy (ўз.-ар.) – Аллоҳ берган фарзанд.

Бердижаббор, Berdijabbor (ўз.-ар.) – ғолиб ва ислоҳ қилувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердижавод, Berdijavod (ўз.-ар.) – сахий Аллоҳ берган фарзанд.

Бердижалил, Berdijalil (ўз.-ар.) – улуғ Аллоҳ берган фарзанд.

Бердикабир, Berdikabir (ўз.-ар.) – буюк Аллоҳ берган фарзанд.

Бердикарим, Berdikarim (ўз.-ар.) – “Каримберди”га қаранг.

Бердимавлон, Berdimavlon (ўз.-ар.) – оламлар Парвардигори Аллоҳ берган фарзанд.

Бердимажид, Berdimajid (ўз.-ар.) – “Мажидберди”га қаранг.

Бердималик, Berdimalik (ўз.-ар.) – “Маликберди”га қаранг.

Бердиманнон, Berdimannon (ўз.-ар.) – неъматлар ато қилувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиносир, Berdinosir (ўз.-ар.) – бандаларига ёрдам берувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердинофеъ, Berdinofe' (ўз.-ар.) – махлуқотларига фойдали нарсаларни яратувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердираззоқ, Berdirazzoq (ўз.-ар.) – ризклантирувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердирауф, Berdirauf (ўз.-ар.) – ўта меҳрибон Аллоҳ берган фарзанд.

Бердирашид, Berdirashid (ўз.-ар.) – тўғри йўлга бошловчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердирахим, Berdirahim (ўз.-ар.) – “Раҳимберди”га қаранг.

Бердирахмон, Berdirahmon (ўз.-ар.) – “Раҳмонберди”га қаранг.

Бердисамад, Berdisamad (ўз.-ар.) – ҳожатбарор Аллоҳ берган фарзанд.

Бердисаттор, Berdisattor (ўз.-ар.) – гуноҳларни кечирувчи, хатоларни беркитувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердифаттоҳ, Berdifattoh (ўз.-ар.) – ризқ ва раҳмат эшикларини очувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердихолиқ, Berdixoliq (ўз.-ар.) – “Холиқберди”га қаранг.

Бердишакур, Berdishakur (ўз.-ар.) – бандаларнинг оз амалларига кўплаб ажр-савоблар берувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердишаҳид, Berdishahid (ўз.-ар.) – ҳар бир нарсага гувоҳ бўлувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиқайюм, Berdiqayyum (ўз.-ар.) – “Қайюмберди”га қаранг.

Бердиқаҳҳор, Berdiqahhor (ўз.-ар.) – “Қаҳҳорберди”га қаранг.

Бердиқодир, Berdiqodir (ўз.-ар.) – ҳар нарсага қодир Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиқуддус, Berdiquddus (ўз.-ар.) – нуқсонлардан саломат Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиғани, Berdig‘ani (ўз.-ар.) – беҳожат Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиғафур, Berdig‘afur (ўз.-ар.) – бандалари гуноҳларини доимий тарзда кечириб турувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиғаффор, Berdig‘affor (ўз.-ар.) – “Ғаффорберди”га қаранг.

Бердиҳаким, Berdihakim (ўз.-ар.) – “Ҳакимберди”га қаранг.

Бердиҳамид, Berdihamid (ўз.-ар.) – ҳамду саного энг муносиб Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиҳафиз, Berdihafiz (ўз.-ар.) – ҳалокатлардан сақловчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бердиҳодий, Berdihodiy (ўз.-ар.) – тўғри йўлга бошловчи Аллоҳ берган фарзанд.

Бехбуд, Behbud (фм.) – тинч, сокин, роҳатда яшовчи; бахтли, саодатли.

Бехзод, Behzod (фр.) – аслзода, насл-насаби пок.

Бехруз, Behruz (фр.) – сўзма-сўз: “яхши кун”. Ушбу исм ҳар бир куни яхши бўлсин, деган ниятда кўйилади.

Билол, Bilol (ар.) – уч кунлик ой ёки соғлом бола * 1) Билол ибн Рабоҳ Абу Абдуллоҳ Ҳабаший Қураший Таймий (машҳур саҳобий, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг муаззинлари, Абу Бакр розияллоҳу анхунинг мавлоси, собиқунал аввалунлардан. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Билол ибн Абу Рабоҳ ҳижрий 17/18- ёки 20-йилда Шомда вафот этган), 2) Билол ибн Ҳорис ибн Укайм Абу Абдурахмон Музаний (саҳобий. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ҳижрий 60-йилда вафот этган), 3) Билол ибн Саъд ибн Тамим Абу Амр Ашъарий (тобеин, Дамашқ аҳли шайхи. У Муовия ва Жобир ибн Абдуллоҳдан ривоят қилган. Бухорий, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни ишончли ровий, обид ва фозил, дея таърифлаган. Билол ибн Саъд Ҳишом халифалиги даврида вафот этган), 4) Билол ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб Қураший Адавий Маданий (тобеин, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху набираси, Абдуллоҳ ибн Умарнинг ўғли, Солим ибн Абдуллоҳнинг биродари. Муслим ундан ривоят қилган), 5) Билол ибн Яҳё Абсий Куфий (тобеин. Муслимдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган, фақат Бухорий унинг ривоятини “Ал-Адабул муфрад”да келтирган), 6) Билол ибн Абу Дардо Абу Муҳаммад Ансорий (қатта тобеин, Дамашқ қозиси. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий. Ибн Абу Дардо ҳижрий 92- ёки 93-йилда вафот этган), 7) Билол ибн Каъб Уккий (қатта табаа тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ундан ривоят қилган, макбул ровий).

Бинафша, Binafsha (ўз.) – бинафша гулдек чиройли, кўркам.

Бинёмин, Binyomin¹² – (ибр.) – ўнг тараф соҳиби.

Бисёр, Bisyor (фм.) – кўп, мўл, файзли.

Бишр, Bishr – башорат, хурсанд * 1) Бишр ибн Суҳайм Ғифорий (саҳобий), 2) Бишр ибн Муҳтафиз Басрий (тобеин), 3) Бишр ибн Ҳарб Абу Амр Аздий (тобеин), 4) Бишр ибн Шиғоф Заббий Басрий (тобеин), 5) Бишр ибн Оиз Манқарий Басрий (тобеин), 6) Бишр ибн Осим Тоифий (тобеин), 7) Бишр ибн Осим Лайсий (тобеин), 8) Бишр ибн Ҳорис ибн Абдурахмон ибн Ато Абу Наср Марвазий (табаа тобеинлардан илм олганлардан, имом, зоҳид, олим, муҳаддис, тақво соҳиби, шайхул Ислом. “Бишр

¹² “Бинёмин” исми Ғарбда “Benjamin” шаклида қўлланади. Унинг турли шакллари мавжуд. Жумладан, бу исм русларда “Бенямин”, туркларда “Бунёмин” шаклида қўлланади. Европада мазкур исм “Бенямин” ёки “Бенжамин” шаклида талаффуз қилинади.

Ҳофий” исми билан машҳур бўлган. Бишр ибн Ҳорис илм талабида кўп юртларда бўлган. Молик, Шарик, Ҳаммод ибн Зайд, Иброҳим ибн Саъд, Абул Аҳвас, Холид ибн Абдуллоҳ Таххон, Фузайл ибн Иёз, Муофа ибн Имрон, Ибн Муборак, Абдурахмон ибн Зайд ибн Аслам ва бошқалардан илм олган. Абу Довуд “Маросил”да, Насоий “Муснаду алий”да ундан ривоят қилган. Бишр Ҳофий ҳижрий 152-йилда туғилиб, 227-йилда Бағдодда вафот этган).

Бобо, Vobo (*фм.*) – 1. Марҳум бувасининг исми берилган бола; 2. Диний раҳнамо, улуғ шайх.

Бобоали, Voboali (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Бобоаҳмад, Voboahmad (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Бобомурод, Bobomurod (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Бобоназар, Vobonazar (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Назар” исмлари бирикмаси.

Боборажаб, Boborajab (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Ражаб” исмлари бирикмаси.

Бобораҳим, Boborahim (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Раҳим” исмлари бирикмаси.

Бобораҳмат, Boborahmat (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Раҳмат” исмлари бирикмаси.

Бобосайд, Bobosaid (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Саид” исмлари бирикмаси.

Бобосафар, Bobosafar (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Сафар” исмлари бирикмаси.

Бобосодиқ, Bobosodiq (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Содиқ” исмлари бирикмаси.

Бобошариф, Bobosharif (*фм.-ар.*) – “Бобо” ва “Шариф” исмлари бирикмаси.

Бой, Boy (*ўз.*) – бадавлат, бой; ҳукмдор.

Боймирза, Boymirza (*ўз.-фм.*) – “Бой” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Боймурод, Boymurod (*ўз.-ар.*) – ҳам маънан, ҳам моддий жиҳатдан бой бўлсин, муродига етсин, деган мақсадда кўйиладиган исм.

Боймуҳаммад, Boymuhammad (*ўз.-ар.*) – “Бой” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Боймўмин, Boymo‘min (*ўз.-ар.*) – “Бой” ва “Мўмин” исмлари бирикмаси.

Бойназар, Boynazar (*ўз.-ар.*) – “Бой” ва “Назар” исмлари бирикмаси.

Бойқобил, Boyqobil (*ўз.-ар.*) – мўмин-қобил инсон бўлсин, бой-бадавлат бўлсин, деган ниятда кўйиладиган исм.

Ботир, Botir (*ўз.*) – мард, паҳлавон, жасур (Бошқа шакллари: Ботирали, Ботиркелди, Ботирпўлат, Ботирхўжа).

Боқи, Voqi (*ар.*) – умри узок, кўп яшайдиган; жаннатга боқий қоладиган (“Холид” исмининг бошқа шакли).

Боқимаҳмуд, Voqimahmud (*ар.*) – “Боқи” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Боқимирза, Voqimirza (*ар.-фм.*) – “Боқи” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Боқимуҳаммад, Voqimuhammad (*ар.*) – “Боқи” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Букайр, Vukayr (*ар.*) – “Бакр”нинг кичрайтирма шакли * 1) Букайр ибн Ахнас Садусий (тобеин. Термизийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилган), 2) Букайр ибн Ато Лайсий Куфий (тобеин. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилган. Ибн Ато ишончли ровий саналади), 3) Букайр ибн Файруз Раҳовий (тобеин. Термизий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни макбул ровий санаган), 4) Букайр ибн Мисмор Абу Муҳаммад Кураший Зухрий (тобеин, Саъд ибн Абу Ваққоснинг мавлоси, Муҳожир ибн Мисморнинг туғишган биродари. Муслим, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган. Букайр ибн Мисмор ҳижрий 153-йилда вафот этган), 6) Букайр ибн Абдуллоҳ ибн Ашаж Абу Абдуллоҳ Кураший (кичик тобеин, Мисвар ибн Махраманнинг мавлоси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Букайр ибн Абдуллоҳ ҳижрий 120-йилда вафот этган).

Бундор, Bundor (*ар.*) – илмни ўзида сақловчи, илмни ёд олувчи * 1) Бундор Муҳаммад ибн Башшор ибн Усмон ибн Довуд ибн Кайсон Абу Бакр Бағдодий Басрий (имом, ҳофиз, Ислому ровийларидан. Ҳижрий 167-йилда туғилган), 2) Бундор ибн Ҳусайн Абу Ҳусайн Шерозий (суфийлар шайхи, имом. Шиблий суҳбатида бўлган. Иброҳим ибн Абдусаммад Ҳошимийдан бир ҳадис ривоят қилган. У ҳижрий 353-йилда вафот этган), 3) Бундор Абдуллоҳ ибн Ҳибатуллоҳ ибн Қосим ибн Мансур Абу Муҳаммад Ҳаримий (шайх, имом).

Бунёд, Vunyod (*фм.*) – асос, таянч; обод қилувчи.

Бурайд, Burayd (*ар.*) – 1) Бурайд ибн Асрам (тобеин), 2) Бурайд ибн Абу Марям (Молик) ибн Рабийъа Салулий Басрий (тобеин. Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий. Бурайд ибн Абу Марям ҳижрий 144-йилда вафот этган), 3) Бурайд ибн

Абдуллоҳ ибн Абу Бурда ибн Абу Мусо Абу Бурда Ашъарий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Бурайда, Burayda (*ap.*), (*э.у.*) – * Бурайда ибн Хусайб ибн Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Аъраж ибн Саъд Абу Абдуллоҳ Асламий (саҳобий, Абдуллоҳ ибн Бурайданинг отаси. Бадр ғазотидан олдин Исломни қабул қилган. Хайбар ва Макка фатҳида қатнашган. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан қавмининг омили қилиб тайинланган. Ибн Хусайб Басрага борган. Ундан кейин Марвга бориб, у ерда илм тарқатган. Бурайда ибн Хусайб жамаи 167 та ҳадис ривоят қилган. Унинг ҳадисларини “Сихоҳи ситта” соҳиблари ривоят қилишган. Бурайда ибн Хусайб ҳижрий 63-, мелодий 683-йилда Марвда вафот этган).

Бурҳон, Burhon (*ap.*) – ҳужжат, далил, исбот.

Бурҳонали, Burhonali (*ap.*) – “Бурҳон” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Бурҳониддин, Burhoniddin (*ap.*) – Ислом динининг далили, ҳужжати (Мазкур исм Ислом оламида машҳур бўлган “Ҳидоя” асарининг муаллифи Али ибн Абу Бакр ибн Абдулжалил Халил Фарғоний Марғилонийнинг лақаби – фахрий номи ҳисобланади) * Бурҳониддин Иброҳим ибн Шамсуддин Али Моликий (Моликий мазҳабининг фақиҳи. Мадинада қозилик қилган. Фикҳ ва усулга оид асарлари бор).

Бушайр, Bushayr (*ap.*) – “Бишр” (хушхабар, мужда)нинг кичрайторма шакли * 1) Бушайр ибн Каъб ибн Убай Абу Айюб Ҳимярий Адавий Басрий (катта тобеин, фақиҳ, қори ва зоҳид, муҳазрамлардан, ишончли ровий. У Абу Зар, Абу Дардо ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумдан ривоят қилган), 2) Бушайр ибн Ясор Ҳорисий Ансорий (тобеин, имом, ишончли ровий. Аксар саҳобларни кўрган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Бушайра, Bushayra (*ap.*) – “Бушайр”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Бушро, Bushro (*ap.*), (*а.у.*) – хушхабар, суюнчи хабар, башорат.

Бухайя, Buhayya (*ap.*) – Бухайя бинти Абдуллоҳ Бакрия (тобеинлардан, Оиша ёки Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анҳумолар мавлоси. Абу Довуд ундан ривоят қилган).

Бухлул, Buhlul (*ap.*) – саййид, жаноб; барча яхшиликларни ўзида жамлаган; табассум қилувчи, хурсанд бўлувчи * 1) Бухлул ибн Муварриқ Абу Ғассон Шомий (табаа тобеин. Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар ва Заҳабий унинг ишончли ровий эканини айтишган), 2) Бухлул ибн Рошид Абу Амр Ҳажарий Руайний (зоҳид уламолардан (х. 128-183, мел- 745-799). Моликий мазҳабига мувофиқ фикҳий китоб таълиф қилган).

В

Вадиа, Vadia (*ap.*), (*а.у.*) – омонат берилган; сабрли.

Вадиуллоҳ, Vadiulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг омонатга берилган ёки сабр-тоқатли бандаси.

Вадуд, Vadud (*ap.*) – севувчи, яхши кўрувчи; меҳрибон, шафқатли.

Вадуда, Vaduda (*ap.*) – “Вадуд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Важих, Vajih (*ap.*) – гўзал юзли, чиройли * Важих ибн Тохир ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Бакр Шаҳҳомий Нишопурий (шайх, олим, Хуросон муҳаддиси. Ҳижрий 455-йилда туғилган).

Важиха, Vajiha (*ap.*) – гўзал юзли, чиройли, зебо * 1) Важиха бинти Авс Заббия (шоира. Исломнинг аввалги йилларда яшаган), 2) Важиха бинти Али ибн Яҳё ибн Султон Ансория – ҳадис илми олимаси (х. 639-732, мел. 1241-1332).

Важихуддин, Vajihuddin (*ap.*) – * Важихуддин Алавий Кужротий – ҳинд олимларидан (х. 911-998, мел. 1505-1590). Унинг кўп китоблари ҳошиялардан иборат.

Важҳия, Vajhiya (*ap.*) – чиройли, кўркам (“Важиха” исми билан маънодош).

Вазина, Vazina (*ap.*) – сабр-тоқатли, чидамли, тоқатли.

Вазир, Vazir (*ap.*) – ёрдамчи, кўмакчи.

Вазира, Vazira (*ap.*) – “Вазир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Вали, Vali (*ap.*) – (аслида “Валий”) энг яқин дўст; Аллоҳ суйган банда.

Валиакбар, Valiakbar (*ap.*) – буюк Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиазиз, Valiaziz (*ap.*) – куч-қудрат соҳиби Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиазим, Valiazim (*ap.*) – улуғ ва буюк Аллоҳнинг валий бандаси.

Валиакрам, Valiakram (ap.) – тақводор ва мурувватли валий банда.

Валиамин, Valiamin (ap.) – ишончли тақводор банда.

Валиарҳам, Valiarham (ap.) – энг раҳмли Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиаъло, Valia'lo (ap.) – энг олий Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиаҳад, Valiahad (ap.) – яккаю ягона Аллоҳнинг валий бандаси.

Валиаҳмад, Valiahmad (ap.) – “Вали” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Валиборий, Valiboriy (ap.) – йўқдан бор қилувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валибосит, Valibosit (ap.) – кенг ризқ берувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валибоқий, Valiboqiy (ap.) – боқий қолувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валид, Valid (ap.) – янги туғилган бола * 1) Валид ибн Уқба ибн Абу Муайт ибн Абу Амр Абу Ваҳб Кураший (саҳобий. Усмоннинг ибн Аффон розияллоху анҳунинг она тарафидан туғишган биродари), 2) Валид ибн Убода ибн Сомит Абу Убода Ансорий (катта тобеин, Яҳё ибн Убода ибн Сомитнинг туғишган биродари, Убода ибн Валид ибн Убода ибн Сомитнинг отаси), 3) Валид ибн Абада (катта тобеин, Амр ибн Оснинг мавлоси), 4) Валид ибн Усмон Абу Усмон Кураший (тобеин, Усмон ибн Аффоннинг мавлоси), 5) Валид ибн Рабоҳ Давсий Маданий (тобеин, Ибн Абу Зубобнинг мавлоси).

Валида, Valida (ap.) – “Валид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Валижаббор, Valijabbor (ap.) – ғолиб ва ислоҳ қилувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валижавод, Valijavod (ap.) – сахий Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валижалил, Valijalil (ap.) – улуғ Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валикабир, Valikabir (ap.) – буюк Аллоҳнинг валий бандаси.

Валикарим, Valikarim (ap.) – карами кенг Аллоҳнинг бандаси.

Валимажид, Valimajid (ap.) – шараф соҳиби Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиманнон, Valimannon (ap.) – неъматлар берувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валимахмуд, Valimahmud (ap.) – “Вали” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Валимирза, Valimirza (ap.) – “Вали” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Валимурод, Valimurod (ap.) – “Вали” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Валимуҳаммад, Valimuhammad (ap.) – “Вали” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Валиназар, Valinazar (ap.) – “Вали” ва “Назар” исмлари бирикмаси.

Валиносир, Valinosir (ap.) – ёрдам берувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валинофеъ, Valinofe' (ap.) – манфаат етказувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валираззоқ, Valirazzoq (ap.) – ризқлантирувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валирауф, Valirauf (ap.) – меҳрибон Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валирашид, Valirashid (ap.) – тўғри йўлга бошловчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валираҳим, Valirahim (ap.) – раҳмли Аллоҳнинг валий бандаси.

Валираҳмон, Valirahmon (ap.) – муруввати чексиз Аллоҳнинг валий бандаси.

Валисамад, Valisamad (ap.) – ҳожатбарор Аллоҳнинг валий бандаси.

Валисаттор, Valisattor (ap.) – гуноҳларни кечирувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валифаттоҳ, Valifattoh (ap.) – раҳмат ва ризқ эшикларини очувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валихолиқ, Valixoliq (ap.) – махлуқотларни яратувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиюллоҳ, Valiyyulloh (ap.) – Аллоҳнинг валий бандаси.

Валиқаҳҳор, Valiqahhor (ap.) – устун ва ғолиб Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиғафур, Valig'fur (ap.) – гуноҳларни мағфират қилувчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиғаффор, Valig'affor (ap.) – “Валиғафур” билан маънодош.

Валиҳаким, Valihakim (ap.) – ҳикмат Соҳиби Аллоҳнинг валий бандаси.

Валиҳамид, Valihamid (ap.) – мақтовга энг муносиб Зот Аллоҳнинг валий бандаси.

Валиҳафиз, Valihafiz (ap.) – ҳалокатдан сақловчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиҳақ, Valihaq (ap.) – ҳақлиги тасдиқланган Аллоҳнинг яқин дўсти.

Валиҳодий, Valihodiy (ap.) – тўғри йўлга бошловчи Аллоҳнинг яқин дўсти.

Варақа, Varaqqa (ap.), (a.э.и.) – гул баргидек чиройли * Варақа ибн Навфал Дуалий (жоҳилият даври ҳакимларидан. Исломдан олдин бут-санамларга ибодат қилишдан узоқ бўлган, уларга атаб сўйилган жонлиқларни истеъмол қилмаган, насроний ва бошқа динларга оид китобларни ўқиб чиққан. Варақа ибн Навфал нубувватнинг аввалги даврларида яшаган, аммо даъватгача етиб бормаган. У Хадижа бинти

Хувайлид онамизнинг амакилари ўғлидир. Илк ваҳий нозил бўлганида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саросимага тушганларида Хадижа онамиз буни Варақага хабар қиладилар. Шунда Варақа бу Мусо алайҳиссаломга тушган ваҳий экани, яқин орада Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни қавм Маккадан чиқариб юборишини айтиб, ўшанда тирик бўлиш ва у зотга ёрдам бериш истагини билдиради. Бунинг тўлиқ баёни Бухорийнинг “Ваҳийнинг бошланиши” бўлимида бор. Баъзи тарихчилар Варақа ибн Навфални саҳобалар қаторига қўшганлар. Жумладан, Абул Ҳасан Бурхониддин Иброҳим Буқоий китобида Варақанинг Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга имон келтиргани айтилган. Унинг вафоти борасида икки хил ривоят бор. Биринчиси ва энг тўғриси шуки, Варақа илк ваҳий нозил бўлганидан озроқ ўтиб, яъни мелодий 611-, ҳижратдан 12 йил аввал вафот этган. Иккинчи қавлга кўра, Урва ибн Зубайрдан ривоят қилинишича, Билол ширк келтиришга мажбурланаётганида Варақа унинг олдидан ўтган ва: “Эй Билол, Аҳад, Аҳад”, деган. Бундан маълум бўлади, Варақа Билол Исломига кирганида ҳаёт бўлган. Асмоъ бинти Абу Бақр ривоятида айтилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан Варақа ҳақида сўралганида, у зот: “Қиёмат куни у бир уммат бўлиб тирилади”, деганлар).

Варда, Varda (*ap.*) – атиргул каби чиройли ва хушбўй * Варда бинти Носиф Ёзижий (адиба – х. 1253-1342, мел. 1838-1924).

Вардия, Vardiya (*ap.*) – атиргулдек чиройли қиз.

Васила, Vasila (*ap.*) – яқин, ажралмас; дугона; инъом, тухфа.

Васлия, Vasliya (*ap.*) – ўз мақсади сари интилувчи.

Васолат, Vasolat (*ap.*) – “Васлия” исмининг бошқа кўриниши.

Вассоф, Vassof (*ap.*) – Аллоҳ таолони гўзал сифатлар билан мақтовчи.

Вассофа, Vassofa (*ap.*) – “Вассоф”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Васфия, Vafiya (*ap.*) – мақтовга лойиқ қиз.

Вафий, Vafiy (*ap.*) – адолатли, вафоли, ишончли.

Вафия, Vafiya (*ap.*) – “Вафий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Вафо, Vafu (*ap.*), (*a.u.*) – вафо; садоқат; содиқлик рамзи * Вафо ибн Шурайх Садафий Ҳазрабий Мисрий (тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни мақбул ровий санаган).

Вафоали, Vafuoli (*ap.*) – “Вафо” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Вафоаҳмад, Vafuahmad (*ap.*) – “Вафо” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Вафомаҳмуд, Vafomahmud (*ap.*) – “Вафо” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Вафомухаммад, Vafomhammad (*ap.*) – “Вафо” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Вақдон, Vaqdon (*ap.*) – “Воқид”га қаранг * Вақдон Абу Яъфур Абдий Куфий (тобеин. Куняси билан машҳур бўлган. У катта Абу Яъфурдир. Вақдон Юнус ибн Абу Яъфурнинг отаси. Ҳижрий 120-йилда вафот этган. Ибн Умар, Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Абу Авфо ва Мусъаб ибн Саъдлардан ривоят қилган. Унинг ривоятини “Сиҳоҳи ситта” соҳиблари ўз китобларида келтиришган).

Ваққод, Vaqqod (*ap.*) – ақлли, зийрак; равшан, ёруғ.

Ваққос, Vaqqos (*ap.*) – итоаткор, бўйсунувчи * Ваққос ибн Рабийъа Абу Ришдийн Ансий (тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Абу Довуд “Сунан”да ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар уни мақбул, Заҳабий ишончли ровий санаган).

Ваҳҳобберган, Vahhobbergan (*ap.-ўз.*) – бандаларига кўплаб неъматларни доимий суратда ато этувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Ваҳҳобберди, Vahhobberdi (*ap.-ўз.*) – “Ваҳҳобберган” билан маънодош.

Ваҳҳобдўст, Vahhobdo‘st (*ap.-фм.*) – неъматлар ато этувчи Аллоҳнинг валий бандаси.

Ваҳҳобқул, Vahhobqul (*ap.-ўз.*) – махлуқотларига ризқ ва неъматларини ато этувчи Аллоҳнинг бандаси.

Ваҳб, Vahb (*ap.*) – инъом, ато; совға, тухфа * 1) Ваҳб ибн Ҳузайфа Ғифорий (саҳобий, Суффа аҳлидан), 2) Ваҳб ибн Ханбаш Тоий Куфий (саҳобий), 3) Ваҳб ибн Абдуллоҳ Абу Жухайфа Сувоий (саҳобий), 4) Ваҳб ибн Аждаъ Ҳамдоний Хорифий (катта тобеин), 5) Ваҳб ибн Мунаббих ибн Комил Абу Абдуллоҳ Ямоний Санъоний (машҳур тобеин), 6) Ваҳб ибн Рабийъа Куфий (тобеин).

Ваҳбон, Vahbon (*ap.*) – қўли очик, сахий, саховатли.

Ваҳбуллоҳ, Vahbulloh (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг инъоми, марҳаматига сазовор банда.

Ваҳуб, Vahub (*ap.*) – жуда кўп эҳсон қилувчи, қўли очик, саховатли.

Ваиз, Vaiz (*ap.*) – насиҳат қилувчи, ваъз айтувчи.

Видод, Vidod (*ap.*), (*a.u.*) – муҳаббат; раҳмли, меҳрли, шафқатли.

Вожих, Vojih (*ap.*) – келишган, чиройли, кўркам.

Вожиҳа, Vojiha (*ap.*) – “Вожих”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Возиҳа, Voziha (*ap.*) – очиқ, аниқ, тушунарли; чиройли, гўзал.

Воиз, Voiz (*ap.*) – ваъз-насихат қилувчи, одамларни Аллоҳнинг динига тарғиб қилувчи, уларга шаръий ҳукмларни тушунтирувчи.

Воил, Voil (*ap.*) – паноҳ изловчи; ўзини беҳавотир жойга олувчи * 1) Воил ибн Хужр ибн Саъд ибн Масрук ибн Воил ибн Замъаж ибн Воил ибн Рабийъа ибн Воил ибн Нўъмон ибн Зайд ибн Молик ибн Зайд Абу Хунайда Киндий Ҳазрабий (машҳур саҳобий. Куфада яшаган ва ўша ерда вафот этган. Муовия Куфага келганида унинг олдига бориб байъат қилган. Воил ибн Хужрдан икки ўғли Алкама ибн Воил ва Абдулжаббор ибн Воил, Кулайб ибн Шихоб Яҳсобий, Хужр ибн Анбас Ҳазрабий, Абу Жиря, Умму Яҳё ва бошқалар ривоят қилишган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари Ибн Хужр ривоятини ўз китобларида келтиришган. Воил ибн Хужр Муовия розияллоҳу анху халифалиги даврида вафот этган), 2) Воил ибн Маҳона Таймий (катта тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 3) Воил ибн Довуд Абу Бакр Таймий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, Бакр ибн Воилнинг отаси. Муслимдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Бухорий унинг ривоятиини “Ал-Адабул муфрад”да келтирган).

Воила, Voila (*ap.*) – “Воил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Волида, Valida (*ap.*) – она, волида (“Онаҳон” исмининг арабча шакли).

Восил, Vosil (*ap.*) – (“сод” ҳарфи билан) айрилмайдиган, ажралмайдиган; қариндошлик ришталарини боғловчи * 1) Восил Аздий Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси, Абу Уяйнанинг мавлоси), 2) Восил ибн Абу Жамил Абу Бакр Шомий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ривояти макбул ровийлардан), 3) Восил ибн Ҳайён Аҳдаб Асадий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси), 4) Восил ибн Абдурахмон Абу Хурра Басрий (катта табаа тобеин).

Восила, Vosila (*ap.*), (*э.и.*) – (уч нуқтали “са” ҳарфи билан) йиғувчи, жамловчи * Восила ибн Асқаъ ибн Каъб ибн Омир Абул Асқаъ Лайсий (саҳобий. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан 76 та ҳадис ривоят қилган. Дамашқда энг охирги вафот этган саҳоба. Ҳижрий 83-йилда бир юз беш ёшида оламдан ўтган).

Восит, Vosit (*ap.*) – ўртача йўл тутувчи, меъёрида тасарруф қилувчи, исрофга ҳам, бахилликга ҳам йўл қўймай, ўртача тарзда сарф қилувчи.

Восикбиллоҳ, Vosiqbilloh (*ap.*) – Аллоҳга ишонувчи, У Зотнинг марҳаматидан умид қилувчи * Восикбиллоҳ Ҳорун ибн Мўътасимбиллоҳ Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Ҳорун Рашид ибн Маҳдий Муҳаммад ибн Мансур Абу Жаъфар Аббосий Бағдодий (Ироқдаги Аббосийлар давлати халифаларидан бири (х. 200-232, мел. 815-847). Унинг онаси румлик бўлиб, исми Қаротисдир. У Восикбиллоҳ халифалик даврида ҳаёт бўлган. Восикбиллоҳ Бағдодда туғилган ва отаси ўлимидан кейин ҳижрий 227-йилда халифа этиб тайинланган. Аҳмад ибн Абу Довуд Восикбиллоҳни Қуръон махлуқлигига чақиришга ундаган. Бу йўлда халифа қанча кишиларни ҳибсга олган. Ҳатто ҳижрий 231-йилда Аҳмад ибн Наср Хузойни қатл эттирган. Айтилишича, Восикбиллоҳ ўлимидан сал олдин бу даъводан воз кечган. Восикбиллоҳнинг яхши сифатларидан бири, у Ҳарам аҳлига жуда кўп яхшилик қилган. Ривоятларда келтирилишича, унинг даврида икки Ҳарамда биронта ҳам тиланчи бўлмаган).

Вофий, Vofiy (*ap.*) – аҳдида турувчи, ваъдасига вафо қилувчи.

Вофия, Vofiya (*ap.*) – “Вофий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Воҳиб, Vohib (*ap.*) – садақа қилувчи, молидан кишиларга хайр-садақа ажратувчи * Воҳиб ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Маофирий Каъбий Мисрий (тобеин. Ҳижрий 137-йилда Барқада вафот этган. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Абу Довуд “Маросил”да ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар унинг ишончли ровий эканини айтган).

Воҳиба, Vohiba (*ap.*) – “Воҳиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Вухайб, Vuhayb (*ap.*) – “Ваҳб”нинг кичрайтирма шакли * 1) Вухайб ибн Вард ибн Абу Вард Абу Усмон Қураший Махзумий (катта табаа тобеин), 2) Вухайб ибн Холид ибн Ажлон Абу Бакр Боҳилий (катта табаа тобеин), 3) Вухайб ибн Амр ибн Усмон Абу Усмон Нумарий (кичик табаа тобеин).

Вухайба, Vuhayba (*ap.*) – “Вухайб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Г

- Гавҳар, Gavhar** (*фм.*) – дур, гавҳардек қимматбаҳо; асл, тоза. (Бошқа кўринишлари: Гавҳарбону, Гавҳарбиби, Гавҳаргул, Гавҳарзод, Гавҳарнигор, Гавҳармомо, Гавҳарнисо, Гавҳаршод).
- Гул, Gul** (*фт.*) – гулдек чиройли, кўркам. (“Варда” исмининг форсча шакли).
- Гуланбар, Gulanbar** (*фм-ар.*) – гулдек чиройли.
- Гулафрўз, Gulafro‘z** (*фм.*) – гулдек гўзал, нурли, ёрқин.
- Гулбахор, Gulbahor** (*фм.*) – баҳор гулидек майин ва беғубор.
- Гулжамол, Guljamol** (*фм.ар.*) – гулдек чиройли.
- Гулжаҳон, Guljahon** (*фм.*) – дунёдаги гуллар хидини ўзида жамлаган қиз.
- Гулгун, Gulgun** (*фм.*) – хушчакчак, хушвақт.
- Гулнавоз, Gulnavoz** (*фм.*) – гулни севувчи, гуллар билан ўйновчи.
- Гулнигор, Gulnigor** (*фм.*) – севимли ва чиройли гул.
- Гулнихол, Gulnihol** (*фм.*) – гулдек нозик, нозиктаъб.
- Гулноза, Gulnoza** (*фм.*) – гулдек нафис ва нозик.
- Гулнура, Gulnura** (*фм.ар.*) – нур сочувчи гулдек чиройли.
- Гулравшан, Gulravshan** (*фм.*) – гулдек нурли ва кўркам.
- Гулрайҳон, Gulrayhon** (*фт.-ар.*) – гул ва райҳондек чиройли.
- Гулраъно, Gulra‘no** (*фм.-ар.*) – кизил гулдек чиройли.
- Гулрухсор, Gulruxsor** (*фм.*) – гулюзли, гулчеҳра.
- Гулрўй, Gulro‘y** (*фм.*) – гулюзли, чеҳраси очик.
- Гулсевар, Gulsevar** (*фм-ўз.*) – гулни севувчи.
- Гулсора, Gulsora** (*фм.*) – гулларнинг сараси, энг яхшиси.
- Гулсуяр, Gulsuyar** (*фм.-ўз.*) – “Гулсевар” исми билан маънодош.
- Гулчеҳра, Gulchehra** (*фм.*) – “Гулрўй” исми билан маънодош.
- Гулчирой, Gulchiroy** (*фм.-ўз.*) – гулдек чиройли.
- Гулшан, Gulshan** (*фм.*) – зийнатли, шод-хуррам.
- Гулшода, Gulshoda** (*ар.*) – “Гулшод” билан маъноси бир.
- Гулюз, Gulyuz** (*фм.-ўз.*) – “Гулрўй” ва “Гулчеҳра” исmlарининг ўзбекча шакли.
- Гўзал, Go‘zal** (*ўз.*) – чиройли, кўркам (Бошқа шакллари: Гўзалбека, Гўзалбону, Гўзалгул, Гўзалой, Гўзалхон).

Д-Ё

- Дабир, Dabir** (*ар.*) – устоз, мураббий; йўлбошчи.
- Давлат, Davlat** (*ар.*) – бой-бадавлат; бахт-саодатли.
- Давлатали, Davlatali** (*ар.*) – “Давлат” ва “Али” исmlари бирикмаси.
- Давлатмурод, Davlatmurod** (*ар.*) – “Давлат” ва “Мурод” исmlари бирикмаси.
- Давлатмуҳаммад, Davlatmuhammad** (*ар.*) – “Давлат” ва “Муҳаммад” исmlари бирикмаси.
- Давлатқадам, Davlatqadam** (*ар.*) – қадами қутлуғ келсин, файз-баракага сабаб бўлсин, деган ниятда кўйиладиган исм.
- Даврон, Davron** (*ар.*) – бахтиёр, шодон (Бошқа шакллари: Давронали, Давронкелди, Давронхўжа).
- Далгин, Dalg‘in** (*ўз.*) – ўткир фикрли, ўта мушоҳадали, ақлли, доно.
- Дамин, Damin** (*ар.*) – саботли, сабрли, иродаси мустаҳкам.
- Дағфал, Dag‘fal** (*ар.*) – фаровонлик, серобчилик; баракали, файзли * Дағфал ибн Ханзала ибн Зайд ибн Абада ибн Абдуллоҳ ибн Рабийъа ибн Амр ибн Шайбон Садусий Зуҳалий Шайбоний (катта тобеин. Ҳижрий 65-, мелодий 695-йилда вафот этган. Термизий “Шамоил”да ундан ривоят қилган).
- Диёнат, Diyonat** (*ар.*) – диёнатли, инсофли, виждонли; субутли.
- Диёр, Diyor** (*ар.*) – элига ҳақиқий фарзанд бўлсин, халқига манфаат келтирсин, деган ниятда кўйиладиган исм.

Диёра, Diyora (*ap.*) – “Диёр”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Дилафрўз, Dilafro‘z (*фм.*) – қалбни қувонтирувчи, хурсанд қилувчи.

Дилбар, Dilbar (*фм.*) – ёқимли, гўзал, зебо.

Дилбарнисо, Dilbarniso (*фм.-ap.*) – аёлларнинг ёқимлиси.

Дилбашир, Dilbashir (*фм.-ap.*) – қалбни қувонтирувчи, кўнгилга қувонч киритувчи.

Дилдора, Dildora (*фм.*) – севилган, маҳбуба; раҳмли, меҳрибон.

Дилёр, Dilyor (*фм.*), (*a.u.*) – қалбга яқин ҳамроҳ.

Дилмурод, Dilmurod (*фм.-ap.*) – қалбдаги орзу-ниятларни амалга оширувчи.

Дилнавоз, Dilnavoz (*фм.*) – қалбга яқин, сеvimли, қадрли.

Дилноза, Dilnoza (*фм.*) – нозик ва нафис қалб соҳибаси.

Дилнур, Dilnur (*фм.-ap.*) – қалби нурли; қалбга нур олиб кирувчи.

Диловар, Dilovar (*фм.*), (*a.u.*) – жасур, довюрак.

Дилором, Dilorom (*фм.*) – қалбга таскин берувчи.

Дилруҳ, Dilruh (*фм.-ap.*) – қалбга руҳ бахш этувчи.

Дилсора, Dilsora (*фм.*) – тоза қалб соҳибаси, меҳрибон.

Дилшод, Dilshod (*фм.*) – бахтли, саодатли, қувноқ, шодон.

Дилшода, Dilshod (*фм.*) – “Дилшод”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Диновар, Dinovar (*ap.-фм.*), (*a.u.*) – диндор, тақводор.

Динор, Dinor (*ap.*) – қимматли, қадрли, ҳурматли.

Динора, Dinora (*ap.*) – “Динор”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Диндор, Dindor (*ap.-фм.*), (*a.u.*) – диндор, Аллоҳнинг амрини маҳкам ушлаб, шариат аҳкомларига амал қилувчи.

Дихя, Dihya (*ap.*) – қўшин бошлиғи, қўмондони * Дихя ибн Халифа ибн Фарва ибн Фазола ибн Имрулқайс ибн Хазж Зиёду Манот ибн Омир ибн Бакр ибн Омир Акбар Калбий (катта саҳобий. Жуда хушсурат кишилардан бўлган. Жаброил алайҳиссалом баъзи вақтларда мазкур саҳобий суратида Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келарди. Дихя Калбий Муовия халифалиги даврида вафот этган. Абу Довуд ундан ҳадис ривоят қилган).

Довуд¹³, **Dovud** (*қад.яҳ.*) – меҳрибон; суюкли; ҳақиқий дўст¹⁴ * 1) Довуд алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан. Насаби Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳимуссаломга бориб тақалади), 2) Довуд Сирож Сақафий Мисрий (тобеин), 3) Довуд ибн Абу Довуд Ансорий Маданий (тобеин), 4) Довуд ибн Абу Солиҳ Хижозий (тобеин), 5) Довуд ибн Абу Осим ибн Урва ибн Масъуд Сақафий Тоифий (тобеин).

Долим, Dolim (*ap.*) – ўсувчи, кўпаювчи.

Дониёл¹⁵, **Doniyol** (*ибр.*) – Аллоҳ ҳукм қилди ёки Аллоҳнинг ҳукми (Аллоҳ таоло пайғамбарларидан бирининг исми. Унинг номи Куръони каримда келмаган).

Дониёр, Doniyor (*фм.*) – билимли, ақлли.

Дониислом, Doniislom (*фм.-ap.*) – Ислом дини билимдони, шаръий илмлар олими.

Донишманд, Donishmand (*фм.*) – билимли, доно, олим.

Доно, Dono (*фм.*) – билимли, ақлли, заковатли (Бошқа шакллари: Доногул, Донобиби, Доноғўзал, Доножамол, Донохон).

Достон, Doston (*фм.*) – машҳур ва таниқли.

Дунё, Dunyo (*ap.*), (*a.u.*) – дунёдаги энг яхши аёллардан бири (Бошқа шакллари: Дунёбегим, Дунёгул, Дунёғўзал, Дунёхон).

¹³ “Довуд” исми англиз тилида “David” шаклида қўлланади. Ғарб мамлакатлари “Девид” ёки “Давид” исми жуда машҳур. Европада ушбу исмнинг 21 хил шакли мавжуд.

¹⁴ “Довуд” исми “дой” ва “фуд” (“Дофйид” ҳам дейилади) сўзларидан иборат бўлиб, “сеvикли” маъносини англатади. Ривоятда келишича, Одам алайҳиссаломга зурриётлари кўрсатилганда, у Довуд алайҳиссаломни бошқалардан афзал билган. Шу сабаб “Довуд” исми билан чақирилган.

¹⁵ “Дониёл” исми англиз тилида “Daniel” шаклида қўлланади. Мазкур исм “доний” ва “ийл” сўзларидан иборат бўлиб, “Аллоҳнинг ҳукми” маъносини билдиради.

Ғарб тилларида “Дониёл” исмининг 20 дан ортиқ шакли бор. Жумладан, Испания, Италия, Хорватия ва Словенияда “Данило”, Болгарияда “Данаил” шаклида қўлланилади. Ғарб тилларида мазкур исмнинг аёлларга ишлатиладиган шакли “Даниелла” дир.

Дурбек, Durbek (*ap.-ўз.*) – дурдек кадрли, эъзозли.

Дурбека, Durbeaka (*ap.-ўз.*) – “Дурбек”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Дурдона, Durdona (*ap.-фм.*) – дур донасидек қардли, қийматли.

Дўст, Do‘st (*фм.*) – хамроҳ, соҳиб, ўртоқ (Бошқа шакллари: Дўстали, Дўстбек, Дўстбўл, Дўстжон, Дўстмурод, Дўстхўжа).

Дўстмуҳаммад, Do‘stmuhammad (*фм.-ap.*) – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дўсти, у зотни яхши кўрувчи, хурмат қилувчи.

Ёдгор, Yodgor (*ўз.*) – ота ёки онасидан ёдгор бўлиб қолувчи бола (Бошқа шакллари: Ёдгорали, Ёдгормирза, Ёдгорхўжа).

Ёдгора, Yodgora (*ўз.*) – “Ёдгор”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли (Бошқа шакллари: Ёдгорбиби, Ёдгоргул, Ёдгорой, Ёдгорхон, Ёдгорқиз).

Ёзгул, Yoʻzgul (*ўз.*) – ёзда очиладиган гул.

Ёрдам, Yordam (*фм.*) – кўмак, мадад (“Наср”, “Авн”, “Имдод” исмларининг форсча шакли).

Ёрмуҳаммад, Yormuhammad (*ўз.-ap.*) – “Дўстмуҳаммад” билан маънодош.

Ёрқин, Yorqin (*ўз.*) – келажаги нурли, ўзи бахтли бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Ёрқиной, Yorqinoʻy (*ўз.*) – “Ёрқин”нинг аёлларга ишлатиладиган шакли.

Ёсин, Yosin (*ap.*) – сура номи (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатлари).

Ёқуб, Yoqub – каранг. “Яъқуб”.

Ёқут, Yoqut (*ap.*) – кимматбаҳо, кадрли, эъзозли (Бошқа шакллари: Ёқутбиби, Ёқутой, Ёқутхон).

Ж

Жабборберган, Jabborbergan (*ap.-ўз.*) – Голиб ва музаффар Аллоҳ берган фарзанд.

Жабборберди, Jabborberdi (*ap.-ўз.*) – “Жабборберган” билан маънодош.

Жабборқул, Jabborqul (*ap.-ўз.*) – махлуқотлари устидан мутлақ Голиб Аллоҳнинг бандаси.

Жабр, Jabr (*ap.*) – ислоҳ қилиш, тузатиш; ислоҳ қилувчи * 1) Жабр ибн Атик ибн Қайс Ансорий Суламий (саҳобий. Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Жабр ибн Убайда (тобеин. Насоий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни мақбул ровий санаган), 3) Жабр ибн Навф Абу Ваддок Ҳамдоний Биколий (тобеин. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Жавлон, Javlon (*ap.*) – ҳаракатчан, чаққон.

Жавод, Javod (*ap.*) – мурувватли, саҳий * 1) Жавод Муҳаммад ибн Али ибн Абу Мансур Абу Жаъфар Асбаҳоний (Мавсил соҳиби Зинкий Атобакнинг вазири. “Жавод” лақаби билан машҳур бўлган), 2) Жавод Юнус ибн Мамдуд ибн Одил ибн Айюб Айюбий (султон, подшоҳ, Дамашқ ҳукмдори), 3) Жавод ибн Саъд ибн Жавод Бағдодий Козимий (фақиҳ. Бағдоддаги козимийлар оиласидан. У Эронга бориб илм олган, Астрободда шайхул Ислом мартабасига кўтарилган), 4) Жавод ибн Аҳмад Занжоний (ироклик фозил. Занжонда туғилиб, Бағдодда вафот этган. Ибн Аҳмад Занжоний ҳижрий 1348-, мелодий 1929-йилда вафот этган).

Жаводайюб, Javodayyub (*ap.*) – “Жавод” ва “Айюб” исмлари бирикмаси.

Жаводанвар, Javodanvar (*ap.*) – “Жавод” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Жаводаҳмад, Javodahmad (*ap.*) – “Жавод” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Жаводбашир, Javodbashir (*ap.*) – “Жавод” ва “Башир” исмлари бирикмаси.

Жаводбурҳон, Javodburhon (*ap.*) – “Жавод” ва “Бурҳон” исмлари бирикмаси.

Жаводвалий, Javodvaliy (*ap.*) – “Жавод” ва “Валий” исмлари бирикмаси.

Жаводмансур, Javodmansur (*ap.*) – “Жавод” ва “Мансур” исмлари бирикмаси.

Жаводмахмуд, Javodmahmud (*ap.*) – “Жавод” ва “Махмуд” исмлари бирикмаси.

Жаводмурод, Javodmurod (*ap.*) – “Жавод” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Жаводмусо, Javodmuso (*ap.*) – “Жавод” ва “Мусо” исмлари бирикмаси.

Жаводмуҳаммад, Javodmuhammad (*ap.*) – “Жавод” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Жаводмўмин, Javodmo‘min (*ap.*) – “Жавод” ва “Мўмин” исмлари бирикмаси.

Жаводносир, Javodnosir (*ap.*) – “Жавод” ва “Носир” исмлари бирикмаси.

Жаводрашид, Javodrashid (*ap.*) – “Жавод” ва “Рашид” исмлари бирикмаси.

Жаводрахим, Javodrahim (ap.) – “Жавод” ва “Раҳим” исмлари бирикмаси.

Жаводризо, Javodrizo (ap.) – “Жавод” ва “Ризо” исмлари бирикмаси.

Жаводсаид, Javodsaid (ap.) – “Жавод” ва “Саид” исмлари бирикмаси.

Жаводсобир, Javodsobir (ap.) – “Жавод” ва “Собир” исмлари бирикмаси.

Жаводсодиқ, Javodsodiq (ap.) – “Жавод” ва “Содиқ” исмлари бирикмаси.

Жаводсолиҳ, Javodsoliḥ (ap.) – “Жавод” ва “Солиҳ” исмлари бирикмаси.

Жаводфозил, Javodfozil (ap.) – “Жавод” ва “Фозил” исмлари бирикмаси.

Жаводшариф, Javodsharif (ap.) – “Жавод” ва “Шариф” исмлари бирикмаси.

Жаводюнус, Javodyunus (ap.) – “Жавод” ва “Юнус” исмлари бирикмаси.

Жаводюсуф, Javodyusuf (ap.) – “Жавод” ва “Юсуф” исмлари бирикмаси.

Жаводяъқуб, Javodya'qub (ap.) – “Жавод” ва “Яъқуб” исмлари бирикмаси.

Жаводҳабиб, Javodhabib (ap.) – “Жавод” ва “Ҳабиб” исмлари бирикмаси.

Жаводҳаким, Javodhakim (ap.) – “Жавод” ва “Ҳаким” исмлари бирикмаси.

Жаводҳомид, Javodhomid (ap.) – “Жавод” ва “Ҳомид” исмлари бирикмаси.

Жавохир, Javohir (ap.) – кадрли, қимматли; ҳурматли, обрўли.

Жавҳар, Javhar (ap.) – кадрли, ҳурматли; кучли, қудратли * Жавҳар ибн Абдуллоҳ Абулҳасан Румий Муиззий (катта амир, қўмондон ва қўшин бошлиғи. Қоҳира шаҳрини бино қилган. “Ал-Азҳар”га асос солганлардан. Африка ҳукмдори Муиз Убайдийнинг мавлоларидан. У кўп яхшилик қилувчи ва жуда шижоатли бўлган. Мисрдаги бирон шоир йўқки, унга атаб шеър ёзмаган бўлса. Абулҳасан Румий хижрий 358-йилда Қоҳира шаҳрини бино қилган ва уни “Мансурия” деб атаган. Муиз у ерга келгач, унга “Қоҳира” деб ном берган. Жавҳар ибн Абдуллоҳ “Ал-Азҳар”ни хижрий 361-йил рамазон ойида қуриб битирган. Жавҳар ибн Абдуллоҳ хижрий 381-, мелодий 992-йилда вафот этган).

Жалилберган, Jalilbergan (ap.-ўз.) – буюк Аллоҳ берган фарзанд.

Жалилберди, Jalilberdi (ap.-ўз.) – “Жалилберган” билан маънодош.

Жалилқул, Jalilqul (ap.-ўз.) – улуғликни Ўзида жамлаган олий Зот – Аллоҳнинг бандаси.

Жалолиддин, Jaloliddin (ap.) – Ислом динининг улуғлиги, буюклиги рамзи * 1) Жалолиддин Мангуберди ибн султон Алоуддин Муҳаммад ибн султон хоразмшоҳ Такш ибн хоразмшоҳ Арсалон ибн Малик Отсиз ибн Муҳаммад ибн Нуштегин Хоразмий (Хоразмшоҳ, катта султон. Мўғул босқинчиларига қарши катта матонат кўрсатган. Китобларда унинг таърифи келтирилган. Уларда айтилишича, у буғдойранг, бўйи пастрок, жуда жасур, шу билан бирга босиқ, вазмин, виқорли бўлган. У фақат табассум қиларди, кам гапирарди, адолатди эди. Туркий ва форс тилларида сўзлашарди), 2) Жалол ибн Аҳмад ибн Юсуф Жалолиддин Румий Қоҳирий (ханафий мазҳаби фақиҳи, асли румлик, Қоҳирага келиб, шу ерда илм олган. Жумладан, Атқонийдан фикҳ, Ибн Ҳишомдан араб тилини ўрганган ва икки илм бўйича олим бўлиб етишган. Бир неча йил илм берган. У “Шарҳул манор”, “Ихтисору шарҳил бухорий лимуғултой”, “Мухтасару ибни ҳожиб”, “Таржиху мазҳаби аби ханифа”, “Ал-Иноя бишаънил ҳидоя” ва бошқа асарлар муаллифидир. Жалолиддин Қоҳирий хижрий 793-, мелодий 1391-йилда вафот этган).

Жамил, Jamil (ap.) – чиройли, кўркам, келишган, хушбичим * 1) Жамил ибн Ридом Узрий (саҳобий), 2) Жамил ибн Мурра Шайбоний Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 3) Жамил ибн Ҳасан ибн Жамил Абу Ҳасан Аздий Атакий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Ибн Можа ундан ривоят қилган).

Жамила, Jamila (ap.) – “Жамил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Жамила бинти Собит ибн Абу Ақлаҳ Авсий (саҳобия, Умар ибн Хаттобнинг завжаси, Осим ибн Умарнинг онаси), 2) Жамила бинти Саъд ибн Рабийъ (саҳобия, Зайд ибн Собитнинг завжаси), 3) Жамила бинти Убай ибн Салул (саҳобия), 4) Жамила бинти Аббод (тобеин).

Жамол, Jamol (ap.) – чиройли, келишган.

Жамола, Jamol (ap.) – “Жамол”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Жамолиддин, Jamoliddin (ap.) – Ислом динининг чиройи, кўрки, файзи * Жамолиддин ибн Муҳаммадсаид ибн Қосим Ҳаллоқ (шариат илми уламоларидан (х. 1283-1332, мел. 1866-1914), Хусайн ибн Али авлодларидан саналади. Жамолиддин Қосимий Дамашқда туғилиб, ўша ерда вафот этган. Жамолиддин Қосимий “Ал-Фатво фил ислом”, “Иршодул халқ илал амал бихайрил барқ”, “Мавъизатул муъминин”, “Қавоидут таҳдис мин фунуни мусталаҳил ҳадис”, “Маҳосинут таъвил” каби китоблар муаллифидир).

Жаннат, Jannat (*ap.*), (*a.u.*) – жаннат (Аллоҳнинг амрига мувофиқ ҳаёт кечирган солиҳ бандалар кирадиган макон. Бу исм жаннатга киришга сабаб амалларни қилувчи банда бўлсин, деган ниятда кўйилади. Ушбу ном “Фирдавс” исми билан маънодош).

Жарир, Jarir (*ap.*) – чакқон, уддабурон; мустаҳкам * 1) Жарир ибн Абдуллоҳ ибн Жобир Абу Амр Бажалий Қасрий (машҳур саҳобий), 2) Жарир Заббий (тобеин, Фузайл ибн Ғазвон ибн Жарирнинг бобоси), 3) Жарир ибн Саҳм Тамимий (тобеин).

Жарира, Jarira (*ap.*) – “Жарир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Жарроҳ, Jarroh (*ap.*) – моҳир табиб, ўз ишига уста ҳаким; ислоҳ қилувчи * 1) Жарроҳ ибн Абу Жарроҳ Ашжайи (саҳобий), 2) Жарроҳ ибн Малиҳ ибн Адий ибн Фарс Абу Вакиъ Руосий (катта табаа тобеин), 3) Жарроҳ ибн Малиҳ Абу Абдурахмон Бахроний (катта табаа тобеин), 4) Жарроҳ ибн Заҳҳок ибн Қайс Киндий Куфий (катта табаа тобеин).

Жасорат, Jatorat (*ap.*), (*a.u.*) – жасорат рамзи; жасоратли, жасур.

Жасур, Jasur (*ap.*) – мард, жасур, журъатли.

Жаъфар, Ja'far (*ap.*) – ариқ, анҳор; сариқ рангли гул * 1) Жаъфар ибн Абу Толиб ибн Абдулмутталиб Абу Абдуллоҳ Қураший Ҳошимий (саҳобий, Али розияллоҳу анҳунинг акаси. Муъта жангида шаҳид бўлиб, “Тайёр” лақабини олган), 2) Жаъфар ибн Амр ибн Ҳурайс Қураший Махзумий (тобеин), 3) Жаъфар ибн Абдуллоҳ ибн Ҳакам ибн Рофеъ ибн Синон Ансорий Авсий Маданий (тобеин, Абдулҳамид ибн Жаъфарнинг отаси).

Жаъфарали, Ja'farali (*ap.*) – “Жаъфар” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Жаъфармаҳмуд, Ja'farmahmud (*ap.*) – “Жаъфар” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Жаъфармуҳаммад, Ja'farmuhammad (*ap.*) – “Жаъфар” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Жаъфарсиддиқ, Ja'farsiddiq (*ap.*) – “Жаъфар” ва “Сиддиқ” исмлари бирикмаси.

Жаъфарсодиқ, Ja'farsodiq (*ap.*) – “Жаъфар” ва “Содиқ” исмлари бирикмаси * Жаъфарсодиқ ибн Муҳаммад Боқир Абу Абдуллоҳ Ҳошимий (Молик, Саврий ва Ибн Уяйна ундан ҳадис ривоят қилган. Абу Ҳанифа у ҳақида: “Жаъфар Содиқдан кўра фақиҳроқ олимни кўрмаганман”, деган).

Жаҳонгир, Jahongir (*ap.-фм.*) – дунёни фатҳ этувчи; ғолиб, музаффар (“Оламгир” исмининг бошқа шакли).

Жобир, Jobir (*ap.*) – ислоҳ қилувчи, тузатувчи, яхшиловчи * 1) Жобир ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳаром Абу Абдуллоҳ Хазражий Ансорий (машҳур саҳобий), 2) Жобир ибн Самура ибн Жунода Абу Абдуллоҳ Сувоий (саҳобий), 3) Жобир ибн Сулайм Ҳужаймий Тамимий (саҳобий), 4) Жобир ибн Торик ибн Авф Абу Ҳаким Аҳмасий (саҳобий, Ҳаким ибн Жобирнинг отаси), 5) Жобир ибн Атик ибн Қайс ибн Асвад ибн Муррий ибн Каъб ибн Ғанм ибн Салама Ансорий Суламий (саҳобий), 6) Жобир ибн Умайр Ансорий (саҳобий), 7) Жобир ибн Зайд Абу Шаъсо Аздий Яҳмадий (тобеин), 8) Жобир ибн Сайлон (тобеин).

Жоруллоҳ, Jorulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг муқарраб (яқин) бандаси (Абулқосим Маҳмуд Замахшарий лақаби) * Жоруллоҳ Муҳаммад ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Фаҳд Абулфазл Ҳошимий (маккалик тарихчи (х. 891-954, мел. 1486-1547). Илм талабида Миср ва Шомга сафар қилган. Маккада туғилиб, ўша ерда вафот этган).

Жубайр, Jubayr (*ap.*) – “Жабр”нинг кичрайтирма шакли * 1) Жубайр ибн Мутъим ибн Адий ибн Навфал Абу Муҳаммад Қураший Навфалий (машҳур саҳобий), 2) Жубайр ибн Нуфайр ибн Молик ибн Омир Абу Абдурахмон Хазрамий (катта тобеин), 3) Жубайр ибн Абу Сулаймон ибн Жубайр ибн Мутъим Қураший Навфалий Маданий (тобеин, Усмон ибн Абу Сулаймоннинг туғишган биродари), 4) Жубайр ибн Ҳайя ибн Масъуд ибн Муътаб Сақафий Басрий (тобеин), 5) Жубайр ибн Абу Солиҳ Ҳижозий (катта табаа тобеин).

Жувайбир, Juwaybir (*ap.*) – “Жобир” исмининг кичрайтирма шакли. Яъни, мазкур исм “кичик Жобир” маъносини англатади * Жувайбир ибн Саид Абулқосим Аздий (кичик тобеин. Ҳижрий 140-йилдан кейин вафот этган. Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, аммо у жуда заиф ровий саналади).

Жувайрия, Juwayriya (*ap.*), (*a.э.и.*) – “Жория” исмининг кичрайтирма шакли * 1) Жувайрия бинти Ҳорис ибн Зирор Ҳузоййя Мусталиқия (саҳобия, уммул мўминин), 2) Жувайрия ибн Қудома Тамимий (тобеин), 3) Жувайрия ибн Асмоъ ибн Убайд ибн Мухориқ (табаа тобеин).

Жунайд, Junayd (*ар.*) – хокисор, мутавозеъ; машхур, хурматли; аскар, ёрдамчи, халоскор * 1) Жунайд ибн Сабуъ Жуханий (сахобий), 2) Жунайд Абу Абдуллох Хажжом Куфий (табаа тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 3) Жунайд ибн Муҳаммад Абулқосим Қойиний (имом, муҳаддис, суфийлар шайхи), 4) Жунайд ибн Муҳаммад ибн Жунайд Абулқосим Бағдодий Хаззоз (сўфий, дин уламоларидан (ҳижрий 297-, мелодий 910-йилда вафот этган). Бағдодда туғилиб, ўша ерда вафот этган. Ибн Асир у ҳақида: “Жунайд Бағдодий ўз замонининг тенгсиз имомидир”, деган. Замондошларидан бири Жунайд ҳақида: “Мен унга ўхшаш инсонни кўрмаганман. Котиблар унинг мажлисида ҳозир бўлиб, сўзларини ёзиб олишар, шоирлар унинг фасохатидан истифода этар, мутакаллимлар унинг сўзларидан олам-олам маъно олишарди”, деган).

Жунайда, Junayda (*ар.*) – “Жунайд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Жунайдуллох, Junaydulloh (*ар.*) – Аллоҳнинг хокисор бандаси.

Жундуб, Jundub (*ар.*) – * 1) Жундуб ибн Жунода ибн Суфён ибн Убайд ибн Ҳаром ибн Ғифор ибн Мулайл ибн Замра ибн Бакр ибн Абдуманот ибн Кинона ибн Хузайма ибн Мудрика ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маъд ибн Аднон Абу Зар Ғифорий (машхур сахобий), 2) Жундуб ибн Абдуллох ибн Суфён Абу Абдуллох Бажалий (сахобий. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 3) Жундуб ибн Макис ибн Жарод ибн Ярбуъ Жуханий Маданий (сахобий, Рофеъ ибн Макиснинг биродари. Абу Довуд ундан ривоят қилган), 4) Жундуб ибн Зуҳайр Омирий (сахобий).

Жунода, Junoda (*ар.*), (*э.и.*) – “Жунайд” билан маънодош * 1) Жунода ибн Молик Абу Абдуллох Аздий (сахобий), 2) Жунода ибн Жарода Ғайлоний (сахобий), 3) Жунода ибн Абу Умайя Абу Абдуллох Аздий Заҳроний (катта тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 4) Жунода ибн Салм ибн Холид ибн Жобир ибн Самура Абулҳакам Омирий Куфий (кичик табаа тобеин, Абу Соиб Салм ибн Жуноданинг отаси. Термизий ундан ривоят қилган).

Журъат, Jur’at (*ар.*) – ботир, кўркмас, журъатли.

Жўра, Jo’ra (*ф.т.*) – ўртоқ, улфат, ҳамроҳ (Бошқа шакллари: Жўражон, Жўракелди, Жўрамирза, Жўрамурод, Жўраназар, Жўраниёз, Жўрасултон).

Жўшқин, Jo’shqin (*ўз.*) – ғайратли, шижоатли, ҳаракатчан.

Жўшқиной, Jo’shqinoi (*ўз.*) – “Жўшқин”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

3

Забих, Zabih (*ар.*) – Аллоҳ йўлида ўз жонини қурбон қилувчи.

Забиха, Zabiha (*ар.*) – “Забих”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Забихуллох, Zabihulloh (*ар.*) – “Забих” исмининг хос шакли.

Завфар, Zavfar (*ар.*) – “Зуфар” билан маънодош.

Завқий, Zavqiy (*ар.*) – хурсанд, шодон.

Завқия, Zavqiya (*ар.*) – “Завқий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зайд, Zayd (*ар.*) – тухфа, совға, инъом; зиёда бўлиш, кўпайиш * 1) Зайд ибн Собит ибн Заҳҳок ибн Зайд ибн Лавзон ибн Амр ибн Абдуъавф Абу Саид Ансорий (машхур сахобий, ваҳий нозил бўлаётганда котиблик қилиб турганлардан. Шунингдек, у Абу Бакр ва Усмон розияллоҳу анҳумо Қуръони каримни жамлаётганида ҳам асосий котиблик вазифасини бажарган), 2) Зайд ибн Арқам ибн Зайд ибн Қайс Абу Амр Хазражий Ансорий (машхур сахобий), 3) Зайд ибн Ҳориса ибн Шароҳил Абу Усома Калбий (машхур сахобий, Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлолари, тутинган ўғиллари), 4) Зайд ибн Холид Абу Абдурахмон Жуханий (машхур сахобий), 5) Зайд ибн Саҳл ибн Асвад ибн Ҳаром Абу Талха Ансорий Хазражий (машхур сахобий).

Зайдуллох, Zaydulloh (*ар.*) – Аллоҳнинг инъоми, ҳадяси.

Зайнаб, Zaynab (*ар.*) – келишган, гўзал, тўладан келган (Бошқа шакллари: Зайнаббека, Зайнаббону, Зайнабгул) * 1) Зайнаб бинти Жаҳш ибн Риоб ибн Асад ибн Хузайма Асадия (сахобия. Расулulloх соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакилари қизи. Айни пайтда уммул мўминин. Онасининг исми Умайя бинти Абдулмутталиб ибн Ҳошим. Аллоҳ Зайнабни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга никоҳлаган. Бу ҳақида “Аҳзоб” сурасида айтилган. Шунинг учун Зайнаб бу билан фахрланиб, “Сизларни аҳллариингиз

никоҳлаган. Мени эса Аллоҳнинг Ўзи Арш устидан никоҳлаган”, деб айтарди¹⁶. Зайнаб бинти Жаҳш энг чиройли аёллардан бири бўлган. Унинг сабабидан ҳижоб ояти нозил бўлган. Зайнаб бинти Жаҳш ҳижрий 20-йилда вафот этган¹⁷. Унинг жанозасини Умар розияллоху анху ўқиган. У жами 11 та ҳадис ривоят қилган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари Бинти Жаҳш ривоятини ўз китобларида келтиришган), 2) Зайнаб бинти Хузайма ибн Ҳорис Ҳилолия (саҳобия. “Уммул масокин” номи билан танилган. Чунки у мискинларга кўп яхшилик қиларди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам билан оз муддат бирга яшаган. Ундан аввал Убайда ибн Ҳориснинг завжаси эди. Убайда Бадрда вафот этганидан кейин ҳижрий 3-йилда Расулуллох уни никоҳлаб олганлар. Зайнаб бинти Хузайма Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳаётлик пайтларида ҳижрий 4-, мелодий 625-йилда тахминан ўттиз ёшларида вафот этган), 3) Зайнаб бинти Саййидул башар Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Абдулмутталиб Курашия Ҳошимия (Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг катта қизлари. У зот Зайнабни жуда яхши кўрар, уни мақтардилар. Зайнаб Абул Ос ибн Рабийъ никоҳида бўлган. Уларнинг “Али” ва “Умома” исмли фарзандлари бор эди. Фотиматуз Заҳро вафотидан сўнг Али ибн Абу Толиб Умомани ўз никоҳига олган. Зайнаб ҳижрий 8-, мелодий 630-йилда тахминан ўттиз ёшларида вафот этган. Уни Умму Атиья ювган. Бу ҳақида Бухорий ва бошқа муҳаддислар ривояти бор), 4) Зайнаб бинти имом Али ибн Абу Толиб (Ҳасан ва Хусайнларнинг синглиси, Абдуллох ибн Жаъфар ибн Абу Толибнинг завжаси. У акаси Хусайн билан Карбало воқеаси шоҳиди бўлган. Зайнаб ҳижрий 62-, мелодий 682-йилда вафот этган), 5) Зайнаб бинти Абу Салама (Абдуллох) ибн Абдульасад ибн Ҳилол Махзумия (саҳобия. Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам тарбияларига олинган қиз. Аввалги исми “Барра” эди. Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам уни “Зайнаб”га ўзгартирганлар. Унинг онаси уммул мўминин Умму Салама розияллоху анҳодир. Зайнаб бинти Абу Салама ҳижрий 73-, мелодий 692-йилда Мадинада вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 6) Зайнаб бинти Аввом ибн Хувайлид Асадия Курашия (саҳобия, Зубайр ибн Аввомнинг опаси, Ҳаким ибн Ҳизомнинг завжаси. Жамал куни ўғли Абдуллох ибн Ҳаким ўлдирилгунгача яшаган. У ўғлига бир неча байтдан иборат марсия ёзган. Зайнаб бинти Аввом ҳижрий 40-, мелодий 660-йилда вафот этган), 7) Зайнаб бинти Муовия (саҳобия, Ибн Масъуднинг завжаси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 8) Зайнаб бинти Каъб ибн Ужра Ансория (тобеин, Абу Саид Худрий розияллоху анхунинг завжаси. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган, ишончли ровий), 9) Зайнаб бинти Аҳмад Рифоий (фозила, солиҳа аёллардан, Қуръон ва ҳадис ёдлаган, фикҳ илмини ўрганган. Бу борада у отаси изидан борган. Зайнаб бинти Аҳмад ҳижрий 630-, мелодий 1233-йилда вафот этган), 10) Зайнаб бинти Аҳмад ибн Абдурахим Макдисия (ҳадис илми бўйича аллома, шайх. “Бинти Камол” куняси билан машҳур бўлган), 11) Зайнаб бинти Абдуллох ибн Асъад (фозила, ҳадис илми билимдони (х. 768-846, мел. 1367-1442), уммул масокин, Афиғуддин Ёфиъий Ямонийнинг кизи. У Мадинада туғилиб, Маккада вафот этган).

Зайний, Zayniy (ap.) – безатилган, чиройли.

Зайния, Zayniya (ap.) – чиройли, зийнатли.

Зайнуддин, Zaynuddin (ap.) – Ислом динининг кўрки, зийнати * 1) Зайнуддин ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Мисрий (ханафий фақиҳи. “Ибн Нужайм” куняси билан шухрат қозонган. “Ал-Ашбоҳ ван-назоир фи усулил фикҳ”, “Ал-Бахрур роик шарху канзид дақоик”, “Ар-расоилуз зайния”, “Ал-фатово аз-зайния” каби асарлар муаллифи. Ибн Нужайм ҳижрий 970-, мелодий 1563-йилда вафот этган), 2) Зайнуддин ибн Али ибн Аҳмад Абу Яҳё Маъбарий Малиборий (шофёий мазҳаби фақиҳи (х. 872-928, мел. 1467-1522), Зайнуддин ибн Абдулазиз Малиборийнинг бобоси. “Ал-Жавоҳир фи укубати ахлил кабоир”, “Ҳидоятул азкиё ила тариқил авлиё” ва бошқа асарлар муаллифи), 3) Зайнуддин ибн Абдулаъзиз ибн Зайнуддин ибн Али ибн Аҳмад Маъбарий Малиборий (шофёий мазҳаби фақиҳи. “Фатхул муин”, “Қурратул айн бимухимматид дин”, “Иршодул ибод ила сабилир рашод” каби асарлар муаллифи. Малиборий ҳижрий 987-, мелодий 1579-йилда вафот этган).

Зайнулобидин, Zaynulobidin (ap.) – ибодат қилувчилар зийнати, чиройи; Аллох таолога ибодат қилувчиларнинг энг афзали (Бу исм кўпчилик томонидан “Зайнобиддин” шаклида бузиб қўлланилади) * 1) Зайнулобидин Али ибн Хусайн ибн Али ибн Абу Толиб Абул Хусайн Кураший Ҳошимий (тобеин.

¹⁶ Зайнаб бинти Жаҳшнинг аввалги исми “Барра” бўлган. Зайд ибн Ҳориса уни талоқ қилгач, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Бинти Жаҳшни ўз никоҳларига олиб, исмини “Зайнаб”га ўзгартирганлар.

¹⁷ Зайнаб бинти Жаҳш ҳижратдан 33 йил аввал туғилиб, ҳижрий 20-йилда вафот этган. Мелодий йилда бу 590-641-йилларга тўғри келади.

“Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. У ҳижрий 93-йилда Мадинада вафот этган), 2) Зайнулобидин ибн Абдурауф ибн Тоҷул орифин ибн Али Ҳаддодий Муновий Қоҳирӣ (фозил, сўфийлардан. Ҳижрий 1022-, мелодий 1613-йилда Қоҳирада вафот этган), 3) Зайнулобидин ибн Абдуллоҳ Абу Содик Маймуний (мисрлик шофееий мазҳаби уламоларидан. Ҳижрий 1178-, мелодий 1764-йилда вафот этган), 4) Зайнулобидин ибн Алавий ибн Боҳасан Абу Абдурахмон Ҳусайний Маданий (Мадинаи Мунаввара муфтийси ва муҳаддиси (х. 1174-1235, мел. 1760-1820). “Роҳатул арвоҳ”, “Муштабахун нисба” каби асарлар муаллифи).

Зайфуллоҳ, Zayfulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг меҳмони; Аллоҳнинг Байтини зиёрат қилувчи хожи.

Закариё¹⁸, Zakariyo (*қад.яҳ.*) – мард, жасур; Аллоҳни зикр қилувчи * 1) Закариё ибн Азн ибн Баркиё алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан. Насаби Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳимуссаломга бориб тақалади), 2) Закариё ибн Холид (катта табаа тобеин), 3) Закариё ибн Майсара Басрий (катта табаа тобеин), 4) Закариё ибн Яҳё ибн Умора Абу Яҳё Ансорий (катта табаа тобеин).

Заквон, Zakvon (*ap.*) – ақлли, доно, заковат эгаси * 1) Заквон ибн Абдукайс ибн Холид ибн Омир ибн Зурайқ Ансорий (саҳобий. Бадр, Ақоба ва Уҳудда қатнашган), 2) Заквон Абу Амр Маданий (тобеин, Оиша онамизнинг мавлолари. Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 3) Заквон Абу Солиҳ Маданий (тобеин, Жувайрия бинти Аҳмаснинг мавлоси, Суҳайл ибн Абу Солиҳнинг отаси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган, ишончли ровий. Ҳижрий 101-йилда вафот этган).

Закий, Zakiy (*ap.*) – ақлли, зукко, доно.

Закийя, Zakiyya (*ap.*) – “Закий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Замзам, Zamzam (*ap.*) – (иккала “з” ҳам “зод” ҳарфи билан ёзилади) шижоатли, кўркмас, ботир; паҳлавон, кучли, бақувват * 1) Замзам Абу Мусанно Умлукий Ҳимсий (тобеин), 2) Замзам ибн Жавс Фихҳоний Ямоний (тобеин), 3) Замзам ибн Амр Абул Асвад Ҳанафий (катта табаа тобеин).

Замир, Zamir (*ap.*) – виждонли, диёнатли, инсофли.

Замира, Zamira (*ap.*) – “Замир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Замиридин, Zamiriddin (*ap.*) – Ислом динига мансуб виждонли, инсофли инсон.

Замра, Zamra – * 1) Замра ибн Саълаба Суламий (саҳобий), 2) Замра ибн Каъб ибн Амр ибн Адий Ансорий (саҳобий. Бадрда қатнашган), 3) Замра Жуханий (саҳобий. Уҳудда қатнашган), 4) Замра ибн Абдуллоҳ ибн Унайс Жуханий Ҳижозий (тобеин. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 5) Замра ибн Ҳабиб ибн Суҳайб Абу Утба Зубайдий (тобеин, Утба ибн Замра ибн Ҳабибнинг отаси, Муҳожир ибн Ҳабибнинг туғишган биродари. Замра ишончли ҳадис ровийсидир. “Сунан” соҳиблари ундан ҳадис ривоят қилишган. Замра ибн Ҳабиб ҳижрий 130-йилда вафот этган), 6) Замра ибн Рабийъа Абу Абдуллоҳ Фаластиний (кичик табаа тобеин, имом, ҳофиз, муҳаддис. У асли дамашқлик саналади. “Сунан” соҳиблари ва Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ундан ривоят қилган. Ҳижрий 202-йилда вафот этган).

Замъа, Zam’a (*ap.*) – шижоатли, ғайратли; яхши, пок, озода * Замъа ибн Солиҳ Абу Ваҳб Жундий Ямоний (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Зарина, Zarina (*фм.*) – зарли, заррин; қимматбаҳо, қадрли.

Зариф, Zarif (*ap.*) – пок; зийрак, доно, ақлли.

Зарифа, Zarifa (*ap.*) – “Зариф”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зарифиддин, Zarifiddin (*ap.*) – Ислом динига мансуб ақлли, зийрак, фатонатли инсон.

Зарофат, Zarofat (*ap.*) – поклик, зийраклик, донолик, ақллилик рамзи.

Зар, Zar (*ap.*) – насл, авлод, зурриёт * Зар ибн Абдуллоҳ ибн Зурора Абу Умар Ҳамдоний Мурҳибий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси, Умар ибн Зарнинг отаси. Ҳижрий 100-йилдан олдин вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблар ундан ривоят қилишган).

Зафар, Zafar (*ap.*) – зафар, муваффақият; бахт, саодат рамзи * Зафар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Заббора Абу Мансур Алавий Ҳусайний Нишопурий Байҳақий (муҳаддис).

¹⁸ “Закариё” исми инглиз тилида “Zachariah” шаклида қўлланади. Бу исм “зок”, “ох”, “рой” ва “йох” сўзларидан ташкил топган бўлиб, “Аллоҳ зикр қилинди” маъносини англатади. Мазкур исм таркибидиги “закар” сўзи араб тилидаги “зикр”га мос келади.

Заҳид, Zahid (*ap.*) – зоҳид, дунёнинг ортиқча матоҳларидан, ҳою ҳавасларидан тийилувчи; такводор.

Заҳида, Zahida (*ap.*) – “Заҳид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Заҳина, Zahina (*ap.*) – ақлли, зехни ўткир, фаҳм-фаросатли.

Заҳириддин, Zahiriddin (*ap.*) – Ислом дини ривожини учун кўмаклашувчи * 1) Заҳириддин Муҳаммад Бобур (Темурий шахзодалардан бири, Бобурийлар салтанати асосчиси), 2) Заҳириддин Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад Рузроварий (одил вазир).

Заҳрон, Zahron (*ap.*) – тиник, ёруғ, чиройли.

Заҳҳок, Zahhok (*ap.*) – кулувчи; хурсанд, мамнун, шодон * 1) Заҳҳок ибн Суфён ибн Авф ибн Каъб ибн Абу Бакр ибн Килоб Абу Саид Килобий (саҳобий), 2) Заҳҳок ибн Қайс ибн Холидул Акбар ибн Ваҳб ибн Унайс Қураший Фихрий (саҳобий), 3) Заҳҳок ибн Шароҳил Абу Саид Ҳамдоний (тобеин), 4) Заҳҳок ибн Мунзир ибн Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалий (тобеин), 5) Заҳҳок ибн Музоҳим Абул Қосим Ҳилолий (кичик тобеин).

Захро, Zahro (*ap.*) – ёрқин, равшан; чиройли, кўркам, нурли * (Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотима бинти Муҳаммад ибн Абдулоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Абдуманоф ибн Ҳошим Умму Ҳасан Қурашия Ҳошимия розияллоҳу анҳонинг лақаби).

Зеби, Zebi (*фм.*) – чиройли, гўзал, зебо (Зебигул, Зебихол, Зебихон).

Зебинисо, Zebiniso (*фм.-ap.*) – аёлларнинг энг гўзали.

Зебо, Zebo (*фм.*) – гўзал, чиройли, хушрўй (Бошқа шакллари: Зебобиби, Зебогул, Зебоғўзал, Зебожамол, Зебонур).

Зебонисо, Zeboniso (*фм.-ap.*) – аёлларнинг энг гўзали (“Зебинисо” билан маънодош).

Зебочехра, Zebochehra (*фм.*) – хушрўй, чиройли юзли.

Зехния, Zehniya (*ap.*) – ақлли, зехни ўткир, ақлли, доно.

Зиё, Ziyu (*ap.*) – зиё, равшанлик, ёрқинлик; бахт, толеъ * Зиё Муҳаммад ибн Абдулвоҳид ибн Аҳмад ибн Абдурахим ибн Исмоил ибн Мансур Абу Абдуллоҳ Мақдисий Саъдий Жаммоилий (шайх, имом, хофиз, мужаввид, муҳаддис, катта олим. Зиё ёки Зиёвуддин Мақдисий номи билан машҳур бўлган. Ҳижрий 569-йилда туғилган).

Зиёакрам, Ziyokram (*ap.*) – “Зиё” ва “Акрам” исмлари бирикмаси.

Зиёали, Ziyuali (*ap.*) – “Зиё” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Зиёанвар, Ziyovanvar (*ap.*) – “Зиё” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Зиёаҳмад, Ziyohmad (*ap.*) – “Зиё” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Зиёаҳсан, Ziyohsan (*ap.*) – “Зиё” ва “Аҳсан” исмлари бирикмаси.

Зиёвуддин, Ziyovuddin (*ap.*) – Ислом динининг зиёси * 1) Зиёвуддин Халил ибн Исҳоқ ибн Мусо Мисрий (фақиҳ, “Мухтасар фил фикҳ” асари муаллифи), 2) Зиёвуддин Абдуллоҳ ибн Аҳмад Молакий (аллома, табиб, табобат соҳасида кўплаб китоблар муаллифи. Зиёвуддин Молакий Ҳижрий 646-йил Дамашқда вафот этган).

Зиёд, Ziyod (*ap.*) – зиёдалик, кўплик; мўллик, фаровонлик (“Ортиқ” исмининг арабча шакли) 1) Зиёд ибн Ҳорис Садоий (саҳобий. Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Зиёд ибн Лабид ибн Саълаба ибн Синон ибн Омир ибн Адий Абу Абдуллоҳ Ансорий Ҳазражий (саҳобий. Бадрда қатнашган. Ҳазрамавтга омил бўлган. У Ҳижрий 41-йилда вафот этган. Ибн Можа ундан ривоят қилган), 3) Зиёд ибн Ҳудайр Абу Муғйра Асадий (катта тобеин, Зайд ибн Ҳудайрнинг биродари. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Зиёд ибн Анъам ибн Заррий Шаъбоний (тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ундан ривоят қилган. Ибн Анъам ишончли ровий саналади), 5) Зиёд ибн Сувайб (тобеин. Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 6) Зиёд ибн Жубайр ибн Ҳайя ибн Масъуд ибн Муътаб Сақафий Басрий (тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 7) Зиёд ибн Абу Зиёд (Майсара) Махзумий Маданий (кичик тобеин. Ҳижрий 135-йилда вафот этган. Муслим, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 8) Зиёд ибн Исмоил Қураший Махзумий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Бухорий, Муслим, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 9) Зиёд ибн Баён Раққий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 10) Зиёд ибн Жарроҳ Жазарий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 11) Зиёд ибн Айноб ибн Зиёд Абу Ҳошим Тусий Бағдодий

(табаа тобеинлардан илм олганлардан, имом, хофиз, ровий (х. 166-252). “Даллавайх” лақаби билан ҳам машҳур бўлган. Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган).

Зиёда, Ziyoda (ap.) – “Зиёд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зиёдulloх, Ziyodulloh (ap.) – Аллоҳнинг инъоми, файзи, баракаси (“Баракатуллох” ва “Файзуллох” исмлари билан маънодош).

Зиёмаҳмуд, Ziyomahmud (ap.) – “Зиё” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Зиёмуслим, Ziyomuslim (ap.) – “Зиё” ва “Муслим” исмлари бирикмаси.

Зиёмуҳаммад, Ziyomuhammad (ap.) – “Зиё” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Зиёмуҳсин, Ziyomuhsin (ap.) – “Зиё” ва “Муҳсин” исмлари бирикмаси.

Зикр, Zikr (ap.) – Аллоҳни зикр қилувчи.

Зикрали, Zikrali (ap.) – “Зикр” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Зикранвар, Zikranvar (ap.) – “Зикр” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Зикрахмад, Zikrahmad (ap.) – “Зикр” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Зикруллох, Zikrulloh (ap.) – Аллоҳнинг зикри, У Зотни эслаш, ёд этиш (Аллоҳни доим зикр қилиб юрувчи бандалардан бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм).

Зилол, Zilol (ap.), (a.u.) – зилол сувдек покиза, мусаффо.

Зилола, Zilola (ap.) – покиза, мусаффо; ор-номусли, иффатли.

Зимом, Zimom (ap.) – ақлли, уддабурон, ишнинг кўзини билувчи * 1) Зимом ибн Саълаба Саъдий (саҳобий. Бани Саъд ибн Бақр қабиласидан. Умар, Ибн Аббос ва Анас ибн Молик розияллоху анҳум ундан ривоят қилишган), 2) Зимом ибн Исмоил ибн Молик Абу Исмоил Муродий Муофирий (табаа тобеин (х. 97-185). Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ундан ривоят қилган).

Зиннат, Zinnat (ap.) – (аслида “Зийнат”) зийнатланган, гўзал хулқ соҳибаси (Бошқа шакллари: Зиннатбека, Зиннатнисо, Зиннатхон, Зиннатбону).

Зиннур, Zinnur (ap.) – нурли, зиёли * Суроқа ибн Амр ибн Лабина Зиннур (саҳобий. Фатҳларда амирлардан бири бўлган. Ҳижрий 30-, мелодий 650-йилда вафот этган).

Зиннурайн, Zinnurayn (ap.) – икки нур соҳиби (Усмон ибн Аффон розияллоху анҳунинг лақаби. У зот Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг икки қизлари – аввал Руқайяга, Руқайя касаллиги туфайли вафот эганидан сўнг унинг синглиси Умму Кулсумга уйлангани сабаб шундай шарафли номга эга бўлган).

Зоир, Zoir (ap.) – зиёрат қилувчи, хусусан Макка ва Мадинани зиёрат қилувчи.

Зоира, Zoira (ap.) – “Зоир” исмининг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зобит, Zobit (ap.) – мустаҳкам, кучли; иродаси бақувват, қатъиятли.

Зокир, Zokir (ap.) – Аллоҳ таолони зикр қилувчи, У Зотни эслаб, ҳамду санолар айтувчи; Аллоҳ буюрган амалларни сидқидилдан бажариб, ҳаром ишлардан четланувчи * Зокир ибн Комил ибн Абу Голиб Муҳаммад ибн Хусайн Абулқосим Бағдодий Хаффоф (шайх, муҳаддис, ҳадис ровийси. Ҳижрий 591-йил ражаб ойининг олтинчи куни вафот этган).

Зокира, Zokira – “Зокир” исмининг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зокирмаҳмуд, Zokirmahmud (ap.) – “Зокир” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Зокирмуҳаммад, Zokirmuhammad (ap.) – “Зокир” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Зокируллох, Zokirulloh (ap.) – “Зокир” исмининг хос шакли.

Зофир, Zofir (ap.) – “Зуфар” билан маънодош * Зофир ибн Сулаймон Абу Сулаймон Иёдий (кичик табаа тобеин. Рай шаҳрида истиқомат қилган. Кейин Бағдодга кўчиб ўтган. Сижистонда қози вазифасида ишлаган. Термизий, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган. Аҳмад уни ишончли ровий санаган).

Зоҳид, Zohid (ap.) – зоҳид, дунёнинг ортиқча ҳою ҳавасини тарк этувчи, дунё матоҳига алданиб қолмайдиган, иродаси мустаҳкам инсон.

Зоҳида, Zohida (ap.) – “Зоҳид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зоҳир, Zohir (ap.) – нурли, равшан.

Зоҳира, Zohira (ap.) – “Зоҳир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зоҳируллох, Zohirulloh (ap.) – Аллоҳнинг нурли, толеъи баланд бандаси.

Зубайд, Zubayd (ap.) – сараланган; энг яхши * Зубайд ибн Ҳорис ибн Абдулкарим ибн Амр ибн Каъб Абу Абдурахмон Ёмий Куфий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Ҳижрий 122-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Зубайда, Zubayda (*ap.*) – “Зубайд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Зубайда бинти Жаъфар ибн Мансур Умму Жаъфар Ҳошимия Аббосия (Ҳорун Рашиднинг завжаси, Муҳаммад ибн Рашиднинг онаси. Ҳижрий 216-, мелодий 831-йилда Бағдодда вафот этган).

Зубайр, Zubayr (*ap.*) – кучли, қудратли, бақувват; ақлли, идрокли, доно; пок, озода (“Забир”нинг кичрайтирма шакли) * 1) Зубайр ибн Аввом ибн Хувайлид ибн Асад ибн Абдулғуззо ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона Абу Абдуллоҳ Қураший Асадий (машҳур саҳобий, ашараи мубашшарадан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг аммалари София бинти Абдулмутталибнинг ўғли. Ибн Аввом ҳижрий 36-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Зубайр ибн Убайда (саҳобий. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга аввалги муҳожирлар қаторида ҳижрат қилган), 3) Зубайр ибн Абу Усайд Молик ибн Рабийъа (тобеин. Бухорий ундан ривоят қилган), 4) Зубайр ибн Хурайт Басрий (кичик тобеин, Хурайш ибн Хурайтнинг биродари. Насоидан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Зубайр ибн Адий Абу Адий Ҳамдоний Ёмий (кичик тобеин. Рай шаҳри қозиси. Ҳижрий 131-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 6) Зубайр ибн Жунода Абу Абдуллоҳ Ҳижрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ровий. Термизий ундан ривоят қилган), 7) Зубайр ибн Баккор ибн Абдуллоҳ ибн Мусъаб ибн Собит ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом Абу Абдуллоҳ Қураший Асадий Зубайрий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Зубайра, Zubayra (*ap.*) – “Зубайр”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зубоат, Zuboat (*ap.*) – 1) Зубоат бинти Зубайр ибн Абдулмутталиб Қурашийя Ҳошимия (саҳобия. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакиларининг кизи, Миқдод ибн Асваднинг завжаси, муҳожира аёллардан. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган) 2) Зубоат бинти Омир ибн Қурт ибн Салама Хайр Омирия (саҳобия, шоира. Жоҳилит даврида Ҳишом ибн Муғийранинг завжаси бўлган. Даъватнинг илк босқичида Маккада Исломни қабул қилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн ёш катта бўлган. Бинти Омир ҳижрий 10-, мелодий 631-йилда вафот этган), 3) Зубоат бинти Миқдом ибн Маъдий (тобеин).

Зулайҳо, Zulayho (*ap.*) – мулойим, юмшок; чиройли, зебо.

Зулжамол, Zuljamol (*ap.*), (*a.u.*) – чиройли, келишган, зебо.

Зулкамол, Zulkamol (*ap.*) – камолот соҳиби.

Зулкарам, Zulkaram (*ap.*) – сахий, қўлиочик, саховатли, карамли.

Зулкифл¹⁹, Zulkifl (*ap.*) – кафолат эгаси, кимнингдир кафолатини олган * Зулкифл алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан бири. Унинг исми борасида ихтилоф бор. Баъзилар: “Унинг асл исми “Бишр” бўлиб, Айюб алайҳиссаломнинг ўғлидир”, десалар, бошқалар: “У Закариё алайҳиссаломнинг бошқа бир исми, чунки у Марямнинг кафолатини олган”, деганлар. Яна баъзилар: “У пайғамбар эмас, солиҳ банда бўлган”, дейишган. Аммо аксар уламолар Зулкифлнинг пайғамбар бўлганини таъкидлаганлар. Қуръони каримда унинг исми пайғамбарлар қаторида саналиши ҳам шуни кўрсатади. Зулкифл алайҳиссаломнинг исми Қуръони каримнинг икки жойида – “Анбиё” сурасининг 85-, “Сод” сурасининг 48-оятларида келган).

Зулфиқор, Zulfiqor (*ap.*) – ўткир, кескир, кучли, қудратли.

Зулфия, Zulfiya (*fm.*) – жингалак сочли қиз.

Зулхайр, Zulhayr (*ap.*) – яхшилик ва хайр-барака эгаси (“Абулхайр” исми билан маънодош).

Зулхумор, Zulxumor (*ap.-fm.*) – чиройли, зебо.

Зулқарнайн, Zulqarnayn (*ap.*) – икки шох эгаси; икки қутб эгаси; маширқ ва мағриб эгаси. * 1) Зулқарнайн (Аллоҳ таолонинг солиҳ, тақводор, итоатгўй бандаларидан. Аллоҳ таоло унга кўп миқдорда бойлик ва манфаатли илм берган. Зулқарнайн шу имкониятини Аллоҳ рози бўладиган ўринларга сарфлаган, кўплаб ислоҳотлар олиб борган. Зулқарнайн ҳақида “Каҳф” сурасининг 83-98-оятларида маълумотлар берилган. Бир масалага эътибор бериш лозим: солиҳ банда Зулқарнайн билан айшу ишратга, дунёга муккадан кетган Александр Македонский бошқа-бошқа одамдир. Бу икки тарихий шахс

¹⁹ “Зулкифл” исми инглиз тилида “Ezekiel” шаклида қўлланади. Мазкур исм “зийкий” ва “ийл” сўзларидан иборат бўлиб, “Аллоҳнинг қудрати” маъносини англатади.

Ахли китоблар Зулкифл алайҳиссаломни “Ҳазкиёл” дейишади.

ўртасида эътикод жиҳатидан ҳам, хулқ-атвор тарафидан ҳам катта фарқ бор. Бу ҳақиқатни аввалги тарихчилар ўзларининг мўтабар китобларида ёзиб қолдирганлар), 2) Зулқарнайн Абу Мутъо ибн Ҳамдон ибн Ҳасан Тағлибий (катта амир, улуғ шоир, давлат бошлиғи, Мавсил ҳукмдори. Ҳижрий 428-, мелодий 1036-йил сафар ойида вафот этган).

Зулхижжа, Zulhijja (*ap.*), (*a.u.*) – ҳижрий 12-ой номи.

Зумрад, Zumrad (*фм.*), (*a.u.*) – қимматбаҳо, қадрли, ноёб.

Зуннун, Zunnun (*ap.*) – катта балиқ – наханг эгаси * Юнус ибн Мутай алайҳиссаломнинг бошқа исми (Қуръони каримнинг “Анбиё” сураси, 87-оятда Юнус алайҳиссалом номи шу тарзда келтирилган) * 1) Зуннун Савбон ибн Иброҳим Абулфайз Мисрий (зоҳид, Миср диёри шайхи. “Зуннун Мисрий” номи билан машҳур бўлган аллома. У ҳижрий 245-йил зулкаъда ойида вафот этган), 2) Зуннун ибн Муҳаммад ибн Зуннун Рошидуддин Мисрий Шофеъий Алавий (фозил кишилардан. Вазир лавозимида ишлаган. У ҳижрий 663-, мелодий 1265-йилда вафот этган).

Зурайб, Zurayb (*ap.*) – кучли, қувватли, паҳлавон * Зурайб ибн Нуқайр Абу Сулайл Қайсий Журайрий Басрий (кичик тобеинлар даврида яшаган ишончли ҳадис ровийси. Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган).

Зурайба, Zurayba (*ap.*) – “Зурайб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зуфар, Zufar (*ap.*) – жаноб, саййид; оғир масъулиятни кўтара олувчи, сабрли * 1) Зуфар ибн Язид ибн Ҳошим ибн Ҳармала (саҳоба), 2) Зуфар ибн Саъсаъа ибн Молик (тобеин. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 3) Зуфар ибн Вусайма ибн Молик ибн Авс ибн Ҳадсон Насрий Димашкий (тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Зуфар ибн Ҳузайл ибн Қайс ибн Салм Абу Ҳузайл Анбарий Куфий (ханафий мазҳаби фақиҳи, мужтаҳид, аллома (х. 110-158, мел. 728-775). Абу Ҳанифанинг Абу Юсуф ва Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳимдан кейинги ўринда турувчи шогирди).

Зухайр, Zuhayr (*ap.*) – нурли, ёруғ, равшан * 1) Зухайр ибн Абдуллоҳ ибн Жадъон Абу Мулайка Кураший (саҳобий), 2) Зухайр ибн Усмон Сақафий Аъвар (саҳобий), 3) Зухайр ибн Амр Ҳилолий (саҳобий), 4) Зухайр ибн Солим Абу Мухорик Ансий (тобеин), 5) Зухайр ибн Ҳунайд Абу Зайёл Адавий (табаа тобеин).

Зухайра, Zuhayra (*ap.*) – “Зухайр”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Зухриддин, Zuhriddin (*ap.*) – Ислом динининг ғолиблиғи; Ислом динидаги ғолиб, музаффар инсон.

Зухро, Zuhro (*ap.*) – нурли, ёрқин, равшан, чароғон.

И-Й

Ибниислом, Ibniislom (*ap.*) – Ислом ўғли, Ислом фарзанди; бутун ҳаётини Исломга бағишлаган инсон (Салмон ал-Хайр Абу Абдуллоҳ ибн Ислом Форисий ўзини “Ибниислом” деб эълон қилган. Чунки унинг ота-онаси зардўштий бўлиб, мусулмонликни қабул қилгач, уларнинг номини эслашни лозим топмаган).

Ибниимон, Ibniimon (*ap.*) – имон-эътикодли банда.

Ибо, Ibo (*ap.*), (*a.u.*) – ҳаёли, иболи, иффатли; ор-номусли (“Ҳаё” исми билан маънодош).

Ибодат, Ibodat (*ap.*) – Аллоҳга ибодат қилиш; Аллоҳга ибодат қилувчи банда.

Ибодуллоҳ, Ibodulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг бандаларидан бири.

Ибрат, Ibrat (*ap.*), (*э.у.*) – намуна, ўрнак, ибрат (бошқаларга ибрат бўларли солиҳ мўминлардан бўлсин, деган ниятда кўйиладиган исм).

Иброҳим²⁰, Ibrohim (*қад.яҳ.*) – миллатлар отаси, халқлар имоми²¹ (“Иброҳим” исмининг кичрайтирма шакли “Убайроҳ” дир. Шунингдек, “Абраҳа” исми “Иброҳим”нинг ҳабаш тилидаги

²⁰ “Иброҳим” исми инглиз тилида “Abraham” шаклида қўлланади. Европа халқларида кенг қўлланидиган “Авраам” исми ҳам “Иброҳим” исмидан келиб чиққан.

“Иброҳим” исми Туркияда “Ибраҳим”, Эронда “Эбраҳим”, Россияда “Абрам”, Ғарбий Африкада “Ибраҳима” шаклида қўлланади.

²¹ “Иброҳим” исми “об” ва “роҳом” (“меҳрибон ота”) ёки “обром” (яъни “миллатлар отаси”) сўзлари қўшилмасидан ясалган.

кўринишидир) * 1) Иброҳим ибн Тасорух ибн Нохур ибн Соруғ ибн Роав ибн Фолиғ ибн Обир ... ибн Сом ибн Нух алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг улул азм пайғамбарларидан. Сахий, карами кенг, кўли очик бўлгани сабаб “меҳмонлар отаси” лақаби билан аталган. Иброҳим алайҳиссалом пайғамбарлар отаси саналади), 2) Иброҳим ибн Язид ибн Қайс ибн Асвад Абу Имрон Нахайй (машҳур тобеин, аҳли солихлардан, ишончли ҳадис ровийси), 3) Иброҳим ибн Абу Мусо (катта тобеин), 4) Иброҳим ибн Абдурахмон ибн Авф Абу Исҳоқ Қураший Зухрий (катта тобеин), 5) Иброҳим ибн Саъд ибн Абу Ваққос Қураший Зухрий Маданий (тобеин), 6) Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Маъбад ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим Қураший Ҳошимий (тобеин), 7) Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Талха ибн Убайдуллоҳ Абу Исҳоқ Қураший Таймий (тобеин), 8) Иброҳим ибн Адҳам ибн Мансур ибн Язид ибн Жобир Абу Исҳоқ Балхий (машҳур табаа тобеин, зоҳид ва тақводор зотлардан бўлган).

Идрис²², **Idris** (*қад.яҳ.*) – ўқувчи, таълим олувчи; тиришқоқ, билимга чанқоқ * 1) Идрис ибн Ёрид ибн Маҳлойил ибн Қайнон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан бири. Айтилишича, Таврот ва Инжилда унинг исми “Хунух” тарзида келтирилган. Идрис алайҳиссалом ҳақида Қуръони каримнинг “Марям” сураси 56-57-оятларида маълумот берилган. Ривоятлардан келишича, Аллоҳ таоло уни тўртинчи осмонга кўтарган. Идрис алайҳиссалом қалам билан ёзган биринчи инсон саналади), 2) Идрис ибн Синон Абу Илёс Ямоний (катта табаа тобеин, Ваҳб ибн Мунаббихнинг жияни, Абдулмунъим ибн Идриснинг отаси), 3) Идрис ибн Субайҳ Авдий (катта табаа тобеин), 4) Идрис ибн Язид ибн Абдурахмон Абу Абдуллоҳ Авдий Заофирий (катта табаа тобеин).

Идрок, Idrok (*ар.*) – бирон нарса маъносига тушуниб етувчи, фаҳм-фаросатли.

Иёз, Iyoz (*ар.*) – алмаштириш, ўрнига бериш * 1) Иёз ибн Ҳимор Тамимий Мужошиъий (саҳобий), 2) Иёз ибн Амр Ашъарий (саҳобий), 3) Иёз ибн Халифа (катта тобеин), 4) Иёз ибн Ғутайф (катта тобеин), 5) Иёз ибн Абу Зухайр Фихрий (тобеин), 6) Иёз ибн Абдуллоҳ ибн Саъд ибн Абу Сарх Қураший Омирий Маккий (тобеин), 7) Иёз ибн Ҳилол Ансорий (тобеин).

Ижобат, Ijobat (*ар.*), (*а.у.*) – ижобат, мақбул, қабул қилиниш.

Издихор, Izdihor (*ар.*), (*а.у.*) – гуллаб-яшнайдиган, ривожланувчи, ўсувчи.

Иzzат, Izzat (*ар.*) – ҳурмат, эҳтиром, шараф (обрўъ-эътиборли банда).

Иzzатуллоҳ, Izzatulloh (*ар.*) – Аллоҳнинг иззати, қудрати (“Азаматуллоҳ”, “Кибриёуллоҳ” исмлари билан маънодош).

Иzzуддин, Izzuddin (*ар.*) – Ислом динининг қуввати; Ислом динининг шарафи * Иzzуддин ибн Абдусалом ибн Абулқосим (шайхул Ислом, шофеъий мазҳаби фақиҳи. Ибн Асокирдан фикҳ илмини ўрганган. Ижтиҳод қилиш мартабасига етишган. “Султонул уламо” (“Олимлар султони”) мақомини олган).

Изҳор, Izhor (*ар.*), (*а.у.*) – қалбидаги ният ва мақсадини ифодаловчи.

Имон, Imon (*ар.*) – ишонч; эътиқод; ибодат қилиш, сиғиниш; имони мустаҳкам банда (“Ислом” исми билан маънодош).

Икмол, Ikmol (*ар.*) – камолга етган, етук банда.

Икрима, Ikrima (*ар.*) – * 1) Икрима ибн Абу Жаҳл (Амр) ибн Ҳишом ибн Муғйра Қураший Махзумий (саҳобий), 2) Икрима Абу Абдуллоҳ Қураший Ҳошимий (машҳур тобеин, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг шогирди. Катта фақиҳ ва муфассирлардан бўлган), 3) Икрима ибн Холид ибн Ос ибн Ҳишом ибн Муғйра Қураший Махзумий (тобеин), 4) Икрима ибн Аммор Абу Аммор Ижлий (кичик тобеин).

Икром, Ikrom (*ар.*) – ҳурмат-эътиборли; сахий, карамли.

Илёс²³, **Iyos** (*қад.яҳ.*) – Аллоҳ қудрати; ҳурматли, кадрли²⁴ (Бошқа шакллари: Илёсали, Илёсхон, Илёсхўжа) * 1) Илёс ибн Озар ибн Алий Озар ибн Ҳорун ибн Имрон алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан бири. Насаби Иброҳим алайҳиссаломга бориб етади. Илёс алайҳиссалом “баъл” деб номланувчи санамга сиғинадиган қавмга юборилган. Ливандаги машҳур Баъбалак шахрининг номи шу санам номидан олинган), 2) Илёс ибн Иброҳим ибн Довуд ибн Хизр Курдий Кавроний (шофеъий мазҳаби фақиҳи – ҳ. 1047-1138, мел. 1637-1726).

Илмдор, Imdor (*ар.-фс.*) – илмли, билимли, ўқимишли.

²² “Идрис” исми инглиз тилида “Enoch” шаклида қўлланади.

²³ “Илёс” исми инглиз тилида “Elijah” шаклида қўлланади. Бу исм ғарб тилларида 15 хил шаклда қўлланади.

²⁴ “Илёс” исми “лой” ва “жоҳ” кўшимчаларидан иборат бўлиб, “раббим, илоҳим” маъносини англатади.

- Илмиддин, Imiddin** (*ap.*) – Ислом дининг илми, шариат илми; шариат илмидан хабардор.
- Илмижаҳон, Imijahon** (*ap.-фm*) – дунё илмларини эгалловчи; дунёқараши кенг.
- Илмикамол, Imikamol** (*ap.*) – мукаммал илм соҳиби, етук аллома.
- Илтифот, Itifot** (*ap.*), (*a.u.*) – илтифот, яхшилик, мурувват кўрсатувчи; бирон муҳим нарсага эътибор берувчи.
- Илҳом, Ithom** (*ap.*) – ҳаракатчан, илҳомли, ғайратли.
- Имдод, Imdod** (*ap.*) – ёрдам, кўмак.
- Имдодуллоҳ, Imdodulloh** (*ap.*) – Аллоҳнинг ёрдамига сазовор (“Насруллоҳ” ва “Авнуллоҳ” исмларининг маънодош шакли).
- Имод, Imod** (*ap.*) – устун, асос; таянч, тиргак; Ислом дини устуни.
- Имодуддин, Imoduddin** (*ap.*) – Ислом дини устуни (машҳур муфассир Исмоил ибн Умар ибн Касир Абул Фидо Қураший Димашқий лақаби).
- Имом, Imom** (*ap.*) – раҳбар, пешво, имом; намозда кишиларга имомлик қилувчи.
- Имомали, Imomali** (*ap.*) – “Имом” ва “Али” исмлари бирикмаси.
- Имомиддин, Imomiddin** (*ap.*) – Ислом дини бошлиғи, дин пешвоси.
- Имомназар, Imomnazar** (*ap.*) – “Имом” ва “Назар” исмлари бирикмаси.
- Имрон, Imron** (*ap.*) – умр кўриш, тириклик, барҳаётлик; узоқ умр кўрувчи; кучли, қувватли * 1) Имрон ибн Ҳусойн ибн Убайд ибн Халаф Абу Нажид Ҳузойй (машҳур саҳобий. 180 та ҳадис ривоят қилган. Ўз вақтида Басра шаҳри қозиси бўлган), 2) Имрон ибн Талҳа ибн Убайдуллоҳ Қураший Таймий (саҳобий), 3) Имрон ибн Осим Абу Умора Зубайй Басрий (катта тобеин), 4) Имрон ибн Ҳусойн Заббий (тобеин).
- Имтисол, Imtisol** (*ap.*), (*a.u.*) – бўйсунувчи, итоат этувчи, итоаткор.
- Инобат, Inobat** (*ap.*) – тавба қилиш, Аллоҳга қайтиш, гуноҳ содир этгач, ундан тавба қилиш, Аллоҳнинг ибодатига қайтиш; тавба қилувчи, Аллоҳнинг ибодатига қайтувчи.
- Иноят, Inoyat** (*ap.*), (*a.u.*) – эътибор, илтифот, диққат; муҳим нарсаларга аҳамият берувчи (“Илтифот” исми билан маънодош).
- Иноятуллоҳ, Inoyatulloh** (*ap.*) – Аллоҳнинг илтифоти, эътибори; Аллоҳнинг илтифотига муяссар банда.
- Иноғом, Inog‘om** – совға, туҳфа, ҳадя (арабча “Инъом” исмининг бузилган шакли).
- Инсон, Inson** (*ap.*) – одам, киши, башар (“Башар” ва “Одам” исмларининг маънодош шакли).
- Инсоф, Insof** (*ap.*) – инсоф, виждон; адолат; инсофли ва виждонли банда.
- Интизом, Intizom** (*ap.*), (*a.u.*) – интизомли, тартибли; одобли, ахлоқли.
- Интизор, Intizor** (*ap.*), (*a.u.*) – орзиқиб кутувчи; намоз вақтини илғақ бўлиб кутиб турувчи (“Мунтазир” исми билан маънодош).
- Инъом, In‘om** (*ap.*) – совға, туҳфа, инъом (“Инъом” исми бизда кўпинча шакли ўзгарган ҳолда “Иноғом” тарзида ишлатилади).
- Инъомуллоҳ, In‘omulloh** (*ap.*) – Аллоҳнинг туҳфаси, инъоми.
- Ирода, Iroda** (*ap.*) – хоҳиш, истак; талаб, илтижо.
- Иродатуллоҳ, Irodatulloh** (*ap.*), (*э.у.*) – Аллоҳнинг иродаси, хоҳиши, амри; Аллоҳнинг иродасига рози бўлувчи (Зеро, Аллоҳ бирон нарсани хоҳласа, албатта содир бўлади, У Зот: “Бўл!” деса кифоя).
- Иршод, Irshod** (*ap.*) – тўғри йўлдан юрувчи, ҳақ йўлга бошловчи.
- Искандар, Iskandar** (*турк.*) – инсониятни душман хуружидан ҳимоя қилувчиси (Ушбу исм Ғарбда “Александр” шаклида қўлланади).
- Ислом, Islom** (*ap.*) – Ислом дини; ўзини Аллоҳга топшириш, таслим бўлиш, ҳою ҳавасини Аллоҳ ризолиги учун таслим қилиш; ҳақиқий мусулмон банда.
- Исломанвар, Islomanvar** (*ap.*) – “Ислом” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.
- Исломахмад, Islomahmad** (*ap.*) – “Ислом” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.
- Исломмирза, Islommirza** (*ap.*) – “Ислом” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.
- Исломмурод, Islommurod** (*ap.*) – “Ислом” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.
- Исломнур, Islomnur** (*ap.*) – “Ислом”га “нур” қўшимчаси қўшиб ясалган исм.
- Исломғози, Islomg‘ozi** (*ap.*) – Ислом йўлида курашувчи.
- Исломҳожӣ, Islomhoji** (*ap.*) – “Ислом” ва “Ҳожӣ” исмлари бирикмаси.

Исмат, Ismat (*ap.*), (*э.и.*) – покиза, озода; такводор, сақланган; Аллоҳнинг ҳимоясига олинган * 1) Исмат ибн Молик Ансорий Хатмий (саҳобий), 2) Исмат ибн Рошид Шомий (катта табаа тобеин), 3) Исмат ибн Абу Исмат Абу Толиб Укбарий (Ҳанбалий фақиҳи. Имом Аҳмад билан суҳбатдош бўлган, ундан бир неча масалаларга оид ҳукмларни ривоят қилган).

Исматуллоҳ, Ismatulloh (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг паноҳ бериши, Ўз ҳимоясига олиши; Аллоҳ ҳимоясидаги банда.

Исмоил²⁵, Ismoil (*қад.яҳ.*) – Аллоҳдан сўраб олинган, Аллоҳ инъом этган фарзанд²⁶ * 1) Исмоил ибн Иброҳим ибн Тасорух ибн Ноҳур ибн Соруғ ибн Роав ибн Фолиғ ибн Обир ... ибн Сом ибн Нух алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан, Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли), 2) Исмоил Қураший Саҳмий (тобеин, Абдуллоҳ ибн Амр ибн Оснинг мавлоси), 3) Исмоил ибн Абу Идрис (тобеин), 4) Исмоил ибн Абу Холиб Фадкий (тобеин), 5) Исмоил ибн Башир Ансорий Маданий (тобеин), 6) Исмоил ибн Ражоъ ибн Рабийъа Абу Исҳоқ Зубайдий (кичик тобеин), 7) Исмоил ибн Умар ибн Касир Абул Фидо Қураший Димашкий (машхур муфассир, “Тафсирул қуръонил азим”, “Ал-Бидоя ван-ниҳоя” ва бошқа кўплаб асарлар муаллифи).

Исо²⁷, Iso (*қад. яҳ.*) – Аллоҳнинг лутф-карами; Аллоҳнинг мадади, кўмаги * 1) Исо ибн Марям бинти Имрон (Аллоҳ таолонинг улул азм пайғамбарларидан), 2) Исо ибн Талҳа ибн Убайдуллоҳ Абу Муҳаммад Қураший Таймий (тобеин), 3) Исо ибн Абдуллоҳ ибн Унайс Ансорий Ҳижозий (тобеин), 4) Исо ибн Масъуд ибн Ҳакам Ансорий Зуракий (тобеин), 5) Исо ибн Умар Абу Сулаймон Сақафий Басрий (катта луғатшунос олим, наҳв илми олимлари бўлмиш Халил ибн Аҳмад, Сибавайх ва Ибн Алоълар устози).

Исобат, Isobat (*ap.*), (*а.и.*) – тўғрилиқ, ростлик; мўлжалга аниқ текказиш, мақсадга етиш; одил; ўз мақсадига етувчи.

Исоанвар, Isoanvar (*ap.*) – “Исо” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Исоаҳмад, Isoahmad (*ap.*) – “Исо” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Исомаҳмуд, Isomahmud (*ap.*) – “Исо” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Исомурод, Isomurod (*ap.*) – “Исо” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Исомухаммад, Isomuhammad (*ap.*) – “Исо” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Исроил²⁸, Isroil (*қад. яҳ.*) – Аллоҳ йўлида жидду жаҳд қилувчи, Аллоҳ йўлида қурашувчи²⁹ (“Исроил” Яъқуб алайҳиссаломнинг иккинчи номи, Қуръони каримнинг икки жойида – “Оли Имрон” сурасининг 93-оятти ва “Марям” сурасининг 58-оятларида унинг исми “Исроил” тарзида келтирилган) * 1) Исроил ибн Мусо Абу Мусо Басрий (кичик тобеин замонида яшаган. Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган), 2) Исроил ибн Юнус ибн Абу Исҳоқ Абу Юсуф Субайъий Ҳамдоний (катта табаа тобеин).

Истак, Istak (*ўз.*), (*а.и.*) – хоҳлаш; талаб қилиш (“Ирода” исмининг ўзбекча шакли).

Истеъдод, Iste'dod (*ap.*) – қобилиятли; ақлли.

Исҳоқ³⁰, Is'hoq (*қад.яҳ.*) – хурсанд, шод-хуррам; қулувчи, табассум қилувчи³¹ (“Заҳҳок” исмининг қадимги яҳудийча шакли) * 1) Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Тасорух ибн Ноҳур ибн Соруғ ибн Роав ибн Фолиғ ибн Обир... ибн Сом ибн Нух алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан, Иброҳим алайҳиссаломнинг ўғли, Исмоил алайҳиссаломнинг укаси), 2) Исҳоқ ибн Саъд ибн Убода Ансорий Ҳазражий Маданий (катта тобеин), 3) Исҳоқ ибн Талҳа ибн Убайдуллоҳ Қураший Таймий (тобеин, Исмоил ибн Талҳа ва Яъқуб ибн Талҳанинг туғишган биродари), 4) Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн

²⁵ “Исмоил” исми инглиз тилида “Ishmael” шаклида қўлланади.

²⁶ “Исмоил” исми “яшиймаъ” ва “ийл”, яъни “ясмаъуллоҳ” (Аллоҳ эшитади) сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлган.

²⁷ “Исо” исми инглиз тилида “Jesus” шаклида қўлланади. Ушбу исм “йох” ва “шуъ” сўзларидан таркиб топган бўлиб, “Аллоҳ халос қилади” маъносини англатади.

Ғарб тилларида бу исм “Исос”, “Жесус”, “Хесус” тарзида талаффуз қилинади.

Биргина араб тилининг ўзида мазкур исм “Исо”, “Эсса”, “Исса”, “Юшуа” шаклларида қўлланади.

²⁸ “Исроил” исми инглиз тилида “Israel” шаклида қўлланади.

²⁹ “Исро” сўзи “қурашувчи, жанг қилувчи; ҳимоя қилувчи”, “ийл” эса “Аллоҳ” маъносини англатади. Демак, бу исм араб тилидаги “Мужоҳид” исмига маъно жиҳатидан яқин ҳисобланади.

³⁰ “Исҳоқ” исми инглиз тилида “Isaac” шаклида қўлланади.

³¹ Иброний тилида “шоҳок” сўзи “қулувчи” маъносини англатади. Бу араб тилидаги “заҳҳок”га ўхшайди. Маълумот ўрнида шуни айтиш лозим, Арманистонда “Исҳоқ” исми “Саҳак” шаклида қўлланади.

Навфал ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим Абу Яъқуб Қураший Ҳошимий Навфалий (тобеин), 5) Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Жаъфар ибн Абу Толиб Қураший Ҳошимий (тобеин), 6) Исҳоқ ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Маданий (тобеин), 7) Исҳоқ ибн Рошид (тобеин), 8) Исҳоқ ибн Сувайд ибн Ҳубайра Адавий Таймий Басрий (тобеин).

Итоат, Itoat (*ap.*), (*a.u.*) – эргашиш, бўйсунуш, итоат этиш; Аллоҳ ва Расулининг амрига итоат этувчи.

Ифтихор, Iftixor (*ap.*) – мақтовга сазовор инсонлардан бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Иффат, Iffat (*ap.*), (*a.u.*) – покиза; ҳаёли, иболи; бокира, маъсума (“Ибо” исми билан маънодош. Бошқа шакллари: Иффатбиби, Иффатбону, Иффатжамол, Иффатой).

Ихлос, Ixlos (*ap.*) – самимий, соф, ҳақиқий; фақат Аллоҳ таоло розилигини истаб амал қилувчи банда.

Ихлосиддин, Ixlosiddin (*ap.*) – Ислом динига ихлоси баланд, Аллоҳга ихлос билан ибодат қилувчи.

Ихтиёр, Ixtiyor (*ap.*) – озод банда (бандаларга қарам эмас, фақат Аллоҳга тобеъ бўлган банда).

Ихтиёриддин, Ixtiyoriddin (*ap.*) – Диннинг ихтиёри, Ислом учун жон фидо қилувчи.

Иқбол, Iqbol (*ap.*) – юзланиш, одимлаш; бахт-саодат; келажаги порлоқ, охирати обод бўладиган солиҳ банда.

Иқболмирза, Iqbolmirza (*ap.-ft.*) – “Иқбол” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Иқроп, Iqror (*ap.*) – тасдиқловчи, иқроп бўлувчи.

Иқрориддин, Iqroriddin (*ap.*) – Ислом дининг ҳақ дин эканини тасдиқловчи.

Йигит, Yigit (*ўз.*) – мард йигит, кўркмас, ботир.

Йўлдош, Yo‘ldosh (*ўз.-форс.*) – ҳамроҳ, соҳиб (Бошқа шакллари: Йўлдошбек, Йўлдошбой, Йўлдошжон, Йўлдошмирза, Йўлдошмурод, Йўлдошхўжа).

Йўлдошмуҳаммад, Yo‘ldoshmuhammad (*ўз.-ap.*) – “Дўстмуҳаммад” ва “Ёрмуҳаммад” исмлари билан маънодош.

Йўлчи, Yo‘lchi (*ўз.*) – дўст, ҳамроҳ; йўл кўрсатувчи; бошлиқ, сардор.

К

Кабша, Kabsha (*ap.*), (*a.u.*) – саййид, бошлиқ, раҳбар; ҳомий, ҳимоячи * 1) Кабша бинти Собит ибн Мунзир Ансория (саҳобия), 2) Кабша бинти Каъб ибн Молик Ансория (саҳобия, Абдуллоҳ ибн Абу Катоданинг завжаси), 3) Кабша бинти Абу Марям (тобеин).

Кавкаб, Kavkab (*ap.*), (*a.u.*) – юлдуз, сайёра.

Кавокиб, Kavokib (*ap.*), (*a.u.*) – юлдузлар, планеталар.

Кавсар, Kavsar (*ap.*), (*a.u.*) – жаннатдаги булоқ номи; жаннатдаги булоқдан сув ичишга муяссар бўладиган солиҳа мўмина.

Каййис, Kayyis (*ap.*) – ақлли, оқил, доно.

Каййиса, Kayyisa (*ap.*) – “Каййис”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Кайсон, Kayson (*ap.*) – ақлли, доно; одобли * 1) Кайсон ибн Жарир Абу Абдурахмон Қураший Умавий (саҳобий, Ҳолид ибн Усайднинг мавлоси), 2) Кайсон ибн Абдуллоҳ ибн Торик Абу Нофеъ Ямоний (саҳобий, Нофеъ ибн Кайсоннинг отаси), 3) Кайсон Абу Саид Макбурий Маданий (катта табаа тобеин, Саид ибн Абу Саид Макбурийнинг отаси).

Камол, Kamol (*ap.*) – етуклик, комиллик; етук инсон бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Камола, Kamola (*ap.*) – “Камол”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Камолиддин, Kamoliddin (*ap.*) – Диннинг камолоти, етуклиги; Ислом динининг равнақи, ривожи учун ҳисса қўшадиган инсон.

Камолмаҳмуд, Kamolmahmud (*ap.*) – “Камол” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Камолмирза, Kamolmirza (*ap.-ft.*) – “Камол” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Камолмурод, Kamolmurod (*ap.*) – “Камол” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Камолмуҳаммад, Kamolmuhammad (*ap.*) – “Камол” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Камтар, Kamtar (*ft.*) – камтарин, мутавозеъ.

Карим, Karim (*ap.*) – саховатли, сахий, кўли очик * 1) Карим ибн Ҳорис (саҳоба, Зуроранинг бобоси), 2) Карим ибн Жузь (саҳоба).

Карима, Karima (*ap.*) – “Карим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Карима бинти Микдод ибн Асвад Киндия (тобеин, Абдуллоҳ ибн Ваҳб ибн Замъанинг завжаси), 2) Карима бинти Ҳисҳос Музания (тобеин), 3) Карима бинти Ҳаммам (тобеин).

Каримберган, Karimbergan (*ap.-ўз.*) – саховати ўта чексиз Аллоҳ берган фарзанд.

Каримберди, Karimberdi (*ap.-ўз.*) – “Каримберган” исми билан маънодош.

Каримуллоҳ, Karimulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг сахий бандаси.

Каримқул, Karimqul (*ap.-ўз.*) – саховати чексиз Аллоҳнинг бандаси.

Каромат, Karomat (*ap.*), (*a.u.*) – сахийлик, олийжаноблик соҳибаси.

Касир, Kasir (*ap.*) – кўп, сероб; кўпаювчи, зиёда бўлувчи; баракали; файзли * 1) Касир ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим Абу Таммом Қураший Ҳошимий (саҳобий, обид, олим ва фақиҳ кишилардан бўлган), 2) Касир ибн Қалиб ибн Мавҳиб Садафий Мисрий (катта тобеин), 3) Касир ибн Салт ибн Маъдий Абу Абдуллоҳ Киндий (катта тобеин, Зубайд ибн Салт ва Абдурахмон ибн Салтларнинг туғишган биродари), 4) Касир ибн Афлаҳ Абу Яҳё Маданий (катта тобеин, Абу Айюб Ансорийнинг мавлоси), 5) Касир ибн Абу Касир Басрий (тобеин, Абдурахмон ибн Самура Қурашийнинг мавлоси), 6) Касир ибн Абу Касир Таймий Куфий (тобеин), 7) Касир ибн Абу Касир Музаний (тобеин, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг хизматкори бўлган).

Каъб, Ka'b (*ap.*) – шаъни улуғ, мартабали, машҳур, таниқли; ғалаба қозонувчи * 1) Каъб ибн Ужра Абу Муҳаммад Ансорий (саҳобий), 2) Каъб ибн Молик ибн Абу Каъб Абу Абдуллоҳ Ансорий Суламий (саҳобий, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам шоирларидан), 3) Каъб ибн Осим Абу Молик Ашъарий (саҳобий), 4) Каъб ибн Амр (саҳобий), 5) Каъб ибн Амр ибн Убод ибн Амр Абул Юср Ансорий (саҳобий), 6) Каъб ибн Иёз Ашъарий (саҳобий), 7) Каъб ибн Мурра Баҳзий Суламий (саҳобий).

Кибриёуллоҳ, Kibriyulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг улуғлиги; Буюк Аллоҳнинг ожиз бандаси (“Азаматуллоҳ”, “Иззатуллоҳ” исмлари билан маънодош).

Козим, Kozim (*ap.*) – сабрли, оғир-вазмин, ғазабини ичига ютувчи.

Козима, Kozima (*ap.*) – “Козим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Комил, Komil (*ap.*) – етук, мукамал, баркамол (Бошқа шакллари: Комилмирза, Комилтўра, Комилхўжа).

Комила, Komila (*ap.*) – “Комил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Комрон, Komron (*фм.*) – бахтли, саодатли; кучли, кувватли муваффақият қозонувчи.

Котиб, Kotib (*ap.*) – ёзувчи; саводли, ўқимишли.

Кошиф, Koshif (*ap.*) – кашф этувчи, Аллоҳ таоло яратган нарсаларни очувчи, инсонларга тақдим қилувчи.

Кумуш, Kumush (*ўз.*) – кумушдек қадри, қимматбаҳо; ёруғ, чароғон. (Мазкур исмнинг бошқа шакллари: Кумушбека, Кумушбиби, Кумушбону, Кумушгул, Кумушгўзал, Кумушжамол, Кумушой, Кумушулув).

Кўклам, Ko'klam (*ўз.*) – умри обод, ҳаёти яшнасин, деган маънода кўйиладиган исм.

Кўкламой, Ko'klamoy (*ўз.*), (*a.u.*) – “Кўклам”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли. (“Баҳор” исми билан маънодош).

Кўмак, Ko'mak (*ўз.*) – ёрдам, кўмак. (“Наср”, “Авн”, “Имдод” исмларининг ўзбекча шакли. Ушбу исмнинг бошқа шакллари: Кўмакберди, Кўмаккелди, Кўмакмурод, Кўмакхўжа).

Кўркам, Ko'rkam (*ap.*), (*a.u.*) – чиройли, кўркам (“Гўзал”, “Зебо”, “Дилбар” исмлари билан маънодош).

Л

Лабиб, Labib (*ap.*) – ақлли, доно; зийрак, сергак.

Лабива, Labiba (*ap.*) – “Лабиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Лабива бинти Носиф Мозий (адиба, ёзувчи, тадқиқотчи (х. 1297-1366, мел. 1880-1947), Абдух Ҳошимнинг завжаси), 2)

Лабиба бинти Михоил ибн Жаржас Савоя (шоира – х. 1293-1334, мел. 1876-1916), 3) 3) Лабиба бинти доктор Аҳмад (мисрлик фозила аёллардан. У ҳижрий 1370-, мелодий 1951-йилда вафот этган).

Лайли, Layli (*ар.*) – тунда туғилган (Бошқа шакллари: Лайлихон, Лайлижамол, Лайлиқамар, Лайлинисо).

Лайло³², **Laylo** (*ар.*) – гўзал, чиройли (Бошқа шакллари: Лайлобону, Лайлогул, Лайложаҳон).

Лайс, Lays (*ар.*) – кучли, қудратли; жасур, ботир, қўркмас * 1) Лайс ибн Абу Руқайя Сақафий Шомий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, Умар ибн Абдулазиз ва Сулаймон ибн Абдулмаликнинг котиби бўлган. Абу Довуд ундан ривоят қилган, макбул ровий), 2) Лайс ибн Абу Сулайм ибн Зунайм Умавий (Куфа муҳаддиси, машҳур олимлардан. Ҳижрий 60-йилдан кейин туғилган), 3) Лайс ибн Саъд ибн Абдурахмон Абу Ҳорис Фаҳмий (катта табаа тобеин, Абдурахмон ибн Холид ибн Мусофирнинг мавлоси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ҳижрий 175-йилда вафот этган), 4) Лайс ибн Осим ибн Кулайб Абу Зурора Қитбоний (кичик табаа тобеин (х. 115-211), Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Латифберган, Latifbergan (*ар.-ўз.*) – карамли ва меҳрибон Аллоҳ берган фарзанд.

Латифберди, Latifberdi (*ар.-ўз.*) – “Латифберган” билан маънодош.

Латифқул, Latifqul (*ар.-ўз.*) – сахий ва раҳмли Аллоҳнинг бандаси.

Латофат, Latofat (*ар.*) – нозик, назокатли; меҳрибон, раҳмдил.

Лаъли, La’li (*ар.*) – қадрли, қимматли.

Лобар, Lobar (*ўз.*), (*а.у.*) – чиройли, гўзал, зебо.

Лола, Lola (*фм.*), (*а.у.*) – лоладек чиройли, бегубор ва нозик (Бошқа шакллари: Лолагул, Лоланисо, Лоларўй, Лолахон).

Ломия, Lomiya (*ар.*) – нурли, нур сочувчи, яшнаб турувчи; саодатли, бахтли.

Лубоба, Luboba (*ар.*) – ақлли, доно; энг яхшиси * 1) Лубоба бинти Ҳорис ибн Ҳазн ибн Бужайр ибн Ҳазм ибн Рувайба ибн Абдуллоҳ ибн Ҳилол ибн Омир ибн Саъсаъа ибн Муовия Уммул Фазл Ҳилолия (сахобия, Аббос ибн Абдулмутталибнинг завжаси, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам завжалари Маймуна онамизнинг опалари, Холид ибн Валиднинг холаси. Лубоба Фазл, Абдуллоҳ, Убайдуллоҳ, Қусам, Абдурахмон, Умму Ҳабиб ва Таммомнинг онасидир. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Лубоба Аббосдан олдин Усмон халифалиги даврида вафот этган), 2) Лубоба бинти Абу Лубоба (сахобия).

Лут³³, **Lut** – яширинувчи, бекинувчи; покдомон * Лут ибн Ҳорон ибн Озар (Тасарух) ибн Нохур ибн Соруғ ибн Роав ибн Фолиғ ибн Обир ... ибн Сом ибн Нух алайҳиссалом (Аллоҳ таоло пайғамбарларидан бири, Иброҳим алайҳиссалом жияни бўлган. Лут алайҳиссалом жинсий бузуклик иллатига гирифтор бўлган қавми оғоҳлантириш учун юборилган).

Лутфий, Lutfiy (*ар.*) – сахий, карамли, лутфли.

Лутфинисо, Lutfiniso (*ар.*) – аёлларнинг энг карамлиси.

Лутфия, Lutfiya (*ар.*) – “Лутфий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Лутфуллоҳ, Lutfulloh (*ар.*) – Аллоҳ таолонинг лутф-карами, эҳсони, яхшилиги; Аллоҳнинг лутф-карамига муносиб инсон * 1) Лутфуллоҳ ибн Ҳасан Румий Ҳанафий (асли туркиялик фозил кишилардан. Ҳижрий 904-, мелодий 1498-йилда вафот этган), 2) Лутфуллоҳ ибн Муҳаммад Арзрумий (ҳанафий мазҳабий фақиҳи. Ҳижрий 1202-, мелодий 1788-йилда вафот этган), 3) Лутфуллоҳ ибн Аҳмад ибн Лутфуллоҳ ибн Аҳмад Жаҳхоф (тарихчи, адиб – х. 1189-1243, мел. 1775-1827), 4) Лутфуллоҳ ибн Абдуллоҳ Ҳазинадор (боғдодлик ҳанафий мазҳаби фақиҳи. Ҳижрий 1244- мелодий 1828-йилда вафот этган).

Луқмон, Luqmon (*ар.-юн.*) – ақлли, доно; донишманд, билимдон * 1) Луқмон Ҳаким (Аллоҳ таолонинг солиҳ бандаларидан бири. Аксар муфассирлар таъкидлашича, у пайғамбар бўлмаган, Аллоҳ таоло унга ҳикмат, илм ва фаҳм неъматини ато этган. Шу маънода Қатода айтади: “Луқмонга Ислонда фақиҳ бўлиш ато этилган, аммо у набий бўлмаган, унга ваҳий ҳам тушмаган”. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинишича, Луқмони Ҳаким қора танли дурадгор киши бўлган. Мужоҳид айтишича,

³² “Лайло” исми инглиз тилида “Лайла”, “Лейла”, “Леле”, “Лила” шаклларида ишлатилади.

³³ “Лут” исми инглиз тилида “Lot” шаклида қўлланади.

Лукмон Бани Исроил қавмига қозилик қилган), 2) Лукмон ибн Омир Абу Омир Авсабий (тобеин. Абу Довуд, Насойй ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

М

Мабрук, Mabruk (*ap.*) – муборак, баракали, хайрли.

Мабрука, Mabruka (*ap.*) – “Мабрук”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мавдуд, Mavdud (*ap.*) – севилган, яхши кўрилган, Аллоҳнинг муҳаббатига сазовор инсон * 1) Мавдуд ибн Масъуд ибн Махмуд ибн Субуктегин Абулфараж Ғазнавий (султон, ботир ва жасур кишилардан бўлган (х. 412-441, мел. 1021-1049). У ражаб ойида йигирма тўққиз ёшида Ғазнада вафот этган), 2) Мавдуд ибн Отабек Зинкий ибн Оксункур Туркий (Мавсил ҳукмдори, султон. Ҳижрий 565-, мелодий 1170-йил шаввол ойида вафот этган).

Мавдуда, Mavduda (*ap.*) – “Мавдуд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мавжуда, Mavjuda (*ap.*) – бор, мавжуд.

Мавзуна, Mavzuna (*ap.*) – келишган, чиройли, зебо.

Мавлавий, Mavlaviy (*ap.*) – билимдон, катта олим; зоҳид, художўй, такводор.

Мавлонберган, Mavlonbergan (*ap.-ўз.*) – барча махлуқотлар Эгаси Аллоҳ берган фарзанд.

Мавлонберди, Mavlonberdi (*ap.-ўз.*) – “Мавлонберган” билан маънодош.

Мавлондўст, Mavlondo‘st (*ap.-фм.*) – бутун борлиқ эгаси Аллоҳнинг валий бандаси.

Мавлонёр, Mavlonyor (*ap.-фм.*) – “Мавлондўст” билан маънодош.

Мавлонқул, Mavlonqul (*ap.-ўз.*) – махлуқотлар Парвардигори, Хожаси Аллоҳнинг кули.

Мавлуда, Mavluda (*ap.*) – туғилган, дунёга келган.

Мавоҳиб, Mavohib (*ap.*), (*a.u.*) – истеъдодли, қобилиятли.

Маждий, Majdiy (*ap.*) – шарафли, ҳурматли * Маждий Замрий (саҳоба. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан еттига ғазотда қатнашган).

Маждуддин, Majduddin (*ap.*) – Ислом динининг улуғлиги, шарафи (Иззуддин, Шарафиддин, Алоуддин) * Маждуддин ибн Ҳафна ибн Исмоил Носиф (мисрлик адабиётшунос олим. Ҳижрий 1395-, мелодий 1975-йилда вафот этган).

Мажидберган, Majidbergan (*ap.-ўз.*) – мажид сифатли Аллоҳ берган фарзанд.

Мажидберди, Majidberdi (*ap.-ўз.*) – “Мажидберган” билан маънодош.

Мажидқул, Majidqul (*ap.-ўз.*) – мажид сифатли Аллоҳнинг бандаси.

Майсара, Maysara (*ap.*), (*a.э.у.*) – енгил, осон; мулойим; ўнг тараф (Мазкур исм ўзбек тилида қизларга исм қилиб кўйилади, аммо аслида эркак кишиларга ҳам исм қилиб кўйилиши мумкин. Аниқроғи, мусулмон оламида асосан эркакларга нисбатан ишлатилади) * 1) Майсара (катта тобеин, Фазола ибн Убайднинг мавлоси), 2) Майсара Абу Солих Киндий Куфий (тобеин), 3) Майсара ибн Яъқуб Абу Жамила Тухавий Куфий (тобеин), 4) Майсара ибн Аммор Ашжаий Куфий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси), 5) Майсара ибн Ҳабиб Абу Ҳозим Наҳдий (катта табаа тобеин).

Майсура, Maysura (*ap.*), (*a.u.*) – енгиллаштирилган; муяссар қилинган.

Макка, Makka (*ap.*), (*a.u.*) – Макка шаҳри.

Макнуна, Maknuna (*ap.*) – яширилган, беркитилган, махфий; мастура, бокира.

Мактуба, Maktuba (*ap.*), (*a.u.*) – бўйнига фарз амалларини бажариш юклатилган; ўзига буюрилган фарзларни бажарувчи мўмина.

Мактум, Maktum (*ap.*) – беркитилган, яширилган * Мактум ибн Аббос Абул Фазл Марвазий ёки Термизий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Термизий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни макбул ровий санаган).

Мактума, Maktuma (*ap.*) – “Мактум”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Макхул, Makhul (*ap.*) – кўзига сурма суртилган (Бизда сурма суртиш фақат аёлларга хос нарса деб билинса-да, бироқ ҳадиси шарифларда сурма эркакларга ҳам, аёлларга ҳам фойдали экани, у кўзни равшан қилиб, киприкни ўстириши айтилган) * 1) Макхул ибн Зайд Абу Абдуллоҳ Қобулий Димашкий Шомий (кичик тобеин, фақиҳ олимлардан. Саҳобалардан Анас ибн Молик, Абу Ҳинд Дорий, Восила ибн

Асқаъ ва бошқалардан илм ўрганган. Ишончли ҳадис ровийси), 2) Макхул Абу Абдуллоҳ Аздий Атакий (тобеин).

Маликберган, Malikbergan (ар.-ўз.) – малик сифатли Аллоҳ берган фарзанд.

Маликберди, Malikberdi (ар.-ўз.) – “Маликберган” билан маънодош.

Маликдўст, Malikdo‘st (ар.-фм.) – барча нарсага эгалик қилувчи Аллоҳнинг валий бандаси.

Маликёр, Malikyor (ар.-фм.) – “Маликдўст” билан маънодош.

Маликкул, Malikqul (ар.-ўз.) – малик сифатли Аллоҳнинг бандаси.

Малоҳат, Malohat (ар.) – нафосатли, латофатли.

Манзума, Marzuma (ар.) – тартибли, интизомли, саришта, одобли.

Маолий, Maoliy (ар.), (а.у.) – юқори малакали.

Маориб, Maorib (ар.), (а.у.) – хоҳиш, истак, ҳаракат.

Мардон, Mardon (фм.) – жасур, ботир, қўрқмас, довюрак.

Манзур, Manzur (ар.) – кутилган, ният қилинган * 1) Манзур ибн Суҳайм ибн Навфал ибн Назла Асдий (муҳазрам шоирлардан. Жоҳилият ва Ислом даврини кўрган, Куфада яшаган), 2) Манзур ибн Забон ибн Сайёр Фазорий (муҳазрам шоир, саҳобалардан, ўз қавми бошлиғи бўлган. У ҳижрий 25-, мелодий 645-йилда вафот этган), 3) Манзур ибн Сайёр Абу Сайёр Фазорий Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, Сайёр ибн Манзурнинг отаси. Абу Довуд ва Насойи ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар уни мақбул ровий санаган).

Манзура, Manzura (ар.) – “Манзур”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маннонберган, Mannonbergan (ар.-ўз.) – меҳрибон ва карамли Аллоҳ берган фарзанд.

Маннонберди, Mannonberdi (ар.-ўз.) – “Маннонберган” билан маънодош.

Маннонкул, Mannonqul (ар.-ўз.) – саховати, неъматлари чексиз Аллоҳнинг бандаси.

Мансур, Mansur (ар.) – ёрдам берилган; нусратга эришувчи, ғолиб, музаффар * 1) Мансур ибн Саид ибн Асбағ Калбий Мисрий (тобеин), 2) Мансур ибн Муътамир ибн Абдуллоҳ ибн Рабийъа Абу Аттоб Куфий (кичик тобеин), 3) Мансур ибн Ҳайён ибн Ҳусойн Асдий (кичик тобеин), 4) Мансур ибн Абдурахмон ибн Талха ибн Ҳорис Абдарий Маккий (кичик тобеин).

Мансура, Mansura (ар.) – “Мансур”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Марвон, Marvon (ар.) – 1) Марвон ибн Ҳакам ибн Абул Ос ибн Умайя Абу Абдулмалик Қураший Умавий (катта тобеин), 2) Марвон Абу Лубоба Басрий (тобеин), 3) Марвон Асфар Абу Халаф Басрий (тобеин), 4) Марвон ибн Солим Муқаффаъ Мисрий (тобеин), 5) Марвон ибн Руъба Абу Ҳусойн Тағлибий (кичик тобеин).

Марзуқ, Marzuq (ар.) – ризқлантирилган, насиба берилган, бахтли (“Арзақ” исмининг бошқа шакли) * 1) Марзуқ Сақафий (тобеин, Ҳажжож ибн Юсуфнинг мавлоси, Абдуллоҳ ибн Зубайр ходими бўлган), 2) Марзуқ Абу Бакр Боҳилий (катта табаа тобеин), 3) Марзуқ ибн Абу Ҳузайл Абу Бакр Сақафий (катта табаа тобеин).

Марзуқа, Marzuqa (ар.) – “Марзуқ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Марям³⁴, Maryam (қад.яҳ.) – Аллоҳнинг қадрли ва маҳбуба бандаси; номусли, ифбатли, бокира * 1) Марям бинти Имрон (Исо алайҳиссалом онаси), 2) Марям бинти Иёс ибн Бакир (тобеин), 3) Марям бинти Абдурахмон ибн Аҳмад ибн Абдурахмон Умму Муҳаммад (ҳадис илми олималаридан (х. 691-758, мел. 1292-1357). Ҳанбалий мазҳабига мансуб бўлган), 4) Марям бинти Аҳмад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим (ҳадис илми билимдони (х. 719-805, мел. 1319-1402). Қоҳирада туғилиб, ўша ерда вафот этган), 5) Марям бинти Масъуд Сусий Самлолий (марокашлик фақиҳа. Ҳижрий 1165-, мелодий 1751-йилда вафот этган).

Марғуб, Margub (ар.) – исталган, орзу қилинган; маъкул, яхши.

Марғуба, Marguba (ар.) – “Марғуб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Марҳамат, Marhamat (ар.), (а.у.) – Аллоҳнинг раҳмати, мағфирати; Аллоҳ таолонинг лутфи, карамига сазавор банда.

Масбут, Masbut (ар.) – собит, чидамли, сабрли, иродали; пухта, пишиқ.

Масбута, Masbuta (ар.) – “Масбут”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

³⁴ “Марям” исми Европада жуда машҳур. Унинг ниҳоятда кўп шакллари мавжуд. Жумладан, “Мария”, “Мариям”, “Мариа”, “Мирям”, “Маря”, “Марика”, “Марианна” ва ҳоказо.

Маслама, Maslama (*ap.*), (*э.и.*) – тинч-омон; соғ-саломат; бадавлат * 1) Маслама ибн Махлад Ансорий Зуракий (саҳобий), 2) Маслама ибн Абдуллох ибн Рибъий Жуханий Ҳимярий (кичик тобеин), 3) Маслама ибн Абдулмалик ибн Марвон ибн Ҳакам Абу Саид Кураший Умавий (кичик тобеин), 4) Маслама ибн Алқам Абу Муҳаммад Мозиний (табаа тобеин), 5) Маслама ибн Али ибн Халаф Абу Саид Димашкий (табаа тобеин).

Масрур, Masrur (*ap.*) – хурсанд, шод, хуррам; бахтли, саодатли.

Масрура, Masrura (*ap.*) – “Масрур”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Масруқ, Masruq (*ap.*) – * 1) Масруқ ибн Аждаъ (Абдурахмон) ибн Молик ибн Умайя ибн Абдуллох Абу Оиша Ҳамдоний Водиъий (машҳур тобеин), 2) Масруқ ибн Авс Тамимий (катта тобеин), 3) Масруқ ибн Абу Нўъмон Абу Саид Киндий (табаа тобеинлардан илм олганлардан).

Мастура, Mastura (*ap.*) – номахрамлардан беркитилган, яширилган; номусли, ифбатли, бокира.

Масъуд, Mas'ud (*ap.*) – бахтли, саодатли; хурсанд, қувноқ * 1) Масъуд ибн Асвад Мисрий (саҳобий), 2) Масъуд ибн Асвад ибн Ҳориса ибн Назла ибн Авф Кураший Адавий (саҳобий), 3) Масъуд ибн Ҳакам ибн Рабийъ ибн Омир ибн Зурайқ Абу Ҳорун Ансорий Зуракий (саҳобий), 4) Масъуд ибн Ҳунайда (саҳобий), 5) Масъуд ибн Молик Абу Розийн Асадий Куфий (катта тобеин, Абу Воил Асадийнинг мавлоси), 6) Масъуд ибн Аҳмад ибн Масъуд ибн Зайд Ҳорисий Саъдуддин Ирокий (Ҳанбалий фақиҳи, “Шарҳул муқниъ” асари муаллифи).

Масъуда, Mas'uda (*ap.*) – “Масъуд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли. (Бизда бу исм “Маъсуда” шаклида бузиб ишлатилади).

Матлаб, Matlab (*ap.*) – мақсад, умид, орзу.

Матлуб, Matlub (*ap.*) – талаб қилинган, сўраб олинган; дуо қилиб сўраб олинган.

Матлуба, Matluba (*ap.*) – “Матлуб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Матонат, Matonat (*ap.*), (*а.и.*) – метин иродали, иродаси мустаҳкам; сабр-тоқатли.

Махдум, Maxdum (*ap.*) – Ислом дини ривожини йўлида хизмат қилувчи; Аллох учун хизмат қилувчи.

Махдума, Maxduma (*ap.*) – “Махдум”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Махзан, Maxzan (*ap.*) – хазина, бойлик, ғазна.

Махлад, Maxlad (*ap.*) – “Холид” исми билан маънодош * 1) Махлад ибн Хаффоф ибн Аймоъ ибн Рухза Ғифорий (тобеин, Ҳорис ибн Хаффофнинг биродари. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган, мақбул ровий), 2) Махлад ибн Заҳҳок ибн Муслим Абу Заҳҳок Шайбоний (катта табаа тобеин (х. 92-167). Ибн Можа ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 3) Махлад ибн Ҳасан ибн Абу Зумайл Абу Муҳаммад Ҳарроний (кичик табаа тобеин. Насоий ундан ривоят қилган. Заҳабий уни ишончли ровий ҳисоблаган), 4) Махлад ибн Ҳусайн Абу Муҳаммад Аздий Муҳаллабий Басрий (кичик табаа тобеин, катта имом. Ҳижрий 191-йилда вафот этган. Муслим ва Насоий ундан ривоят қилган), 5) Махлад ибн Холид ибн Язид Абу Муҳаммад Шуайрий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Муслим ва Абу Довуд ундан ривоят қилган), 6) Махлад ибн Молик ибн Жобир Абу Жаъфар Розий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Бухорий ундан ривоят қилган. Ҳижрий 241-йилда Нишопурда вафот этган).

Махрама, Maxrama – 1) Махрама ибн Сулаймон Асадий Волибий Маданий (кичик тобеин (х. 60-130). “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Махрама ибн Букайр ибн Абдуллох ибн Ашаж Абу Мисвар Кураший (катта табаа тобеин. Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, хижрий 159-йилда вафот этган).

Махсум, Maxsum (*ap.*) – пок, ўзини гуноҳ ишлардан сақлаб юрувчи, қалби тоза.

Махсума, Maxsuma (*ap.*) – “Махсум”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маъбад, Ma'bad (*ap.*) – ибодат қилинадиган макон, ибодатгоҳ.

Маъдон, Ma'don (*ap.*) – 1) Маъдон Абу Холид ибн Маъдон (саҳобий), 2) Маъдон Абу Хайр (саҳобий), 3) Маъдон ибн Жаввос ибн Фарва ибн Салама ибн Мунзир ибн Музраб Сакуний Киндий (мухазрам шоир. Жоҳилият ва Ислом даврида яшаган. Аввал насроний бўлган. Умар розияллоху анху даврида Исломни қабул қилган. Ҳижрий 30-, мелодий 650-йилда туғилган), 4) Маъдон ибн Абу Талҳа Яъмурий Киноий Шомий (катта тобеин. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Маъдон ибн Ҳудайр Абу Жамоҳир Ҳазрабий (катта табаа тобеин, Саид ибн Ҳудайрнинг биродари, Муовия ибн Солиҳ Ҳамромийнинг амакиси. Абу Довуд “Маросил”да ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Маъзур, Ma'zur (*ap.*) – гуноҳи кечирилган, узри қабул қилинган; гуноҳлари кечирилган.

Маъзура, Ma'zura (*ap.*) – “Маъзур”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маълум, Ma'lum (*ap.*) – таниқли, машхур, донғи кетган.

Маълума, Ma'luma (*ap.*) – “Маълум”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маъмар, Ma'mar (*ap.*) – умри узоқ, кўп яшовчи * 1) Маъмар ибн Абу Маъмар Абдуллоҳ ибн Нофё ибн Назла Кураший Адавий (саҳобий. Ҳабашистонга ҳижрат қилган муҳожирлардан), 2) Маъмар ибн Абдуллоҳ ибн Ҳанзала Ҳижозий Маданий (кичик тобеин), 3) Маъмар ибн Мусанна Абу Убайда Таймий (катта табаа тобеин).

Маъмун, Ma'mun (*ap.*) – хотиржам, беҳавотир; тинч, осойишта * Маъмун Абдуллоҳ ибн Ҳорун Рашид ибн Муҳаммад Маҳдий ибн Абу Жаъфар Мансур Абу Аббос Аббосий (халифа. Ҳижрий 170-йилда туғилган).

Маъмур, Ma'mur (*ap.*) – бандалик вазифасини бўйнига олиб, уни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиладиган.

Маъмура, Ma'mura (*ap.*) – “Маъмур”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маъмурали, Ma'murali (*ap.*) – “Маъмур” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Маъмуржамол, Ma'murjamol (*ap.*) – “Маъмур” ва “Жамол” исмлари бирикмаси.

Маъмуркамол, Ma'murkamol (*ap.*) – “Маъмур” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Маърифат, Ma'rifat (*ap.*) – илм-маърифат; ўрганиш, изланиш; илмли, маърифатли. (Бу исм айрим ҳолларда “Маъфират” шаклида бузиб қўлланади).

Маъруф, Ma'ruf (*ap.*) – машхур, таниқли (“Машхур” ва “Маълум” исмлари билан маънодош) * 1) Маъруф ибн Харрабуз Маккий (кичик тобеин, Оли Усмон мавлоси. Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Маъруф ибн Суҳайл Буржумий (катта табаа тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 3) Маъруф ибн Сувайд Абу Салама Жузомий (катта табаа тобеин. Ҳижрий 150-йиллар атрофида вафот этган. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Маъруф ибн Мушкон Абу Валид Ҳижозий (катта табаа тобеин (х. 100-165). Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий, қироат илми устози), 5) Маъруф ибн Файруз Абу Маҳфуз Кархий (зоҳид ва сўфий. Бағдоднинг Карх шаҳрида туғилган. Ибн Жавзий у ҳақида маълумотларни ўз ичига олган китоб ёзган. Маъруф Кархий ҳижрий 200-, мелодий 815-йилда вафот этган).

Маъруфа, Ma'rufa (*ap.*) – “Маъруф”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маъруфали, Ma'rufali (*ap.*) – “Маъруф” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Маъруфжамол, Ma'rufjamol (*ap.*) – “Маъруф” ва “Жамол” исмлари бирикмаси.

Маъруфкамол, Ma'rufkamol (*ap.*) – “Маъруф” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Маъсум, Ma'sum (*ap.*) – гуноҳлардан сақланувчи, маъсиятлардан узоқ юрувчи.

Маъсума, Ma'suma (*ap.*) – “Маъсум”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маъқил, Ma'qil (*ap.*) – паноҳ истовчи, ўзини Аллоҳнинг ҳимоясига олувчи.

Машкура, Mashkura (*ap.*) – Аллоҳ таолога шукр қилувчи банда.

Машхура, Mashhura (*ap.*) – таниқли, машхур.

Мақбул, Maqbul (*ap.*) – қабул қилинган; соғлом ақлга мувофиқ; яхши, сеvimли.

Мақбула, Maqbula (*ap.*) – “Мақбул”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мақсад, Maqsad (*ap.*) – орзу, мақсад, мурод; режа (“Мурод” исми билан маънодош).

Мақсуд, Maqsud (*ap.*) – мақсад қилинган, мурод этилган; режалаштирилган.

Мақсуда, Maqsuda (*ap.*) – “Мақсуд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мағфират, Mag'firat (*ap.*) – Аллоҳнинг мағфиратига сазовор бўлувчи.

Маҳбуб, Mahbub (*ap.*) – Аллоҳга сеvimли, маҳбуб банда; кишилар томонидан меҳр-муҳаббатга сазовор инсон * 1) Маҳбуб ибн Муҳриз Абу Муҳриз Тамимий Қаворирий (кичик табаа тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Термизий “Сунан”да ундан ривоят қилган. Заҳабий уни ишончли ровий санаган), 2) Маҳбуб ибн Мусо Абу Солиҳ Антокий (табаа тобеинлардан илм олганлардан (х. 151-231). Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Маҳбуба, Mahbuba (*ap.*) – “Маҳбуб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маҳбубали, Mahbubali (*ap.*) – “Маҳбуб” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Маҳбубанисо, Mahbubaniso (*ap.*) – аёллар ичида энг қадрли.

Маҳбубжамол, Mahbubjamol (*ap.*) – “Маҳбуб” ва “Жамол” исмлари бирикмаси.

Махдий, Mahdiy (*ap.*) – ҳидоят топган, ҳидоятга эришган, Аллоҳ томонидан тўғри йўлга бошланган * 1) Махдий ибн Ҳарб Абдий (кичик тобеинлар замонида яшаган. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 2) Махдий ибн Маймун Абу Яхё Курдий Аздий Миъвалий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Ҳижрий 172-, мелодий 788-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 3) Махдий ибн Ҳафс Абу Аҳмад Бағдодий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Ҳижрий 223-йилда вафот этган. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Махдий ибн Жаъфар Абу Муҳаммад Рамлий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Ҳижрий 230-йилда вафот этган), 5) Махдий ибн Али ибн Иброҳим Яманий (табиб, қироат илми билимдонларидан. Ҳижрий 815-, мелодий 1412-йилда вафот этган).

Махдия, Mahdiya (*ap.*) – “Махдий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маҳкам, Mahkam (*ap.*) – мустаҳкам, собит.

Маҳмуд, Mahmud (*ap.*) – макталган, мактовга сазовор; машҳур, донгдор (Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг сифатларидан бири) * 1) Маҳмуд ибн Рабийъ ибн Суруқа ибн Амр ибн Зайд ибн Абада Абу Нуайм Ансорий Хазражий (сахобий), 2) Маҳмуд ибн Лабид ибн Уқба ибн Рофеъ Абу Нуайм Ансорий Авсий (сахобий), 3) Маҳмуд ибн Амр ибн Язид ибн Сакан Ансорий Маданий (тобеин), 4) Маҳмуд ибн Умайр ибн Саъд Ансорий (тобеин).

Маҳмуда, Mahmuda (*ap.*) – “Маҳмуд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Маҳмудабдух, Mahmudabduh (*ap.*) – Маҳмуд Унинг, яъни Аллоҳнинг бандасидир.

Маҳмудали, Mahmudali (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Маҳмудамин, Mahmudamin (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Амин” исмлари бирикмаси.

Маҳмудаҳмад, Mahmudahmad (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Маҳмудзокир, Mahmudzokir (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Зокир” исмлари бирикмаси.

Маҳмудзоҳид, Mahmudzohid (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Зоҳид” исмлари бирикмаси.

Маҳмудкозим, Mahmudkozim (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Козим” исмлари бирикмаси.

Маҳмудмансур, Mahmudmansur (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Мансур” исмлари бирикмаси.

Маҳмудмирза, Mahmudmirza (*ap.-фм.*) – “Маҳмуд” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Маҳмудмурод, Mahmudmurod (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Маҳмудмуҳсин, Mahmudmuhsin (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Муҳсин” исмлари бирикмаси.

Маҳмудмўмин, Mahmudmo‘min (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Мўмин” исмлари бирикмаси.

Маҳмуднажиб, Mahmudnajib (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Нажиб” исмлари бирикмаси.

Маҳмудназар, Mahmudnazar (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Назар” исмлари бирикмаси.

Маҳмудназир, Mahmudnazir (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Назир” исмлари бирикмаси.

Маҳмудрафиқ, Mahmudrafiq (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Рафиқ” исмлари бирикмаси.

Маҳмудризвон, Mahmudrizvon (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Ризвон” исмлари бирикмаси.

Маҳмудризо, Mahmudrizo (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Ризо” исмлари бирикмаси.

Маҳмудсиддиқ, Mahmudsiddiq (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Сиддиқ” исмлари бирикмаси.

Маҳмудсобир, Mahmudsobir (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Собир” исмлари бирикмаси.

Маҳмудсобит, Mahmudsobit (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Собит” исмлари бирикмаси.

Маҳмудсодиқ, Mahmudsodiq (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Содиқ” исмлари бирикмаси.

Маҳмудсожид, Mahmudsojid (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Сожид” исмлари бирикмаси.

Маҳмудсолиҳ, Mahmudsolih (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Солиҳ” исмлари бирикмаси.

Маҳмудфозил, Mahmudfozil (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Фозил” исмлари бирикмаси.

Маҳмудхалил, Mahmudxalil (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Халил” исмлари бирикмаси.

Маҳмудшакур, Mahmudshakur (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Шакур” исмлари бирикмаси.

Маҳмудшариф, Mahmudsharif (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Шариф” исмлари бирикмаси.

Маҳмудшафиқ, Mahmudshafiq (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Шафиқ” исмлари бирикмаси.

Маҳмудюнус, Mahmudyunus (*ap.-қад. яҳ.*) – “Маҳмуд” ва “Юнус” исмлари бирикмаси.

Маҳмудюсуф, Mahmudyusuf (*ap.-қад. яҳ.*) – “Маҳмуд” ва “Юсуф” исмлари бирикмаси.

Маҳмудқосим, Mahmudqosim (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Қосим” исмлари бирикмаси.

Маҳмудҳабиб, Mahmudhabib (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Ҳабиб” исмлари бирикмаси (“Маҳмудхалил” исми билан маънодош).

Маҳмудҳаммод, Mahmudhammod (*ap.*) – “Маҳмуд” ва “Ҳаммод” исмлари бирикмаси.

Махмудхомид, Mahmudhomid (*ap.*) – “Махмуд” ва “Ҳомид” исмлари бирикмаси.
Махмудхошим, Mahmudhoshim (*ap.*) – “Махмуд” ва “Ҳошим” исмлари бирикмаси.
Маҳобат, Mahobat (*ap.*) – катта, виқорли, қадрли.
Маҳорат, Mahorat (*ap.*) – қобилиятли, тажрибали; эпчил, чакқон.
Маҳосин, Mahosin (*ap.*), (*a.u.*) – яхшилик қилувчи, яхшилик истовчи.

Маҳфуз, Mahfuz (*ap.*) – ҳимояланган, сақланган (“Маҳрус” исми билан маънодош) * 1) Маҳфуз ибн Алқамма Абу Жунода Ҳазрабий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Наср ибн Алқаманинг акаси. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 2) Маҳфуз ибн Аҳмад ибн Ҳасан Абу Хаттоб (ўз даврида ханбалий мазҳаби имоми (х. 432-510, мел. 1041-1116). Бағдодда туғилиб, шу ерда вафот этган. “Ат-Тамҳид”, “Ал-Интисор фил масоилил кибор”, “Руъусул масоил” ва бошқа асарлар муаллифи), 3) Маҳфуз ибн Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Сасро Абулбаракот Тағлибий (одил ҳукмдорлардан. Ҳофиз Ибн Асокир, ўғли Баҳо ундан ривоят эшитган. У ҳижрий 545-йилда зулҳижжа ойида саксон ёшида вафот этган).

Маҳфуза, Mahfuza (*ap.*) – “Маҳфуз”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Метин, Metin (*ap.*) – кучли, қувватли, иродаси мустаҳкам.

Меҳри, Mehri (*фм.*), (*a.u.*) – меҳрибон, раҳмдил, шафқатли (Бошқа шакллари: Меҳрибону, Меҳригул, Меҳриғўзал, Меҳрижамол, Меҳринигор, Меҳрирўй, Меҳрисулув).

Меҳринисо, Mehryniso (*фм.-ap.*) – аёлларнинг энг меҳрибон, энг раҳмдили.

Мир, Mir (*арабча, аслида “амир”*) – саййид, бошлиқ, раҳбар.

Мираббос, Mirabbos (*ap.*) – “Амираббос”. “Амир” ва “Аббос” исмлари бирикмаси.

Мираброр, Mirabrор (*ap.*) – “Амираброр”. “Амир” ва “Аброр” исмлари бирикмаси.

Миракмал, Mirakmal (*ap.*) – “Амиракмал”. “Амир” ва “Акмал” исмлари бирикмаси.

Миракрам, Mirakram (*ap.*) – “Амиракрам”. “Амир” ва “Акрам” исмлари бирикмаси.

Мирали, Mirali (*ap.*) – “Амирали”. “Амир” ва “Али” исмлар бирикмаси.

Мирамин, Miramin (*ap.*) – “Амирамин”. “Амир” ва “Амин” исмлари бирикмаси.

Миранвар, Miranvar (*ap.*) – “Амиранвар”. “Амир” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Мирасрор, Mirasror (*ap.*) – “Амирасрор”. “Амир” ва “Асрор” исмлари бирикмаси.

Мирафзал, Mirafzal (*ap.*) – “Амирафзал”. “Амир” ва “Афзал” исмлари бирикмаси.

Мираҳмад, Mirahmad (*ap.*) – “Амираҳмад”. “Амир” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Мираҳрор, Mirahrор (*ap.*) – “Амираҳрор”. “Амир” ва “Аҳрор” исмлари бирикмаси.

Мирвали, Mirvali (*ap.*) – “Амирвали”. “Амир” ва “Вали” исмлари бирикмаси.

Мирвафо, Mirvafo (*ap.*) – “Амирвафо”. “Амир” ва “Вафо” исмлари бирикмаси.

Мирваққос, Mirvaqqos (*ap.*) – “Амирваққос”. “Амир” ва “Ваққос” исмлари бирикмаси.

Мирвосиқ, Mirvosiq (*ap.*) – “Амирвосиқ”. “Амир” ва “Восиқ” исмлари бирикмаси.

Мирьяқуб, Mirya'qub (*ap.-қад.ях*) – “Амирьяқуб”. “Амир” ва “Яқуб” исмлари бирикмаси.

Миржамол, Mirjamol (*ap.*) – “Амиркамол”. “Амир” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Мирза, Mirza (*фм.*) – ўқиш-ёзишни биладиган, савобдди, ўқимишли; котиб, ёзувчи.

Мирзаакрам, Mirzaakram (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Акрам” исмлари бирикмаси.

Мирзаали, Mirzaali (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Мирзаамин, Mirzaamin (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Амин” исмлари бирикмаси.

Мирзааҳмад, Mirzaahmad (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Мирзааҳрор, Mirzaahrор (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Аҳрор” исмлари бирикмаси.

Мирзавали, Mirzavali (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Вали” исмлари бирикмаси.

Мирзажамол, Mirzajamol (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Жамол” исмлари бирикмаси.

Мирзакамол, Mirzakamol (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Мирзаколон, Mirzakolon (*фм.*) – билимдонлар каттаси.

Мирзакомил, Mirzacomil (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Комил” исмлари бирикмаси.

Мирзамақсуд, Mirzamaqsud (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Мақсуд” исмлари бирикмаси.

Мирзамаҳмуд, Mirzamahmud (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Мирзамурод, Mirzamurod (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Мирзамухаммад, Mirzamuhammad (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Мирзанодир, Mirzanodir (*фм.-ap.*) – “Мирза” ва “Нодир” исмлари бирикмаси.

Мирзаодил, Mirzaodil (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Одил” исмлари бирикмаси.
Мирзаолим, Mirzaolim (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Олим” исмлари бирикмаси.
Мирзараҳим, Mirzarahim (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Раҳим” исмлари бирикмаси.
Мирзараҳмат, Mirzarahmat (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Раҳмат” исмлари бирикмаси.
Мирзасаид, Mirzasaid (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Саид” исмлари бирикмаси.
Мирзасалим, Mirzasalim (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Салим” исмлари бирикмаси.
Мирзасобир, Mirzasobir (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Собир” исмлари бирикмаси.
Мирзасобит, Mirzasobit (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Собит” исмлари бирикмаси.
Мирзасолиҳ, Mirzasolih (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Солиҳ” исмлари бирикмаси.
Мирзатолиб, Mirzatolib (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Толиб” исмлари бирикмаси.
Мирзатоҳир, Mirzatohir (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Тоҳир” исмлари бирикмаси.
Мирзаумар, Mirzaumar (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Умар” исмлари бирикмаси.
Мирзаумид, Mirzaumid (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Умид” исмлари бирикмаси.
Мирзафозил, Mirzafozil (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Фозил” исмлари бирикмаси.
Мирзафотих, Mirzafotih (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Фотих” исмлари бирикмаси.
Мирзашариф, Mirzasharif (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Шариф” исмлари бирикмаси.
Мирзаюнус, Mirzayunus (*фм.-қад.яҳ.*) – “Мирза” ва “Юнус” исмлари бирикмаси.
Мирзаюсуф, Mirzayusuf (*фм.-қад.яҳ.*) – “Мирза” ва “Юсуф” исмлари бирикмаси.
Мирзақобил, Mirzaqobil (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Қобил” исмлари бирикмаси.
Мирзақосим, Mirzaqosim (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Қосим” исмлари бирикмаси.
Мирзағулом, Mirzag‘ulom (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Ғулом” исмлари бирикмаси.
Мирзаҳабиб, Mirzahabib (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Ҳабиб” исмлари бирикмаси.
Мирзаҳаким, Mirzahakim (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Ҳаким” исмлари бирикмаси.
Мирзаҳасан, Mirzahasan (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Ҳасан” исмлари бирикмаси.
Мирзахусан, Mirzahasan (*фм.-ар.*) – “Мирза” ва “Хусан” исмлари бирикмаси (Аслида: “Мирзахусайн”).
Мирзиёд, Mirziyod (*ар.*) – “Амирзиёд”. “Амир” ва “Зиёд” исмлари бирикмаси.
Мирзоқир, Mirzokir (*ар.*) – “Амирзоқир”. “Амир” ва “Зоқир” исмлари бирикмаси.
Мирзоҳид, Mirzohid (*ар.*) – “Амирзоҳид”. “Амир” ва “Зоҳид” исмлари бирикмаси.
Мирислом, Mirislom (*ар.*) – “Амирислом”. “Амир” ва “Ислом” исмлари бирикмаси.
Мирисҳоқ, Mirishoq (*ар.*) – “Амирисҳоқ”. “Амир” ва “Исҳоқ” исмлари бирикмаси.
Миркамол, Mirkamol (*ар.*) – “Амиркамол”. “Амир” ва “Камол” исмлари бирикмаси.
Миркомил, Mirkomil (*ар.*) – “Амиркомил”. “Амир” ва “Комил” исмлари бирикмаси.
Мирмақсуд, Mirmaqsud (*ар.*) – “Амирмақсуд”. “Амир” ва “Мақсуд” исмлари бирикмаси.
Мирмахмуд, Mirmahmud (*ар.*) – “Амирмахмуд”. “Амир” ва “Махмуд” исмлари бирикмаси.
Мирмурод, Mirmurod (*ар.*) – “Амирмурод”. “Амир” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.
Мирмуҳаммад, Mirmuhammad (*ар.*) – “Амирмуҳаммад”. “Амир” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.
Мирмуҳсин, Mirmuhsin (*ар.*) – “Амирмуҳсин”. “Амир” ва “Муҳсин” исмлари бирикмаси.
Мирносир, Mirnosir (*ар.*) – “Амирносир”. “Амир” ва “Носир” исмлари бирикмаси.
Миробид, Mirobid (*ар.*) – “Амиробид”. “Амир” ва “Обид” исмлари бирикмаси.
Миродил, Mirodil (*ар.*) – “Амиродил”. “Амир” ва “Одил” исмлари бирикмаси.
Миролим, Mirolim (*ар.*) – “Амиролим”. “Амир” ва “Олим” исмлари бирикмаси.
Миромон, Miromon (*ар.*) – “Амиромон”. “Амир” ва “Омон” исмлари бирикмаси.
Мирориф, Mirorif (*ар.*) – “Амирориф”. “Амир” ва “Ориф” исмлари бирикмаси.
Мироқил, Miroqil (*ар.*) – “Амироқил”. “Амир” ва “Оқил” исмлари бирикмаси.
Мирсаид, Mirsaid (*ар.*) – “Амирсаид”. “Амир” ва “Саид” исмлари бирикмаси.
Мирсаъд, Mirsa’d (*ар.*) – “Амирсаъд”. “Амир” ва “Саъд” исмлари бирикмаси.
Мирсалим, Mirsalim (*ар.*) – “Амирсалим”. “Амир” ва “Салим” исмлари бирикмаси.
Мирсобир, Mirsobir (*ар.*) – “Амирсобир”. “Амир” ва “Собир” исмлари бирикмаси.
Мирсобит, Mirsobit (*ар.*) – “Амирсобит”. “Амир” ва “Собит” исмлари бирикмаси.
Мирсодик, Mirsodiq (*ар.*) – “Амирсодик”. “Амир” ва “Содик” исмлари бирикмаси.

Мирфозил, Mirfozil (*ap.*) – “Амирфозил”. “Амир” ва “Фозил” исмлари бирикмаси.
Мирфузайл, Mirfuzayl (*ap.*) – “Амирфузайл”. “Амир” ва “Фузайл” исмлари бирикмаси.
Мирхонд, Mirxond (*ap.-фм.*) – аслида “Мирхудованд” – Аллохнинг юксак мартабали бандаси.
Мирқобил, Mirqobil (*ap.*) – “Амирқобил”. “Амир” ва “Қобил” исмлари бирикмаси.
Мирғани, Mirg‘ani (*ap.*) – “Амирғани”. “Амир” ва “Ғани” исмлари бирикмаси.
Мирғиёс, Mirg‘iyos (*ap.*) – “Амирғиёс”. “Амир” ва “Ғиёс” исмлари бирикмаси.
Мирғулом, Mirg‘ulom (*ap.*) – “Амирғулом”. “Амир” ва “Ғулом” исмлари бирикмаси.
Мирҳаким, Mirhakim (*ap.*) – “Амирҳаким”. “Амир” ва “Ҳаким” исмлари бирикмаси.
Мирҳасан, Mirhasan (*ap.*) – “Амирҳасан”. “Амир” ва “Ҳасан” исмлари бирикмаси.
Мирҳишом, Mirhishom (*ap.*) – “Амирҳишом”. “Амир” ва “Ҳишом” исмлари бирикмаси.
Мирхусайн, Mirhusayn (*ap.*) – “Амирхусайн”. “Амир” ва Хусайн” исмлари бирикмаси.

Мисвар, Misvar – 1) Мисвар ибн Язид Асадий Коҳилий Моликий (саҳобий. Абу Довуд ундан ривоят қилган), 2) Мисвар ибн Махрама ибн Навфал ибн Уҳайб ибн Абдуманоф ибн Зухра ибн Қусай ибн Килоб Абу Абдурахмон Қураший (Нўъмон ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр каби кичик саҳобалардан (х. 2-64), Абдурахмон ибн Авфнинг жияни, онасининг исми Шифо³⁵ бинти Авф. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 3) Мисвар ибн Иброҳим ибн Абдурахмон ибн Авф Қураший Зухрий Маданий (тобеин, Саид ибн Иброҳим ва Солиҳ ибн Иброҳимларнинг биродари. Ҳижрий 107-йилда вафот этган. Насоий ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 4) Мисвар ибн Рифоа ибн Абу Молик Қуразий Маданий (тобеин. Ҳижрий 138-йилда вафот этган. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Насоий “Муснаду молик”да ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 5) Мисвар ибн Абдулмалик ибн Саид ибн Абдурахмон ибн Ярбуъ Маданий (катта табаа тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Миқдод, Miqdod (*ap.*) – бўлувчи, тақсимловчи * 1) Миқдод ибн Амр ибн Саълаба ибн Молик Абул Асвад Киндий Баҳроний Ҳазрамий (машҳур саҳобий. Миқдод ибн Асвад исми билан машҳур бўлган. Исломига олтинчи бўлиб кирган. Ҳижрий 33-, мелодий 653-йилда³⁶ Мадина яқинида вафот этган. Жанозасини Усмон ибн Аффон ўқиган. Қабри Бақийъ қабристонида. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Миқдод³⁷ ибн Маъдиқариб Абу Карима Киндий (саҳоба. Шомда яшаган ва ҳижрий 87-, мелодий 706-йилда тўқсон бир ёшида Ҳимсада вафот этган).

Миқдом, Miqdom (*ap.*) – хайрли ишларни биринчи бўлиб бошлаб берувчи; журъатли, жасур, ботир, биринчи бўлиб ёвга ҳамла қилувчи, жангда жасорат кўрсатувчи * 1) Миқдом ибн Шурайх ибн Ҳоней ибн Язид Ҳорисий Куфий (кичик тобеинлар замонида яшаган, Язид ибн Миқдом ибн Шурайхнинг отаси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Миқдом ибн Маъдиқариб ибн Амр ибн Язид Абу Карима Киндий. Муслимдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 3) Миқдом ибн Довуд ибн Исо ибн Талийд Абу Амр Руайний Мисрий (фақиҳ, аллома, муҳаддис).

Молик, Molik (*ap.*) – эга, хўжайин, соҳиб * 1) Молик ибн Ҳувайрис Абу Сулаймон Лайсий (саҳобий), 2) Молик ибн Бухайна Аздий (саҳобий), 3) Молик ибн Рабийъа Абу Марям Салулий (саҳобий), 4) Молик ибн Рабийъа ибн Будн Абу Усайд Соидий Ансорий (саҳобий), 5) Молик ибн Саъсаъа ибн Ваҳб ибн Адий Ансорий Мозиний (саҳобий), 6) Молик ибн Умайра Абу Сафвон (саҳобий), 7) Молик ибн Анас ибн Молик ибн Омир ибн Амр Абу Абдуллоҳ Асбахий Ҳимярий Маданий (машҳур табаа тобеин, фақиҳ, моликий мазҳаби асосчиси).

Молика, Molika (*ap.*) – “Молик”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Моҳигул, Mohigul (*фм.*) – ойдек сулув, гулдек чиройли.

Моҳижамол, Mohijamol (*фм.-ap.*) – ойжамол, ҳусни ойдек.

Моҳир, Mohir (*ap.*) – уста, уддабурон, қобилиятли.

Моҳира, Mohira (*ap.*) – “Моҳир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муалло, Muallo (*ap.*) – юксак мартабага эришган, юқори кўтарилган, ҳурматли, эътиборли * 1) Муалло ибн Зиёд Абу Ҳасан Қардавсий (катта табаа тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Муалло ибн Рошид Абулямон Ҳузалий (табаа тобеин. Термизий ва Ибн Можа ундан

³⁵ Мисвар ибн Махрама онасининг исми манбаларда “Рамла” ва “Отика” деб ҳам келтирилади.

³⁶ Миқдод ибн Асвад ҳижратдан 37 йил аввал туғилиб, ҳижрий 33-йилда вафот этган. Бу мелодий 587-653-йилларни ўз ичига олади.

³⁷ Абу Нуайм “Маърифатус саҳоба”да Ибн Маъдиқариб Абу Кариманинг исмини “Миқдод” деб келтирган. Бошқа китобларда унинг исми “Миқдом” деб зикр қилинган.

ривоят қилган, ишончли ровий), 3) Муалло ибн Мансур Абу Яъло Розий Ҳанафий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Яхё ибн Муалло ибн Мансурнинг отаси. Аллома, ҳофиз, фақиҳ. Ҳижрий 211-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 4) Муалло ибн Асад Абу Ҳайсам Амий Басрий (табаа тобеинлардан илм олганлардан, Бахз ибн Асаднинг укаси. Ҳижрий 218-йилда Басрада вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Муаттар, Muattar (*ap.*) – хушбўй, ёқимли ҳид таратувчи.

Мубайян, Mubayyan (*ap.*) – аниқ, тиник, равшан; очик кўнгил.

Мубайяна, Mubayyana (*ap.*) – “Мубайян”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мубашшир, Mubashshir (*ap.*) – башорат берувчи, хушхабар келтирувчи * 1) Мубашшир ибн Абдулмунзир Ансорий (саҳобий. Бани Умайядан. Бадрда қатнашган), 2) Мубашшир ибн Исмоил Абу Исмоил Ҳалабий (кичик табаа тобеин. Ҳижрий 200-йилда Ҳалабда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 3) Мубашшир ибн Абдуллоҳ ибн Разин ибн Муҳаммад ибн Бард Абу Бакр Сулабий (кичик табаа тобеин. Ҳижрий 189-йил Нишопурда вафот этган. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Мубашшир ибн Фотак Абулвафо (ҳаким, адиб. Асли дамашклик. Мисрда истиқомат қилган. Ҳижрий 500-, мелодий 1106-йилда вафот этган), 5) Мубашшир ибн Аҳмад ибн Али Абу Рашид Розий Бағдодий (ҳисоб ва фароиз илми билимдони – ҳ. 530-589, мел. 1135-1193).

Мубин, Mubin (*ap.*) – аниқ, равшан; тушунтирувчи, изоҳловчи.

Мубина, Mubina (*ap.*) – “Мубин”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муборак, Muborak (*ap.*), (*а.э.и.*) – баракали, муборак, қутлуғ (Мазкур исм бизда асосан аёлларга қўйилади. Аслида у эркаклар исми саналади) * 1) Муборак ибн Фазола ибн Абу Умайя Абу Фазола Кураший Адавий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, имом, ҳофиз, муҳаддис, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг мавлоси, Басра уламолари улуғи. Ҳижрий 166-йилда вафот этган. Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Муборак ибн Саъд Ямомий Басрий (табаа тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 3) Муборак ибн Саид ибн Масрук Абу Абдурахмон Саврий Куфий (табаа тобеин, фақиҳ, муҳаддис, Суфён Саврийнинг биродари. Ҳижрий 180-йилда вафот этган. Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Муборак ибн Ҳасан ибн Аҳмад Абулкарам Шаҳризўрий (қироат илми билимдони, мужаввид қори (ҳ. 462-550, мел. 1070-1156), “Ал-Мисбоҳуз заҳир фил қироатил ашрил бавоҳир” китоби муаллифи), 5) Муборак ибн Комил ибн Абу Ғолиб Абу Бакр Хаффоф Бағдодий (шайх, олим, муҳаддис. Ҳижрий 490-йилда туғилган).

Муборакқадам, Muborakqadam (*ap.*) – қадами қутлуғ келсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Муваҳҳид, Muvahhid (*ap.*) – Аллоҳни Яккаю Ягона Илоҳ деб биладиган инсон.

Мударрис, Mudarris (*ap.*) – илм ўргатувчи, муаллим, устоз.

Мудрик, Mudrik (*ap.*) – ақлли, доно, фаҳм-фаросатли, зийрак; эпчил, чакқон * 1) Мудрик ибн Ҳорис Омирий (саҳобий. Шомлик саналади), 2) Мудрик ибн Туфайл Ғифорий (саҳобий), 3) Мудрик ибн Саъд Абу Саъд Фазорий (катта табаа тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Мудрика, Mudrika (*ap.*) – “Мудрик”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мужоҳид, Mujohid (*ap.*) – жидду жаҳд қилувчи, Дин йўлида курашувчи; жасур, ботир, довюрак * 1) Мужоҳид ибн Жабр Абул Ҳажжож Маккий Асвад (машҳур тобеин, Соиб ибн Абу Соибнинг мавлоси, тафсир ва қироат илмида катта олим (ҳ. 21-104, мел. 642-722). Тафсир, қироат, фикҳ илмини Абдулоҳ ибн Аббос розияллоҳу анхундан ўрганган. Айтилишича, у сажда қилиб турган ҳолида вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Мужоҳид ибн Вардон Маданий (катта табаа тобеин. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган, ишончли ровий), 3) Мужоҳид ибн Мусо ибн Фаррух Абу Али Хаворизмий (табаа тобеинлардан илм олганлардан (ҳ. 158-244), ҳофиз, имом, зоҳид. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган, ишончли ровий).

Музаффар, Muzaffar (*ap.*) – ғолиб, зафар кучувчи, ғалаба қозонувчи * 1) Музаффар ибн Мудрик Абу Комил Хуросоний Бағдодий (кичик табаа тобеин, имом, ҳофиз, мужаввид. Ҳижрий 207-йилда вафот этган. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган), 2) Музаффар ибн Абдулмалик ибн Атиқ Искандароний (ҳадис ровийси. Ҳижрий 648-йил зулқайда ойида вафот этган), 3) Музаффар ибн Аҳмад ибн Ҳамдон Абу Ғоним (мисрлик қироат илми устози, “Ихтилофул курроис сабъа” китоби муаллифи. Ҳижрий 333-, мелодий 944-йилда вафот этган), 4) Музаффар ибн Абдуллоҳ ибн Али ибн Ҳусайн Абулфатх (мисрлик шофееий мазҳаби фақиҳи – ҳ. 560-612, мел. 1165-1215).

Музаффаруддин, Muzaffaruddin (*ap.*) – Ислом йўлида курашиб, душманлари устидан ғалаба қозонувчи.

Музориб, Muzorib (*ap.*) – музораба қилувчи, шерикчилик қилиб, фойдани ўртада тақсимловчи * Музориб ибн Ҳазн Абу Абдуллоҳ Тамимий Мужошиъий (тобеин. Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Муиззуддин, Muizzuddin (*ap.*) – Ислом динини кучайтирувчи, Ислом шаънига айтилган бўҳтонлар ёлғонлигини исботловчи (“Муҳйиддин” исми билан маънодош).

Муинуддин, Muinuddin (*ap.*) – “Муиззуддин” исми билан маънодош.

Мукаммал, Mukammal (*ap.*), (*a.u.*) – комил, етук, мукаммал, баркамол.

Мукаррам, Mukarram (*ap.*), (*a.э.и.*) – ҳурматли, шарафли, обрўъли.

Мулайка, Mulayka (*ap.*) – “Молика”нинг кичрайтирма шакли * 1) Мулайка Ансория (саҳобия, Анас ибн Молик розияллоху анхунинг бувиси), 2) Мулайка Умму Соиб ибн Акраъ ибн Жобир ибн Суфён Сақафий (саҳобия), 3) Мулайка бинти Амр Зайдия Саъдия (Зайд ибн Саъднинг авлодларидан, саҳобия эканида ихтилоф қилинган. Ибн Ҳажар уни саҳобия деган. Бошқа манбаларда тобеин сифатида зикр қилинган. Абу Довуд “Маросил”да ундан ривоят қилган).

Мулозим, Mulozim (*ap.*) – ўзига лозим тутувчи, бир нарсага қаттиқ киришиб, уни мукаммал адо этувчи * Мулозим ибн Амр ибн Абдуллоҳ ибн Бадр Абу Амр Ҳанафий Сухаймий (табаа тобеин. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган, ишончли ровий).

Мулойим, Miloyim (*ap.*) – юмшоқ, мулойим, ювош.

Мумтоз, Mumtoz (*ap.*) – энг яхшиси, сараси, олийси.

Мумтоза, Mumtoza (*ap.*) – “Мумтоз”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мунаввар, Munavvar (*ap.*), (*э.а.и.*) – нурли, ёруғ, равшан.

Муназзаф, Munazzaf (*ap.*), (*э.а.и.*) – тоза, пок, озода (моддий жиҳатдан).

Мунзир, Munzir (*ap.*) – огоҳлантирувчи, сергакликка чакирувчи * 1) Мунзир ибн Абу Усайд Соидий Ансорий (саҳобий, Зубайр ибн Мунзирнинг отаси), 2) Мунзир ибн Оиз ибн Мунзир ибн Ҳорис ибн Нўъмон Асрий (саҳобий), 3) Мунзир ибн Жарир ибн Абдуллоҳ Бажалий (тобеин), 4) Мунзир ибн Молик ибн Қитъа Абу Назра Абдий (тобеин), 5) Мунзир ибн Абу Мунзир Маданий (тобеин).

Мунзира, Munzira (*ap.*) – “Мунзир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муниб, Munib (*ap.*) – гуноҳлардан тавба қилувчи, Аллоҳнинг тоатиға қайтувчи * 1) Муниб Абу Мудрик Аздий (саҳобий), 2) Муниб ибн Абдуллоҳ ибн Абу Умома ибн Саълаба Ансорий Ҳорисий (кичик тобеин, Абдуллоҳ ибн Мунибнинг отаси. Насоий ундан ривоят қилган).

Муниба, Muniba (*ap.*) – “Муниб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мунибуллоҳ, Munibulloh (*ap.*) – “Муниб” исмининг хос шакли.

Мунир, Munir (*ap.*) – нурли, равшан; бахтли, саодатли, толеи порлоқ * 1) Мунир ибн Аҳмад ибн Ҳасан ибн Мунир Абу Аббос Мисрий (ўз даврида Мисрнинг муҳаддиси бўлган. Ҳижрий 412-, мелодий 1022-йилда вафот этган), 2) Мунир ибн Абдуҳ Нақлий Димашкий (олим, факих. Ҳижрий 1367-, мелодий 1948-йилда вафот этган).

Мунира, Munira (*ap.*) – “Мунир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мунис, Munis (*ap.*) – ўртоқ, дўст; ҳамроҳ, суҳбатдош.

Муниса, Munisa (*ap.*) – “Мунис”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муножат, Munojat (*ap.*), (*a.u.*) – Аллоҳга ялиниб-ёлвориб, У Зот азобидан қўркиб, раҳматиға умид боғлаб дуо қилувчи.

Мунтазам, Muntazam (*ap.*), (*a.u.*) – тартибли, режали; доимий.

Мунқиз, Munqiz (*ap.*) – қутқарувчи, халос қилувчи, нажот берувчи * 1) Мунқиз ибн Қайс Мисрий (тобеин, Суфён ибн Мунқизнинг отаси. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ундан ривоят қилган, макбул ровий), 2) Мунқиз ибн Қайс Маданий (тобеин, Абдуллоҳ ибн Умарнинг мавлоси. “Сихоҳи ситта”дан биронтаси ундан ривоят қилмаган, аммо у макбул ровий саналади).

Муовия, Muoviya (*ap.*), (*э.и.*) – 1) Муовия ибн Абу Суфён (Саҳр) ибн Ҳарб ибн Умайя Абу Абдурахмон Кураший Умавий (саҳобий, халифа, Шомдаги Уммавийлар давлатининг асосчиси), 2) Муовия ибн Ҳакам Суламий (саҳобий), 3) Муовия ибн Ҳадиж ибн Жафна ибн Қутайра Абу Абдурахмон Тажибий (саҳобий), 4) Муовия ибн Ҳайда ибн Муовия ибн Қушайр ибн Каъб Қушайрий (саҳобий, Баҳз ибн Ҳакимнинг бобоси), 5) Муовия ибн Сабра ибн Ҳусойн Сувоий Омирий (катта тобеин).

Муоз, Muoz (*ap.*) – Аллоҳнинг паноҳига олинган * 1) Муоз ибн Жабал ибн Амр ибн Авс ибн Оиз ибн Адий ибн Каъб ибн Амр Абу Абдурахмон Ансорий Хазражий (машхур саҳобий. Расулulloх соллалллоху алайҳи ва саллам уни Яманга муршид ва қози қилиб юборганлар. Ибн Аббос у ҳақида: “Биз Муозни Иброҳим алайҳиссаломга ўхшатардик. У Аллоҳга хушуъ қилувчи бир уммат ва У Зотга ҳақиқий имон келтирган киши эди”, деган), 2) Муоз ибн Амр ибн Жамуҳ ибн Язид ибн Ҳаром ибн Каъб ибн Ғанм ибн Каъб ибн Салама ибн Саъд ибн Али ибн Асад ибн Сорида ибн Язид ибн Жашм ибн Хазраж Суламий Хазражий Ансорий (саҳобий. У ва отаси Амр ибн Жамуҳ розияллоху анхумо Ақаба ва Бадрда қатнашган. Отаси Амр ибн Жамуҳ Уҳуд куни шаҳид бўлган. Муоз ибн Амр эса Усмон розияллоху анху халифалиги даврида (баъзи манбаларда айтилишича, Умар розияллоху анху халифалигининг охирларида) вафот этган), 3) Муоз ибн Анас Жуханий Ансорий (саҳобий, Саҳл ибн Муоз ибн Анасинг отаси), 4) Муоз ибн Ҳорис ибн Рифоа ибн Ҳорис Ансорий Нажжорий (саҳобий), 5) Муоз ибн Саъд Ансорий (саҳобий), 6) Муоз ибн Ҳорис Абу Ҳалима Ансорий Мозиний Нажжорий (кичик саҳобий), 7) Муоз ибн Заҳро Заббий (тобеин), 8) Муоз ибн Абдурахмон ибн Усмон ибн Убайдуллох ибн Усмон Қураший Таймий Маданий (тобеин).

Муоза, Muoza (*ap.*) – “Муоз”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Муоза бинти Абдуллох Абу Саҳбоъ Адавия (тобеин, фозила ва обида аёллардан, Силат ибн Ашямнинг завжаси. Заҳабийга кўра, у ҳижрий 83-, мелодий 702-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилган).

Мурод, Murod (*ap.*) – мақсад, орзу, интилиш.

Муродали, Murodali (*ap.*) – “Мурод” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Муродбахш, Murodbahsh (*ap.-ф.т.*) – муродига етувчи, бахтли, саодатли.

Муродисо, Murodiso (*ap.-қад.яҳ.*) – “Мурод” ва “Исо” исмлари бирикмаси.

Муродмансур, Murodmansur (*ap.*) – “Мурод” ва “Мансур” исмлари бирикмаси.

Муродмусо, Murodmuso (*ap.-қад.яҳ.*) – “Мурод” ва “Мусо” исмлари бирикмаси.

Муродмахмуд, Murodmahmud (*ap.*) – “Мурод” ва “Махмуд” исмлари бирикмаси.

Муродмуҳаммад, Murodmuhammad (*ap.*) – “Мурод” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Муродқобил, Murodqobil (*ap.*) – “Мурод” ва “Қобил” исмлари бирикмаси.

Муродқосим, Murodqosim (*ap.*) – “Мурод” ва “Қосим” исмлари бирикмаси.

Муршид, Murshid (*ap.*) – йўлбошчи, раҳбар, раҳнамо; тўғри йўлга бошловчи.

Муршидуддин, Murshiduddin (*ap.*) – Ислом динининг раҳнамоси, одамларни ҳақ йўлга бошловчи муршид.

Мусайяб, Musayyab (*ap.*) – (Баъзи манбаларда “Мусаййиб” деб келтирилади) ҳадя қилинган, ато этилган; неъматлантирилган * 1) Мусайяб ибн Ҳузн ибн Абу Ваҳб ибн Амр ибн Оиз Абу Саид Қураший (саҳобий, Саид ибн Мусайябнинг отаси), 2) Мусайяб ибн Нажаба Куфий (катта тобеин), 3) Мусайяб ибн Рофеъ Абу Ало Асадий Коҳилий (тобеин, Ало ибн Мусайябнинг отаси).

Мусаллам, Musallam (*ap.*) – Аллоҳга итоаткор, У Зотга бўйсунувчи.

Мусарриф, Musarrif (*ap.*) – бирон ишни тадбир билан амалга оширувчи, тасарруф қилувчи; сўзни баён қилувчи * 1) Мусарриф ибн Амр ибн Каъб Куфий (тобеин, Талха ибн Мусаррифнинг отаси), 2) Мусарриф ибн Амр ибн Сиррий ибн Мусарриф Абулқосим Ҳамдоний (табаа тобеинлардан илм олганлардан).

Мусаффо, Musaffo (*ap.*), (*э.и.*) – тоза, пок, озода.

Муслим, Muslim (*ap.*) – муслим; Аллоҳ таолога таслим бўлган, Аллоҳ розилиги учун хою хавосини ақлига бўйсундирган * 1) Муслим Қураший (саҳобий, Роита бинти Муслимнинг отаси), 2) Муслим ибн Ҳорис Тамимий (саҳобий), 3) Муслим Абу Абдуллох Ҳузний (катта тобеин), 4) Муслим ибн Соиб ибн Хаббоб Маданий (тобеин), 5) Муслим ибн Жундуб Абу Абдуллох Ҳузалий (тобеин), 6) Муслим ибн Ясор Жуханий Басрий (тобеин), 7) Муслим ибн Ҳажжож ибн Муслим Абу Ҳусайн Қушайрий Нишопурий (машхур муҳаддис. “Саҳиху муслим” китоби муаллифи).

Муслима, Muslima (*ap.*) – “Муслим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муслих, Muslih (*ap.*) – ислоҳ қилувчи, тўғриловчи; тартибга солувчи.

Муслиха, Musliha (*ap.*) – “Муслих”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муслиҳиддин, Muslihiddin (*ap.*) – Дин соҳасида ислохотлар олиб борувчи.

Мусо³⁸, **Muso** (қад.яҳ.) – қутқарувчи³⁹; сувдан тортиб олинган (Душман хуружидан хавфсирагач, Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломнинг онасига илҳом қилиб, уни дарёга ташлашга буюради, охир-оқибат уни Фиръавн аёнлари дарёдан тортиб оладилар) * 1) Мусо ибн Имрон ибн Ясхар ибн Моҳайс бани Лова ибн Яькуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг улул азм пайғамбарларидан), 2) Мусо ибн Талҳа ибн Убайдуллоҳ Абу Исо Қураший Таймий (катта тобеин), 3) Мусо ибн Абу Мусо Ашъарий Куфий (тобеин), 4) Мусо ибн Анас ибн Молик Ансорий (тобеин, Басра қозиси бўлган), 5) Мусо ибн Айюб Абулфайз Шомий Ҳимсий (тобеин), 6) Мусо ибн Саъд ибн Зайд ибн Собит Ансорий Маданий (тобеин), 7) Мусо ибн Муслим ибн Абу Муслим Ҳижозий Маданий (тобеин).

Мусоали, Musoali (қад.яҳ.-ар.) – “Мусо” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Мусоаҳмад, Musoahmad (қад.яҳ.-ар.) – “Мусо” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Мусомаҳмуд, Musomahmud (қад.яҳ.-ар.) – “Мусо” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Мусомурод, Musomurod (қад.яҳ.-ар.) – “Мусо” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Мусомуҳаммад, Musomuhammad (қад.яҳ.-ар.) – “Мусо” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Мустварид, Mustavrid (ар.) – олиб келувчи, ҳозир қилувчи, ўзга юртлардан ўз ватанига маҳсулот олиб кировчи * 1) Мустварид ибн Шаддод ибн Амр ибн Ҳасал ибн Ложиб ибн Ҳабиб ибн Амр ибн Шайбон ибн Муҳориб ибн Фихр ибн Молик Қураший Фихрий Ҳижозий (саҳобий. Макка аҳлидан. Бир муддат Куфада яшаган. Ҳижрий 45-, мелодий 665-йилда Мисрда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ибн Шаддод жами етита ҳадис ривоят қилган. Улардан бирини Муслим келтирган), 2) Мустварид ибн Аҳнаф Куфий (катта тобеин. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Мустанир, Mustanir (ар.) – ёритувчи, йўлловчи; ҳидоят топувчи, тўғри йўлдан борувчи * Мустанир ибн Ахзар ибн Муовия ибн Қурра Музаний Басрий (катта табаа тобеин, Иёс ибн Муовиянинг жияни. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Мустанира, Mustanira (ар.) – “Мустанир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мустансирбиллоҳ, Mustansirbilloh (ар.) – Аллоҳ таолодан ёрдам сўровчи * 1) Мустансирбиллоҳ Маъд ибн Зоҳир ли-эъзози диниллоҳ Али ибн Ҳоким Абу Али Мансур ибн Азиз ибн Муиз Абу Тамим Убайдий Мисрий (Миср ҳукмдори), 2) Мустансирбиллоҳ Ҳакам ибн Абдурахмон Абул Ос Умавий (амирул мўминин, Андалус ҳукмдори. Унинг сийрати яхши, фазилатли кўп бўлган. Ҳадис илмини ўрганган, илм-маърифат хомийси бўлган. Жумладан, китоб йиғишга алоҳида эътибор берган), 3) Мустансирбиллоҳ Мансур ибн Муҳаммад (Зоҳир би-амриллоҳ) ибн Носир ибн Мустазийъ Абу Жаъфар Аббосий Бағдодий (амирул мўминин (х. 588-640, мел. 1192-1242). Ҳижрий 623-йилда отаси вафотидан кейин ҳукмдор бўлган. У ақлли, етук ва одил кишилардан бўлган, аммо унинг ҳукмронлиги халифалик парчаланиши даврига тўғри келган. Мансур даврида мўғуллар унинг ихтиёридаги кўп ерларни босиб ола бошлаган. Мустансир вафотигача мўғуллар истилосига қарши курашган).

Мустафо, Mustafu (ар.) – танлаб олинган, сараланган; сара, ноёб.

Мустаинбиллоҳ, Mustainbilloh (ар.) – Аллоҳ таолодан мадад сўровчи (“Мустансирбиллоҳ” билан маънодош).

Мустақим, Mustaqim (ар.) – тўғри йўлдан оғишмай борувчи, ҳақ йўлда собитқадам турувчи * Усмон ибн Абдулмалик Маккий Муаззин (кичик тобеин. Уни “Мустақим” деб чақирдишган).

Мусулмон, Musulmon (ар.-форс.) – ҳақиқий мусулмон бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Мусъаб, Mus'ab (ар.) – кучли, қувватли, бақувват; ботир, жасур * 1) Мусъаб ибн Саъд ибн Абу Ваққос Абу Зурора Қураший Зухрий (тобеин), 2) Мусъаб ибн Абдуллоҳ ибн Абу Умайя ибн Муғийра ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум Қураший Махзумий (тобеин), 3) Мусъаб ибн Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Шураҳбил ибн Абу Азиз Қураший Абдарий (кичик тобеин), 4) Мусъаб ибн Сулайм Қураший Асадий (кичик тобеин, Зубайр ибн Аввомнинг мавлоси), 5) Мусъаб ибн Шайба ибн Жубайр ибн Шайба ибн Усмон ибн Абу Талҳа Қураший Абдарий (кичик тобеин).

Мутаваккил, Mutavakkil (ар.) – Аллоҳ таолога доимий тарзда таваккул қилувчи.

³⁸ “Мусо” исми инглиз тилида “Moses” шаклида қўлланади. Ушбу исм асли ибронийча бўлиб, “му” сўзи “сув”, “со” (аслида “шо”) эса “дарахт” маъносини англатади. Демак, “Мусо” исми “четида дарахтлар ўсиб турган сувдан тортиб олинган бола” маъносини ифодалайди.

³⁹ Ибронийча “муших” сўзи “қутқарувчи” маъносини англатади.

Мутарриф, Mutarrif (*ap.*) – 1) Мутарриф ибн Абдуллоҳ ибн Шиххир Абу Абдуллоҳ Омирий (катта тобеин, обид ва фозил киши бўлган), 2) Мутарриф ибн Абдуллоҳ ибн Мутарриф ибн Сулаймон ибн Ясор Абу Мусъаб Ясорий Ҳилолий (табаа тобеинлардан илм олганлардан).

Мутталиб, Muttalib (*ap.*) – кетма-кет талаб қилувчи, доим талаб қилувчи * 1) Мутталиб ибн Абу Вадоа Ҳорис ибн Субайра ибн Саид ибн Саъд ибн Саҳм Абу Абдуллоҳ Қураший (саҳобий. Онаси Арво бинти Ҳорис. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Мутталиб ибн Абдуллоҳ ибн Ҳантаб Қураший Махзумий Маданий (тобеин. Муслимдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 3) Мутталиб ибн Абдуллоҳ ибн Қайс ибн Махрама ибн Мутталиб ибн Абдуманоф Қураший Мутталибий (кичик тобеинлар замонида яшаган, Ҳаким ибн Абдуллоҳ ва Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг биродари. Термизий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Мутталиб ибн Зиёд ибн Абу Зуҳайр Сақафий (табаа тобеин, Куфа муҳаддисларининг улуғи. Ҳижрий 185-йилда вафот этган. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Насоий ва Ибн Можа “Сунан”да ривоят қилган).

Мутъим, Mut'im (*ap.*) – мискин, бева-бечора ва ҳақдорларга таом берувчи, уларга яхшилик қилувчи * 1) Мутъим ибн Убайда Балавий (саҳобий. Мисрлик саналади), 2) Мутъим ибн Миқдом ибн Ғаним Санъоний Шомий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган).

Муфаззал, Mufazzal (*ap.*, *э.а.у.*) – устун, афзал; яхши * 1) Муфаззал ибн Муҳаллаб ибн Абу Суфра Абу Ғассон Аздий (тобеин), 2) Муфаззал ибн Юнус Киноний (катта табаа тобеин), 3) Муфаззал ибн Юнус Абу Юнус Жуъфий (катта табаа тобеин), 4) Муфаззал ибн Муҳалхил Абу Абдурахмон Саъдий (катта табаа тобеин), 5) Муфаззал ибн Лоҳиқ Абу Бишр Рикоший (катта табаа тобеин, Бишр ибн Муфаззалнинг отаси), 6) Муфаззал ибн Фазола ибн Абу Умайя Абу Молик Қураший (катта табаа тобеин).

Муфаррах, Mufarraḥ (*ap.*) – хурсанд, шод, хуррам.

Муфассал, Mufassal (*ap.*) – тўлик, мукаммал, муфассал; комил, етук.

Мухлис, Muxlis (*ap.*) – ихлосли, мухлис, Аллоҳ таолога ихлос билан, чин қалбдан ибодат қилувчи; самимий, мулойим.

Мухлиса, Muxlisa (*ap.*) – “Мухлис”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мухлисиддин, Muxlisuddin (*ap.*) – Ислом динига рағбати бор, ихлоси кучли банда.

Мухлисуллоҳ, Muxlisulloh (*ap.*) – Аллоҳ таолога ихлоси баланд, У Зотга ихлос билан ибодат қилувчи.

Мухтабар, Muxtabar (*ap.*, *а.у.*) – танлаб олинган, сараланган; афзал, яхши.

Мухтор, Muxtor (*ap.*) – танланган, саралаб олинган * 1) Мухтор ибн Фулфул Қураший Махзумий Куфий (кичик тобеин. Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган), 2) Мухтор ибн Сайфий Куфий (кичик тобеинлар замонида яшаган. Муслим ва Абу Довуд ундан ривоят қилган), 3) Мухтор ибн Ғассон ибн Мухтор Таммор Куфий Абдий (кичик табаа тобеин. Ибн Можа ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 4) Мухтор ибн Маҳмуд Абу Ражо Нажмиддин Зоҳидий Ғазминий (машхур ханафий фақиҳи, “Ал-Ҳовий фил фатово” ва “Ал-мухтаба шарҳу мухтасарил кудурий” асарлари муаллифи).

Мушарраф, Musharraf (*ap.*) – ҳурматли, шарафли, обрўъли.

Мушовир, Mushovir (*ap.*) – маслаҳат берувчи, ақлли тадбирларлар билан ташаббус кўрсатувчи; ўзгалар билан маслаҳат қилувчи, оқил кишилар маслаҳатини олувчи.

Муштарий, Mushtariy (*ap.*, *а.у.*) – сайёра номи; сотиб олувчи, харидор.

Мушфиқ, Mushfiq (*ap.*) – меҳрибон, раҳмдил, шафқатли.

Мушфиқа, Mushfiqa (*ap.*) – “Мушфиқ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муътамир, Mu'tamir (*ap.*) – умра қилувчи, умра ибодатини адо этувчи * 1) Муътамир ибн Ҳанаш (саҳобий. Сулаймон ибн Аҳмад уни “Ал-Вухдон”да зикр қилган), 2) Муътамир ибн Сулаймон ибн Тархон Абу Муҳаммад Таймий (кичик табаа тобеин (х. 106-187, мел. 724-803). Басрада ўз даврининг муҳаддиси, илм ва ибодатда отаси каби пешқадам бўлган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Муяссар, Muyassar (*ap.*) – осон, енгил; эришилган, орзуси ушалган.

Муқаддам, Muqaddam (*ap.*) – олдинда боровчи, илғор, устун.

Муқим, Muqim (*ap.*) – хужжат-далил келтирувчи; бирон ишни мукаммал адо этувчи; намозни тўлик суратда, хушув-хузу билан адо этувчи.

Муқима, Muqima (*ap.*) – “Муқим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муқотил, Muqotil (*ap.*) – мункар ишларга қарши курашувчи, жанг қилувчи * 1) Муқотил ибн Сулаймон ибн Башир Абу Ҳасан Аздий Хуросоний (катта табаа тобеин), 2) Муқотил ибн Башир Ижлий Куфий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси), 3) Муқотил ибн Ҳайён Абу Бистом Набатий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси, фозил, обид ва солиҳ кишилардан бўлган).

Муғийра, Mug'iyra (*ap.*) – чакқон, эпчил, уддабурон; жанговар * 1) Муғийра ибн Шуъба ибн Абу Омир ибн Масъуд ибн Муътаб ибн Молик Абу Исо Сақафий Куфий (машхур саҳобий. Хандақ йили Иломга мушарраф бўлган. Умар ибн Хаттоб уни, аввал Басрага, сўнг Куфага волий қилиб тайинлаган. Шом ва Қодисия фатҳларида иштирок этган. Муғийра ибн Шуъба ҳалим, ўз навбатида уддабурон киши сифатида тилга олинади), 2) Муғийра ибн Абу Бурда Ҳижозий Абдарий (тобеин), 3) Муғийра ибн Абу Барза Асламий (тобеин), 4) Муғийра ибн Ҳаким Санъоний Абновий (тобеин), 5) Муғийра ибн Салмон Хузойи (тобеин), 6) Муғийра ибн Абдуллоҳ ибн Абу Уқайл Яшкурый Куфий (тобеин), 7) Муғийра ибн Фарва Абул Азхар Қураший Сақафий (тобеин).

Муҳайё, Muhayyo (*ap.*) – тайёрланган, ҳозирланган.

Муҳаййиса, Muhayyisa (*ap.*) – фитна ва балолардан ўзини четга олувчи, Аллоҳнинг паноҳини истовчи * Муҳаййиса ибн Масъуд ибн Каъб ибн Омир ибн Адий ибн Маждаъа Абу Саҳл Ансорий Ҳазражий (саҳобий, Хуваййиса ибн Масъуднинг туғишган биродари).

Муҳаммад⁴⁰, Muhammad (*ap.*) – доим мактаб туриладиган, тинимсиз макталадиган (Изоҳ: мазкур исм араб тилидаги “ҳамд” ўзагидан ясалган бўлиб, “мақтов, олқиш, сано” маъноларини англатади. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, “Муҳаммад” исми “ҳаммада” феълидан ясалган, “кетма-кет мактамоқ, “тўхтовиз олқиш айтмоқ” маъноларига эга. Мусулмон уммати ичида энг кўп тарқалган исм айнан “Муҳаммад” саналади, Европа ва Америка мусулмонлари орасида ҳам бу исм анча машхур) * 1) Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб (Шайба) ибн Ҳошим (Амр) ибн Абдуманоф (Муғийра) ибн Қусайй (Зайд) ибн Килоб (Ҳаким) ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр ибн Молик ибн Назр (Қайс) ибн Кинона ибн Хузайма ибн Мудрика (Омир) ибн Илёс ибн Музар ибн Низор ибн Маъд ибн Аднон (Аллоҳ таолонинг сўнгги Расули, У Зотнинг ҳабиби, улул азм пайғамбарлардан. Милодий 570-632 йилларда яшаганлар. У зотга доимий суратда ва мукаммал тарзда Аллоҳнинг салавати ва саломид бўлсин!), 2) Муҳаммад ибн Сийрин Абу Бакр Басрий (машхур тобеин, Анас ибн Моликнинг шогирди. Ўз тақвоси, тушларни тўғри таъбир қилиши билан шухрат қозонган), 3) Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Саҳл Абу Бакр Сарахсий (машхур ҳанафий фақиҳи, мужтаҳид олимлардан, “Шамсул аймма” (“Имомлар қуёши”) лақаби билан машхур бўлган, “Ал-Мабсут”, “Шарҳул жомийил кабир”, “Шарҳус сиярил кабир” ва “Шарҳу мухтасарит таҳовий” асарлари муаллифи). 4) Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Абу Ҳомид Тусий Ғаззолий (машхур олим. Ҳижрий 450-йилда Тусда туғилган. Аҳмад ибн Муҳаммад Разконий, Абу Наср Исмоил, Абдулмалик ибн Абу Муҳаммад Жувайнийлардан илм олган. Вазир Низомулмулк бошличилиги барпо қилинган “Низомия” мадрасасида кўп йиллар фаолият олиб борган. Кўплаб асарлар муаллифи. Улар ичида “Ихёу улумид дин” шоҳ асар саналади. Шунингдек, “Ад-Дурратул фоҳира фи аҳволил охира”, “Рисолатул валадия” каби асарлари бор. Муҳаммад Ғаззолий хижрий 505-, мелодий 1111-йилда Тус шаҳрида вафот этган).

Муҳаммадабдух, Muhammadabduh (*ap.*) – “Муҳаммад” ва “Абдух” исмлари бирикмаси.

Муҳаммадайюб, Muhammadayyub (*ap. -қад.яҳ.*) – “Муҳаммад” ва “Айюб” исмлари бирикмаси.

Муҳаммадали, Muhammadali (*ap.*) – “Муҳаммад” ва “Али” исмлари бирикмаси * 1) Муҳаммадали ибн Муҳаммадаллон ибн Иброҳим Бакрий Сиддиқий Шофеъий (муфассир, ҳадис илми олими (х. 996-1057, мел. 1588-1647). “Ибн Аллон” номи билан шухрат қозонган. Тафсир, тарих, ҳадис шарҳи, усул, тасаввуф ва тилшуносликка оид бир нечта тасниф ва рисолалари бор), 2) Муҳаммадали Байбоний (Мисрдаги моликий мазҳаби олимларидан. “Ал-Азхар”да таълим олиб, у ерда мударрислик қилган. Ҳижрий 1310-, мелодий 1892-йилда вафот этган), 3) Муҳаммадали Нуриддин ибн Зоҳир Абу Ҳасан

⁴⁰ “Муҳаммад” исми Озарбайжонда “Маҳаммад”, Эронда “Мўхаммад”, Туркияда “Муҳаммет”, “Меҳмет”, “Меҳмед”, Боснияда “Муҳамед”, Ғарбий Африкада “Мамаду” шаклида қўлланади.

Ватарий Ҳасаний Нажафий Маданий (ўз даврида Мадинанинг муҳаддиси (х. 1261-1322, мел. 1845-1904). Мадинада туғилиб, шу ерда вафот этган. Бир нечта китоблар муаллифи), 4) Муҳаммадали ибн Ҳусайн ибн Иброҳим Моликий Маккий (фақиҳ, нахв олими (х. 1287-1367, мел. 1870-1948). Асли марокашлик, Маккада туғилиб, ўша ерда таълим олган. Масжиди Ҳаромда дарс берган. Моликий мазҳаби бўйича фатво ҳайъатига раислик қилган), 5) Муҳаммадали ибн Муҳаммадризо Табасий (Нажаф фақиҳларидан, тадқиқотчи (х. 1359-1383, мел. 1940-1963), бир нечта китоблар муаллифи).

Муҳаммадамин, Muhammadamin (*ap.*) – ишончли ва тўғрисиўз Муҳаммаднинг уммати * 1) Муҳаммадамин ибн Маҳмуд Бухорий (ҳанафий мазҳаби фақиҳи, муҳаккик. “Амир подшоҳ” номи билан танилган. Ҳижрий 972-, мелодий 1565-йилда вафот этган), 2) Муҳаммадамин ибн Садриддин Ширвоний (муфассир, асли ширвонлик (Ширвон Бухоро қишлоқларидан бирининг номи). Ҳижрий 1036-, мелодий 1626-йилда вафот этган), 3) Муҳаммадамин ибн Абдулхай ибн Муҳаммад Искандарий (римлик ҳанафий мударрис, Усманийлар давлати уламоларидан, константинополлик, фикҳ ва математикага оид китоблар муаллифи. Ҳижрий 1149-, мелодий 1736-йилда вафот этган), 4) Муҳаммадамин ибн Умар ибн Абдулазиз Обидин Димашкий (Шом диёри фақиҳи. Ўз даврида ҳанафийлар имоми бўлган (х. 1198-1252, мел. 1784-1836). “Ибн Обидин” номи билан шуҳрат қозонган. Дамашқда туғилиб, ўша ерда вафот этган. “Раддул мухтор алад дуррил мухтор” ва бошқа кўплаб китоблар муаллифи), 5) Муҳаммадамин ибн Муҳаммад Адҳамий Ҳусайний (ҳанафий мазҳаби фақиҳи (х. 1223-1273, мел. 1808-1857). Бағдодда туғилиб, ўша ерда вафот этган. Фикҳга, усули фикҳга оид китоблар муаллифи).

Муҳаммадахмад, Muhammadahmad (*ap.*) – Аллоҳнинг махлуқотлари ичида мактовга энг муносиб зот Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммати.

Муҳаммадбашир, Muhammadbashir (*ap.*) – имонли, тақволи, солиҳ бандаларга жаннат башоратини берувчи Муҳаммаднинг уммати * 1) Муҳаммадбашир ибн Муҳаммад Бадриддин Саҳсавоний Ҳиндий (ҳадис ва фикҳ илми олими – х. 1250-1326, мел. 1834-1908), 2) Муҳаммадбашир ибн Муҳаммадҳилол ибн Муҳаммад Ғаззий (қози, Ҳалабнинг машҳур шахсларидан – х. 1274-1339, мел. 1857-1921).

Муҳаммадбурҳон, Muhammadburhon (*ap.*) – “Муҳаммад” ва “Бурҳон” исмлари бирикмаси.

Муҳаммадвалий, Muhammadvaliy (*ap.*) – Аллоҳнинг энг яқин бандаси Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммаддўст, Muhammaddo‘st (*ap.-фм.*) – тақволи ва саҳий мўминларнинг дўсти Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадёр, Muhammadyor (*ap.-фм.*) – “Муҳаммаддўст” билан маънодош.

Муҳаммадёсин, Muhammadyosin (*ap.*) – “Муҳаммад” ва “Ёсин” исмлари бирикмаси.

Муҳаммаджамил, Muhammadjamil (*ap.*) – инсоният ичида энг хилқати гўзал Муҳаммаднинг уммати * Муҳаммаджамил ибн Умар ибн Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Умар Шаттий (ханбалий мазҳаби фақиҳи, фароиз илми олими – х. 1300-1379, мел. 1882-1959).

Муҳаммаджоруллоҳ, Muhammadjorulloh – Муҳаммаджоруллоҳ ибн Абдуллоҳ Камолиддин ибн Зоҳирия Махзумий Қураший (ҳанафий мазҳаби фақиҳи, “Фатово ибн зоҳирия” муаллифи. Ибн Зоҳирия хижрий 960-, мелодий 1553-йилда вафот этган).

Муҳаммадзакий, Muhammadzakiy (*ap.*) – инсониятнинг энг ақллиси, энг донишманди Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадзариф, Muhammadzarif (*ap.*) – “Муҳаммадзакий” билан маънодош.

Муҳаммадзокир, Muhammadzokir (*ap.*) – Аллоҳни бир зум ҳам унутмайдиган, У Зотни доим зикр қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадзоҳид, Muhammadzohid (*ap.*) – зухд-тақво қилувчи Муҳаммаднинг уммати * Муҳаммадзоҳид ибн Ҳасан ибн Али Кавсарий (ҳанафий мазҳаби фақиҳи – х. 1296-1371, мел. 1879-1952).

Муҳаммадкозим, Muhammadkozim (*ap.*) – ғзаби чиққанда Аллоҳ розилиги учун ўзини босувчи, сабр қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадкомил, Muhammadkomil (*ap.*) – энг комил зот Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадлатиф, Muhammadlatif (*ap.*) – илтифотли, мулойим Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадмансур, Muhammadmansur (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг нусратига сазовор Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадмасдук, Muhammadmasduq (*ap.*) – содиқлиги ўзгалар томонидан тан олинган Муҳаммаднинг уммати.

- Муҳаммадмахдий, Muhammadmahdiy** (ap.) – тўғри йўлдаги Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадмахмуд, Muhammadmahmud** (ap.) – мақталган Муҳаммаднинг уммати *
Муҳаммадмахмуд ибн Аҳмад Шинкитий (ўз замонининг тил ва адабиёт соҳаси олими, шоир. Мавританиянинг Шинкитида туғилган. Ҳижрий 1322-, мелодий 1904-йилда вафот этган).
- Муҳаммадмаъсум, Muhammadma'sum** (ap.) – Аллоҳ томонидан бало-офат ва гуноҳлардан химояланган Муҳаммаднинг уммати * Муҳаммадмаъсум ибн Иброҳим ибн Саломуллоҳ ибн Имоуддин Масъуд Хусайний (фозил кишилардан, адиб Ибн Маъсумнинг бобоси. Муҳаммадмаъсум Хусайний хижрий 1015-, мелодий 1606-йилда вафот этган).
- Муҳаммадмурод, Muhammadmurod** (ap.) – “Муҳаммад” ва “Мурод” исмлари бирикмаси *
Муҳаммадмурод ибн Абдуллоҳ Қозоний Маккий Ҳанафий (фозил кишилардан, ҳанафий мазҳаби фақиҳи. Тарих фани билан ҳам шуғулланган. Ҳижрий 1352-, мелодий 1933-йилда вафот этган).
- Муҳаммадмусо, Muhammadmuso** (ap.) – “Муҳаммад” ва “Мусо” исмлари бирикмаси.
- Муҳаммадмухтор, Muhammadmuxtora** (ap.) – Аллоҳ томонидан рисолатни етказиш учун танлаб олинган Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадмуҳсин, Muhammadmuhsin** (ap.) – ҳаммага яхшилик қилувчи Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадмуҳтадий, Muhammadmuhtadiy** (ap.) – тўғри йўлдаги Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадмўмин, Muhammadmo'min** (ap.) – Аллоҳ таолога ҳақиқий имон келтирувчи, мўминларнинг энг имони кучлиси, энг такводори Муҳаммаднинг уммати * Муҳаммадмўмин ибн Муҳаммадқосим Жазоирий Шерозий (табиб, адиб, сўфийлардан. Шерозда туғилиб вояга етган. Ҳижрий 1118-, мелодий 1706-йилда Ҳиндистонда вафот этган).
- Муҳаммаднажиб, Muhammadnajib** (ap.) – насл-насабли Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадназир, Muhammadnazir** (ap.) – бандаларни охират азобидан огоҳлантирувчи Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммаднодир, Muhammadnodir** (ap.) – “Муҳаммад” ва “Нодир” исмлари бирикмаси.
- Муҳаммадносир, Muhammadnosir** (ap.) – “Муҳаммад” ва “Носир” исмлари бирикмаси.
- Муҳаммаднур, Muhammadnur** (ap.) – нурли Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадобид, Muhammadobid** (ap.) – Аллоҳга ибодат қилувчи Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадодил, Muhammadodil** (ap.) – “Муҳаммад” ва “Одил” исмлари бирикмаси.
- Муҳаммадолим, Muhammadolim** (ap.) – “Муҳаммад” ва “Олим” исмлари бирикмаси.
- Муҳаммадориф, Muhammadorif** (ap.) – “Муҳаммад” ва “Ориф” исмлари бирикмаси *
Муҳаммадориф ибн Аҳмад ибн Саид Мунир Хусайний Димашқий (шофёбий мазҳаби фақиҳи (х. 1264-1342, мел. 1848-1923). Дамашқда туғилиб, ўша ерда вафот этган).
- Муҳаммадоқил, Muhammadoqil** (ap.) – “Муҳаммад” ва “Оқил” исмлари бирикмаси.
- Муҳаммадрауф, Muhammadrauf** (ap.) – меҳрибон, раҳмдил Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадрафиқ, Muhammadrafiq** (ap.) – Аллоҳнинг дўсти Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадрашид, Muhammadrashid** (ap.) – тўғри йўлга бошловчи Муҳаммаднинг уммати *
Муҳаммадрашид ибн Абдулатиф ибн Абдулқодир ибн Мустафо ибн Абдулқодир Умарий Байсорий Рофёбий Ҳанафий (фақиҳ, адиб. Шомнинг Триполисидан. Фикҳ, адабиёт, тилшуносликка оид китоблар муаллифи. Ҳижрий 1316-, мелодий 1898-йилда вафот этган).
- Муҳаммадрашод, Muhammadrashod** (ap.) – тўғри йўлдаги Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадраҳим, Muhammadrahim** (ap.) – шафкатли ва раҳмдил Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадризвон, Muhammadrizvon** (ap.) – Аллоҳ розилигини қозонган Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадризо, Muhammadrizo** (ap.) – “Муҳаммадризвон” билан маънодош.
- Муҳаммадроғиб, Muhammadrog'ib** (ap.) – Аллоҳга рағбат қилувчи Муҳаммаднинг уммати.
- Муҳаммадсаид, Muhammadsaid** (ap.) – “Муҳаммад” ва “Саид” исмлари бирикмаси * 1) Муҳаммадсаид ибн Муҳаммадсунбул Мажаллоий (шофёбий мазҳаби фақиҳи. Масжидул Ҳаромда фатво ва тадрисга раҳбарлик қилган. Ҳижрий 1175-, мелодий 1761-йилда Тоифда вафот этган), 2) Муҳаммадсаид ибн Муҳаммадамин Сафар (ҳанафий мазҳабига мансуб фозил кишилардан (х. 1114-1194, мел. 1702-1780). Маккада туғилиб, Мадинада вафот этган), 3) Муҳаммадсаид ибн Садрулвузаро Ҳасанпошо Румий (ҳанафий мазҳаби фақиҳи. Усманийлар давлати уламоларидан. Истанбулда қозилик вазифасида ишлаган. Ҳижрий 1194-, мелодий 1780-йилда вафот этган), 4) Муҳаммадсаид ибн Али ибн Аҳмад Устувоний (ҳанафий мазҳабига мансуб қози, тилшунос олим. Асли Дамашқдан. Бағдодда қозилик

вазифасида ишлаган. Ҳижрий 1230-, мелодий 1815-йилда вафот этган), 5) Муҳаммадсаид ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳусайн Сувайдий Аббосий Бағдодий (нақбандия тариқатига мансуб сўфийлардан. Ҳижрий 1246-, мелодий 1830-йилда вафот этган), 6) Муҳаммадсаид ибн Ғифор (ҳанафий мазҳабига мансуб мисрлик фақиҳ. “Ал-Азҳар”да мударрислик қилган. Ҳижрий 1329-, мелодий 1911-йилда вафот этган).

Муҳаммадсайид, Muhammadsayyid (*ap.*) – инсоният саййиди Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадсарвар, Muhammadsarvar (*ap.-фм.*) – Сарвари коинот Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадсиддиқ, Muhammadsiddiq (*ap.*) – ўта ростгўй Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадсобир, Muhammadsobir (*ap.*) – турли азиятларга, кулфат ва балоларга сабр қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадсобит, Muhammadsobit (*ap.*) – тўғри йўлда собитқадам турувчи; ўз аҳдида мустаҳкам бўлган Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадсодиқ, Muhammadsodiq (*ap.*) – ростгўй Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадсожид, Muhammadsojid (*ap.*) – Аллоҳга сажда қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадсолиҳ, Muhammadsolih (*ap.*) – Аллоҳнинг энг солиҳ бандаси Муҳаммаднинг уммати * 1) Муҳаммадсолиҳ Абу Абдуллоҳ Ризовий (муҳаддис, саёҳатчи, тиб илми билимдони. Самарқандда туғилиб, Бухорода вояга етган. Ҳиндистон, Яман, Ҳижоз, Тунис, Жазоир, Марокаш ва Мисрга саёҳат қилган. Охири Мадинада кўним топиб, ўша ерда ҳижрий 1263-, мелодий 1847-йилда вафот этган), 2) Муҳаммадсолиҳ ибн Аҳмад Вағлисий (фозил кишилардан. Жазоир аҳлидан. Ҳижрий 1285-, мелодий 1868-йилда вафот этган), 3) Муҳаммадсолиҳ ибн Абдулфаттоҳ ибн Иброҳим Жорим (ҳанафий мазҳаби фақиҳи. Мисрлик. Ҳижрий 1326-, мелодий 1908-йилдан кейин вафот этган).

Муҳаммадтоҳа, Muhammadtoha (*ap.*) – “Муҳаммад” ва “Тоҳа” исмлари бирикмаси (“Тоҳа” Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам исмларидан биридир).

Муҳаммадтоййиб, Muhammadtoyyib (*ap.*) – “Муҳаммад” ва “Тоййиб” исмлари бирикмаси.

Муҳаммадтоҳир, Muhammadtohir (*ap.*) – “Муҳаммад” ва “Тоҳир” исмлари бирикмаси.

Муҳаммадфозил, Muhammadfozil (*ap.*) – ақлли, доно, ҳикмат эгаси Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадфорук, Muhammdforuq (*ap.*) – яхши билан ёмонни, ҳалол билан ҳаромни ажратиб берувчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадфотих, Muhammadfotih (*ap.*) – фатҳ қилувчи, турли диёрларга Исломи динини олиб кирувчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадфуод, Muhammadfuod (*ap.*) – қалби Аллоҳнинг муҳаббатига, мискинларга нисбатан меҳрга тўла Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадхалил, Muhammadxalil (*ap.*) – Аллоҳнинг энг яқин дўсти Муҳаммаднинг уммати * 1) Муҳаммадхалил ибн Али ибн Муҳаммад ибн Муҳаммадмурод Абул Фазл Ҳусайний (тарихчи, Шомнинг муфтийси (х. 1173-1206, мел. 1760-1791). Асли Бухородан. Дамашқда вояга етган. Тарих ва сиёсатга оид китоблар муаллифи), 2) Муҳаммадхалил Абдулҳолиқ (мисрлик табиб, вируслар соҳаси билимдони. Қоҳира ва Лондонда ўқиган. Қоҳира тиббиёт мактабида дарс берган. Кейин тадқиқотлар университетига мудир, солиқни сақлаш вазирлигига вакил бўлган. Ҳижрий 1369-, мелодий 1950-йилда Қоҳирада вафот этган).

Муҳаммадхотам, Muhammadxotam (*ap.*) – хотамул анбиё Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадшакур, Muhammadshakur (*ap.*) – Аллоҳга жуда кўп ва доим шукр қилувчи Муҳаммаднинг уммати. (Ушбу исм бизда бир оз ўзгартириб, “Муҳаммадшукур” шаклида қўлланилади).

Муҳаммадшариф, Muhammadsharif (*ap.*) – ҳурматли, эҳтиромга муносиб Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадшафийъ, Muhammadshafiy’ (*ap.*) – қиёмат куни умматнинг гуноҳкорларини шафоат қилувчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадшафиқ, Muhammadshafiq (*ap.*) – раҳм-шафқатли Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадюнус, Muhammadyunus (*ap.-қад.яҳ.*) – “Муҳаммад” ва “Юнус” исмлари бирикмаси.

Муҳаммадюсуф, Muhammadyusuf (*ap.-қад.яҳ.*) – “Муҳаммад” ва “Юсуф” исмлари бирикмаси.

Муҳаммадяъқуб, Muhammadya’qub (*ap.-қад.яҳ.*) – “Муҳаммад” ва “Яъқуб” исмлари бирикмаси.

Муҳаммадқосим, Muhammadqosim (*ap.*) – кишилар ўртасида адолатли ҳукм қилувчи, ўлжаларни адолат билан тақсимловчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадҳабиб, Muhammadhabib (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг суюкли бандаси Муҳаммаднинг уммати (“Муҳаммадхалил” исми билан маънодош).

Муҳаммадҳаёт, Muhammadhayot (*ap.*) – “Муҳаммадоиш” исми билан маънодош * Муҳаммадҳаёт ибн Иброҳим Синдий Маданий (ҳадис илми билимдони. Синдда туғилган, Мадинаи мунавварада яшаган. Ўша ерда вафот этган. Мунзирийнинг “Тарғиб ва тарҳиб”ига, “Ал-Ҳикамул атоия”га шарҳ ёзган. Муҳаммадҳаёт ҳижрий 1163-, мелодий 1750-йилда вафот этган).

Муҳаммадҳаким, Muhammadhakim (*ap.*) – ҳикматли зот Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадҳалим, Muhammadhalim (*ap.*) – мулойим Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадҳаммод, Muhammadhammod (*ap.*) – Парвардигорини тинимсиз мактовчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаммадҳомид, Muhammadhomid (*ap.*) – Аллоҳ таолога ҳамд айтувчи Муҳаммаднинг уммати.

Муҳаррам, Muharram (*ap.*) – азиз, ҳурматли (Ҳижрий биринчи ой номи).

Муҳассин, Muhassin (*ap.*) – бирон ишни чиройли суратда амалга оширувчи; зийнатловчи, гўзал қилувчи (Али розияллоху анҳунинг Ҳасан ва Ҳусайнлардан кейин туғилган фарзанди номи).

Муҳиб, Muhib (*ap.*) – кўнгил қўювчи, Аллоҳни яхши кўрувчи; меҳрибон, кўнгилчан, раҳмдил.

Муҳиба, Muhiba (*ap.*) – “Муҳиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муҳибуддин, Muhibuddin (*ap.*) – Ислом динини севувчи, Динга рағбати кучли банда.

Муҳибуллоҳ, Muhibulloh (*ap.*) – Аллоҳни яхши кўрувчи банда (“Муҳиб” исмининг хос шакли).

Муҳибжамол, Muhibjamol (*ap.*) – гўзалликни яхши кўрувчи.

Муҳибкамол, Muhibkamol (*ap.*) – комилликни яхши кўрувчи.

Муҳйиддин, Muhyiddin (*ap.*) – сўзма-сўз. Динни тирилтирувчи; диний муҳит ривожланишига ҳисса қўшувчи. (Мазкур исм Яхё ибн Шараф Абу Закариё Нававийнинг лақаби бўлган, лекин Нававий: “Аллоҳнинг Дини доим тирик. Уни тирилтиришга ҳожат йўқ”, деб ҳаётлик чоғида ўзини бу лақаб билан чақиритиларига рози бўлмаган).

Муҳожир, Muhojir (*ap.*) – бирон гуноҳ амални Аллоҳ розилиги учун ташловчи; кўчиб ўтувчи * 1) Муҳожир Абул Ҳасан Тамимий (тобеин), 2) Муҳожир ибн Абу Муслим Ансорий (тобеин, Асмоъ бинти Язиднинг мавлоси, Амр ибн Муҳожир ва Муҳаммад ибн Муҳожирларнинг отаси), 3) Муҳожир ибн Икрима ибн Абдурахмон ибн Ҳорис ибн Ҳишом Қураший Махзумий (тобеин), 4) Муҳожир ибн Амр Шомий (тобеин), 5) Муҳожир ибн Махлад (кичик тобеин).

Муҳсин, Muhsin (*ap.*) – яхшилик қилувчи; хайр-саховат эгаси; ибодатларини худди Аллоҳни кўриб тургандек, хушуъ билан бажарувчи * Муҳсин ибн Ҳусайн Тавил (санъалик қори, етти қироат бўйича олим. Ҳижрий 1255-, мелодий 1839-йилда вафот этган).

Муҳсина, Muhsina (*ap.*) – “Муҳсин”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Муҳсинали, Muhsinali (*ap.*) – “Муҳсин” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Муҳсинанвар, Muhsinanvar (*ap.*) – “Муҳсин” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Муҳсинаҳмад, Muhsinahmad (*ap.*) – “Муҳсин” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Муҳтадийбиллоҳ, Muhtadiybillah (*ap.*) – Аллоҳнинг тавфиқи билан ҳидоят топувчи * Муҳтадийбиллоҳ (Муҳаммад) ибн Восиқ (Ҳорун) ибн Мўътасим (Муҳаммад) ибн Рашид Абу Исҳоқ Аббосий (амирул мўминин).

Муҳтарам, Muhtaram (*ap.*) – ҳурматли, обрўли, қадри баланд.

Мўмин, Mo‘min (*ap.*) – Аллоҳ таолога, имон келтириш лозим бошқа нарсаларга ҳақиқий имон келтирган инсон * Мўмин ибн Ҳасан Мўмин Шибланжий (фозил кишиландан (х. 1252-1308, мел. 1836-1891). “Ал-Азҳар”да таълим олган, сийрат ва тафсирга оид китоблар муаллифи).

Мўмина, Mo‘mina (*ap.*) – “Мўмин”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Мўминали, Mo‘minali (*ap.*) – “Мўмин” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Мўминанвар, Mo‘minanvar (*ap.*) – “Мўмин” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Мўминаҳмад, Mo‘minahmad (*ap.*) – “Мўмин” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Мўминкомил, Mo‘minkomil (*ap.*) – етук имон соҳиби бўлган мўмин киши.

Мўминмахмуд, Mo‘minmahmud (*ap.*) – “Мўмин” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Мўминмирзо, Mo‘minmirzo (*ap.-фм.*) – “Мўмин” ва “Мирзо” исмлари бирикмаси.

Мўминмуҳаммад, Mo‘minmuhammad (*ap.*) – “Мўмин” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Мўминризо, Mo‘minrizo (*ap.*) – “Мўмин” ва “Ризо” исмлари бирикмаси.

Мўътабар, Mo'tabar (*ap.*), (*a.u.*) – хурматли, эъзозли, кадрли (“Муҳтарам” исми билан маънодош).

Мўътамид, Mo'tamid (*ap.*) – Аллоҳ таолога суянувчи, У Зотнинг ёрдамидан умид қилувчи * Мўътамид ибн Аббод Муҳаммад ибн Мўътазидбиллоҳ ибн Зофирбиллоҳ (Андалус хукмдори).

Мўътасим, Mo'tasim – Аллоҳ таолога боғланиб, У Зотдан паноҳ ва нажот сўровчи * 1) Мўътасим (Муҳаммад) ибн Ҳорун Абу Исҳоқ Рашид ибн Муҳаммадмахдий ибн Мансур Аббосий (халифа), 2) Мўътасим ибн Сумодиҳ Абу Яҳё Тажибий Андалусий Муҳаммад ибн Маън (султон).

Н

Набил, Nabil (*ap.*) – шарафли, обрўъли; наслдор, насл-насаби тоза; хулқи чиройли, мақталган сифатлар билан сифатланган.

Набила, Nabila (*ap.*) – “Набил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Набила бинти султон Малик Музаффар Юсуф ибн Умар ибн Али ибн Расул (тақволи, муҳсина аёллардан. Ҳижрий 718-, мелодий 1318-йилда вафот этган).

Набиҳ, Nabih (*ap.*) – зийрак, хушёр; огоҳлантирувчи; шарафли, обрўъли, мартабаси баланд.

Набиҳа, Nabihah (*ap.*) – “Набиҳ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Набоҳат, Nabohat (*ap.*) – хурмат-эътибор эгаси, мартабаси улуғ; зийрак, ақлли, фатонатли.

Навф, Navf (*ap.*) – юқори мартаба соҳиби, шарафли, хурматли * Навф ибн Фузола Абу Язид Ҳимярий Биколий (катта тобеин. Ўз даврида Дамашқ аҳлининг имоми бўлган, ҳадис ровийси. Ҳижрий 90-, мелодий 714-йилдан кейин вафот этган. Бухорий ва Муслим ундан ривоят қилган).

Навфал, Navfal (*ap.*) – совға, ҳадя, тухфа * 1) Навфал Ашжаий (саҳобий, Фарва ибн Навфалнинг отаси), 2) Навфал ибн Муовия ибн Урва Абу Муовия Дуалий (саҳобий), 3) Навфал ибн Иёс Ҳузалий Маданий (катта тобеин), 4) Навфал ибн Мусоҳиқ ибн Абдуллоҳ Акбар ибн Махрама Абу Саъд Қураший Омирий (тобеин).

Нажиб, Najib (*ap.*) – машҳур; насли тоза, аслзода; пок, кўнглида кири йўқ * 1) Нажиб ибн Маймун ибн Саҳл ибн Али Абу Саҳл Воситий Ҳаравий (катта шайх, Ҳирот муҳаддиси. Ҳижрий 488-йилда рамазон ойининг 20-куни тўқсон олти ёшида вафот этган), 2) Нажиб Маҳфуз (мисрлик табиб, Америка ва Европадаги бир нечта тиббий ташкилотлар аъзоси – х. 1299-1394, мел. 1882-1974).

Нажиба, Najiba (*ap.*) – “Нажиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Нажибуллоҳ, Najibulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг кўнгли пок ва суюкли бандаси.

Нажих, Najih (*ap.*) – нажот топувчи, ғалабага эришувчи * Нажих ибн Абдурахмон Абу Маъшар Синдий Маданий (фақиҳ, тарих илми билимдони, асли Синддан, Бани Ҳошим мавлоси, кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган. У ҳижрий 170-, мелодий 787-йилда Бағдодда вафот этган, жанозасини халифа Ҳорун Рашид ўқиган. Унинг “Мағозий” номли китоби бор. Воқидий ва Ибн Саъд ундан нақл қилган).

Нажиха, Najihah (*ap.*) – “Нажих”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Нажм, Najm (*ap.*) – юлдуз.

Нажмиддин, Najmiddin (*ap.*) – Диннинг юлдузи; Ислом динига мансуб мартабаси баланд ва саодатли инсон * Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Абу Жанноб Нажмиддин Кубро Хоразмий Хивакий Суфий (шайх, имом, аллома, муҳаддис, шаҳид, Хуросон шайхи. Ҳадис талабида кўп юртларни кезган, Абу Тохир Силафий, Абу Алоъ Ҳамадоний, Муҳаммад ибн Бунаймон, Абдулмунъим ибн Фуровийлардан ҳадис эшитган. Нажмиддин Кубродан Абдулазиз ибн Ҳилола, Хатиб Дорайя Шамх, Носир ибн Мансур Урзий, шогирди Сайфиддин Бохарзий ва бошқалар ривоят қилишган).

Нажобат, Najobat (*ap.*), (*a.u.*) – пок, насли тоза, аслзода.

Нажох, Najoh (*ap.*), (*a.u.*) – нажот топувчи, муваффақиятга эришувчи.

Назир, Nazir (*ap.*) – огоҳлантирувчи, жаҳаннам азобидан эҳтиёт бўлишга чорловчи, кишиларни Аллоҳнинг ғзабидан кўрқишга чақирувчи.

Назира, Nazira (*ap.*) – “Назир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Назла, Nazla (*ap.*), (*э.и.*) – камон отиш мусобақасида ғолиб бўлувчи; танланган, сараланган * 1) Назла ибн Убайд ибн Обид Абу Барза Асламий (саҳобий. У асосан куняси билан машҳур бўлган. Исми борасида ихтилоф бор. Макка фатҳида иштирок этган. Ўша куни Каъба яқинида Абдульуззо ибн

Хатални ўлдирган. Буни унга Набий соллаллоху алайҳи ва саллам буюргандилар. Абу Барза Асламий хижрий 65-, мелодий 685-йилда Хуросонда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Назла жамаи 46 ҳадис ривоят қилган), 2) Назла ибн Амр Ғифорий (саҳоба, Ҳижозда яшаган), 3) Назла ибн Бухсул Ҳирмозий (саҳоба), 4) Назла ибн Моиз (саҳоба).

Назокат, Nazokat (*ap.*) – нозик, латофатли.

Назофат, Nazofat (*ap.*) – покиза ва озода аёл.

Назоҳат, Nazohat (*ap.*) – қалбини пок тутувчи, макруҳ амаллардан сақланувчи.

Назруллоҳ, Nazrulloh (*ap.*) – Аллоҳга ибодат, садақа ёки шу каби нарсаларни назр қилувчи, бағишловчи.

Наим, Naim (*ap.*) – фаровон; бахтли, саодатли, омадли.

Наима, Naima (*ap.*) – “Наим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Намоз, Namoz (*фм.*) – диннинг асосий устуни бўлмиш намозни вақтида, мукамал суратда ўқиб юрсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Наримон, Narimon (*фм.*) – жасур, довюрак, ботир, мустаҳкам иродали.

Насиб, Nasib (*ap.*) – жидду жаҳд қилувчи, тиришқоқ, ҳаракатчан.

Насиба, Nasiba (*ap.*) – “Насиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Насибуллоҳ, Nasibulloh (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг ҳаракатчан ва серғайрат бандаси.

Насим, Nasim (*ap.*) – енгил шабада; мулойим, ёқимли.

Насима, Nasima (*ap.*) – “Насим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Наср, Nasr (*ap.*) – ёрдам, кўмак; ғалаба, нусрат, зафар * 1) Наср ибн Даҳр ибн Аҳром ибн Молик Асламий (саҳобий), 2) Наср ибн Осим Лайсий Басрий (тобеин), 3) Наср ибн Абдурахмон Қураший Маккий (тобеин), 4) Наср ибн Имрон ибн Исом Басрий (тобеин), 5) Наср ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Иброҳим Абу Лайс Самарқандий (машҳур ҳанафий олими, фақиҳ ва муфассир. “Ал-Фақиҳ”, “Имомул ҳуда” ва “Шайхул ислом” лақаблари билан машҳур бўлган. “Умдатул ақоид”, “Баҳрул улум”, “Асрорул ваҳй”, “Хизонатул фикҳ”, “Танбеҳул ғофилийн”, “Бустонул орифин”, “Уюнул масоил”, “Фатово аби лайс”, “Шарҳу жомиъис сағир”, каби асарлар муаллифи).

Насриддин, Nasriddin (*ap.*) – Ислом динининг ривожи учун кўмаклашувчи, Дин учун қайғурувчи.

Насруллоҳ, Nasrulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг нусратига сазовор бўлувчи, Аллоҳ тарафидан ёрдамга эришувчи; Аллоҳнинг мададига таянувчи * 1) Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Абдулқавий Абул Фатҳ Массисий Лозикий Димашқий Шофеъий Ашъарий (шайх, имом, муфтий, Дамашқ шайхи. Ҳижрий 448-йилда туғилган), 2) Насруллоҳ ибн Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Абдулвоҳид Абу Саодат Қаззоз Шайбоний Бағдодий (шайх, Бағдод муҳаддиси), 3) Насруллоҳ ибн Али ибн Мансур Абул Фатҳ (ҳанафий мазҳаби фақиҳи, қироат илми билимдони (х. 502-586, мел. 1108-1190). Басра ва Воситда козилик қилган. Ўн қироат ҳақида “Ал-Муфида” китобини ёзган), 4) Насруллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Умар Абул Фатҳ Тустарий Бағдодий (ҳанбалӣ мазҳаби фақиҳи, адиб (х. 733-812, мел. 1333-1409). Бағдодда туғилиб вояга етган. Тафсир, ҳадис ва фикҳга оид бир нечта китоблар муаллифи), 5) Насруллоҳ ибн Абдуллоҳ (Аҳли Ҳалабдан бўлган фозил (х. 1257-1300, мел. 1841-1883). Ҳалабда туғилиб, Байрутда вафот этган, “Минҳожул илм” ва “Асмарут тадқиқ фи усулит таҳқиқ” каби китоблар муаллифи).

Нафиса, Nafisa (*ap.*) – кадрли, қимматли, кадри баланд; марғуб, севимли.

Нафосат, Nafosat (*ap.*) – нафис, гўзал, кўркем.

Неъматуллоҳ, Ne'matulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг неъмат, марҳамати, муруввати; Аллоҳнинг марҳаматига сазовор инсон.

Нигора, Nigora (*фм.*) – чиройли, зебо.

Низом, Nizom (*ap.*) – тартибли, интизомли.

Низомиддин, Nizomiddin (*ap.*) – Ислом динининг низоми ёки устуни (“Имодуддин” исми билан маънодош) * Низомиддин ибн мулла Қутбиддин Саҳолавий Ансорий (ҳиндистонлик фозил кишилардан. Усулул фикҳ ва ҳадисга оид китоблари бор. У хижрий 1161-, мелодий 1748-йилда вафот этган).

Ниҳола, Nihola (*фм.*) – ўсувчи, яшнайдиган (Бошқа шакллари: Ниҳолбиби, Ниҳолбону, Ниҳолгул, Ниҳолой).

Нобил, Nobil (*ap.*) – шарафли, обрўъли; наслдор, насл-насаби тоза; хулқи гўзал, мақталган сифатларга эга * Нобил Ҳижозий Маданий (тобеин, ишончли ҳадис ровийси. Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган).

- Нобила, Nobila** (*ap.*) – “Нобил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Нодир, Nodir** (*ap.*) – ноёб, қимматбаҳо; қадрли, ҳурматли.
- Нодира, Nodira** (*ap.*) – “Нодир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли. (Ушбу исмнинг бошқа шакллари: Нодирабегим, Нодирабека, Нодирабиби, Нодирабону).
- Нодирмахмуд, Nodirmahmud** (*ap.*) – “Нодир” ва “Махмуд” исмлари бирикмаси.
- Нодирмирза, Nodirmirza** (*ap.-ft.*) – “Нодир” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.
- Нодирмуҳаммад, Nodirmuhammad** (*ap.*) – “Нодир” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.
- Ножий, Nojiy** (*ap.*) – нажот топувчи, ғалаба қозонувчи, ютуққа эришувчи (“Муфлиҳ” исми билан маънодош) * Ножий ибн Абдуллоҳ Асил (доктор, табиб (х. 1315-1383, мел. 1897-1963). 1916-йилда Байрутдаги Америка тиббиёт университетини тамомлаган ва Мадинадаги Усманийлар кўшинида табиб бўлиб ишлаган).
- Ножия, Nojiya** (*ap.*) – “Ножий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли, аммо эркакларга ҳам, аёлларга ҳам исм сифатида қўйилиши мумкин * 1) Ножия ибн Жундуб ибн Умайр ибн Яъмар Асламий (саҳобий. Муовия даврида Мадинада вафот этган. Насоий ундан ривоят қилган), 2) Ножия ибн Жундуб ибн Каъб Хузойй (саҳобий. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 3) Ножия ибн Хаффоф Аназий Куфий (тобеин. Насоий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар уни макбул ровий санаган), 4) Ножия ибн Каъб Асадий (тобеин. Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 5) Ножия бинти Замзам Ғатафония (шоира. Биродари Ҳирам ибн Замзамга атаб марсия ёзган).
- Нозим, Nozim** (*ap.*) – тартибга солувчи; тартибли, одобли, интизомли.
- Нозима, Nozima** (*ap.*) – “Нозим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Ноил, Noil** (*ap.*) – эришувчи, мақсадга етувчи * Ноил ибн Нажийх Абу Сахл Ҳанафий Сақафий (кичик табаа тобеин, қози Исо ибн Абоннинг тоғаси. Ибн Можа ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар ва Заҳабий унинг заиф ровий эканини айтишган).
- Ноила, Noila** (*ap.*) – “Ноил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Ноила бинти Фарофиса ибн Аҳвас Калбийя (амирул мўминин Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхунинг завжаси. Хатиба ва шоира бўлган. Фикри теран, шижоатли аёллардан саналган).
- Ноир, Noir** (*ap.*) – нурли, зиёли; чиройли, кўркам.
- Ноира, Noira** (*ap.*) – “Ноир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Носир, Nosir** (*ap.*) – хайрли амалларга ёрдам берувчи, кўмаклашувчи * 1) Носир ибн Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Али ибн Қосим Абул Фатҳ Умарий Кураший (шофеъий мазҳаби фақиҳи, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху авлодидан. Ҳижрий 444-, мелодий 1053-йилда вафот этган), 2) Носир ибн Муҳаммад ибн Абу Йёз Абул Фатҳ Йёзий (фақиҳ, воиз, ҳадис билимдони, сарахслик. Ҳижрий 513-, мелодий 1119-йилда вафот этган), 3) Носир ибн Абдусайид Абул Макорим ибн Али Абул Фатҳ Бурхониддин Хоразмий (адиб, тил бўйича олим, ҳанафий мазҳаби фуқаҳоларидан (х. 538-610, мел. 1144-1213). Хоразмнинг Журжониясида туғилган. Нахв, тил, география, шеърятга оид китоблар муаллифи), 4) Носир ибн Ҳусайн Ҳасаний Нажафий (фозил кишилардан (х. 1069-1118, мел. 1659-1707). “Ал-Жадовилун нурония литасҳили истихрожил оётил куръония”, қисқача номи “Тайсирул калом” китоби муаллифи).
- Носира, Nosira** (*ap.*) – “Носир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Носирали, Nosirali** (*ap.*) – “Носир” ва “Али” исмлари бирикмаси.
- Носиранвар, Nosiranvar** (*ap.*) – “Носир” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.
- Носираҳмад, Nosirahmad** (*ap.*) – “Носир” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.
- Носириддин, Nosiriddin** (*ap.*) – Дин ривожига ҳисса қўшувчи.
- Носирмахмуд, Nosirmahmud** (*ap.*) – “Носир” ва “Махмуд” исмлари бирикмаси.
- Носирмуҳаммад, Nosirmuhammad** (*ap.*) – “Носир” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.
- Носих, Nosih** (*ap.*) – насиҳат қилувчи, маслаҳат берувчи, ўзгалар фойдасини кўзловчи; самимий, холис * 1) Носих ибн Абдуллоҳ Абу Абдуллоҳ Тамимий (катта табаа тобеин. Термизий ундан ривоят қилган, заиф ровий), 2) Носих Абу Абдуллоҳ Шомий (катта табаа тобеин, Бани Умайянинг мавлоси. “Сихоҳи ситта”дан биронтаси ундан ривоят қилмаган, аммо у ишончли ровий саналади).
- Носиха, Nosiha** (*ap.*) – “Носих”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Носихуддин, Nosihuddin** (*ap.*) – дин йўлида насиҳат қилувчи, Ислом ривожига учун одамларга ваъз айтувчи.

Нофeъ, Nofe' (*ap.*) – манфаат келтирувчи, фойдали, манфаатли * 1) Нофeъ ибн Абдулхорис ибн Холид Хузoий (саҳобий. Умар ибн Хаттоб томонидан Маккага омил (закот йиғувчи) қилиб тайинланган), 2) Нофeъ ибн Утба ибн Абу Ваққос (Молик) ибн Уҳайб ибн Абдуманот ибн Зухро Қураший Зухрий (кичик саҳобий, Саъд ибн Абу Ваққоснинг жияни), 3) Нофeъ Абу Абдуллоҳ Маданий (тобеин, Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттобнинг мавлоси, ишончли ҳадис ровийси, машҳур факих, тобеинлар имоми), 4) Нофeъ ибн Абу Нофeъ Баззоз Абу Абдуллоҳ (тобеин), 5) Нофeъ ибн Жубайр ибн Мутъим ибн Адий ибн Навфал Абу Муҳаммад Қураший Навфалий (тобеин), 6) Нофeъ ибн Маҳмуд ибн Рабийъ Ансорий Маданий (тобеин), 7) Нофeъ (тобеин, Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққоснинг мавлоси).

Нофeъа, Nofe'a (*ap.*) – “Нофeъ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Нуайм, Nuaym (*ap.*) – “Наим”нинг кичрайтирма шакли * 1) Нуайм ибн Ҳаммор (саҳобий), 2) Нуайм ибн Ҳаззол Асламий (саҳобий), 3) Нуайм ибн Масъуд ибн Омир Унайф ибн Саълаба Абу Салама (машҳур саҳобий), 4) Нуайм ибн Қаънаб Риёҳий (катта тобеин), 5) Нуайм ибн Дижожа Асадий Куфий (катта тобеин), 6) Нуайм ибн Рабийъа Аздий (катта тобеин), 7) Нуайм ибн Абу Ҳинд Нўъмон ибн Ашям Ашжаий Куфий (тобеин), 8) Нуайм ибн Ҳанзала Куфий (тобеин), 9) Нуайм ибн Зиёд Абу Талҳа Анморий (тобеин).

Нуайма, Nuayma (*ap.*) – “Нуайм”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Нумайр, Numayr – 1) Нумайр Абу Молик Хузoий (саҳобий. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам суҳбатларида бўлган. У Молик ибн Нумайрнинг отаси. Абу Довуд, Насoий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Нумайр ибн Хараша Сақaфий (саҳобий), 3) Нумайр ибн Авс Ашъарий (тобеин, Дамашқ қозиси. Ҳижрий 121/122-йилда вафот этган. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Термизий “Сунан”да ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Нумайр ибн Урайб Ҳамадоний Куфий (тобеин. Термизий ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Нумайра, Numayra – “Нумайр”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Нур, Nur (*ap.*) – нур, зиё; бахтли, омадли.

Нурaли, Nurali (*ap.*) – “Нур” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Нураҳмад, Nurahmad (*ap.*) – “Нур” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Нурбаҳор, Nurbahor (*ap.-фm*) – келажаги порлоқ қиз.

Нурвали, Nurvali (*ap.*) – “Нур” ва “Вали” исмлари бирикмаси.

Нурвафо, Nurvafo (*ap.*) – “Нур” ва “Вафо” исмлари бирикмаси.

Нургул, Nurgul (*ap.-фm.*), (*a.u.*) – нурли, саодатли; гулдек гўзал.

Нуржамол, Nurjamol (*ap.*), (*a.u.*) – нурли, истараси иссиқ, чехраси очик, чиройли.

Нуржаҳон, Nurjahon (*ap.-фm.*) – дунёдаги бахтли, саодатли инсон.

Нуриддин, Nuriddin (*ap.*) – Ислом динининг нури (“Зиёвуддин” ва “Шамсиддин” исмлари билан маънодош) * 1) Нуриддин Маҳмуд ибн Маҳмуд ибн Зинкий Абул Қосим Туркий (Шом давлати подшоҳи, адолатпарвар ҳукмдор. Ҳижрий 521-йил шаввол ойида туғилган), 2) Нуриддин ибн Ҳусайн Ансорий (фозил кишилардан. Ҳижрий 998-, мелодий 1590-йилда вафот этган).

Нуриимон, Nuriimon (*ap.*) – имон нури.

Нуриислом, Nuriislom (*ap.*) – “Нуриддин” исмининг бошқа кўриниши.

Нурий, Nuriy (*ap.*) – нурли, толеъи баланд, саодатли, бахтли, омадли.

Нуринисо, Nuriniso (*ap.*) – аёлларнинг энг нурлиси, энг гўзали, энг саодатманди.

Нурия, Nuriya (*ap.*) – нурли, зиёли; омадли, бахтли.

Нурзиё, Nurziyo (*ap.*) – “Нур” ва “Зиё” исмлари бирикмаси.

Нуркамол, Nurkamol (*ap.*) – “Нур” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Нуркарим, Nurkarim (*ap.*) – “Нур” ва “Карим” исмлари бирикмаси.

Нуркомил, Nurkomil (*ap.*) – “Нур” ва “Комил” исмлари бирикмаси.

Нурмаҳмуд, Nurmahmud (*ap.*) – “Нур” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Нурмурод, Nurmurod (*ap.*) – “Нур” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Нурмуҳаммад, Nurmuhammad (*ap.*) – “Нур” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Нурмўмин, Nurmo'min (*ap.*) – “Нур” ва “Мўмин” исмлари бирикмаси.

Нуролим, Nurolim (*ap.*) – “Нур” ва “Олим” исмлари бирикмаси.

Нурсайд, Nursaid (*ap.*) – “Нур” ва “Саид” исмлари бирикмаси.

Нурсалим, Nursalim (*ap.*) – “Нур” ва “Салим” исмлари бирикмаси.

Нурсулайм, Nursulaym (*ap.*) – “Нур” ва “Сулайм” исмлари бирикмаси.

Нуруллоҳ, Nurulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг нурига – раҳмати ва ҳидоятига сазовор инсон.

Нурфаёз, Nurfayoz (*ap.*) – “Нур” ва “Фаёз” исмлари бирикмаси.

Нурфайз, Nurfayz (*ap.*) – “Нур” ва “Файз” исмлари бирикмаси.

Нурюз, Nuryuz (*ap.* -ўз) – юзидан нур ёғилувчи.

Нурқобил, Nurqobil (*ap.*) – “Нур” ва “Қобил” исмлари бирикмаси.

Нурқосим, Nurqosim (*ap.*) – “Нур” ва “Қосим” исмлари бирикмаси.

Нурғиёс, Nurg‘iyos (*ap.*) – “Нур” ва “Ғиёс” исмлари бирикмаси.

Нурғози, Nurg‘ozi (*ap.*) – “Нур” ва “Ғози” исмлари бирикмаси.

Нурҳаё, Nurhayo (*ap.*), (*a.u.*) – “Нур” ва “Ҳаё” исмлари бирикмаси.

Нурҳаёт, Nurhayot (*ap.*), (*a.u.*) – “Нур” ва “Ҳаёт” исмлари бирикмаси.

Нусайба, Nusayba (*ap.*) – “Насиба”нинг кичрайтирма шакли * 1) Нусайба бинти Каъб Умму Атийя Ансория Мадания (саҳобия, Басрада яшаган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Нусайба бинти Каъб ибн Амр ибн Авф ибн Мабзул ибн Амр ибн Ғанм ибн Мозин ибн Наҷжор Умму Умора Мозиния Ансория (саҳобия. Ўз шижоати билан машҳур бўлган, Ақаба, Уҳуд, Худайбия, Хайбар, Хунайн ва бошқа ғазотларда қатнашган. У жангларда жароҳат олганларга ёрдам бериш билан бирга худди эркаклар каби мардонавор жанг қиларди. Нусайба Умму Умора Мадинада яшаган. Ҳижрий 13-, мелодий 634-йилда вафот этган).

Нусрат, Nusrat (*ap.*), (*a.u.*) – ёрдам, кўмак; ғалаба, зафар.

Нусратуллоҳ, Nusratulloh (*ap.*), (*э.у.*) – Аллоҳнинг ёрдами, кўмаги, нусрати (“Насруллоҳ” ва “Авнуллоҳ” исмлари билан маънодош).

Нўъмон, No‘mon (*яҳ.*) – илтифотли, муруватли, саховатли, лутф-карам эгаси * 1) Нўъмон ибн Башир ибн Саъд ибн Саълаба ибн Жулос Абу Абдуллоҳ Ансорий Хазражий (саҳобий), 2) Нўъмон ибн Муқаррин (ёки Муқрин) Абу Амр Музаний (саҳобий), 3) Нўъмон ибн Мурра Ансорий Маданий (катта тобеин), 4) Нўъмон ибн Абу Айёш Абу Салама Маданий (тобеин), 5) Нўъмон ибн Солим Тоифий (тобеин), 6) Нўъмон ибн Амр ибн Муқаррин (тобеин), 7) Нўъмон ибн Собит ибн Зута Абу Ҳанифа Таймий Куфий (кичик тобеин, машҳур фақиҳ, Ҳанафий мазҳаби асосчиси. Ислом оламида “Имоми Аъзам” лақаби билан танилган. Саҳобалардан олти, тобеинлардан тўқсон уч киши билан учрашган).

Нўъмонбашир, No‘monbashir (*ap.*) – “Нўъмон” ва “Башир” исмлари бирикмаси.

Нўъмонсобит, No‘monsobit (*ap.*) – “Нўъмон” ва “Собит” исмлари бирикмаси.

Нух⁴¹, Nuh (*яҳ.*) – ақлли, доно; тинч; вазмин, босик * 1) Нух ибн Ломак ибн Матушалх ибн Идрис ибн Ярид ибн Маҳлойил ибн Қайнон ибн Ануш ибн Шис ибн Одам⁴² алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг улул азм пайғамбарларидан), 2) Нух ибн Абу Билол Хайбарий Маданий (кичик тобеин, Муовия ибн Абу Суфённинг мавлоси), 3) Нух ибн Саъсаъа Маккий Ҳижозий (тобеин), 4) Нух ибн Абу Марям Абу Исмаил Марвазий (катта табаа тобеин), 5) Нух ибн Заквон Басрий (катта табаа тобеин).

О

Обид, Obid (*ap.*) – Аллоҳ таолога ибодат қилувчи * Обид ибн Ҳусайн Моликий (маккалик фақиҳ – х. 1275-1341, мел. 1859-1923).

Обида, Obida (*ap.*) – “Обид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Обидуллоҳ, Obidulloh (*ap.*) – Аллоҳ таолога ибодат қилувчи, Аллоҳнинг бандаси. “Обид”нинг хос шакли.

Огоҳ, Ogoh (*фм.*) – зийрак, ақлли.

Одам⁴³, Odam (*ap.*) – тўқ жигарранг, бўғдой ранг; тупроқ (“Одам” башарият отасининг исми саналади. Куръони каримда “Одам” исми инсониятнинг илк вакилига нисбатан ишлатилган) * 1) Одам алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг энг биринчи пайғамбари, Ер юзидаги барча инсонлар отаси), 2) Одам ибн Али Ижлий Шайбоний (тобеин), 3) Одам ибн Абу Йёс ибн Мухаммад ибн Шуайб Хуросоний

⁴¹ “Нух” исми инглиз тилида “Noah” шаклида қўлланади.

⁴² Одам ва Нух алайҳимуссалом орасида минг йил бор.

⁴³ “Одам” исми инглиз тилида “Adam” шаклида қўлланади.

Марвазий (табаа тобеин, имом Бухорий шайхларидан), 4) Одам ибн Сулаймон Кураший Куфий (табаа тобеин).

Одил, Odil (*ap.*) – адолатли, адолат билан иш тутувчи, ноҳақликка йўл қўймайдиган (Бошқа шакллари: Одилбек, Одилхон, Одилхўжа).

Одила, Odila (*ap.*) – “Одил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Одина, Odina (*фм.*) – хосиятли кунда туғилган қиз (Бошқа шакллари: Одинабиби, Одинабону, Одинагул, Одинасулув).

Озиб, Ozib (*ap.*) – махфий, яширинган; узоқ, олис * Озиб ибн Ҳорис ибн Адий ибн Жушам ибн Мужаддаъа ибн Ҳориса ибн Ҳорис Абу Бароъ (саҳобий, машҳур саҳобий Бароъ ибн Озиб розияллоху анху отаси).

Озод, Ozod (*фм.*) – озод, эркин, хур (Бошқа шакллари: Озодали, Озодбахт, Озодбек, Озодкелди, Озодмурод).

Озода, Ozoda (*фм.*) – “Озод” исмининг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Оиз, Oiz (*ap.*) – барча ёмонликлардан Аллоҳ таоло паноҳ беришини сўровчи * 1) Оиз ибн Амр ибн Ҳилол ибн Убайд ибн Язид ибн Равоҳа ибн Забиба ибн Адий ибн Омир ибн Абдуллоҳ ибн Саълаба ибн Савр ибн Ҳурмуз ибн Лотим ибн Усмон ибн Амр Абу Ҳубайра Музаний (саҳобий. Рофеъ ибн Амр Музаний биродари. Басрада яшаган. Ибн Зиёд даврида шу ерда вафот этган. Бухорий, Муслим ва Насоий ундан ривоят қилган), 2) Оиз ибн Саид ибн Зайд ибн Жундуб ибн Жобир ибн Зайд ибн Абдулҳорис ибн Маъийс Жасрий (саҳобий. Ҳижрий 37-йилда Сиффинда Али розияллоху анху билан бирга ҳалок бўлган), 3) Оиз ибн Абу Оиз Жўъфий (саҳобий), 4) Оиз ибн Саълаба ибн Вабар Балавий (саҳобий), 5) Оиз ибн Абдуамр Аздий (саҳобий, басралик саналади), 6) Оиз ибн Ҳабиб ибн Маллоҳ Абу Аҳмад Абсий (кичик табаа тобеин. Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Оиза, Oiza (*ap.*) – “Оиз”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Оизуллоҳ, Oizulloh (*ap.*) – “Оиз” исмининг хос шакли * 1) Оизуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Амр Абу Идрис Хавлоний Авзий Димашкий (катта тобеин. Шом аҳли воизи ва олими (х. 8-80, мел. 630-700). Убода ибн Сомит ва Абу Дардодан ҳадис ривоят қилган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари унинг ривоятини ўз китобларида келтиришган), 2) Оизуллоҳ Абу Муоз Мужошиъий (катта табаа тобеин. Ибн Можа ундан ривоят қилган, заиф ровий).

Оиш, Oish (*ap.*) – яшовчи, умр кўрувчи * Оиш ибн Анас Бакрий Куфий (тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Оиша, Oisha (*ap.*) – “Оиш”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Оиша бинти Абу Бакр Сиддик Умму Абдуллоҳ Курашия Таймия Маккия (машҳур саҳобия, уммул мўминин, мусулмон аёлларнинг энг фақиҳи, Дин ва адабнинг мукаммал билимдони, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламга аёллари ичида энг суюқлиси, завжоти мутаҳҳарот ичида энг кўп ҳадис (2210 та) ривоят қилган зот (ҳиж. авв. 9 – ҳиж. 57, мел. 613-678). Ҳижрий 57-йилда вафот қилган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Оиша розияллоху анҳо олти ёшлигида Набий соллаллоху алайҳи ва саллам уни никоҳларига олганлар. Тўққиз ёшидан бошлаб у билан ҳақиқий ҳаёт кечира бошлаганлар. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам вафот этганларида Оиша онамиз ўн саккиз ёш бўлганлар), 2) Оиша бинти Масъуд ибн Асвад Адавия (саҳобия. Ибн Можа ундан ривоят қилган), 3) Оиша бинти Қудома ибн Мазъун Жумаҳия (саҳобия), 4) Оиша бинти Талҳа ибн Убайдуллоҳ Умму Имрон Курашия Таймия Мадания (тобеин, Умму Кулсум бинти Сиддикнинг қизи, Абдуллоҳ ибн Абдурахмоннинг завжаси. Ҳижрий 100-йилдан кейин вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Оиша бинти Саъд ибн Абу Ваққос Курашия Зухрия Мадания (тобеин (х. 33-117, мел. 653-735). Уммул мўмининдан олтитасини кўрган. Ундан кўпгина уламолар илм олишган. Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган), 6) Оиша бинти Исо ибн Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Қудома (ҳадис ровийси, обида зотлардан. Ҳадис илмида машҳур бўлган. Ҳижрий 697-, мелодий 1298-йилда вафот этган), 7) Оиша бинти Муҳаммад ибн Абдулҳодий Умму Муҳаммад Макдисий (ўз даврининг муҳаддислари саййидаси (х. 723-816, мел. 1323-1413). Дамашқда туғилиб, ўша ерда вафот этган).

Ойбек, Oybek (*ўз.*) – беклар наслига мансуб бахтли инсон.

Ойгул, Oygul (*ўз.-фм.*) – ойдек чиройли, гулдек нафис.

Ойғўзал, Oyo‘zal (*ўз.*) – ойдек гўзал.

- Ойдин, Oydin** (ўз.), (*a.u.*) – бахтли-саодатли бўлсин, деган умидда қўйиладиган исм.
- Ойжамол, Oyjamol** (ўз.-*ap.*) – ойдек чиройли.
- Ойжахон, Oyjahon** (ўз.-*фм.*) – оламдаги энг чиройли қиз.
- Ойнисо, Oyniso** (ўз.-*ap.*) – аёллар ичида ойдек гўзали.
- Ойнур, Oynur** (ўз.-*ap.*) – Ой нури.
- Ойсулув, Oysuluv** (ўз.) – ойдек чиройли қиз.
- Ойтож, Oytoj** (ўз.-*ap.*) – нурли тож соҳибаси.
- Ойчеҳра, Oychehra** (ўз.-*фм.*) – чеҳраси ойдек чиройли, ойюз.
- Оламгир, Olamgir** (*ap.-фм.*) – музаффар, ғолиб; юрт кезувчи, оламни айланувчи.
- Олим, Olim** (*ap.*) – илмли, олим, билимдон, маърифатли (Бошқа шакллари: Олимтой, Олимхон, Олимхўжа, Олимҳож).
- Олима, Olima** (*ap.*) – “Олим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Олимбиллоҳ, Olimbilloh** (*ap.*) – Аллоҳни таниган, У Зотни яхши кўрган инсон.
- Олимиддин, Olimiddin** (*ap.*) – Ислом дини яхши билувчи, Дин билимдони (“Орифиддин” исми билан маънодош).
- Олимсаид, Olimsaid** (*ap.*) – “Олим” ва “Саид” исмлари бирикмаси.
- Олмос, Olmos** (*ap.*), (*a.u.*) – олмос, бриллиант.
- Олтин, Oltin** (ўз.) – олтин каби қадрли, эъзозли, ҳурматли.
- Олтиной, Oltinoy** (ўз.) – “Олтин”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Омил, Omil** (*ap.*) – Шариат аҳкомларига амал қилувчи; закот йиғувчи; меҳнат қилувчи, ишчи.
- Омина, Omina** (*ap.*) – хавфсиз, тинч, ҳимояга олинган *1) Омина бинти Ваҳб ибн Абдуманоф (Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам оналари, насаб ва мавқеъ жиҳатидан Қурайшнинг энг афзал аёлларидан. Ақл-заковати, баён услуби билан бошқалардан ажралиб турган. Уни амакиси Вухайб ибн Абдуманоф тарбиялаган. Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб уни никоҳига олган ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳомиладор бўлган. Бу даврда Абдуллоҳ Ғазога тижорат сафари билан кетган бўлиб, қайтаётиб Мадинада бетоб бўлиб қолади ва вафот этади. Абдуллоҳ вафотидан кейин Омина фарзанд кўради. Омина ҳар йили Маккадан Мадинага бориб келарди. У ҳижрат 45 йил аввал, мелодий 575-йилда вафот этган), 2) Омина бинти Анон ибн Ҳасан ибн Анон Умму Муҳаммад Узрий (бағдодлик фозила аёллардан. Ҳижрий 656-, мелодий 1258-йилда вафот этган).
- Омир, Omir** (*ap.*) – узоқ яшовчи; таскин топувчи; бунёд қилувчи, обод қилувчи * 1) Омир ибн Абдуллоҳ ибн Жарроҳ ибн Ҳилол ибн Уҳайб ибн Забба ибн Ҳорис ибн Фихр ибн Молик ибн Назр ибн Кинона Абу Убайда Фихрий Қураший (машҳур саҳобий. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни “Амийнул умма” (“Мусулмон умматининг ишончли кишиси”) деб атаганлар. Ҳақиқатан, Абу Убайда саҳобалар ичида ишончли киши сифатида ном қозонган. “Сиҳоҳи ситта” соҳиблари Абу Убайдадан ҳадис ривоят қилишган. Омир Шом юртларини фатҳ қилишда катта жидду жаҳд кўрсатган. Ҳижрий 18-йилда Урдун ва Фаластинда тарқалган вабо касали сабаб ҳаётдан кўз юмган), 2) Омир ибн Рабийъа ибн Каъб ибн Молик Абу Абдуллоҳ Анзий Адавий (саҳобий), 3) Омир ибн Шаҳр Абу Шаҳр Ҳамдоний (саҳобий), 4) Омир ибн Саъд ибн Абу Ваққос Қураший Маданий (тобеин. Омир ибн Саъд отаси Саъд ибн Абу Ваққос, Усмон ибн Аффон, Ибн Умар, Оиша ва бошқа саҳобалардан ҳадис ривоят қилган), 5) Омир ибн Абдуллоҳ (тобеин), 6) Омир ибн Шароҳил Абу Амр Куфий (тобеин. Абу Ҳанифага ҳадис илмидан дарс берган), 7) Омир ибн Шақиқ ибн Ҳамза Асадий Куфий (табаа тобеин).
- Омира, Omira** (*ap.*) – “Омир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Омон, Omon** (*ap.*) – соғ-саломат, тинч, хавф-хатарсиз (Бошқа шакллари: Омонбахт, Омонбек, Омонберди, Омонбой, Омондавлат, Омонёр, Омонжон, Омонмурод, Омонсаид, Омонхўжа).
- Омонат, Omonat** (*ap.*) – омонатни ўз эгасига топширувчи, омонатга хиёнат қилмайдиган.
- Омонуллоҳ, Omonulloh** (*ap.*) – Аллоҳ ҳимоясидаги соғ-саломат инсон * Омонуллоҳ ибн Нуруллоҳ ибн Ҳусайн Банорасий Ҳиндий (фозил кишилардан, тафсир, усулул фикҳ ва ақоидга оид китоблар муаллифи. Ҳижрий 1133-, мелодий 1721-йилда вафот этган).
- Онаҳон, Onaxon** (ўз.) – мухтарама оналар каби ҳурматли, эъзозли, қадрли.
- Орзу, Orzu** (*фм.*), (*a.u.*) – умид, ният, орзу (“Амал” исмининг форсча шакли).
- Ориф, Orif** (*ap.*) – билувчи, танувчи, маърифатли, ирфон эгаси.
- Орифа, Orifa** (*ap.*) – “Ориф”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Орифиддин, Orifiddin (*ap.*) – Динни яхши билувчи, Ислом аҳкомларидан хабардор, Дин илмларида олим киши.

Орифуллох, Orifulloh (*ap.*) – Аллоҳни танийдиган; У Зотнинг ҳақларини биладиган (Ушбу исм “Орифбиллох” шаклида ҳам қўлланилиши мумкин).

Орият, Oriyat (*ap.*), (*a.u.*) – ор-номусли, ориятли.

Ормиё⁴⁴, Ormiyo (*ubp.*) – “Парвардигорим мени юқорига кўтаради”.

Ортиқ, Ortiq (*ўз.*) – кўпаювчи, ўсувчи (“Зиёд” исмининг ўзбекча шакли).

Ортиқали, Ortiqali (*ўз.-ap.*) – “Ортиқ” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ортиқой, Ortiqoy (*ўз.*) – “Ортиқ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Осим, Osim (*ap.*) – кўриқланган, ҳимоя остига олинган, Аллоҳнинг паноҳидаги инсон * 1) Осим ибн Адий ибн Жад ибн Ажлон Абу Абдуллоҳ Қузойи Ансорий (саҳобий), 2) Осим ибн Умар ибн Хаттоб Абу Умар Қураший Адавий (кичик саҳобий. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётликларида туғилган), 3) Осим ибн Ҳумайд Сақуний Ҳимсий (катта тобеин, Муоз ибн Жабалнинг шогирдларидан), 4) Осим ибн Мунзир ибн Зубайр ибн Аввом Қураший Асадий (тобеин), 5) Осим ибн Ҳаким Абу Муҳаммад (катта табаа тобеин), 6) Осим ибн Абу Нажуд Абу Бакр Асадий Куфий (табаа тобеин, машҳур етти қорилардан бири. Абдурахмон Суламийдан қироат илмини ўрганган).

Осима, Osima (*ap.*) – “Осим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Отабек, Otabek (*ўз.*) – ёши кекса оталар каби эъзозли, ҳурматли бўлсин.

Отир, Otir (*ap.*) – хушбўй, муаттар, мушқу анбар сепиб хушбўй бўлиб юрувчи.

Офият, Ofiyat (*ap.*), (*a.u.*) – соғ, омон, тинч, хотиржам.

Офиятуллох, Ofiyatulloh (*ap.*), (*э.у.*) – Аллоҳнинг офияти, муруввати, марҳамати; Аллоҳнинг офиятига сазовор инсон.

Оят, Oyat (*ap.*), (*a.u.*) – белги, аломат; мўъжиза.

Оятуллох, Oyatulloh (*ap.*), (*э.у.*) – Аллоҳнинг мўжизаси; Аллоҳнинг Яккаю Ягоналигига далолат қилувчи аломати, белгиси.

Оқил, Oqil (*ap.*) – ақлли, зукко, ақл-идрок эгаси, фаҳм-фаросатли * Оқил ибн Букайр ибн Абдуёлайл ибн Ношиб ибн Ғийра ибн Саъд ибн Лайс ибн Букайр ибн Абдуманот ибн Кинона Лайсий (саҳоба, Ёсир, Холид ва Осимларнинг биродари. Унинг исми “Ғофил” эди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни “Оқил”га ўзгартирганлар. Расулуллоҳ Оқилни Мубашшир ибн Абдулмунзир билан биродар қилиб қўйганлар. Иккови Бадрда ҳалок бўлган).

Оқила, Oqila (*ap.*) – “Оқил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Оқюлдуз, Oqyulduz (*ўз.*) – оқ рангдаги юлдуз.

Оға, Og‘a (*ўз.*) – мартабаси баланд бўлсин, деган ниятда қўйидалиган исм.

Оғабек, Og‘abek (*ўз.*) – беклар бошлиғи.

Оғамаҳмуд, Og‘amahmud (*ўз.-ap.*) – “Оға” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Оғамурод, Og‘amurod (*ўз.-ap.*) – “Оға” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Оғамуҳаммад, Og‘amuhammad (*ўз.-ap.*) – “Оға” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Р

Раббоний, Rabboniyy (*ap.*) – доим Аллоҳни зикр қилиб, У Зот амрларини бажариб, қайтарган ишлардан қайтувчи, ҳар қачон Парвардигор айтганларини адо этувчи банда.

Раббония, Rabboniya (*ap.*) – “Раббоний”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Рабоҳ, Raboh (*ap.*) – ўсиш, кўпайиш, зиёда бўлиш; барака, файз * 1) Рабоҳ ибн Рабийъ Тамимий Усайдий (саҳобий), 2) Рабоҳ Куфий (тобеин), 3) Рабоҳ ибн Абдурахмон ибн Абу Суфён ибн Ҳувайтиб ибн Абдулғуззо ибн Абу Қайс Абу Бакр Қураший Омирий (кичик тобеин).

Равза, Ravza (*ap.*), (*a.u.*) – жаннат, боғ * Равза (саҳобия, Шайба бинти Асвад ундан ривоят қилган).

Равшан, Ravshan (*фм.*) – ёруғ, чароғон, беғубор.

⁴⁴ “Ормиё” исми инглиз тилида “Jeremiah” шаклида қўлланади. Мазкур исм “жорий”, “ёх”, “мой” ва “ёх” сўзларидан иборат бўлиб, “Раббим мени кўтаради” маъносини англатади. Бу исм Европада 17 хил шаклда қўлланади. Ғарб тилларидаги “Жеремий” исми ҳам “Ормиё”нинг шаклларида бири саналади.

Равх, Ravh (*ap.*) – раҳмат, мағфират; инъом, эҳсон, яхшилик * 1) Равх ибн Қосим Тамимий Анбарий Абу Гиёс (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси), 2) Равх ибн Жуноҳ Абу Саъд Кураший Умавий (катта табаа тобеин), 3) Равх ибн Анбаса ибн Саид ибн Айёш Абу Абдулкарим Кураший Умавий (катта табаа тобеин, Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг мавлоси, Абдулкарим ибн Равҳнинг отаси).

Равхуллох, Ravhulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг раҳмати (“Раҳматуллох” исми билан маънодош).

Ражаб, Rajab (*ap.*) – қамарий йил ҳисоби бўйича еттинчи ой номи * Ражаб ибн Мазкур ибн Арнаб Абулхуром Азажий Аккоф (шайх, ҳадис ровийси. Ҳижрий 589-йил рамазон ойида вафот этган).

Ражабали, Rajabali (*ap.*) – “Ражаб” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ражабмаҳмуд, Rajabmahmud (*ap.*) – “Ражаб” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Ражабмурод, Rajabmuurod (*ap.*) – “Ражаб” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Ражабмуҳаммад, Rajabmuhammad (*ap.*) – “Ражаб” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Ражоъ, Rajoʻ (*ap.*), (*э.у.*) – умид, ишонч, илинж, ражо * 1) Ражоъ ибн Ҳаё ибн Жарвал ибн Аҳнаф ибн Самт Абу Микдом Киндий (машҳур тобеин. Фақиҳ бўлган), 2) Ражоъ ибн Рабийъа Абу Исмоил Куфий (тобеин, Исмоил ибн Ражоънинг отаси), 3) Ражоъ ибн Абу Ражоъ Боҳилий Басрий (тобеин), 4) Ражоъ ибн Абу Салама Абу Микдом Шомий (катта табаа тобеин, фозил ва обид кишилардан бўлган).

Раззоқберган, Razzoqbergan (*ap.*-ўз.) – “Раззоқ” сифатли Аллоҳ берган фарзанд.

Раззоқберди, Razzoqberdi (*ap.*-ўз.) – “Раззоқберган” билан маънодош.

Раззоққул, Razzoqqul (*ap.*-ўз.) – “Раззоқ” сифатли Аллоҳнинг бандаси.

Райҳон, Rayhon (*ap.*), – хушбўй, муаттар * 1) Райҳон ибн Язид Омирий Бадвий (тобеин. Абу Довуд ва Термизий ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 2) Райҳон ибн Саид ибн Мусанно ибн Маъдон ибн Зайд ибн Казмон ибн Ҳорис ибн Ҳориса ибн Молик Абу Исмаил Кураший Сомий Ножий (кичик табаа тобеин. Ҳижрий 203-йилда вафот этган. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 3) Райҳон ибн Тийкон ибн Мувсак Абулхайр Курдий Бағдодий Ҳарбий (қорилар шайхи. Ҳижрий 616-йилда сафар ойида тахминан юз ёшида вафот этган).

Райҳона, Rayhona (*ap.*), (*а.у.*) – “Райҳон” исмининг бошқа шакли * Райҳона бинти Зайд ибн Амр ибн Ханофа (Набий соллаллоху алайҳи ва саллам завжаларидан бири. Бани назирлик, яҳудий бўлган. Райҳона ҳижрий 6-йилда Ислонни қабул қилган. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам уни озод қилиб, сўнг никоҳларига олганлар).

Рамазон, Ramazon (*ap.*) – қамарий йил ҳисоби бўйича тўққизинчи ой номи * 1) Рамазон ибн Абдулҳақ Уккорий (ҳанафий мазҳаби фақиҳи (х. 984-1056, мел. 1576-1646). Дамашқлик), 2) Рамазон ибн Мусо ибн Маҳмуд ибн Аҳмад (ҳанафий мазҳабига мансуб дамашқлик адиблардан (х. 1019-1095, мел. 1610-1684). Фиқҳ ва ҳадис илмини ўрганган, адабиёт, тарих ва бошқа мавзуларга оид китоблар муаллифи).

Рамзиддин, Ramziddin (*ap.*) – Ислон динининг белгиси, рамзи, тимсоли.

Рамла, Ramla (*ap.*) – қум зарраси (Камтарлик маъносида қўйиладиган исм) * Рамла бинти Абу Суфён (Саҳр) ибн Ҳарб ибн Умайя ибн Абдушамс ибн Абдуманоф ибн Қусай Умму Ҳабиба Курашия Умавия (машҳур саҳобия, Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг завжалари (ҳижратдан аввалги 25 – х. 44, мел. 596-664). Куняси билан танилган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Умму Ҳабиба жами 65 та ҳадис ривоят қилган).

Расул, Rasul (*ap.*) – элчи.

Изоҳ: биз “Расул” ёки “Набий”, дейилганда Аллоҳ тарафидан юборилган пайғамбарларни тушунаемиз. Аммо “Расул” исми баъзи ҳолларда “элчи” маъносида оддий инсонларга ҳам ишлатилиши мумкин. Аслида араблар элчиси “сафир”, дейдилар. Юсуф сурасида “қачонки расул келганида...” деб оддий элчи назарда тутилган.

Рауф, Rauf (*ap.*) – меҳрибон, кўнгилчан.

Рафиуддин, Rafiuddin (*ap.*) – Динни юксалтирувчи. (“Иззуддин” билан маънодош).

Рафиқ, Rafiq (*ap.*) – дўст, ҳамдам, ўртоқ; саҳий, очиқ қўл.

Рафиқа, Rafiqah (*ap.*) – “Рафиқ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Рашид, Rashid (*ap.*) – тўғри йўлдаги, инсофли, ақли расо.

Рашод, Rashod (*ap.*) – ҳақ йўлда юрувчи.

Рашшод, Rashshod (*ap.*) – тўғри йўлда юрувчи; тўғри йўлга тарғиб қилувчи; тўғриловчи, ислох қилувчи (“Рошид” исмининг кучайтирма шакли).

Рашшода, Rashshoda (*ap.*) – “Рашшод”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Раъно, Ra’no – чиройли, зебо, хушрўй.

Раҳим, Rahim (*ap.*) – раҳмдил, меҳрибон, марҳаматли (Аслида “Раҳим” Аллоҳ таолонинг сифати бўлса-да, аммо бандалар орасидан баъзилари, хусусан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам “Раҳим” сифати билан сифатланганлар. Шуни унутмаслик лозим, Аллоҳ таолонинг “Раҳим” сифати билан банданинг “раҳим” сифати орасида фарқ бор).

Раҳима, Rahima (*ap.*) – “Раҳим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Раҳимали, Rahimali (*ap.*) – “Раҳим” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Раҳимберган, Rahimbergan (*ap.-ўз.*) – қиёмат куни фақат мўминларга раҳмат назари билан қарайдиган Аллоҳ берган фарзанд.

Раҳимберди, Rahimberdi (*ap.-ўз.*) – “Раҳимберган” исми билан бир хил маъно англатади.

Раҳимдўст, Rahimdo’st (*ap.-фм.*) – меҳрибон ва раҳмли Аллоҳнинг валий бандаси.

Раҳимёр, Rahimyor (*ap.-фм.*) – меҳрибон ва раҳмли Аллоҳ қўллайдиган банда.

Раҳиммахмуд, Rahim Mahmud (*ap.*) – “Раҳим” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Раҳиммурод, Rahim murod (*ap.*) – “Раҳим” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Раҳиммуҳаммад, Rahim Muhammad (*ap.*) – “Раҳим” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Раҳимқул, Rahimqul (*ap.-ўз.*) – Раҳим сифатли Аллоҳнинг бандаси.

Раҳмат, Rahmat (*ap.*) – марҳамат, мурувват, илтифот кўрувчи.

Раҳматуллоҳ, Rahmatulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг раҳмати, марҳамати ва илтифотига сазовор банда.

Раҳмонберган, Rahmonbergan (*ap.-ўз.*) – Раҳмон сифатли Аллоҳ берган фарзанд.

Раҳмонберди, Rahmonberdi (*ap.-ўз.*) – “Раҳмонберган” исми билан маънодош.

Раҳмондўст, Rahmondo’st (*ap.-фм.*) – меҳрибон Аллоҳнинг валий бандаси.

Раҳмонёр, Rahmonyor (*ap.-фм.*) – “Раҳмондўст” билан маънодош.

Раҳмонқул, Rahmonqul (*ap.-ўз.*) – Раҳмон сифатли Аллоҳнинг бандаси.

Ризвон, Rizvon (*ap.*) – розилик, рози бўлиш; Аллоҳнинг розилигига эришувчи; қаноатли, шукрли *
1) Ризвон ибн Муҳаммад ибн Юсуф Абу Нуайм Ақабий Шофеъий Мисрий (ҳадис ҳофизларидан – х. 769-852, мел. 1368-1448), 2) Ризвон ибн Абдуллоҳ Абу Нуайм Фосий (моликий мазҳаби фақиҳи (х. 912-991, мел. 1505-1583), зоҳидлардан. Фикҳга оид китоб ёзган), 3) Ризвон ибн Муҳаммад ибн Сулаймон Абу Ийд (қироатлар олими, мисрлик, етти ва ўн қироатга оид китоб муаллифи. Ҳижрий 1311-, мелодий 1893-йилда вафот этган).

Ризвонуллоҳ, Rizvonulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг розилигига эришувчи.

Ризо, Rizo (*ap.*) – “Ризвон” исми билан бир хил маъно англатади.

Ризоали, Rizoali (*ap.*) – “Ризо” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ризоамин, Rizoamin (*ap.*) – “Ризо” ва “Амин” исмлари бирикмаси.

Ризоанвар, Rizoanvar (*ap.*) – “Ризо” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Ризоафзал, Rizoafzal (*ap.*) – “Ризо” ва “Афзал” исмлари бирикмаси.

Ризоаҳмад, Rizoahmad (*ap.*) – “Ризо” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Ризовали, Rizovali (*ap.*) – “Ризо” ва “Вали” исмлари бирикмаси.

Ризожамил, Rizojamil (*ap.*) – “Ризо” ва “Жамил” исмлари бирикмаси.

Ризокамол, Rizokamol (*ap.*) – “Ризо” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Ризомақсуд, Rizomaqsud (*ap.*) – “Ризо” ва “Мақсуд” исмлари бирикмаси.

Ризомахмуд, Rizomahmud (*ap.*) – “Ризо” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Ризомурод, Rizomurod (*ap.*) – “Ризо” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Ризомухтор, Rizomuxtor (*ap.*) – “Ризо” ва “Мухтор” исмлари бирикмаси.

Ризомуҳаммад, Rizomuhammad (*ap.*) – “Ризо” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Ризоуллоҳ, Rizoulloh (*ap.*) – “Ризвонуллоҳ” исми билан маънодош.

Ризоумар, Rizoumar (*ap.*) – “Ризо” ва “Умар” исмлари бирикмаси.

Ризоҳасан, Rizohasan (*ap.*) – “Ризо” ва “Ҳасан” исмлари бирикмаси.

Ризоҳусайн, Rizohusayn (*ap.*) – “Ризо” ва “Ҳусайн” исмлари бирикмаси.

Ризкий, Rizkiy (*ap.*) – ризкли, насибали, ҳаёти фаровон киши.

Ризкия, Rizqiya (ap.) – “Ризкий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ризкуллох, Rizqulloh (ap.) – (“Атоуллох”, “Ҳибатуллох”, “Неъматуллох”, “Ҳадийятуллох” исмлари билан маънодош) * 1) Ризкуллох ибн Мусо Абу Бакр Ножий Бағдодий Искофий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Ҳижрий 256-йилда вафот этган. Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 2) Ризкуллох ибн имом Абулфараж Абдулвахҳоб ибн Абдулазиз Абу Муҳаммад Тамимий Бағдодий (шайх, имом, воиз, ханбалийлар бошлиғи – х. 401-488, мел. 1010-1095).

Рифоа, Rifoа (ap.), (э.и.) – кўтарилувчи, юқорилувчи, баланд мартабаларга эришувчи * 1) Рифоа ибн Рофеъ ибн Молик ибн Ажлон ибн Амр ибн Омир ибн Зурайқ Абу Муоз Ансорий Зуракий (саҳобий), 2) Рифоа ибн Ароба Жуханий Маданий (саҳобий), 3) Рифоа ибн Авф Абу Мутеъ Ансорий (тобеин), 4) Рифоа ибн Шаддод ибн Абдуллох ибн Қайс ибн Жаъол ибн Баддоъ Абу Осим Бажалий Фитёний (тобеин), 5) Рифоа ибн Рофеъ ибн Хадиж Абу Хадиж Ансорий Ҳорисий (тобеин).

Рифъат, Rif’at (ap.), (э.и.) – юксалувчи, ривожланувчи, ўсувчи.

Рабийъ, Rabi’y (ap.) – жаннат, боғ; ўсувчи, кўпаювчи * 1) Рабийъ ибн Зайд Хузойй (саҳобий), 2) Рабийъ ибн Иёс ибн Ғанм ибн Лавзон ибн Ғанм ибн Авф ибн Хазраж Ансорий (саҳобий. Бадрда қатнашган), 3) Рабийъ ибн Хусайм ибн Оиз ибн Абдуллох ибн Мавҳиба ибн Мунқид ибн Наср ибн Ҳакам ибн Ҳорис ибн Молик ибн Малкон Абу Язид Саврий (катта тобеин. Ҳижрий 61-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 4) Рабийъ ибн Бароъ ибн Озиб Ансорий Куфий (тобеин. Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 5) Рабийъ ибн Сабра ибн Маъбад Жуханий Маданий (тобеин. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 6) Рабийъ ибн Холид Заббий Куфий (тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 7) Рабийъ ибн Анас Бакрий Хуросоний (кичик тобеин. Ҳижрий 140-йилда вафот этган. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган, ишончли ровий. У Анас ибн Молик, Абул Олия Риёҳий, Ҳасан Басрийдан ҳадис эшитган), 8) Рабийъ ибн Ҳабиб Абу Салама Ҳанафий (катта табаа тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳибларидан биронтаси ундан ривоят қилмаган, аммо у ишончли ровий саналади), 9) Рабийъ ибн Ҳабиб ибн Маллох Абу Ҳишом Абсий (катта табаа тобеин, Оиз ибн Ҳабибнинг биродари. Ибн Можа ундан ривоят қилган, заиф ровий), 10) Рабийъ ибн Равҳ ибн Хулайд Абу Равҳ Ҳазрамий (кичик табаа тобеин. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Рабийъа, Rabi’y’a (ap.), (э.а.и.) – “Рабийъ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли, аммо мазкур исм асосан эркакларга қўйилади * 1) Рабийъа ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф Кураший Ҳошимий (саҳобий. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакиларининг ўғли), 2) Рабийъ ибн Омир ибн Ҳод Аздий (саҳобий), 3) Рабийъа ибн Каъб ибн Молик Асламий (саҳобий), 4) Рабийъ ибн Шайбон Абу Ҳавроъ Саъдий (тобеин).

Рожий, Rojjiy (ap.) – Аллох раҳматидан умид қилувчи, У Зот мараҳаматидан умидсизланмайдиган киши.

Рожия, Rojiya (ap.) – “Рожий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Розий, Roziy (ap.) – рози, хурсанд, мамнун; қаноат ҳосил қилувчи, ризо бўлувчи.

Розийбиллох, Roziybilloh (ap.) – Аллох таолонинг тақдирига рози бўлувчи * Розийбиллох Муҳаммад ибн Муктадирбиллох Жаъфар ибн Муўътазидбиллох Ахмад ибн Муваффиқ ибн Мутаваккил Абу Исҳоқ Ҳошимий Аббосий (Аббосийлар халифаларидан. Ҳижрий 297-йилда туғилган. У сахий, бағрикенг, уламоларни дўст тутувчи бўлган).

Розийюддин, Roziyuuddin (ap.) – динда рози бўлинган амалларни қилувчи ёки Исломни дин сифатида қалбан тасдиқловчи * Розийюддин ибн Абдурахмон ибн Ахмад Ҳайтамий Саъдий (мисрлик фозил кишилардан, шайхсул Ислом Ибн Ҳажар Ҳайтамийнинг набираси. Розийюддин Ҳайтамий Ҳижрий 1041-, мелодий 1631-йилда вафот этган).

Розийюллох, Roziyulloh (ap.) – Аллохни рози қилувчи.

Розия, Roziya (ap.) – “Розий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Рошид, Roshid (ap.) – тўғри йўлга бошловчи, ҳақ йўлга тарғиб этувчи * 1) Рошид ибн Саъд Макроний (тобеин), 2) Рошид ибн Кайсон Абу Фазора Абсий (кичик тобеин), 3) Рошид ибн Нажих Абу Муҳаммад Ҳаммоний ёки Ҳиммоний (кичик тобеин).

Рофеъ, Rofe’ (ap.) – кўтарувчи, олиб борувчи, ташувчи * 1) Рофеъ ибн Хадиж ибн Рофеъ ибн Адий ибн Зайд ибн Жушам ибн Ҳориса ибн Ҳорис ибн Хазраж Абу Абдуллох Авсий Ансорий Ҳорисий (саҳобий. Ҳижрий 73/74-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Бадр

жангида ёши кичиклиги сабаб иштирок этмаган. Кейин Уҳуд жангида қатнашиш учун рухсат берилган. У камон отувчилардан бири бўлган), 2) Рофеъ ибн Молик ибн Ажлон ибн Амр ибн Омир ибн Рузайқ ибн Абдуҳориса ибн Молик ибн Ғазаб ибн Жушм ибн Хазраж Ансорий (саҳобий. Ақабада қатнашган ва унда байъат берган. Ансорлар ичида Хазраж қабиласидан биринчи Исломга кирган Ибн Молик билан Муоз ибн Афроъ эди. Бухорий Рофеъ ибн Моликдан ривоят қилган), 3) Рофеъ ибн Синон Абул Ҳакам Ансорий Авсий (саҳобий. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган), 4) Рофеъ ибн Амр Ғифорий (саҳобий. Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 5) Рофеъ ибн Амр Музаний (саҳобий. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 6) Рофеъ ибн Макис Жуханий (саҳобий, Жундуб ибн Макиснинг биродари. Абу Довуд ундан ривоят қилган), 7) Рофеъ ибн Исҳоқ Ансорий Маданий (тобеин, Шифонинг мавлоси. Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 8) Рофеъ ибн Усайд ибн Зуҳайр Ансорий Хазражий Маданий (тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 9) Рофеъ ибн Салама ибн Зиёд ибн Абу Жаъд Ашжаий Ғатафоний (катта табаа тобеин. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Роғиб, Rog'ib (*ap.*) – солиҳ амалларга рағбат билдирувчи, ҳақиқатга хайрихоҳ * 1) Роғиб Ҳусайн ибн Муҳаммад ибн Муфаззал Абулқосим Асфаҳоний (йирик тилшунос олим, ҳакимлардан. “Ал-Эътикод”, “Жомеъут тафосир”, “Ал-Муфрадот фи ғарибил куръон”, “Ахлоқур роғиб”, “Таҳқиқул баён” каби китоблар муаллифи. Роғиб Исфаҳоний ҳижрий 502-, мелодий 1108-йилда вафот этган), 2) Роғиб ибн Муҳаммад ибн Солиҳ Сибойй (мисрлик сўфий. “Ал-Азҳар”да таълим олган).

Рувайда, Ruvayda (*ap.*), (*a.u.*) – одоб ва ҳаё билан оҳиста юрувчи.

Рувайшид, Ruvayshid (*ap.*) – “Рошид” исмининг кичрайтирма шакли.

Рувайшида, Ruvayshida (*ap.*) – “Рувайшид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Рузайқ, Ruzayq (*ap.*) – ризқли, насибали; Аллоҳ таоло томонидан неъматлантирилган * 1) Рузайқ Абу Абдуллоҳ Ҳоний Ҳимсий (кичик тобеин), 2) Рузайқ ибн Ҳаким Абу Ҳаким Айлий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси. Бухорий ва Насоий ундан ривоят қилган), 3) Рузайқ ибн Ҳайён Абу Микдом Димашкий Фазорий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси (ҳ. 25-105). Муслим ундан ривоят қилган).

Рукайн, Rukayn (*ap.*) – куч-қувват эгаси; кучли хужжат эгаси * Рукайн ибн Рабийъ ибн Умайла Абу Рабийъ Фазорий (тобеин. Ҳижрий 131-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган, фақат Бухорий унинг ривоятини “Ал-Адабул муфрад”да келтирган).

Рукона, Rukona (*ap.*), (*э.а.у.*) – “Рукон”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли бўлса-да, эркакларга нисбатан қўлланилади * Рукона ибн Абдуязид ибн Ҳошим ибн Мутталиб ибн Абдуманоф ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр Қураший Мутталибий (саҳобий. Макка фатҳ қилинган кун мусулмон бўлганлардан. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам у билан курашиб енганларидан кейин Исломни қабул қилган. Сўнг Мадинада яшаган. У Муовия халифалигининг аввалги йилларида вафот этган. Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган).

Рустам, Rustam (*фм.*) – жасур жангчи, қўрқмас аскар (Бошқа шакллари: Рустамали, Рустамзод, Рустаммирза, Рустамтой, Рустамтўра).

Рухсора, Ruxsora (*фм.*) – чиройли, гўзал, зебо.

Руқайя, Ruqayya (*ap.*) – сахий, карамли, мулойим * 1) Руқайя бинти Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб Қураший (Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари. Жоҳилият даврида туғилиб, вояга етган. Руқайя Утба ибн Абу Лаҳабнинг никоҳида эди. “Таббат ядаа...” сураси нозил бўлганида Утба уни талоқ қилган. Шундан сўнг уни Усмон ибн Аффон никоҳига олади ва иккиси Ҳабашистонга икки марта хижрат қилишади. У ерда уларнинг “Абдуллоҳ” исмли фарзандлари туғилади. Шундан сўнг Руқайя Мадинага келади ва у ерда касал бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалар билан Бадрга чиқадилар, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анхуга қизлари Руқайянинг олдида қолишга рухсат берадилар. Руқайя ҳижрий 2-, мелодий 624-йилда Зайд ибн Ҳориса Мадинага Бадрда қозонилган ғалаба хушхабар билан келган куни вафот этган), 2) Руқайя бинти Абу Сайфий ибн Ҳошим ибн Абдуманоф Умму Махрама (саҳобия), 3) Руқайя бинти Умар (тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, мақбул ровиялардан), 4) Руқайя бинти Муҳаммад ибн Али ибн Ваҳб Қушайрия (ҳадис илми олимаси. Мисрда туғилиб, ўша ерда ҳижрий 741-, мелодий 1341-йилда вафот этган).

Рўзи, Ro'zi (*фм.*) – ризқи бутун, насибали, бахтли-саодатли (Бошқа шакллари: Рўзиали, Рўзиаҳмад, Рўзибек, Рўзибой).

Рўзимурод, Ro‘zimurod (*фт.-ар.*) – “Рўзи” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Рўзимуҳаммад, Ro‘zimuhammad (*фт.-ар.*) – “Рўзи” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

С

Саббоҳ, Sabboh (*ар.*) – эрта уйғонувчи, барвақт турувчи ёки чиройли, кўркем * 1) Саббоҳ ибн Абдуллоҳ Абдий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси), 2) Саббоҳ ибн Муҳориб Таймий Куфий (табаа тобеин), 3) Саббоҳ ибн Муҳаммад ибн Абу Ҳозим Бажалий Аҳмасий Куфий (катта табаа тобеин).

Саббоҳа, Sabboha (*ар.*) – “Саббоҳ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Сабих, Sabih (*ар.*) – чиройли, келишган, хушсураат.

Сабиха, Sabiha (*ар.*) – “Сабих”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Сабо, Sabo (*ар.*), (*а.у.*) – тонг шабадаси; мулойим.

Сабогул, Sabogul (*ар.*) – тонгда очилган гул.

Сабот, Sabot (*ар.*) – мустаҳкам; сабрили, чидамли.

Сабоҳат, Sabohat (*ар.*) – эрта тонгда турувчи.

Сабрий, Sabriy (*ар.*) – чидамли, сабр-тоқатли; қаноатли.

Сабрия, Sabriya (*ар.*) – “Сабрий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Савбон, Savbon (*ар.*) – ажр-савоб қозонувчи, солиҳ амаллар қилиб, Аллоҳдан ажр-мукофот олувчи

* 1) Савбон ибн Буждуд Абу Абдуллоҳ Қураший Ҳошимий (саҳобий. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мавлолари. Асли Яманнинг Ҳимяридан. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни сотиб олиб, озод қилганлар (Шу сабаб китобларда у “Савбон Набавий”, деб зикр қилинган). Савбон Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суҳбатларида узоқ муддат бўлган, у зотдан кўп илм ўрганган, вафотларигача Расулulloҳ хизматларида бўлган. Кейин Шомга бориб, Рамлада кўним топган. Сўнг Ҳимсага борган ва у ерда ҳовли-жой қилиб, ўша ерда ҳижрий 54-, мелодий 674-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган, фақат Бухорий унинг ривоятини “Ал-Адабул муфрад”да келтирган. Савбон розияллоҳу анҳу жами 128 та ҳадис ривоят қилган), 2) Савбон Абу Абдурахмон Ансорий (саҳобий), 3) Савбон ибн Саъд Абул Ҳакам (саҳобий. Баъзилар уни тобеинлар қаторида зикр қилишган).

Савда, Savda (*ар.*) – ранги қорачадан келган аёл * 1) Савда бинти Замъа ибн Қайс ибн Абдушамс ибн Абдувудд ибн Наср ибн Молик ибн Ҳасал ибн Омир ибн Луай ибн Ғолиб ибн Фихр Уммул Асвад Қурашия Омирия (саҳобия, уммул мўминин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳадижа розияллоҳу анҳодан кейин Савдага уйланганлар, уч-тўрт йилча фақат Савда билан умр кечирганлар. Савда розияллоҳу анҳо ҳижрий 55-йилда вафот этган. Бухорий, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган), 2) Савда бинти Мисроҳ (саҳобия), 3) Савда Қурашия (саҳобия), 4) Савда (саҳобия, Абу Туфайлнинг завжаси).

Садокат, Sadoqat (*ар.*) – тўғри сўз; содиқ, вафодор; самимий.

Садр, Sadr (*ар.*) – бошлиқ, раҳбар; мартабаси улуғ.

Саид, Said (*ар.*) – бахтли, омадли; бахтиёр, хурсанд; рози; хотиржам * 1) Саид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл Абулаъвар Қураший Адавий (машхур саҳобий, ашараи мубашшаралардан бири, собиқунал аввалунлардан, Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл розияллоҳу анҳу амакисининг ўғли ва синглиси завжаси, яъни Саид Умарнинг куяви бўлган. Саид ибн Зайд ҳижрий 50/51/52-йилда Мадинада вафот этган. Ибн Зайд жуда кам ҳадис ривоят қилган. Улардан иккитаси “Саҳиҳайн”дан ўрин олган. Унинг ривоятини “Сихоҳи ситта” соҳибларининг барчаси ўз китобларида келтиришган), 2) Саид ибн Ҳурайс ибн Амр ибн Усмон ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум Қураший Махзумий (саҳобий, Амр ибн Ҳурайсининг биродари. Куфада вафот этган. Ибн Можа ундан ривоят қилган), 3) Саид ибн Саъд ибн Убода Ансорий Ҳазражий (саҳобий, Қайс ибн Саъд ибн Убоданинг биродари. Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган 4) Саид ибн Жубайр ибн Ҳишом Абу Муҳаммад Асадий Волибий (машхур тобеин, Ибн Аббос розияллоҳу анҳу шогирди, фақиҳ тобеинлардан. Ҳижрий 95-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Саид ибн Мусайяб ибн Ҳузн ибн Абу Ваҳб ибн Амр ибн Оиз ибн Имрон ибн Махзум Абу Муҳаммад Қураший Махзумий (машхур тобеин, фақиҳ, олим, ишончли ровий.

Ибн Мадийний у ҳақида: “Тобеинлар орасида Ибн Мусайябдан кенгроқ илмли бирон киши борлигини билмайман”, деган. Саид ибн Мусайяб ҳижрий 90-йилдан кейин вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 6) Саид ибн Ҳорис ибн абу Саид ибн Муалло Ансорий Маданий (тобеин, Мадина қозиси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 7) Саид ибн Абяз Ҳаммо Абду Ҳоней Муродий (тобеин. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 8) Саид ибн Абу Бурда (Омир) ибн Абу Мусо Абдуллоҳ ибн Қайс Ашъарий Куфий (кичик тобеин. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 9) Саид ибн Абу Айюб (Миқлос) Абу Яҳё Ҳузоеий Мисрий (катта табаа тобеин, имом, ҳофиз, фақих (х. 100-161), “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 10) Саид ибн Соиб ибн Ясор Сақафий Тоифий (катта табаа тобеин, обид ва зоҳид кишилардан бўлган. У ҳижрий 171-йилда вафот этган. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Саида, Saida (ap.) – “Саид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Саидаббос, Saidabbos (ap.) – “Саид” ва “Аббос” исмлари бирикмаси.

Саидаброр, Saidabrur (ap.) – “Саид” ва “Аброр” исмлари бирикмаси.

Саидакром, Saidakrom (ap.) – “Саид” ва “Акром” исмлари бирикмаси.

Саидали, Saidali (ap.) – “Саид” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Саидамин, Saidamin (ap.) – “Саид” ва “Амин” исмлари бирикмаси.

Саиданвар, Saidanvar (ap.) – “Саид” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Саидафзал, Saidafzal (ap.) – “Саид” ва “Афзал” исмлари бирикмаси.

Саидахмад, Saidahmad (ap.) – “Саид” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Саидахрор, Saidahrur (ap.) – “Саид” ва “Аҳрор” исмлари бирикмаси.

Саидбурҳон, Saidburhon (ap.) – “Саид” ва “Бурҳон” исмлари бирикмаси.

Саидвали, Saidvali (ap.) – “Саид” ва “Вали” исмлари бирикмаси.

Саидваққос, Saidvaqqos (ap.) – “Саид” ва “Ваққос” исмлари бирикмаси.

Саиджамил, Saidjamil (ap.) – “Саид” ва “Жамил” исмлари бирикмаси.

Саидиброҳим, Saidibrohim (ap.) – “Саид” ва “Иброҳим” исмлари бирикмаси.

Саидислом, Saidislom (ap.) – “Саид” ва “Ислом” исмлари бирикмаси.

Саидикром, Saidikrom (ap.) – “Саид” ва “Икром” исмлари бирикмаси.

Саидкамол, Saidkamol (ap.) – “Саид” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Саидкомил, Saidkomil (ap.) – “Саид” ва “Комил” исмлари бирикмаси.

Саидмақсуд, Saidmaqsud (ap.) – “Саид” ва “Мақсуд” исмлари бирикмаси.

Саидмахмуд, Saidmahmud (ap.) – “Саид” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Саидмурод, Saidmurod (ap.) – “Саид” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Саидмусо, Saidmuso (ap.) – “Саид” ва “Мусо” исмлари бирикмаси.

Саидмухтор, Saidmuxtur (ap.) – “Саид” ва “Мухтор” исмлари бирикмаси.

Саидмуҳаммад, Saidmuhammad (ap.) – “Саид” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Саиднўъмон, Saidnu'mon (ap.) – “Саид” ва “Нўъмон” исмлари бирикмаси.

Саидолим, Saidolim (ap.) – “Саид” ва “Олим” исмлари бирикмаси.

Саидомон, Saidomon (ap.) – “Саид” ва “Омон” исмлари бирикмаси.

Саидориф, Saidorif (ap.) – “Саид” ва “Ориф” исмлари бирикмаси.

Саидризо, Saidrizo (ap.) – “Саид” ва “Ризо” исмлари бирикмаси.

Саидумар, Saidumar (ap.) – “Саид” ва “Умар” исмлари бирикмаси.

Саидусмон, Saidusmon (ap.) – “Саид” ва “Усмон” исмлари бирикмаси.

Саидфозил, Saidfozil (ap.) – “Саид” ва “Фозил” исмлари бирикмаси.

Саидқосим, Saidqosim (ap.) – “Саид” ва “Қосим” исмлари бирикмаси.

Саидҳасан, Saidhasan (ap.) – “Саид” ва “Ҳасан” исмлари бирикмаси.

Саидҳусайн, Saidhusayn (ap.) – “Саид” ва “Ҳусайн” исмлари бирикмаси.

Сайёр, Sayyor (ap.) – сайр қилувчи, саёҳат қилувчи * 1) Сайёр ибн Равҳ (саҳобий), 2) Сайёр ибн Билзақ Абу Абу Ушора Доримий (саҳобий), 3) Сайёр Кураший Умавий (тобеин), 4) Сайёр ибн Салома Абул Минҳол Риёхий (тобеин. Ҳижрий 129-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Сайёр Абу Ҳамза Куфий (кичик тобеин), 6) Сайёр ибн Абдурахмон Садафий Мисрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ишончли

ровий), 7) Сайёр ибн Манзур ибн Сайёр Фазорий Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган. Мақбул ровий), 8) Сайёр ибн Ҳотим Абу Салама Аназий (кичик табаа тобеин. Ҳижрий 200-йилда вафот этган. Термизий, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ишончли ровий).

Сайёра, Sayyora (ap.) – “Сайёр”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Саййид, Sayyid (ap.) – хўжайин, эга, соҳиб, бошлиқ, раҳбар; жаноб; энг афзал (“Саййидул мурасалин” (“Пайғамбарларнинг энг афзали”) Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатлари).

Саййида, Sayyida (ap.) – “Саййид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Саййидбиллол, Sayyidbilol (ap.) – “Саййид” ва “Биллол” исмлари бирикмаси.

Саййидбурҳон, Sayyidburhon (ap.) – “Саййид” ва “Бурҳон” исмлари бирикмаси.

Саййидвали, Sayyidvali (ap.) – “Саййид” ва “Вали” исмлари бирикмаси.

Саййиджамол, Sayyidjamol (ap.) – “Саййид” ва “Жамол” исмлари бирикмаси.

Саййидикром, Sayyidikrom (ap.) – “Саййид” ва “Икром” исмлари бирикмаси.

Саййидислом, Sayyidislom (ap.) – “Саййид” ва “Ислом” исмлари бирикмаси.

Саййидкамол, Sayyidkamol (ap.) – “Саййид” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Саййидкарим, Sayyidkarim (ap.) – “Саййид” ва “Карим” исмлари бирикмаси.

Саййидкомил, Sayyidkomil (ap.) – “Саййид” ва “Комил” исмлари бирикмаси.

Саййидмаҳмуд, Sayyidmahmud (ap.) – “Саййид” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Саййидмирза, Sayyidmirza (ap.) – “Саййид” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Саййидмурод, Sayyidmurod (ap.) – “Саййид” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Саййидолим, Sayyidolim (ap.) – “Саййид” ва “Олим” исмлари бирикмаси.

Саййидориф, Sayyidorif (ap.) – “Саййид” ва “Ориф” исмлари бирикмаси.

Саййидрахим, Sayyidrahim (ap.) – “Саййид” ва “Раҳим” исмлари бирикмаси.

Саййидуннос, Sayyidunnos (ap.) – дунё ва охиратда одамлар саййиди, энг шарафлиси, инсонлар орасидаги энг юқори мартаба соҳиби Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уммати.

Саййидфозил, Sayyidfozil (ap.) – “Саййид” ва “Фозил” исмлари бирикмаси.

Саййидхалил, Sayyidxalil (ap.) – “Саййид” ва “Халил” исмлари бирикмаси.

Саййидҳасан, Sayyidhasan (ap.) – “Саййид” ва “Ҳасан” исмлари бирикмаси.

Саййидҳусайн, Sayyidhusayn (ap.) – “Саййид” ва “Хусайн” исмлари бирикмаси.

Сайф, Sayf (ap.) – (“син” ҳарфи билан) қилич; кучли, мустаҳкам. (“Сайфуддин” ёки “Сайфулислом” исмлари кичкартирилган шакли) * 1) Сайф Шомий (тобеин), 2) Сайф ибн Умайра Нахайй Куфий (катта табаа тобеин), 3) Сайф ибн Ваҳб Абу Ваҳб Тамимий (кичик тобеин), 4) Сайф ибн Муҳаммад Саврий Куфий (табаа тобеин, Аммор ибн Муҳаммаднинг туғишган биродари, Суфён Саврийнинг жияни), 5) Сайф ибн Умар Тамимий Буржумий (табаа тобеин).

Сайфуддин, Sayfuddin (ap.) – Ислом динининг қиличи * Сайфуддин ибн Атоуллоҳ Абул Футуҳ Вафоий Фузолий (кироат устози, Мисрдаги қорилар шайхи, тажвид ва кироат илмига оид бир нечта китоблар муаллифи. У ҳижрий 1020-, мелодий 1611-йилда вафот этган).

Сайфий, Sayfiy (ap.) – (“сод” ҳарфи билан) ёзги, ёз фаслига оид ёки ёзда туғилган * 1) Сайфий ибн Сухайб ибн Синон Румий (тобеин), 2) Сайфий ибн Зиёд Абу Зиёд Ансорий (тобеин, Абу Айюб Ансорийнинг мавлоси), 3) Сайфий ибн Рубайй Абу Ҳишом Ансорий (кичик табаа тобеин).

Сайфулислом, Sayfulislom (ap.) – Ислом динининг қиличи (“Сайфуддин” исмининг бошқача шакли).

Сайфуллоҳ, Sayfulloh (ap.) – Аллоҳнинг қиличи (машҳур саҳобий Холид ибн Валид ибн Муғийра ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум ибн Яқаза ибн Каъб Абу Сулаймон Қураший Махзумийнинг лақаби, ботир ва жасур жангчи бўлган. Муъта жангида катта қаҳрамонлик кўрсатган. Айнан ўша жангда “Сайфуллоҳ” лақабини олган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амрларига биноан, Муъта жангида кўшинга Зайд ибн Ҳориса кўмондон этиб тайинланди. У шаҳид бўлса, Жаъфар ибн Абу Толиб, у ҳам шаҳид бўлса, Абдуллоҳ ибн Равоҳа кўшинга саркарда бўлиши лозим эди. Барчалари биринкетин шаҳид бўлишгач, кўшинда саросималик пайдо бўлди. Шундай қийин вазиятда Холид ибн Валид байроқни ўз қўлига олиб, кўшинни яна олға боришга чорлади. Буни кўрган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Аллоҳ, Холид Сенинг қиличларингдан бир қиличдир. Унга нусрат бер!” деб дуо қилганлар).

Сакина, Sakina (*ap.*) – тинч, осойишта, хавфсиз; собит, муқим * 1) Сакина бинти Абу Ваққос (саҳобия), 2) Сакина (саҳобия. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан ҳадис ривоят қилган. Уни Сақинанинг мавлоси Абу Солиҳ ривоят қилган).

Салама, Salama (*ap.*), (*э.и.*) – бўйсунувчи, итоаткор; сулҳ тузувчи, битим имзолувчи * 1) Салама ибн Амр ибн Акваъ Абу Муслим Асламий (саҳобий), 2) Салама ибн Саҳр ибн Салмон ибн Самма Ансорий Хазражий Маданий (саҳобий), 3) Салама ибн Умайя Тамимий Куфий (саҳобий, Яъло ибн Умайянинг туғишган биродари), 4) Салама Ансорий (саҳобий, Абдулхамид ибн Саламанинг отаси), 5) Салама ибн Муҳаббақ Саҳр ибн Убайд Абу Синон (саҳобий), 6) Салама ибн Қайс Басрий (саҳобий, Амр ибн Саламанинг отаси), 7) Салама ибн Қайс Ашжаий Ғатафоний (саҳобий), 8) Салама ибн Нуайм ибн Масъуд Ашжаий (саҳобий), 9) Салама ибн Нуфайл Сақуний (саҳобий), 10) Салама ибн Язид Жуъфий (саҳобий), 11) Салама Лайсий (тобеин, Яъқуб ибн Саламанинг отаси), 12) Салама Маккий (тобеин), 13) Салама ибн Азрақ Хижозий (тобеин), 14) Салама ибн Таммом Абу Абдуллоҳ Шақрий Куфий (тобеин), 15) Салама ибн Солиҳ Лахмий Мисрий (тобеин).

Салим, Salim (*ap.*) – соғлом, соғ-омон; ювош; самимий; салим қалб эгаси (Бошқа шакллари: Салимбой, Салимбек, Салимжон, Салиммирза, Салимназар, Салимхон, Салимхўжа).

Салима, Salima (*ap.*) – “Салим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Салмон, Salmon (*ap.*) – мулойим; беозор, ювош; тинч, омон * 1) Салмон Хайр ибн Ислом Абу Абдуллоҳ Форисий (машҳур саҳобий. Асли исфаҳонлик. Айтилишича, унинг мусулмон бўлишидан олдинги исми Мобаҳ ибн Будахшон ибн Мурсалон ибн Баҳбузон ибн Файруз ибн Шаҳрак бўлган. Салмон Бадр ва Ухудда қатнаша олмаган, кейин мукотаб бўлиб қулликдан озод бўлган, Хандақ ва ундан кейинги ғазотларда иштирок этган. Салмон Форисий хижрий 34-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Салмон ибн Омир ибн Авс ибн Ҳажар ибн Амр ибн Ҳорис ибн Тайм ибн Зуҳл ибн Молик ибн Саъд ибн Бакр ибн Забба Заббий (саҳобий. Басрада яшаган. Муслимдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 3) Салмон ибн Рабийъа ибн Язид ибн Амр ибн Саҳм ибн Саълаба Абу Абдуллоҳ Саҳмий (саҳобий. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу халифалиги даврида Арманистонда вафот этган. Муслим ундан ривоят қилган), 4) Салмон Абу Ҳозим Ашжаий Куфий (тобеин, Изза Ашжаиянинг мавлоси. Хижрий 100-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Салмон Абу Ражо (тобеин, Абу Қилоба Басрийнинг мавлоси. Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган).

Салмо, Salmo (*ap.*) – “Салмон”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Салмо бинти Қайс Уммул Мунзир Ансория (саҳобия. Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам холаларидан бири. Икки қиблага юзланиб намоз ўқиган ва Расулulloҳга байъат берганлардан), 2) Салмо бинти Саҳр ибн Омир ибн Амр ибн Каъб ибн Саъд ибн Тайм ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай ибн Ғолиб Уммул Хайр (саҳобия, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг онаси. Даъватнинг аввалги йилларида ўғли Абу Бакр билан мусулмон бўлган), 3) Салмо бинти Умайс Хасъамия (саҳобия, Асмоъ бинти Умайянинг отаси, Шаддод ибн Ҳоднинг завжаси), 4) Салмо бинти Наср Муҳорибия (саҳобия).

Салом, Salom (*ap.*) – тинчлик, омонлик (Бошқа шакллари: Саломбек, Саломберган, Саломберди, Саломмирза, Саломхўжа) * 1) Салом ибн Шурахбил Абу Шурахбил (тобеин), 2) Салом ибн Амр Яшқурий Басрий (тобеин), 3) Салом ибн Абу Салом Ҳабаший Шомий (кичик тобеин, Зайд ибн Салом ва Муовия ибн Саломнинг отаси), 4) Салом ибн Мискин ибн Рабийъа Абу Равҳ Аздий Намрий Басрий (катта табаа тобеин).

Саломат, Salomat (*ap.*) – “Салом”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Саломат бинти Ҳур Фазория (саҳобия. Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Саломат бинти Маъкил Қайсия (саҳобия. Абу Довуд ундан ривоят қилган).

Салоҳ, Saloh (*ap.*) – салоҳият; тўғрилиқ, ростлик, одиллик; салоҳиятли, одил, ҳалол * 1) Салоҳ ибн Али ибн Муҳаммад Ҳасаний (имом, олим. Мелодий 1445-, хижрий 849-йилда вафот этган), 2) Салоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳдий Муайядий Ҳасаний (яманик фақиҳ, фикҳга оид кўплаб китоблар муаллифи – мел. 1606-1660, х. 1015-1070), 3) Салоҳ ибн Ҳусайн ибн Яҳё Санъоний (тилшунос, зоҳид кишилардан бўлган. Мелодий 1827-, хижрий 1242-йилда вафот этган. Нахвга оид бир нечта китоблар муаллифи).

Салоҳиддин, Salohiddin (*ap.*) – Ислом динида салоҳиятли, Динда мустақим банд * Салоҳиддин (Юсуф) ибн амир Нажмиддин Айноб ибн Шозий ибн Марвон ибн Яъқуб Абу Музаффар Дувиний Тикритий (малик, султон. Дувин Озарбайжон тарафдаги кичик давлат).

Салоҳият, Salohiyat (*ap.*), (*a.u.*) – салоҳиятли, тўғри ва ҳалол.

Салсабил, Salsabil (*ap.*), (*a.u.*) – тоза, тиниқ ва тотли булоқ (Жаннатдаги булоқнинг номи. Қаранг: “Инсон” сураси, 18-оят).

Салтанат, Saltanat (*ap.*) – ҳокимият, салтанат; улуғлик.

Самадберган, Samadbergan (*ap.*-*ўз.*) – Ҳожатбарор ва боқий Аллоҳ берган фарзанд.

Самадберди, Samadberdi (*ap.*-*ўз.*) – “Самадберган” билан маънодош.

Самаддўст, Samaddo‘st (*ap.*-*фм.*) – ҳожатбарор Аллоҳнинг валий бандаси.

Самадёр, Samadyor (*ap.*-*фм.*) – “Самаддўст” билан маънодош.

Самадқул, Samadqul (*ap.*-*ўз.*) – абадий ва боқий, бошқаларга ҳожати тушмайдиган, махлуқотларнинг Унга ҳожати тушадиган Улуғ Зот – Аллоҳнинг бандаси (“Абдусамад” исмининг ўзбекча шакли).

Самара, Samara (*ap.*) – мева, натижа, ҳосил; баракали, файзли.

Самий, Samiy (*ap.*) – аталган, номланган.

Самийя, Samiyu (*ap.*) – “Самий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Самир, Samir (*ap.*) – суҳбатдош, ҳамсуҳбат.

Самира, Samira (*ap.*) – “Самир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Самоҳ, Samoh (*ap.*) – сахий, карамли, самоҳатли, бағрикенг.

Самоҳат, Samohat (*ap.*) – “Самоҳ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Самро, Samro (*ap.*) – “Асмар”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Самро бинти Қайс Ансория (саҳобия), 2) Самро бинти Наҳик (саҳобия).

Самура, Samura (*ap.*), (*э.у.*) – дарахт номи * 1) Самура ибн Жундуб ибн Ҳилол ибн Хадиж Абу Саид Фазорий (саҳобий, олим саҳобалардан. Ҳижрий 58-йилда Басрада вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Самура ибн Жунода ибн Жундуб ибн Ҳужайр ибн Риоб ибн Ҳабиб ибн Савода ибн Омир Сувоий (саҳобий, Жобир ибн Самуранинг отаси. Куфада вафот этган. Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Термизий ундан ривоят қилган), 3) Самура ибн Фотик Асадий (саҳобий), 4) Самура ибн Амр Амбарий (саҳобий), 5) Самура ибн Саҳм Қураший Асадий (катта тобеин. Термизий, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган. Заҳабий унинг ишончли ровий эканини айтган).

Самъон, Sam‘on (*ap.*) – эшитувчи, кулоқ тутувчи; Куръони каримга, ваъз-насиҳатларга кулоқ солувчи * 1) Самъон ибн Амр (саҳобий. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам суҳбатларида бўлган), 2) Самъон ибн Холид Килобий (саҳобий), 3) Самъон ибн Мушаннаж Умарий (тобеин. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Самъон Абу Яҳё Асламий Маданий (тобеин. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Сано, Sano (*ap.*), (*a.u.*) – шукр қилувчи, Аллоҳ таолога ҳамд айтувчи.

Саноуллоҳ, Sanoulloh (*ap.*) – Аллоҳни мақтовчи, У Зотга ҳамд айтувчи.

Саодат, Saodat (*ap.*) – бахтли, саодат, иқболли, хурсанд (Бошқа шакллари: Саодатбека, Саодатбону, Саодатгул, Саодатхон).

Сарвар, Sarvar (*фм.*) – йўлбошчи, раҳбар, бошлиқ.

Сарварбиби Sarvarbibi (*фм.*) – аёллар сардори (Бошқа шакллари: Сарваргул, Сарварнисо, Сарварой, Сарвархон).

Сардор, Sardor (*фм.*) – бошлиқ, етакчи; қўмондон.

Саригул, Sarigul (*ўз.*) – сариқ гул.

Сафар, Safar (*ap.*) – ҳижрий иккинчи ой номи (Мазкур исмининг бошқа шакллари: Сафарали, Сафарвали, Сафармирза, Сафармурод, Сафарниёз).

Сафармурод, Safarmurod (*ap.*) – “Сафар” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Сафармуҳаммад, Safarmuhammad (*ap.*) – “Сафар” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Сафвон, Safvon (*ap.*) – пок, озода, тоза, соф, мусаффо * 1) Сафвон ибн Умайя ибн Халаф ибн Ваҳб ибн Ҳузофа ибн Жумаҳ Абу Ваҳб Қураший Жумаҳий (саҳобий), 2) Сафвон ибн Ассол Муродий (саҳобий), 3) Сафвон ибн Абдуллоҳ Акбар ибн Сафвон ибн Умайя Қураший Жумаҳий (тобеин), 4) Сафвон ибн Яъло ибн Умайя Тамимий Маккий (тобеин), 5) Сафвон ибн Абу Язид Ҳижозий Маданий (тобеин).

Сафия, Safiya (*ap.*) – покиза, озода; танлаб олинган, сиддиқ, холис дўст * 1) Сафия бинти Абдулмутталиб Ҳошимия (Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам аммалари, Ҳамза розияллоҳу

анхунинг туғишган опаси, Зубайр ибн Аввомнинг онаси. Сафия аввал Суфён ибн Ҳарбнинг биродари Ҳорис билан турмуш қурган. Ҳорис вафот этганидан кейин Хадижа бинти Хувайлиднинг биродари Аввом Сафияни ўз никоҳига олган. Улардан Зубайр, Соиб ва Абдулкаъба дунёга келган. Саҳиҳ ривоятларда айтилишича, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аммалари ичида фақат Сафия мусулмон бўлган), 2) Сафия бинти Ҳуяй ибн Ахтаб ибн Саъя Назирия Исроилия (саҳобия, уммул мўминин, Мусо ибн Имрон алайҳиссаломнинг акаси Ҳорун ибн Имрон авлодларидан. Сафия розияллоҳу анҳо ҳижрий 50-йилда Муовия халифалиги даврида вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 3) Сафия бинти Ҳорис ибн Талҳа ибн Абу Талҳа Абдария (саҳобия. Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 4) Сафия бинти Шайба ибн Усмон ибн Абу Талҳа Қурашия Абдария (саҳобия. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Сафия бинти Абу Убайд ибн Масъуд Сақафия Мадания (тобеин, Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг завжаси. Термизийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган, Ижлий унинг ишончли ровия эканини айтган), 6) Сафия бинти Муртазо ибн Муфаззал (машҳур олима, бир нечта китоблар муаллифи. Яманлик. У Саййид Муҳаммад ибн Яҳё Қосимий завжаси бўлган. Бинти Муртазо мелодий 1370-, ҳижрий 771-йилда вафот этган).

Сафо, Safo (*ap.*), (*a.u.*) – пок, тоза, озода, тиниқ, равшан (Бошқа шакллари: Сафоали, Сафониёз, Сафохўжа).

Сафоат, Safoat (*ap.*) – “Сафо”нинг бошқа шакли.

Саффона, Saffona (*ap.*) – * Саффона бинти Ҳотим Тоий (саҳобия, Адий ибн Ҳотим Тоийнинг синглиси).

Саховат, Saxovat (*ap.*) – саҳий, кўли очик, мурувватли, бағрикенг.

Саъд, Sa’d (*ap.*) – бахтли, саодатли, омадли, муваффақият қозонувчи * 1) Саъд ибн Молик ибн Синон Абу Саид Худрий Ансорий Хазражий (машҳур саҳобий), 2) Саъд ибн Абу Ваққос ибн Уҳайб (ёки Вухайб) ибн Абдуманоф ибн Зухро ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб Абу Исҳоқ Қураший (машҳур саҳобий, ашараи мубашшаралардан), 3) Саъд ибн Муоз ибн Нўъмон ибн Имрулқайс ибн Зайд ибн Абдулғашхал ибн Жушам Абу Амр Ансорий (машҳур саҳобий. Авс қабиласи бошлиғи бўлган), 4) Саъд Ансорий (саҳобий), 5) Саъд ибн Абу Рофеъ (саҳобий).

Саъдий, Sa’diy (*ap.*) – саодатли, бахтли, омадли; хурсанд, шод.

Саъдия, Sa’diya (*ap.*) – “Саъдий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Саъдон, Sa’don (*ap.*) – бахтли, саодатли * 1) Саъдон ибн Солим Абу Саббоҳ Айлий (қатта табаа тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 2) Саъдон ибн Бишр Жуханий Куфий (табаа тобеин. Бухорий, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 3) Саъдон ибн Язид Абу Муҳаммад Бағдодий Баззоз (муҳаддис, ишончли ровий. Ҳижрий 262-йилда ражаб ойида вафот этган), 4) Саъдон ибн Наср ибн Мансур Абу Усмон Сақафий Бағдодий (шайх, олим, муҳаддис, ишончли ровий. Ҳижрий 265-йил зулкаъда ойида вафот этган).

Саъдуллоҳ, Sa’dulloh (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг омадли, саодатли бандаси * Саъдуллоҳ ибн Исо ибн Амирхон Саъдий Афандий (румлик ханафий уламолардан. Қози вазифасида ишлаган. “Тафсирул байзовий” ва “Иноя шарҳул ҳидоя”га ҳошия ёзган. Саъдуллоҳ ибн Исо мелодий 1539-, ҳижрий 945-йилда вафот этган).

Саҳл, Sahl (*ap.*) – енгил, осон, қулай * 1) Саҳл ибн Саъд ибн Молик ибн Холид Абул Аббос Ансорий Хазражий Соидий (саҳобий), 2) Саҳл ибн Ҳунайф ибн Воҳиб Абу Собит Ансорий Авсий (саҳобий), 3) Саҳл ибн Ҳарзалия Ансорий Авсий (саҳобий), 4) Саҳл ибн Абу Ҳасма ибн Соида ибн Омир Абу Абдурахмон Ансорий (саҳобий), 5) Саҳл ибн Муоз ибн Анас Жухайний (тобеин), 6) Саҳл ибн Абу Умома Асъад ибн Саҳл ибн Ҳаниф Ансорий Авсий Маданий (кичик тобеин).

Саҳла, Sahla (*ap.*) – “Саҳл”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Саҳла бинти Суҳайл ибн Амр (саҳобия, Абу Ҳузайфа ибн Утба ибн Рабийъанинг завжаси), 2) Саҳла бинти Осим ибн Адий Ансория (саҳобия. Ҳунайн куни туғилган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга “Саҳла”, деб исм кўйганлар), 3) Саҳла бинти Саъд Соидия (саҳобия, Саҳл ибн Саъд Соидийнинг синглиси).

Саҳм, Sahl (*ap.*) – ризқли ва насибали * 1) Саҳм ибн Мозин (саҳобий, Зайд Абу Синон Дайлабийнинг мавлоси), 2) Саҳм ибн Муътамир Басрий (тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 3) Саҳм ибн Минжоб ибн Рошид Заббий Куфий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Саҳмон, Sahmon (*ap.*) – ризкли, насибали, ризки кенг, фаровон.

Севара, Sevara (*ўз.*) – суюкли, ёкимтой, кадрли.

Севинч, Sevinch (*ўз.*), (*a.u.*) – шодлик, бахтиёрлик, хурсандчилик рамзи.

Сибавайх, Sibavayh (*форс.*) – олма ҳиди * Амр ибн Усмон ибн Қамбар Абу Бишр Ҳорисий Басрий (машҳур наҳв олими, наҳв илми имоми (мел. 765-796, ҳ. 148-180). “Сибавайх” номи билан машҳур бўлган. У Шероз яқинидаги қишлоқларнинг бирида туғилган. Кейин Басрага борган ва Халил ибн Аҳмадан илм ўрганган. Наҳв илмига оид “Китобу сибавайх” номли китоби бор. Ундан олдин ҳам, ундан кейин ҳам бирон киши бу китобга ўхшаш китоб ёза олмаган).

Сибгатуллоҳ, Sibg‘atulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг тақдири ёки дини.

Сиддик, Siddiqa (*ap.*) – ўта ростгўй, тўғри сўз, сиддик, софдил (“Содик” исмининг кучайтирма шакли. Мазкур исм машҳур саҳобий Абу Бакр розияллоху анҳунинг лақаби саналади).

Сиддиқа, Siddiqa (*ap.*) – “Сиддик”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли (Абу Бакр Сиддик розияллоху анҳунинг қизи Оиша розияллоху анҳонинг сифати).

Сиддиқали, Siddiqali (*ap.*) – “Сиддик” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Сиддиқаҳмад, Siddiqahmad (*ap.*) – “Сиддик” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Сиддиқмаҳмуд, Siddiqmahmud (*ap.*) – “Сиддик” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Сиддиқмурод, Siddiqmurod (*ap.*) – “Сиддик” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Сиддиқмуслим, Siddiqmuslim (*ap.*) – “Сиддик” ва “Муслим” исмлари бирикмаси.

Сиддиқмуҳаммад, Siqqidmuhammad (*ap.*) – “Сиддик” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Сиддиқмўмин, Siddiqmo‘min (*ap.*) – “Сиддик” ва “Мўмин” исмлари бирикмаси.

Сиддиқназар, Siddiqnazar (*ap.*) – “Сиддик” ва “Назар” исмлари бирикмаси.

Сидқий, Sidqiy (*ap.*) – холис, мухлис, самимий, чин, ҳақиқий.

Сидқия, Sidqiya (*ap.*) – “Сидқий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Сирож, Siroj (*ap.*) – нур, шуъла, ёруғлик (Бошқа шакллари: Сирожали, Сирожаҳмад, Сирожвали, Сирожмирза, Сирожтой, Сирожхўжа) * 1) Сирож ибн Мужжоа ибн Мурора ибн Суламий Абу Ҳилол Ҳанафий Ямомий (саҳобий эканида ихтилоф бор. Ибн Ҳиббон уни тобеинлар қаторида зикр қилган, бироқ Абу Нуайм унинг исмини “Маърифатус саҳоба”да келтирган. Сирож ибн Мужжоа Ҳилол ибн Сирожнинг отаси. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 2) Сирож ибн Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Сирож Абулқосим Умавий Андалусий Қуртубий Моликий (имом, аллома, Қуртуба қозиси. У ҳижрий 456-йил шаввол ойида саксон олти ёшида вафот этган).

Сирожиддин, Sirojiddin (*ap.*) – Ислом динининг нури * Сирожиддин ибн Абдуллоҳ Абулқосим Ансорий (усули фикҳ олими. Ҳижрий 643-йилда туғилган).

Сирожий, Sirojiy (*ap.*) – нурли, ёруғ; толеъи баланд, омадли.

Сирожия, Sirojiya (*ap.*) – “Сирожий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Собир, Sobir (*ap.*) – сабр-бардошли, тоқатли.

Собира, Sobira (*ap.*) – “Собир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Собирали, Sobirali (*ap.*) – “Собир” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Собираҳмад, Sobirahmad (*ap.*) – “Собир” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Собирмақсуд, Sobirmaqsud (*ap.*) – “Собир” ва “Мақсуд” исмлари бирикмаси.

Собирмаҳмуд, Sobirmahmud (*ap.*) – “Собир” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Собирмурод, Sobirmurod (*ap.*) – “Собир” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Собирмуҳаммад, Sobirmuhammad (*ap.*) – “Собир” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Собируллоҳ, Sobirulloh (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг сабрли бандаси.

Собит, Sobit (*ap.*) – мустаҳкам, собит, мустақим; бақувват (Бошқа шакллари: Собитмирза, Собитохун, Собиттўра, Собитхон, Собитхўжа) * 1) Собит ибн Сомит Абу Абдурахмон Ансорий Ашҳалий (саҳобий), 2) Собит ибн Заҳҳок ибн Умайя ибн Саълаба ибн Жушам ибн Молик ибн Солим ибн Ғанм ибн Авф ибн Хазраж Ансорий Хазражий (саҳобий), 3) Собит ибн Қайс ибн Шаммос ибн Зуҳайр ибн Молик ибн Имрулкайс ибн Молик ибн Ағар ибн Саълаба ибн Каъб ибн Хазраж Абу Абдурахмон Ансорий Хазражий (саҳобий. Онаси Той қабиласидан бўлган. Ҳассон ибн Собит розияллоху анҳу Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шоирлари бўлгани каби Собит ибн Қайс у зотнинг хатиби эди. Баъзи манбаларда у ансорлар хатиби бўлган, деб келтирилган). Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам унинг жаннатий экани ҳақида башорат берганлар. Бухорий, Абу Довуд ва Насойлар Собит розияллоху

анхудан ҳадис ривоят қилишган. Собит ибн Қайс Ухуд ва бошқа ғазотларда қатнашган. Абу Бакр розияллоҳу анху халифалиги даврида, Ямома куни шаҳид бўлган), 4) Собит ибн Вадийъа ибн Амр ибн Қайс Абу Саид Ансорий Хазражий (саҳобий).

Собита, Sobita (ap.) – “Собит”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Содик, Sodiq (ap.) – тўғри сўз; садоқатли, вафоли, ҳақиқий дўст * Содик ибн Муҳаммад ибн Али Сокизий (ханафий мазҳаби қозиси. Мелодий 1688-, ҳижрий 1099-йилда вафот этган).

Содиқа, Sodiqa (ap.) – “Содик”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Сожд, Sojid (ap.) – Аллоҳ таолога сажда қилувчи банда.

Сожида, Sojida (ap.) – “Сожд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли (Ушбу исмнинг бошқа шакллари: Сожидабиби, Сожидабону).

Соиб, Soib (ap.) – (“син” ҳарфи билан) хайрли ишларга шошилувчи * 1) Соиб ибн Абу Соиб Сайфий ибн Обид ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум Қураший Махзумий (саҳобий), 2) Соиб ибн Абу Лубоба ибн Абдулмунзир Ансорий (саҳобий, Хусайн ибн Соибнинг отаси), 3) Соиб ибн Хаббоб Абу Муслим Маданий (саҳобий), 4) Соиб ибн Халлод ибн Сувайд ибн Саълаба ибн Амр ибн Ҳориса Абу Сахла Ансорий Хазражий (саҳобий), 5) Соиб ибн Язид ибн Саид ибн Сумома ибн Асвад Киндий (саҳобий).

Соиба, Soiba (ap.) – “Соиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Соиба (тобеинлардан. Фокиҳ ибн Муғйира Махзумийнинг мавлоси. Ибн Можа ундан ривоят қилган, Ибн Ҳажар унинг мақбул ровия эканини айтган).

Сокин, Sokin (ap.) – тинч, осойишта, хавфсиз.

Сокина, Sokina (ap.) – “Сокин”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Сокит, Sokit (ap.) – сукут сақловчи, жим турувчи; тилини беҳуда сўзлардан тийовчи.

Сокита, Sokita (ap.) – “Сокит”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Солим, Solim (ap.) – соғлом, бардам; тинч, омон (Бошқа шакллари: Солиммирза, Солимуҳаммад) * 1) Солим ибн Убайд Ашжаий (Суффа ахлидан бўлган саҳобий), 2) Солим ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб Абу Умар Қураший Адавий (тобеин, фақиҳ, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхунинг набираси), 3) Солим ибн Нуҳ ибн Абу Ато Абу Саид Аттор Басрий (табаа тобеин).

Солима, Solima (ap.) – “Солим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Солиҳ⁴⁵, Solih (ap.) – солиҳ, яхши; адолатли, одил, инсофли * 1) Солиҳ ибн Абд ибн Мосиҳ ибн Убайд ибн Ҳожар ибн Самуд ибн Обир ибн Ирам ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан бири. Самуд қабиласига элчи қилиб юборилган), 2) Солиҳ ибн Ҳассон Маданий (тобеин), 3) Солиҳ ибн Иброҳим ибн Абдурахмон ибн Авф Абу Имрон Қураший Зухрий (тобеин), 4) Солиҳ ибн Динор Жуъфий Ҳилолий (табаа тобеин), 5) Солиҳ ибн Аҳмад ибн Ҳанбал Абулфазл (Имом Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ўғли, фақиҳ. Ўз даврида Исфаҳон қозиси бўлган. Ҳижрий 256-йилда вафот этган).

Солиҳа, Soliha (ap.) – “Солиҳ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Солиҳали, Solihali (ap.) – “Солиҳ” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Солиҳанвар, Solihanvar (ap.) – “Солиҳ” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Солиҳаҳмад, Solihahmad (ap.) – “Солиҳ” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Солиҳиддин, Solihiddin (ap.) – Диндаги салоҳиятли, солиҳ банда.

Солиҳкамол, Solihkamol (ap.) – “Солиҳ” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Солиҳмақсуд, Solihmaqsud (ap.) – “Солиҳ” ва “Мақсуд” исмлари бирикмаси.

Солиҳмахмуд, Solihmahmud (ap.) – “Солиҳ” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Солиҳмурод, Solihmurod (ap.) – “Солиҳ” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Солиҳмуҳаммад, Solihmuhammad (ap.) – “Солиҳ” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Солиҳҳасан, Solihhasan (ap.) – “Солиҳ” ва “Ҳасан” исмлари бирикмаси.

Солиҳҳусайн, Solihhusayn (ap.) – “Солиҳ” ва “Хусайн” исмлари бирикмаси.

Сора⁴⁶, Sora (қад.яҳ.) – сараланган, танлаб олинган; пок, тоза, холис, самимий (Иброҳим Халилуллоҳ завжаси исми, Исҳоқ алайҳиссалом онасининг исми. Ушбу исмнинг бошқа шакллари: Сорабегим, Сорабиби, Сорабуви, Сорагул, Сорахон).

⁴⁵ “Солиҳ” исми инглиз тилида “Shelah” шаклида қўлланади.

⁴⁶ “Сора” исми Европа тилларида “Сара” шаклида қўлланади.

Соҳиб, Sohib (*ap.*) – эга, хўжайин; соҳиб, дўст, ҳамроҳ.

Соҳиба, Sohiba (*ap.*) – “Соҳиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Соҳибкамол, Sohibkamol (*ap.*) – комил, мукаммал, етук.

Соҳибназар, Sohibnazar (*ap.*) – кўзи ўткир; ўткир зеҳнли, ақли етук.

Субайх, Subayh (*ap.*) – “Субх”нинг кичрайтирма шакли (Мазкур исм эрта тонг маъносини англатади) * 1) Субайх (саҳобий, Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Сайёрнинг бобоси Ҳувайтиб ибн Абдулғуззонинг мавлоси), 2) Субайх (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, уммул мўминин Умму Салама розияллоҳу анҳонинг мавлоси. Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 3) Субайх ибн Мухриз Макройи Ҳимсий (катта табаа тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Субҳонберган, Subhonbergan (*ap.-ўз.*) – камчиликлардан холи Аллоҳ берган фарзанд.

Субҳонберди, Subhonberdi (*ap.-ўз.*) – “Субҳонберган” билан маънодош.

Субҳондўст, Subhondo‘st (*ap.-фм.*) – камчиликлардан холи Аллоҳнинг валий бандаси.

Субҳонёр, Subhonyor (*ap.-фм.*) – “Субҳондўст” билан маънодош.

Субҳонқул, Subhonqul (*ap.-ўз.*) – ҳар қандай айбу нуқсондан саломат Аллоҳнинг бандаси.

Сувайд, Suvayd (*ap.*) – қорамтир, ранги қорачадан келган * 1) Сувайд ибн Нўъмон ибн Молик ибн Омир ибн Маждаъа ибн Ҳориса ибн Ҳорис Абу Уқба Ансорий Авсий Маданий (саҳобий), 2) Сувайд ибн Ҳанзала Куфий (саҳобий), 3) Сувайд ибн Қайс Абу Сафвон (саҳобий), 4) Сувайд ибн Муқаррин ибн Оиз Абу Адий Музаний (саҳобий, Нўъмон ибн Муқарриннинг туғишган биродари. Муовия ибн Сувайднинг отаси), 5) Сувайд ибн Убайд Ижлий (тобеин).

Сувайда, Suvayda (*ap.*) – “Сувайд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Сувайда бинти Жобир (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Абу Довуд ундан ривоят қилган).

Сулайм, Sulaym (*ap.*) – “Салим”нинг кичрайтирма шакли * 1) Сулайм ибн Омир Абу Омир Шомий (катта тобеин), 2) Сулайм ибн Омир Абу Яҳё Килоий Хабоирий (тобеин), 3) Сулайм ибн Асвад ибн Ҳанзала Абу Шаъсоъ Муҳорибий Куфий (тобеин), 4) Сулайм ибн Балж (тобеин), 5) Сулайм ибн Жубайр Абу Юнус Мисрий (тобеин, Абу Ҳурайрининг мавлоси).

Сулаймон⁴⁷, Sulaymon (*ap.*) – тинч, омон; ҳимояга олинган, муҳофаза қилинган * 1) Сулаймон ибн Довуд алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан. Насаби Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссаломга бориб етади), 2) Сулаймон ибн Абдуллоҳ Манбахий (тобеин), 3) Сулаймон Ҳошимий (тобеин, Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг мавлоси), 3) Сулаймон ибн Абу Сулаймон Қураший Ҳошимий (тобеин, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг мавлоси), 4) Сулаймон ибн Абу Абдуллоҳ (тобеин), 5) Сулаймон ибн Абу Яҳё Ҳижозий (тобеин), 6) Сулаймон ибн Жаҳм ибн Абу Жаҳм Ансорий Ҳорисий (тобеин, Бароъ ибн Озибнинг мавлоси), 7) Сулаймон ибн Зайд ибн Собит Ансорий Маданий (тобеин).

Сумайр, Sumayr (*ap.*) – “Самир”нинг кичрайтирма шакли * 1) Сумайр Абу Сулаймон (саҳоба), 2) Сумайр ибн Зуҳайр (саҳоба), 3) Сумайр ибн Наҳор Абдий Басрий (тобеин. Термизий ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Сумайра, Sumayra (*ap.*) – “Сумайр”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Сумайя, Sumayya (*ap.*) – аталган, номланган (“Самийя”нинг кичрайтирма шакли) * 1) Сумайя бинти Хайёт (саҳобия, Аммор ибн Ёсирнинг онаси. Жоҳилият даврида Хузайфа ибн Муғйиранинг мавлоси бўлган. Ислом тарихида биринчи шаҳидлик мақомига эришган инсон. Сумайя розияллоҳу анҳо мелодий 615-йил, ҳижратдан 7-йил аввал вафот этган), 2) Сумайя Басрия (тобеин. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, мақбул ровия).

Сумома, Sumoma (*ap.*), (*э.и.*) – (уч нуқтали “са” ҳарфи билан) ислоҳ қилувчи, ҳолатни ўз қўлига олиб, фойдали тадбирни амалга оширувчи * 1) Сумома ибн Ҳазн ибн Абдуллоҳ ибн Салама ибн Қушайр ибн Каъб ибн Рабийъа ибн Омир ибн Саъсаъа Қушайрий Басрий (катта тобеин), 2) Сумома ибн Шароҳил Ямоний (тобеин), 3) Сумома ибн Шафий Абу Али Ҳамдоний (тобеин), 4) Сумома ибн Абдуллоҳ ибн Анас ибн Молик Ансорий Басрий (тобеин), 5) Сумома ибн Уқба Муҳаллимий Куфий (тобеин).

Суннат, Sunnat (*ap.*) – одат, урф, йўл, суннат; Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларини маҳкам ушлаб, унга амал қиладиган инсон.

⁴⁷ “Сулаймон” исми англиз тилида “Solomon” шаклида қўлланади. Мазкур исм “шол” ва “муҳ” сўзларидан ясалган бўлиб, “босиқ, вазмин киши” маъносини англатади. Мазкур исм туркларда “Сулейман” шаклида қўлланади.

Суннатуллох, Sunnatulloh (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг тақдирига рози бўлувчи.

Суръат, Sur'at (*ap.*), (*э.у.*) – тезкор, чаққон, жадал, эпчил; хайрли, савобли ишларга шошилувчи.

Суфён⁴⁸, Sufyon (*ap.*) – тез, чаққон, эпчил * 1) Суфён ибн Абу Зуҳайр Аздий (саҳобий. Азди Шануа қабиласидан), 2) Суфён ибн Асад Ҳазрабий (саҳобий), 3) Суфён ибн Абдуллоҳ ибн Рабийъа ибн Ҳорис Абу Амр Сақафий (саҳобий), 4) Суфён ибн Саид ибн Масруқ Саврий Куфий (машҳур табаа тобеин, олим ва зоҳид), 5) Суфён ибн Уяйна ибн Абу Имрон Абу Муҳаммад Маккий (табаа тобеин, Муҳаммад ибн Музоҳимнинг мавлоси, кенг илм ва катта шухрат эгаси. Имом Шофеъий у ҳақида: “Агар Молик ва Суфён бўлмаганида Ҳижоз илми унутиларди”, деб айтган. Суфён ибн Уяйна “Ал-Жомеъ фил ҳадис” ва “Китобун фит-тафсир” асарлари муаллифи саналади).

Суюма, Suyuma (*ўз.*) – шодлик келтирган қиз; бахтли, саодатли, хуррам.

Суюн, Suyun (*ўз.*) – севинч ва шодликка сабаб бўладиган фарзанд бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм (Бошқа шакллари: Суюнмирза, Суюнтой, Суюнхўжа).

Сухайб, Suhayb (*ap.*) – 1) Сухайб ибн Синон ибн Холид ибн Амр Абу Яхё Румий (саҳобий), 2) Сухайб (тобеин, Аббос ибн Абдулмутталибнинг мавлоси), 3) Сухайб Абу Саҳбо Бакрий (тобеин, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг мавлоси), 4) Сухайб Ҳаззо Абу Мусо Маккий (тобеин, Абдуллоҳ ибн Омирнинг мавлоси).

Сухайл, Suhayl (*ap.*) – “Саҳл” (енгил, осон)нинг кичрайтирма шакли * 1) Сухайл ибн Зироеъ Абу Зироеъ Куфий (тобеин), 2) Сухайл ибн Абу Ҳазм Абу Бакр Басрий (табаа тобеин), 3) Сухайл ибн Абу Солиҳ Абу Язид Маданий (табаа тобеин, Жувайрия бинти Аҳмаснинг мавлоси).

Сухайла, Suhayla (*ap.*) – “Сухайл”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Т

Таббассум, Tabassum (*ap.*), (*а.у.*) – хурсанд, шодон; омадли, бахтли.

Таваккал, Tavakkal (*ap.*), (*э.у.*) – Аллоҳ таолога таваккал қилувчи, ўз ишларини У Зотга топширувчи.

Тавалло, Tavallo (*ap.*) – Аллоҳ таолога дуо-илтижо қилувчи.

Тавфиқ, Tavfiq (*ap.*) – тавфиқли, имонли, эътиқодли, инсофли.

Тавҳид, Tavhid (*ap.*) – Аллоҳ таолони ягона деб билувчи, тавҳид ақидасини қалбига чуқур сингдирган банда.

Такмил, Takmil (*ap.*) – ҳар бир ишни мукамал бажарувчи.

Талъат, Tal'at (*ap.*) – кўриниш, қиёфа; чиройли.

Талҳа, Talha (*ap.*), (*э.у.*) – банан дарахти * 1) Талҳа ибн Убайдуллоҳ ибн Усмон ибн Амр ибн Каъб ибн Саъд ибн Тайм ибн Мурра Абу Муҳаммад Қураший Таймий (машҳур саҳобий, ашараи мубашшаралардан. Мадинага борганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у билан Каъб ибн Моликни биродар қилиб қўйганлар), 2) Талҳа ибн Молик Хузойй (саҳобий), 3) Талҳа ибн Абдуллоҳ ибн Абдурахмон ибн Абу Бакр Сиддиқ Қураший Таймий (тобеин), 4) Талҳа ибн Язид Абу Ҳамза Ансорий Айлий (тобеин).

Тамим, Tamim (*ap.*) – бирон ишни мукамал амалга оширувчи; бўйи узун; хулқи гўзал; мустаҳкам * 1) Тамим ибн Авс ибн Хорижа ибн Сувд Абу Руқайя Дорий (саҳобий), 2) Тамим (саҳобий), 3) Тамим ибн Ҳазлам Абу Салама Заббий (катта тобеин), 4) Тамим Абу Салама Қураший Фихрий (тобеин, Фотима бинти Қайсинг мавлоси), 5) Тамим ибн Тарафа Тоий Куфий (тобеин).

Тамима, Tamim (*ap.*) – “Тамим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Тамима бинти Ваҳб Абу Убайд Қуразия (саҳобия).

Тангриберган, Tangribergan (*ўз.*) – Аллоҳ таоло берган фарзанд.

Тангриберди, Tangriberdi (*ўз.*) – “Тангриберган” билан маънодош.

Тангриёр, Tangriyor (*ўз.-фм.*) – Аллоҳнинг валий бандаси.

Тангридўст, Tangrido'st (*ўз.-фм.*) – “Тангриёр” билан маънодош.

Тангриқул, Tangriqul (*ap.*) – Аллоҳнинг бандаси.

⁴⁸ Мазкур исмнинг аввалги ҳарфи бўлмиш “син” ҳаракатини уч хил – касра (и), замма (у) ва фатҳа (а) қилиб ўқиш мумкин, яъни у “Сифён”, “Суфён” ва “Сафён” шаклларида қўлланади, лекин бизга асосан “Суфён” шакли маълум.

Таскин, Taskin (*ap.*) – тинглантйрвчи, хотиржам қилувчи.

Таслим, Taslim (*ap.*) – мулойим, ювош; яхши ишларга хайрихоҳ.

Таъзим, Ta'zim (*ap.*) – Аллоҳ таолонинг буюклигини тан олувчи, У Зотни улуғ деб эътироф этувчи.

Тақиюддин, Taqiyuddin (*ap.*) – диндаги тақводор банда * 1) Тақиюддин ибн Абдулкофий ибн Али ибн Таммом Субкий Ансорий Хазражий (Шофеий фақиҳи. Ўз даврининг Шайхул Исломи даражасига кўтарилган. Шофеий мазҳабига оид бир неча китоблар муаллифи), 2) Тақиюддин ибн Абдулкодир Тамимий Ғозий (фақиҳ, адиб, “Ат-табақотус сунния фи тарожимил ҳанафия” китоби муаллифи. У мелодий 1601-, ҳижрий 1010-йилда вафот этган), 3) Тақиюддин ибн Муҳаммад Шамсуддин ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад Муҳиббуддин Хусайний Шофеий (фозил кишилардан, насаб ва тарих илми билимдони (мел. 1643-1717, х. 1053-1129). Дамашқда туғилиб, ўша ерда вафот этган).

Тилла, Tilla (*фм.*), (*э.у.*) – олтиндек қимматли, кадрли (“Заҳаб” исми билан маънодош).

Тожи, Toji (*ap.*) – мартабаси баланд, кадрли.

Тожианвар, Tojianvar (*ap.*) – “Тожи” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Тожиаҳмад, Tojiahmad (*ap.*) – “Тожи” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Тождин, Tojiddin (*ap.*) – Ислом динига мансуб мартабали инсон.

Тожимурод, Tojimurod (*ap.*) – “Тожи” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Тожимуҳаммад, Tojimuhammad (*ap.*) – “Тожи” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Тожинисо, Tojiniso (*ap.*) – аёллар ичида эътиборга молик, ҳурматли.

Толиб, Tolib (*ap.*) – талаб қилувчи, изловчи, хусусан илм талаб қилувчи, толиби илм; ҳаракатчан, тиришқоқ * 1) Толиб ибн Ҳабиб ибн Амр ибн Саҳл ибн Қайс Ансорий Маданий (катта табаа тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган), 2) Толиб ибн Хужайр Абу Хужайр Абдий (катта табаа тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Термизий “Сунан”да ундан ривоят қилган. Ибн Хужайр ишончли ровий саналади).

Толиба, Toliba (*ap.*) – “Толиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Толут, Tolut – Бани Исроил қавмига подшоҳ этиб тайинланган солиҳ кишининг исми * Толут ибн Аббод Абу Усмон Басрий Сайрафий (шайх, муҳаддис, ишончли ровий. Ҳижрий 238-йилда вафот этган).

Ториқ, Toriq (*ap.*) – юлдуз номи 1) Ториқ ибн Ашям ибн Масъуд Ашжаий (саҳобий), 2) Ториқ ибн Сувайд Ҳазрабий (саҳобий), 3) Ториқ ибн Абдуллоҳ Муҳорибий Куфий (саҳобий), 4) Ториқ ибн Зиёд Куфий (тобеин), 5) Ториқ ибн Абдурахмон ибн Қосим Қураший Ҳижозий (тобеин).

Тоҳа, Toha – эй инсон (“Ёсин” ва “Тоҳа” Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам исмларидан ҳисобланади) * 1) Тоҳа ибн Муҳаммад Жибрийний Ҳалабий (фозил кишилардан (мел. 1693-1764, х. 1105-1178). “Саҳихул бухорий”нинг баъзи қисмларига шарҳ ёзган. “Шарҳу асмои аҳли бадр” китоби муаллифи), 2) Тоҳа ибн Аҳмад Санавий (ироқлик қози, усул ва мантиққа оид китоби бор. Ҳижрий 1300-, мелодий 1882-йилда вафот этган), 3) Тоҳа ибн Абдулбоқий Сурур (мисрлик тадқиқотчи, Шариат масалаларига оид бир неча мақолалар муаллифи. Мелодий 1962-, ҳижрий 1382-йилда Қоҳирада вафот этган).

Тоҳир, Tohir (*ap.*) – пок, озода, тоза * 1) Тоҳир ибн Саҳл ибн Бишр ибн Аҳмад ибн Саид Абу Муҳаммад Исфароиний Димашқий (катта шайх, муҳаддис, ровий. Ҳижрий 531-йилда зулҳижжа ойида вафот этган), 2) Тоҳир ибн Макорим ибн Аҳмад ибн Саъд Абу Мансур Мавсилиий Қалонисий (шайх, муҳаддис, ровий. Ҳижрий 588-йилда рамазон ойида Мавсилда вафот этган), 3) Тоҳир ибн Абдуллоҳ ибн Тоҳир Абу Тоййиб Табарий (машхур шофеий фақиҳи, “Шарҳу мухтасарил музаний” асари муаллифи), 4) Тоҳир ибн Аҳмад ибн Бобшоз Абу Ҳасан Мисрий Жавҳарий (наҳв илмида ўз даврининг имоми бўлган. Мелодий 1077-, ҳижрий 469-йилда вафот этган), 5) Тоҳир ибн Аҳмад ибн Абдурашид ибн Хусайн Ифтихориддин Бухорий (ҳанафий мазҳабининг катта фақиҳи, “Хулосатул фатово” китоби муаллифи – мел. 1090-1147, х. 482-542), 6) Тоҳир ибн Баракот ибн Иброҳим Абулфазл Қураший Хушубий (ҳадис ровийларидан. Мелодий 1090-, ҳижрий 482-йилда туғилган), 7) Тоҳир ибн Қосим ибн Аҳмад Ансорий Хаворазмий (ҳанафий мазҳаби фақиҳи. Мелодий 1370-, ҳижрий 771-йилда вафот этган), 8) Тоҳир ибн Араб ибн Иброҳим ибн Аҳмад Асбахоний (қироат илми устози, ўн хил қироат ва тажвид илми ҳақида китоб муаллифи. Мелодий 1384-, ҳижрий 786-йилда вафот этган).

Тоҳира, Tohira (*ap.*) – “Тоҳир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Туйғу, TuYG'u (*ўз.*), (*а.у.*) – ҳис-туйғу.

Турсун, Tursun (*ўз.*) – яшасин, омон бўлсин, маъносида қўйиладиган исм.

Турсунали, Tursunali (ўз.-*ap.*) – “Турсун” ва “Али” исмлари бирикмаси.
Турсунанвар, Tursunanvar (ўз.-*ap.*) – “Турсун” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.
Турсунаҳмад, Tursunahmad (ўз.-*ap.*) – “Турсун” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.
Турсунмахмуд, Tursunmahmud (ўз.-*ap.*) – “Турсун” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.
Турсунмурод, Tursunmurod (ўз.-*ap.*) – “Турсун” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.
Турсунмуҳаммад, Tursunmuhammad (ўз.-*ap.*) – “Турсун” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.
Турсуной, Tursunoy (ўз.) – “Турсун”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
Турғун, Turg'un (ўз.) – собит, мустаҳкам (“Собит” исмининг ўзбекча шакли).
Турғунпўлат, Turg'unpo'lat (ўз.-*ap.*) – “Турғун” ва “Пўлат” исмлари бирикмаси.

Туфайл, Tufayl (*ap.*) – * 1) Туфайл ибн Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Саҳбара ибн Журсума ибн Убода ибн Мурра ибн Жушам ибн Авс ибн Намир ибн Усмон ибн Азд Қураший (саҳобий, она томондан Оиша онамизнинг биродари. Унинг онаси Умму Руммон Оиша ва Абдуллоҳларнинг ҳам онаси саналади. Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Туфайл ибн Амр ибн Ториф Давсий (саҳоба. Араблар қабила бошлиғи бўлган, “Зуннур” лақаби билан чакирилган. Чунки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга нур берилишини сўраб дуо қилганлар. Туфайл ибн Амр ҳижратдан аввал Маккада мусулмон бўлган), 3) Туфайл ибн Ҳорис ибн Мутталиб ибн Ҳошим (саҳоба. Бадра қатнашган – мел. 586-653, ҳижратдан 38 йил аввал туғилган – ҳижрий 32-йилда вафот этган), 4) Туфайл ибн Убай ибн Каъб Абу Батн Ансорий Нажжорий Маданий (катта тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Термизий ва Ибн Можа “Сунан”да ривоят қилган, ишончли ровий).

Тухфа, Tuhfa (*ap.*) – совға, ҳадя; раҳмат-марҳамат (Бошқа шакллари: Тухфанисо, Тухфахон, Тухфаой, Тухфабуви).

Тухфатуллоҳ, Tuhfatulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг марҳамати, лутф-карами; Аллоҳнинг раҳматига сазовор бўлувчи.

Тўлиной, To'liroy (ўз.) – тўлишган ой.

Тўра, To'ra (ўз.) – аслзода, хонзода; мартабаси улўғ.

Тўрамахмуд, To'ramahmud (ўз.-*ap.*) – “Тўра” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Тўрамурод, To'ramurod (ўз.-*ap.*) – “Тўра” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Тўрамуҳаммад, To'ramuhammad (ўз.-*ap.*) – “Тўра” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

У

Убай, Ubay (*ap.*) – (қадимги арабча исм. Маъноси номаълум. Эҳтимол “Абий”нинг (Маъноси: “Уятчан, ҳаёли”) кичрайтирма шаклидир) * 1) Убай ибн Каъб ибн Қайс ибн Убайд ибн Зайд Муовия ибн Амр ибн Молик Абул Мунзир Ансорий Хазражий (машҳур саҳобий, қорилар устози), 2) Убай ибн Умора Маданий (саҳобий. Баъзи манбаларда отасининг исми “Убода” деб келтирилган), 3) Убай ибн Аббос ибн Саҳл ибн Саъд Ансорий Соидий Маданий (катта табаа тобеин).

Убайд, Ubayd (*ap.*) (*ap.*) – “Абд”нинг кичрайтирма шакли – кичик банда (эркалаш маъносида) * 1) Убайд ибн Холид Мухорибий (саҳобий), 2) Убайд ибн Бароъ ибн Озиб Ансорий Ҳорисий Куфий (тобеин, Рабийъ ибн Бароъ, Лут ибн Бароъ ва Язид ибн Бароънинг туғишган биродари), 3) Убайд Киндий Куфий (тобеин, Муҳаммад ибн Убайднинг отаси), 4) Убайд ибн Абдурахмон Абу Убайда Музаний (табаа тобеин, Ҳайсам ибн Убайднинг отаси).

Убайда, Ubayda (*ap.*), (*э.а.и.*) – “Убайд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли, аммо кўп ҳолларда эркакларга нисбатан ишлатилади * 1) Убайда ибн Билол Тамимий Басрий (кичик тобеин), 2) Убайда ибн Рабийъа Куфий (тобеин), 3) Убайда ибн Суфён ибн Ҳорис ибн Ҳазрабий (тобеин), 4) Убайда бинти Нобил Ҳижозия (катта табаа тобеин).

Убайдуллоҳ, Ubaydulloh (*ap.*) – “Абдуллоҳ”нинг кичрайтирма шакли * 1) Убайдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб Абу Муҳаммад Қураший Ҳошимий (саҳобий, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам амакиларининг ўғли), 2) Убайдуллоҳ ибн Асвад Хавлоний (тобеин), 3) Убайдуллоҳ ибн Абу Рофеъ Маданий (тобеин), 4) Убайдуллоҳ ибн Абу Жаъфар Абу Бакр (кичик тобеин), 5) Убайдуллоҳ ибн Абу Ҳумайд Ғолиб Абул Хаттоб Басрий Ҳузалий (катта табаа тобеин), 6) Убайдуллоҳ ибн Ҳусайн Абул Ҳасан Кархий (машҳур ханафий фақиҳи, “Рисола фи усулил аҳноф” асари муаллифи).

Убода, Uboda (*ap.*), (*э.и.*) – банда, кул (“Абд” исми билан маънодош) 1) Убода ибн Сомит ибн Қайс ибн Асром ибн Фихр Абул Валид Ансорий Хазражий (машхур саҳобий), 2) Убода Ансорий Зуракий (саҳобий, Саъд ибн Убода ва Абдуллоҳ ибн Убодаларнинг отаси), 3) Убода ибн Валид ибн Убода ибн Сомит Абу Сомит Ансорий (тобеин), 4) Убода ибн Нусайи Абу Умар Киндий (тобеин).

Уваймир, Uvaumir (*ap.*) – “Омир”нинг кичрайтирма шакли * 1) Уваймир⁴⁹ ибн Омир⁵⁰ ибн Зайд ибн Қайс ибн Умайя ибн Молик ибн Омир ибн Адий ибн Каъб ибн Хазраж ибн Хорис ибн Хазраж Абу Дардо Ансорий Хазражий (машхур саҳобий, онаси Маҳаббат бинти Воқид ибн Амр ибн Атноба ибн Омир ибн Зайдиманот ибн Молик ибн Саълаба ибн Каъбдир. Абу Дардо олим, фақиҳ ва қори саҳобалардан бўлган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у билан Салмон Форисийни биродар қилиб қўйганлар. Абу Дардо ҳижрий 32-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилган), 2) Уваймир ибн Ашқор Ансорий Бадрий (саҳобий, Мадинада яшаган, Ибн Можа ундан ривоят қилган), 3) Уваймир (саҳоба, Умму Фазлнинг мавлоси).

Увайс, Uvays (*ap.*) – кучли, қудратли, бақувват * 1) Увайс ибн Омир ибн Жузь ибн Молик Абу Амр Қараний Муродий Ямоний (тобеинлар саййиди, зоҳид. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида яшаган, аммо у зотни кўрмаган. Умар ибн Хаттоб билан ҳамроҳ бўлган, кейин Куфада яшаган. Али розияллоҳу анҳу билан Сиффин жангида қатнашган. Баъзи тарихчиларга кўра, у Сиффинда ҳалок бўлган. Муслим ундан ривоят қилган), 2) Увайс ибн Абу Увайс Тамимий (тобеин. Насоий ундан ривоят қилган. Ибн Ҳиббон унинг ишончли ровий эканини айтган).

Узайр⁵¹, Uza'ir (*ap.*) – кучли, қудратли; ёрдамчи, кўмакчи (Тахминан милоддан аввалги 450-йилларда Бани Исроил қавмида Бобил шаҳрида “Узайр” исмли киши яшаб ўтган. Яҳудийлар: “Узайр Аллоҳнинг ўғли”, деб нотўғри эътиқод қилганлар. Тўлиқроқ маълумотни “Тавба” сураси 30-ояти тафсиридан олишингиз мумкин. Шунингдек, “Бақара” сурасининг 259-оятида Аллоҳ томонидан юз йил ўлдирилиб, сўнг яна қайта тирилтирилган киши Узайрдир).

Уяйна, Uayna (*ap.*), (*э.и.*) – кичик бўлок (“Айн”нинг кичрайтирма шакли) * 1) Уяйна ибн Ҳисн ибн Ҳузайфа ибн Бадр Фазорий (саҳобий), 2) Уяйна ибн Абдурахмон ибн Жавшан Абу Молик Ғатафоний Жавшаний (катта табаа тобеин. Ҳижрий 150-йилда вафот этган. “Сунан” соҳиблари ва Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Уйғун, Uyg'un (*ўз.*) – келишган, мос, мувофиқ.

Улуғбек, Ulug'bek (*ўз.*) – ҳурматли, эътиборли.

Умайр, Uma'ir (*ap.*) – “Умар”нинг кичрайтирма шакли * 1) Умайр (саҳобий), 2) Умайр Сақафий (саҳобий, Ҳарб ибн Абдуллоҳнинг бобоси), 3) Умайр ибн Ҳабиб ибн Хумоша Хатмий (саҳобий, Абу Жаъфар Хатмийнинг бобоси), 4) Умайр ибн Саъд Ансорий Авсий (саҳобий), 5) Умайр ибн Салама Замрий Маданий (саҳобий), 6) Умайр ибн Қатода ибн Саъд ибн Омир Лайсий (саҳобий, Убайд ибн Умайрнинг отаси), 7) Умайр ибн Ниёр ибн Уқба ибн Ниёр Ансорий (саҳобий), 8) Умайр (тобеин, Умар ибн Хаттобнинг мавлоси), 9) Умайр ибн Исҳоқ Абу Муҳаммад Қураший (тобеин).

Умайра, Uma'ira (*ap.*), (*э.и.*) – “Умайр”га муаннас жинсни билдирувчи “та” қўшимчаси қўшиб ясалган исм * 1) Умайра ибн Саъд Абу Сакан Ҳамдоний Ёмий (тобеин), 2) Умайра ибн Абу Ножия Абу Яҳё Руайний (катта табаа тобеин).

Умайя, Uma'ya (*ap.*), (*э.а.и.*) – Аллоҳнинг кичик бандаси * 1) Умайя ибн Махший (ёки Мухашшо) Абу Абдуллоҳ Ҳузайи (саҳобий), 2) Умайя ибн Сафвон ибн Умайя ибн Халаф ибн Ваҳб ибн Ҳузофа ибн Жумах Қураший Жумаҳий Маккий (тобеин, “катта Умайя”, “кичик Умайя” Умайя ибн Сафвон ибн Абдуллоҳ ибн Сафвон ибн Умайя ибн Халаф Қураший Жумаҳий саналади. У кичик тобеинлардандир), 3) Умайя ибн Абдуллоҳ ибн Холид ибн Усайд ибн Абул Ййс ибн Умайя Қураший Умавий Маккий (тобеин), 4) Умайя ибн Ҳинд Музаний Ҳижозий (кичик тобеин), 5) Умайя бинти Абу Салт Ғифория (тобеин).

Умар, Umar (*ap.*) – умр кўрувчи, яшовчи * 1) Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл ибн Абдулғуззо ибн Риёх ибн Абдуллоҳ ибн Қурт ибн Рузоҳ ибн Адий Абу Ҳафс Қураший Адавий (машхур саҳобий, амирул

⁴⁹ Абу Дардо исми манбаларда турлича келтирилган. Абу Нуайм “Маърифатус саҳоба”да унинг исми “Уваймир”, “Умайр”, “Амр”, “Омир” тарзида келтирилганини айтган.

⁵⁰ Абу Дардо розияллоҳу анҳу отасининг исми манбаларда турлича, жумладан, “Зайд”, “Молик”, “Саълаба”, “Абдуллоҳ” тарзида келтирилган.

⁵¹ “Узайр” исми инглиз тилида “Ezra” шаклида қўлланади.

мўминин, адолат рамзи), 2) Умар ибн Абдулазиз ибн Марвон ибн Ҳакам ибн Абул Ос Абу Ҳафс Қураший Умавий (тобеин, амирул мўминин. Кўпчилик уни бешинчи одил халифа, деб атаган), 3) Умар ибн Саъд ибн Абу Ваққос Абу Ҳафс Қураший Зухрий (катта тобеин), 4) Умар ибн Собит (тобеин), 5) Умар ибн Ҳафс Ҳижозий Маданий (табаа тобеин) 6) Умар ибн Абдулазиз ибн Умар ибн Моза Абу Муҳаммад (машҳур ҳанафий олимларидан. “Ал-Фатово ас-суғро”, “Ал-Фатово ал-кубро”, “Шарҳул жомиъис сағир” каби асарлар муаллифи).

Умарали, Umarali (*ap.*) – “Умар” ва “Али” исмлар бирикмаси.

Умармирза, Umarmizra (*ap.*-ўз.) – “Умар” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Умарфорук, Umarforuq (*ap.*) – ҳақ ва ботилни ажратувчи Умар розияллоху анҳуга ўхшаган солих банда бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Умид, Umid (*ўз.*) – орзу қилинган, қутилган; умидли, орзули (Бошқа шакллари: Умиджон, Умидхон, Умидхўжа).

Умида, Umida (*ap.*) – “Умид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Уммат, Ummat (*ap.*) – уммати Муҳаммадийга мансуб банда.

Умматали, Ummatali (*ap.*) – “Уммат” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Уммулкарам, Ummulkaram (*ap.*) – сахий, карамли, қўли очик.

Уммулмаҳосин, Ummulmahosin (*ap.*) – гўзал, чиройли; хайр ва яхшилик соҳибаси.

Уммулфазл, Ummulfazl (*ap.*) – фазилят соҳибаси (“Абулфазл”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли).

Уммулфайз, Ummulfayz (*ap.*) – файзли, хайрли, баракали (“Абулфайз” исмининг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли).

Уммулхайр, Ummulхайr (*ap.*) – хайр-саховат ва яхшилик эгаси (“Абулхайр”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли).

Уммусаодат, Ummusaodat (*ap.*) – бахтли, саодатли.

Умома, Umoма (*ap.*) – 1) Умома бинти Ҳамза ибн Абдулмутталиб (саҳобия), 2) Умома бинти Абул Ос (Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам набиралари. Яъни, қизлари Зайнабнинг қизи. У зот Умомани намозда кўтариб турардилар. Али ибн Абу Толиб Фотима вафотидан кейин Умар халифалиги даврида унга уйланган. Бир оз муддат яшаган, улардан фарзандлар дунёга келган. Али розияллоху анҳудан кейин Умома Муғийра ибн Навфал ибн Ҳорис ибн Абдулмоттолиб Ҳошимийга турмушга чиққан. Яхё ибн Муғийра туғилганидан кейин Муғийра вафот этган).

Умрзоқ, Umrzoq (*ap.*-ўз.) – узoқ умр кўрувчи (Умри хайрли ва баракали бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм).

Унсия, Unsiya (*ap.*), (*a.u.*) – дўст, дугона, ҳамроҳ; садоқатли, меҳрибон.

Урва, Urva (*ap.*), (*э.и.*) – боғ, арқон * 1) Урва ибн Жаъд Боқирий Аздий (саҳобий), 2) Урва ибн Мидрос ибн Авс ибн Ҳориса Тоий (саҳобий), 3) Урва ибн Низол Тамимий Куфий (катта тобеин), 4) Урва ибн Зубайр ибн Аввом ибн Хувайлид Абу Абдуллох Қураший Асадий (тобеин. Ҳазрати Усмон ибн Аффон халифалигининг бошларида туғилган. Ибн Саъд айтилишича, у факих, олим кишилардан бўлиб, кўп миқдорда саҳих ҳадислар ривоят қилган), 5) Урва ибн Муғийра ибн Шуъба Абу Яъфур Сақафий (тобеин, Ҳамза ибн Муғийра, Ғифор ибн Муғийра ва Яъфур ибн Муғийранинг туғишган биродари).

Усайд, Usayd (*ap.*) – жасур, қўркмас, ботир * 1) Усайд ибн Хузайр ибн Саммок ибн Атик ибн Рофеъ ибн Имрулкайс ибн Зайд ибн Абдульашхал ибн Жашм ибн Ҳорис ибн Хазраж ибн Амр ибн Молик ибн Авс Абу Яхё Ансорий Ашхалий (машҳур саҳоба. Саъд ибн Муоз розияллоху анҳудан олдин Мусъаб ибн Умайр сабабчи бўлиб Исломга кирган. Иккинчи Ақабада қатнашган. Бадр, Уҳуд ва бошқа ғазотларда иштирок этган. Уҳуд жангида етти жойидан жароҳат олган. Мадинага муҳожирлар келганида Расулulloх соллalloху алайҳи ва саллам у билан Зайд ибн Ҳорисани биродар қилиб қўйганлар. Усайд ибн Хузайрнинг овози жуда чиройли бўлган. Ҳатто унинг Куръон ўқишига фаришталар ҳозир бўлгани ҳақида ривоятлар бор. “Сихоҳи ситта” соҳиблари Усайддан ҳадис ривоят қилишган. Усайд ҳижрий 20/21-йилда, шаъбон ойида вафот этган, Бакийъ қабристонига қўйилган. Жанозасини Умар ибн Ҳаттоб ўқиган. Ўлими олдидан Усайд Умар ибн Ҳаттобга васият қилган. Ўша васиятномада Усайднинг бўйнида тўрт минг динор қарзи борлиги ёзилганди. Умар тўрт йил давомида хурмосини тўрт минг динорга сотиб, унинг қарзини узган. Аллох улардан рози бўлсин!) 2) Усайд ибн Сафвон (саҳобий), 3) Усайд ибн Зухайр

ибн Рофеъ Ансорий Авсий (саҳобий), 4) Усайд ибн Муташаммис ибн Муовия Тамимий Саъдий Басрий (катта тобеин), 5) Усайд ибн Рофеъ ибн Хадиж Ансорий (тобеин).

Усмон, Usmon (*ap.*) – мард, жасур, кўркмас; оғир, босик, вазмин; қул, банда (Бошқа шакллари: Усмонтўра, Усмонхон, Усмонхўжа) * 1) Усмон ибн Аффон ибн Абул Ос ибн Умайя Абу Амр Қураший Умавий (машхур саҳобий, ашараи мубашшаралардан, амирул мўминин, зуннурайн – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам куёвлари), 2) Усмон ибн Мазъун ибн Ҳабиб ибн Ваҳб ибн Ҳузофа ибн Жумах Жумаҳий (машхур саҳобий. Ўн тўртинчи киши бўлиб Исломга кирган), 3) Усмон ибн Абул Ос ибн Бишр ибн Абд ибн Даҳмон Абу Абдуллоҳ Сақафий Тоифий (саҳобий), 4) Усмон ибн Ҳаниф ибн Воҳиб Абу Амр Ансорий Авсий (саҳобий), 5) Усмон ибн Талҳа ибн Абу Талҳа ибн Усмон Қураший Абдарий Ҳажабий (саҳобий), 6) Усмон ибн Али ибн Муҳаммад Фахриддин Зайлабий (Ҳанафий мазҳаби фақиҳи, “Табйинул ҳақоик фи шарҳи канзид дақоик” ва “Шарҳул жомиъил кабир” асарлари муаллифи).

Усмонали, Usmonali (*ap.*) – “Усмон” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Усома, Usoma (*ap.*), (*э.и.*) – жасур, ботир, паҳлавон * 1) Усома ибн Зайд ибн Ҳориса ибн Шароҳил Абу Муҳаммад (саҳобий, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тутинган ўғиллари ва мавлолари Зайд ибн Ҳорисанинг ўғли), 2) Усома ибн Аҳдарий Тамимий (саҳобий), 3) Усома ибн Шарик Саълабий Зубёний (саҳобий), 4) Усома ибн Умайр ибн Омир ибн Уқайшир Ҳузалий Басрий (саҳобий).

Утба, Utba (*ap.*), (*э.и.*) – 1) Утба ибн Надр Суламий (саҳобий), 2) Утба ибн Абд Абул Валид Суламий (саҳобий), 3) Утба ибн Увайм ибн Соида Ансорий Маданий (саҳобий), 4) Утба ибн Ғазвон ибн Жобир Абу Абдуллоҳ Мозиний (саҳобий), 5) Утба ибн Фарқад ибн Ярбуъ ибн Ҳабиб ибн Молик Абу Абдуллоҳ Суламий (саҳобий), 6) Утба ибн Ғазвон Риқоший (тобеин), 7) Утба ибн Муҳаммад ибн Ҳорис ибн Навфал Қураший Ҳошимий (тобеин).

Уқайл, Uqayl (*ap.*) – “Ақил”нинг кичрайтирма шакли * 1) Уқайл ибн Талҳа Суламий (тобеин. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган. Ибн Ҳажар ва Заҳабий унинг ишончли ровий эканини айтган), 2) Уқайл ибн Холид ибн Уқайл Абу Холид Айлий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, имом, ҳофиз, Усмон ибн Аффон оиласи мавлоси. У Ибн Шихоб, Икрима, Амр ибн Шуайб, Ҳасан Басрий, Қосим ибн Муҳаммад, Ибн Умарнинг мавлоси Нофеъ, Ирок ибн Молик, Солим ибн Абдуллоҳ, Холид ибн Маъқил, Зиёд ибн Ақийл, Салама ибн Куҳайл ва бошқалардан ривоят қилган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Уқайл ибн Холид ҳижрий 144-йилда Мисрда вафот этган), 3) Уқайл ибн Мудрик Абу Азҳар Суламий (катта табаа тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган. Заҳабий уни ишончли ровий санаган).

Уқба, Uqba (*ap.*), (*э.и.*) – охири, ниҳояси; охирати хайрли бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм * 1) Уқба ибн Омир Абу Ҳаммод Жуханий (саҳобий), 2) Уқба ибн Амр ибн Саълаба ибн Амр ибн Асира ибн Асира Абу Масъуд Ансорий (саҳобий), 3) Уқба ибн Молик Лайсий (саҳобий), 4) Уқба Жуханий (саҳобий), 5) Уқба ибн Ҳорис ибн Омир ибн Навфал Қураший (саҳобий), 6) Уқба ибн Абу Зайнаб (кичик тобеин).

Ф

Фавзий, Favziy (*ap.*) – ғолиб, муваффақият қозонувчи; нажот топувчи.

Фавзия, Favziya (*ap.*) – “Фавзий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Фавзон, Favzon (*ap.*) – ғалаба қозонувчи, ютуққа эришувчи, нажот топувчи.

Фазилат, Fazilat (*ap.*) – афзал, муносиб; ақлли, фозил.

Фазл, Fazl (*ap.*) – фазл соҳиби, афзал, устун, муносиб * 1) Фазл ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим Абу Абдуллоҳ Қураший Ҳошимий (саҳобий. Абдуллоҳ ибн Аббоснинг туғишган биродари), 2) Фазл ибн Ҳасан ибн Амр ибн Умайя Замрий Маданий (тобеин), 3) Фазл ибн Мубашшир Абу Бақр Ансорий (кичик тобеин), 4) Фазл ибн Абу Ҳакам Тоҳий Басрий (катта табаа тобеин), 5) Фазл ибн Сувайд Куфий (катта табаа тобеин).

Фазлиддин, Fazliddin (*ap.*) – динда фазилат соҳиби бўлган инсон.

Фазлий, Fazliy (*ap.*) – фазилат соҳиби, афзал, устун.

Фазлуллоҳ, Fazlulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг фазлига муносиб инсон.

Файз, Fayz (*ap.*) – файзли, баракали, хайрли; фаровон; саҳий, мурувватли.

Файзали, Fayzali (*ap.*) – “Файз” ва “Али” исмлари бирикмаси.
Файзанвар, Fayzanvar – “Файз” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.
Файзахмад, Fayzahmad (*ap.*) – “Файз” ва “Ахмад” исмлари бирикмаси.
Файзмақсуд, Fayzmaqsud (*ap.*) – “Файз” ва “Мақсуд” исмлари бирикмаси.
Файзиддин, Fayziddin (*ap.*) – Ислом динида кўп яхшиликлар, файз-барака бўлиши, солиҳ амаллар бажарилишига сабаб бўлувчи инсон.
Файзиислом, Fayziislom (*ap.*) – “Файзиддин” исми билан маънодош.
Файзимаҳмуд, Fayzimahmud (*ap.*) – “Файзи” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.
Файзимурод, Fayzumurod (*ap.*) – “Файзи” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.
Файзимухаммад, Fayzimuhammad (*ap.*) – “Файзи” ва “Мухаммад” исмлари бирикмаси.
Файзиносир, Fayzinosir (*ap.*) – нусрат берувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзинур, Fayzinur (*ap.*) – осмонлар ва Ернинг нури Аллоҳнинг марҳамати.
Файзираззоқ, Fayzirazzoq (*ap.*) – ризқ берувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзирауф, Fayzirauf (*ap.*) – шафқатли Аллоҳнинг марҳамати.
Файзирашид, Fayzirashid (*ap.*) – тўғри йўлга бошловчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзираҳим, Fayzirahim (*ap.*) – раҳмли Аллоҳнинг марҳамати.
Файзираҳмон, Fayzirahmon (*ap.*) – Раҳмон сифатли Аллоҳнинг марҳамати.
Файзисалом, Fayzisalom (*ap.*) – нуқсонлардан саломат Аллоҳнинг марҳамати.
Файзисамад, Fayzisamad (*ap.*) – хожатбарор Аллоҳнинг марҳамати.
Файзисаттор, Fayzisattor (*ap.*) – гуноҳларни беркитувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзишакур, Fayzishakur (*ap.*) – кўп миқдорда савоб берувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзишаҳид, Fayzishahid (*ap.*) – ҳар нарсага гувоҳ бўлувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулборий, Fayzulboriy (*ap.*) – йўқдан бор қилувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулбосит, Fayzulbosit (*ap.*) – кенг ризқ берувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулбоқий, Fayzulboqiy (*ap.*) – боқий қолувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулвадуд, Fayzulvadud (*ap.*) – солиҳларни яхши кўрувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулвалий, Fayzulvaliy (*ap.*) – “Файзулвадуд” билан маънодош.
Файзулвахҳоб, Fayzulvahhob (*ap.*) – муруввати чексиз Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулворис, Fayzulvoris (*ap.*) – мангу қолувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулвоҳид, Fayzulvohid (*ap.*) – ягона Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулжаббор, Fayzuljabbor (*ap.*) – ғолиб ва ислоҳ қилувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулжавод, Fayzuljavod (*ap.*) – карами кенг Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулжалил, Fayzuljalil (*ap.*) – улуғ Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулкабир, Fayzulkabir (*ap.*) – буюк Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулкарим, Fayzulkarim (*ap.*) – Карим сифатли Аллоҳнинг лутф-карамига муносиб банда.
Файзуллоҳ, Fayzulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг раҳматиға муносиб банда.
Файзулмавлон, Fayzulmavlon (*ap.*) – оламлар Парвардигори Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулманнон, Fayzulmannon (*ap.*) – неъматлари чексиз Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулмажид, Fayzulmajid (*ap.*) – шарафли Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулмалик, Fayzulmalik (*ap.*) – оламлар подшоҳи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулфаттоҳ, Fayzulfattoh (*ap.*) – ризқ ва раҳмат эшикларини очувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулхолиқ, Fayzulxoliq (*ap.*) – махлуқотларни яратувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулқайюм, Fayzulqayyum (*ap.*) – ҳар нарса устида қоим Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулқаҳҳор, Fayzulqahhor (*ap.*) – ғолиб ва қудратли Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулқодир, Fayzulqodir (*ap.*) – ҳар нарсаға қодир Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулқуддус, Fayzulquddus (*ap.*) – нуқсонлардан саломат Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулғаний, Fayzulg‘aniy (*ap.*) – беҳожат Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулғафур, Fayzulg‘afur (*ap.*) – гуноҳларни кечирувчи Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулғаффор, Fayzulg‘affor (*ap.*) – “Файзулғафур” билан маънодош.
Файзулҳай, Fayzulhay (*ap.*) – барҳаёт Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулҳаким, Fayzulhakim (*ap.*) – ҳикматли Аллоҳнинг марҳамати.
Файзулҳамид, Fayzulhamid (*ap.*) – мактов соҳиби Аллоҳнинг марҳамати.

Файзулҳаннон, Fayzulhannon (*ap.*) – раҳмли Аллоҳнинг марҳамати.

Файзулҳафиз, Fayzulhafiz (*ap.*) – ҳалокатдан сақловчи Аллоҳнинг марҳамати.

Файзулҳақ, Fayzulhaq (*ap.*) – Ҳақ Зот – Аллоҳнинг карамига лойиқ банда.

Файзулҳодий, Fayzulhodiy (*ap.*) – тўғри йўлга бошловчи Аллоҳнинг марҳамати.

Файсал, Faysal (*ap.*) – ҳакам, қози; қилич.

Фараж, Faraj (*ap.*) – нажот топувчи, қийинчиликдан енгиллик томон чиқувчи; хурсанд, шодон * 1) Фараж ибн Саид ибн Алқамма ибн Саид ибн Абяз Абу Равҳ Сабаий Маърибий (катта табаа тобеин. Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 2) Фараж ибн Абдуллоҳ Абул Ғайс Ҳабаший (Абу Жаъфар Қуртубийнинг мавлоси. Ҳижрий 74/76-йилда туғилиб, 165-йилда шаввол ойида вафот этган).

Фариза, Fariza (*ap.*) – ўзига юклатилган бандалик бурчини адо этувчи.

Фариҳа, Fariha (*ap.*) – бахтли, саодатли, хурсанд, шод.

Фароғат, Farogʻat (*ap.*) – тинч, омон, хотиржам, сокин.

Фаррух, Farrux (*fm.*) – бахтли, саодатли; чиройли, келишган; адолат билан ҳукм қилувчи * Фаррух (тобеин, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг мавлоси. Ибн Можа ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Фарҳон, Farhon (*ap.*) – хурсанд, қувноқ, бахтли.

Фасиҳ, Fasih (*ap.*) – нутқи равшан, фасоҳатли, суҳандон, нотик.

Фасиҳа, Fasiha (*ap.*) – “Фасиҳ”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Фатонат, Fatonat (*ap.*) – ўткир зеҳли, зийрак, ақлли.

Фаттоҳберган, Fattohbergan (*ap.-ўз.*) – бандаларига ризқ ва раҳмат эшикларини очувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Фаттоҳберди, Fattohberdi (*ap.-ўз.*) – “Фаттоҳберган” билан маънодош.

Фаттоҳқул, Fattohqul (*ap.-ўз.*) – бандаларига ризқ ва раҳмат эшикларини очувчи Аллоҳнинг бандаси.

Фатҳиддин, Fathiddin (*ap.*) – Диннинг енгилмас, ғолиб курашчиси, фатҳлар соҳиби.

Фатҳий, Fathiy (*ap.*) – муваффақият қозонувчи, музаффар, ғолиб (“Насрий” билан маънодош).

Фатҳия, Fathiya (*ap.*) – “Фатҳий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Фатҳуллоҳ, Fathulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг ёрдамига муносиб банда.

Фаҳриддин, Faxriddin (*ap.*) – Ислом динининг фаҳри, шаъни, шавкати.

Фаҳриислом, Faxriislom (*ap.*) – “Фаҳриддин” исми билан маънодош.

Фаҳриимон, Faxriimon (*ap.*) – “Фаҳриддин” билан маънодош.

Фаҳринисо, Faxriniso (*ap.*) – аёллар фаҳри, хотин-қизлар фаҳр қилса арзигулик аёл.

Феруз, Feruz (*fm.*) – ғолиб, музаффар.

Феруза, Feruza (*fm.*) – “Феруз”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Фикрат, Fikrat (*ap.*) – идрокли, ақлли, фикр-мулоҳазали.

Фирдавс, Firdavs (*fm.*), (*э.а.у.*) – жаннат номларидан бири.

Фирдавсий, Firdavsiy (*fm.*) – Фирдавс жаннатига кирувчи.

Фитрат, Fitrat (*ap.*), (*э.у.*) – фитрати пок, хулқи чиройли.

Фозил, Fozil (*ap.*) – ақлли, доно, билимдон (Бошқа шакллари: “Фозилбек, Фозилжон, Фозилхон, Фозилхўжа).

Фозила, Fozila (*ap.*) – “Фозил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Фозила Ансория (саҳобия. Абдуллоҳ ибн Унайсининг завжаси).

Фозиланвар, Fozilanvar (*ap.*) – “Фозил” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Фозилаҳмад, Fozilahmad (*ap.*) – “Фозил” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Фозилмаҳмуд, Fozilmahmud (*ap.*) – “Фозил” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Фозилмуҳаммад, Fozilmuhammad (*ap.*) – “Фозил” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Форук, Foruq (*ap.*) – ҳақ ва ботилни, ҳалол билан ҳаромни бир-биридан фарқловчи; адолатли, ҳақиқат тарафдори (Умар ибн Хаттоб ибн Нуфайл ибн Абдулўззо ибн Риёх ибн Абдуллоҳ ибн Курт ибн Рузох ибн Адий Абу Ҳафс Қураший Адавий розияллоҳу анҳунинг лақаби) * Форук ибн Абдулкабир ибн Умар Абу Ҳафс Хаттобий Басрий (муҳаддис, Басра имоми. Ҳижрий 361-йилда вафот этган).

Фотима, Fotima (*ap.*) – ажратувчи, айирувчи 1) Фотима Захро бинти Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб Уммул Ҳасан Қурашия Ҳошимия (машҳур саҳобия, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари, Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг завжаси, мусулмон уммати аёлларининг саййидаси. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўн саккизта ҳадис ривоят қилган), 2) Фотима бинти Мужаллил ибн Абдуллоҳ ибн Абу Қайс Умму Жамил Қурашия Омирия (саҳобия, муҳожиралардан, Муҳаммад ибн Ҳотиб Жумаҳийнинг онаси, баъзи манбаларда Бинти Мужаллил исми “Жувайрия” деб келтирилган), 3) Фотима бинти Ямон Абсия (саҳобия, Ҳузайфа ибн Ямоннинг синглиси ёки онаси. Баъзи манбаларда унинг исми “Хавла” деб келтирилган), 4) Фотима бинти Қайс ибн Холид Қурашия Фихрия (машҳур саҳобия, муҳожиралардан), 5) Фотима бинти Абу Ҳубайш Қурашия Асадия (саҳобия, муҳожиралардан), 6) Фотима бинти Мунзир ибн Зубайр ибн Аввом Қурашия Асадия Мадания (тобеин, Ҳишом ибн Урванинг завжаси), 7) Фотима бинти Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб Қурашия Ҳошимия Мадания (кичик тобеинлардан, Ҳасан ибн Ҳасан ибн Али ибн Абу Толибнинг завжаси, Зайнул Обидийнинг синглиси ёки онаси).

Фузайл, Fuzayl (*ap.*) – “Фазл” исмининг кичрайтирма шакли * 1) Фузайл ибн Иёз Хавлоний (тобеин), 2) Фузайл ибн Фазола Ҳавзаний Шомий (кичик тобеин), 3) Фузайл ибн Иёз ибн Масъуд ибн Бишр Абу Али Таймий (машҳур табаа тобеин, зоҳид, олим ва тақводор зотлардан бўлган), 4) Фузайл ибн Марзуқ Абу Абдурахмон Ағар Риқоший (катта табаа тобеин), 5) Фузайл ибн Ғазвон ибн Жарир Абулфазл Заббий (катта табаа тобеин).

Фулайх, Fulayh (*ap.*) – нажот топувчи * Фулайх⁵² ибн Сулаймон ибн Абу Муғйра ибн Ҳунайн Абу Яҳё Ҳузойи (катта табаа тобеин. Саҳобалар даврининг охирида туғилган. Имом Моликдан бир оз каттарок. Ҳижрий 168-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Фуод, Fuod (*ap.*), (*a.u.*) – қалб, дил, кўнгил; салим қалб соҳибаси * Фуод ибн Саййид Умора (қўлёмаларни ўқиш бўйича мутахассис (мел. 1916-1967, ҳиж. 1334-1387). Қоҳирада туғилиб, ўша ерда вафот этган).

Х

Хаббоб, Habbob (*ap.*) – тез юрувчи; яхшилик учун шошилувчи * 1) Хаббоб ибн Арот ибн Жандала ибн Саъд ибн Ҳузайма ибн Каъб ибн Саъд ибн Зайдиманот Абу Абдуллоҳ Тамимий (муҳожир саҳобий, собиқунал аввалунлардан. Исломига олтинчи бўлиб кирган⁵³. Бадра қатнашган. Ҳижрий 37-йилда етмиш уч ёшида Куфада вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Хаббоб Ҳузойи (саҳобий), 3) Хаббоб Маданий (катта тобеин. Муслим ва Абу Довуд ундан ривоят қилган).

Хавла, Xavla (*ap.*) – ишларни тадбир билан амалга оширувчи * 1) Хавла бинти Қайс ибн Қаҳд ибн Қайс ибн Саълаба Умму Муҳаммад Ансория Нажжория (саҳобия, Ҳамза ибн Абдулмутталибнинг завжаси), 2) Хавла бинти Ҳаким ибн Умайя ибн Ҳориса ибн Авқас Салима Умму Шарик (саҳобия, Усмон ибн Мазъуннинг завжаси), 3) Хавла бинти Саълаба ибн Асрам Ансория Хазражия (саҳобия).

Хадидж, Hadij (*ap.*) – чала туғилган; нуқсонли, мукамал эмас (камтарлик маъносида) * Хадидж ибн Рофеъ ибн Адий (Рофеъ ибн Хадиджининг отаси).

Хадиджа, Hadija (*ap.*) – “Хадидж”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Хадиджа бинти Хувайлид ибн Асад ибн Абдулғуззо ибн Қусай ибн Килоб ибн Мурра ибн Каъб ибн Луай Умму Қосим Қурашия Асадия (уммул мўминин, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга илк имон келтирган зот, аёллар саййидаси), 2) Хадиджа бинти Аҳмад ибн Ҳасан ибн Абдулкарим Нуҳрувоний (солиҳа аёллардан, ровия. Ҳижрий 570-йилда рамазон ойида вафот этган), 3) Хадиджа бинти Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ (воиза, ҳадис ривояти билан танилган (мел. 986-1067, ҳиж. 376-460). “Шоҳжаҳония” нисбати билан машҳур бўлган).

Изоҳ: асли арабча “Хадиджа” исмини бизда “Хадича” шаклида ёзиш ва талаффуз қилишга одатланиб қолинган. Бу ерда аслиятга яқинроқ бўлиши учун уни шу ҳолда ёздик.

Хайра, Hayra (*ap.*) – яхшилик, хайр-барака * 1) Хайра бинти Ҳадрад Умму Дардо (машҳур саҳобия, Абу Дардо розияллоҳу анҳунинг завжаси), 2) Хайра Ансория (саҳобия, Каъб ибн Моликнинг завжаси).

⁵² Баъзилар: “Унинг асл исми “Абдулмалик”, “Фулайх” унинг лақаби”, дейишган.

⁵³ Улар Расулulloҳ, Абу Бакр, Билол, Сухайб, Аммор ва Хаббоб эди.

Ибн Можа ундан ривоят қилган), 3) Хайра Умму Ҳасан (катта тобеинлардан, Умму Салама розияллоху анҳонинг мавлоси, Ҳасан Басрийнинг онаси. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Хайри, Hayri (ap.) – яхшилик қилувчи, саховатли, мурувватли.

Хайридин, Hayriddin (ap.) – Динда хайр-баракага эришувчи * Хайридин ибн Аҳмад ибн Али Айюбий (фақиҳ, “Хайрия” ва “Мазҳарул ҳақоик ҳошия алал баҳрир роик” асарлари муаллифи).

Хайриислом, Hayriislom (ap.) – “Хайридин” исми билан маънодош.

Хайрикамол, Hayrikamol (ap.) – “Хайри” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Хайримахмуд, Hayrimahmud (ap.) – “Хайри” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Хайримухаммад, Hayrimuhammad (ap.) – “Хайри” ва “Мухаммад” исмлари бирикмаси.

Хайринисо, Hayriniso (ap.) – аёлларнинг энг яхшиси.

Хайруллоҳ, Hayrulloh (ap.) – Аллоҳнинг марҳаматига, хайр-баракасига сазовор бўлувчи.

Хайсама, Haysama (ap.), (э.у.) – ўтқир * 1) Хайсама ибн Абдурахмон ибн Абу Сабра Язид ибн Молик ибн Абдуллоҳ ибн Зуайб ибн Салама ибн Амр ибн Зухал ибн Марон ибн Жуъфий Куфий (тобеин), 2) Хайсама ибн Абу Хайсама Абу Наср Басрий (тобеин).

Халаф, Halaf (ap.) – ўринбосар * 1) Халаф ибн Маҳрон Абу Рабийъ Адавий (кичик тобеин), 2) Халаф ибн Ҳавшаб Абу Язид Куфий (кичик тобеин), 3) Халаф ибн Халифа ибн Соид ибн Биром Абу Аҳмад Ашжайи (табаа тобеин).

Халил, Halil (ap.) – жуда қадрдон дўст, яқин ўртоқ (Иброҳим ва Мухаммад алайҳимус солату вассалом сифатлари) * 1) Халил ибн Аҳмад Абу Абдурахмон Аздий Наҳвий (катта табаа тобеин, наҳв олими, аруз илмининг асосчиси, “Китобул айн” асари муаллифи), 2) Халил ибн Аҳмад Абу Бишр Музаний (катта табаа тобеин, ишончли ровий), 3) Халил ибн Абдуллоҳ (катта табаа тобеин), 4) Халил ибн Умар ибн Иброҳим Абу Мухаммад Абдий (кичик табаа тобеин), 5) Халил ибн Закариё Абу Закариё Шайбоний (кичик табаа тобеин).

Халила, Halila (ap.) – “Халил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Халилборий, Halilboriy (ap.) – йўқдан бор қилувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилбосит, Halilbosit (ap.) – кенг ризқ берувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилбоқий, Halilboqiy (ap.) – боқий қолувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилвалий, Halilvaliy (ap.) – солиҳларни яхши кўрувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилваҳҳоб, Halilvahhob (ap.) – неъматлар берувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилворис, Halilvoris (ap.) – мангу қолувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилвоҳид, Halilvohid (ap.) – Ягона Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилжаббор, Haliljabbor (ap.) – ғолиб ва ислоҳ қилувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилжавод, Haliljavod (ap.) – сахий Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилкабир, Halilkabir (ap.) – буюк Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилкарим, Halilkarim (ap.) – карами кенг Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халиллатиф, Halillatif (ap.) – лутф-карам соҳиби Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилмавлон, Halilmavlon (ap.) – оламлар Парвардигори Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилманнон, Halilmannon (ap.) – муруввати чексиз Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилмажид, Halilmajid (ap.) – шарафли Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилмалик, Halilmalik (ap.) – оламлар подшоҳи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилмаҳмуд, Halilmahmud (ap.) – “Халил” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Халилмуҳаммад, Halilmuhammad (ap.) – “Халил” ва “Мухаммад” исмлари бирикмаси.

Халилмўмин, Halilmo‘min (ap.) – “Халил” ва “Мўмин” исмлари бирикмаси.

Халилраззоқ, Halilrazzoq (ap.) – ризқ берувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилрауф, Halilrauf (ap.) – шафқатли Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилрашид, Halilrashid (ap.) – тўғри йўлга бошловчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилрахим, Halilrahim (ap.) – раҳмли Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилрахмон, Halilrahmon (ap.) – меҳрибон Аллоҳнинг яқин бандаси.

Халилсалом, Halilsalom (ap.) – нуксонлардан саломат Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилсамад, Halilsamad (ap.) – ҳожатбарор Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилсултон, Halilsulton – “Халил” ва “Султон”нинг бирикмаси.

Халилуллоҳ, *Xalilulloh* (ap.) – Аллоҳнинг якин дўсти, валий бандаси (“Валийюллоҳ” исми билан маънодош).

Халилфаттоҳ, *Xalilfattoh* (ap.) – раҳмат ва ризқ эшикларини очувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилшакур, *Xalilshakur* (ap.) – оз амал учун ҳам кўп мукофот берувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилшаҳид, *Xalilshahid* (ap.) – ҳар нарсага шохид бўлувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилқайюм, *Xalilqayyum* (ap.) – ҳар нарса устида қоим бўлувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилқаҳҳор, *Xalilqahhor* (ap.) – ғолиб ва қудратли Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилқодир, *Xalilqodir* (ap.) – ҳар нарсага қодир Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилиқуддус, *Xalilquddus* (ap.) – нуқсонлардан пок Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилғаний, *Xalilg'aniy* (ap.) – беҳожат Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилғафур, *Xalilg'afur* (ap.) – гуноҳларни кечирувчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилғаффор, *Xalilg'affor* (ap.) – “Халилғафур” билан маънодош.

Халилҳаким, *Xalilhakim* (ap.) – ҳикматли Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилҳамид, *Xalilhamid* (ap.) – мақтов соҳиби Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилҳасан, *Xalilhasan* (ap.) – “Халил” ва “Ҳасан” исмлари бирикмаси.

Халилҳафиз, *Xalilhafiz* (ap.) – ҳалокатдан сақловчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилҳодий, *Xalilhodiy* (ap.) – тўғри йўлга бошловчи Аллоҳнинг суюкли бандаси.

Халилҳусайн, *Xalilhusayn* (ap.) – “Халил” ва “Хусайн” исмлари бирикмаси.

Халиф, *Xalif* (ap.) – ўринбосар, изидан борувчи.

Халифа, *Xalifa* (ap.) – ўринбосар * 1) Халифа ибн Хусойн ибн Қайс ибн Осим Тамимий Манқарий Басрий (тобеин), 2) Халифа ибн Соид ибн Биром Ашжайи (тобеин), 3) Халифа ибн Каъб Абу Зубён Тамимий (тобеин).

Халлод, *Xallod* (ap.) – давомли бўлувчи, узок умр кўрувчи * 1) Халлод ибн Соиб Жуханий (тобеин), 2) Халлод ибн Соиб ибн Халлод ибн Сувайд Ансорий Хазражий Маданий (тобеин), 3) Халлод ибн Исо Саффор Абу Муслим Абдий (катта табаа тобеин).

Хатир, *Xatir* (ap.) – ҳурматли, обрўъли, шарафли.

Хатира, *Xatira* (ap.) – “Хатир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Хизр, *Xizr* (ap.) – яшил рангли * 1) Хизр (Аллоҳ таолонинг солиҳ бандаларидан бирининг номи. Баъзилар уни пайғамбар бўлган, дейдилар ва номига “алайҳиссалом”ни кўшиб айтадилар, лекин унинг пайғамбар бўлгани ҳақида далил йўқ. Хизр ва Мусо алайҳиссалом қиссаси “Қаҳф” сурасининг 60-82-оятларида келтирилган), 2) Хизр ибн Қаввос Бажалий (кичик тобеин), 3) Хизр ибн Муҳаммад ибн Шужоъ Абу Марвон Жазарий (табаа тобеинлардан илм олганлардан).

Хизрали, *Xizrali* (ap.) – “Хизр” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Хизрахмад, *Xizrahmad* (ap.) – “Хизр” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Хизрмурод, *Xizrmurod* (ap.) – “Хизр” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Хизрмаҳмуд, *Xizrmahmud* (ap.) – “Хизр” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Хизрмуҳаммад, *Xizrmuhammad* (ap.) – “Хизр” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Хислат, *Xislat* (ap.) – яхши хислат ва фазилат эгаси.

Хозин, *Xozin* (ap.) – сақловчи, имонини куфр, шикр, нифоқ ва маъсиятлардан асровчи.

Хозина, *Xozina* (ap.) – “Хозин”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Холид, *Xolid* (ap.) – умри узок бўладиган, кўп яшайдиган; жаннатда мангу қоладиган * 1) Холид ибн Валид ибн Муғйра ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум Абу Сулаймон Қураший Махзумий (машҳур саҳобий. Жасур ва ботир кишилардан бўлган. Мута жангида катта қаҳрамонлик кўрсатган. Айнан ўша жангда “Сайфуллоҳ” лақабини олган), 2) Холид ибн Зайд ибн Кулайб ибн Саълаба ибн Абдуъавф Абу Айюб Ансорий Хазражий (машҳур саҳобий), 3) Холид ибн Урфута ибн Абраҳа Кузойи Узрий (саҳобий), 4) Холид ибн Рабийъ Абсий Куфий (катта тобеин), 5) Холид ибн Жаллож Абу Иброҳим Шомий (катта тобеин).

Холида, *Xolida* (ap.) – “Холид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Холида бинти Анас Ансория Соидия (саҳобия).

Холис, *Xolis* (ap.) – холис, мухлис; самимий, қалби пок; ҳақиқий.

Холиса, *Xolisa* (ap.) – “Холис”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Холисанвар, Xolisanvar (*ap.*) – “Холис” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.
Холисахмад, Xolisahmad (*ap.*) – “Холис” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.
Холисмахмуд, Xolismahmud (*ap.*) – “Холис” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.
Холисмухаммад, Xolismuhammad (*ap.*) – “Холис” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.
Холиқберган, Xoliqbergan (*ap.-ўз.*) – аввалда йўқ нарсаларни Яратувчи Аллоҳ берган фарзанд.
Холиқберди, Xoliqberdi (*ap.-ўз.*) – “Холиқберган” билан маънодош.
Холиқдўст, Xoliqdo‘st (*ap.-фм.*) – яратувчи Аллоҳнинг валий бандаси.
Холиқёр, Xoliqyor (*ap.-фм.*) – “Холиқдўст” билан маънодош.
Холиқназар, Xoliqnazar (*ap.*) – Аллоҳнинг назари тушган банда.
Холиқкул, Xoliqqul (*ap.-ўз.*) – аввалда йўқ нарсаларни Яратувчи Аллоҳнинг бандаси.
Хондамир⁵⁴, Xondamir (*фм.*) – Аллоҳ йўлидан юривчи ҳукмдор.

Хорижа, Xorija – 1) Хорижа ибн Ҳузофа ибн Ғоним ибн Абдуллоҳ ибн Авф ибн Убайд ибн Увайж ибн Адий ибн Каъб Қураший Адавий (саҳобий. Миср фатҳида иштирок этган ва мелодий 660-, хижрий 40-йилда вафот этган. Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Хорижа ибн Зайд Хазражий (саҳобий. Бадра қатнашган. Усмон халифалиги даврида вафот этган), 3) Хорижа ибн Зайд ибн Абу Зуҳайр (саҳобий, Балхориз ибн Хазражининг биродари), 4) Хорижа ибн Зайд ибн Собит Абу Зайд Ансорий Нажжорий (тобеин, Исмоил ибн Зайд ибн Собит ва Саъд ибн Зайд ибн Собит ва Сулаймоннинг биродари. Хижрий 100-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилган, ишончли ровий, фақиҳ ва имом), 5) Хорижа ибн Салт Буржумий Куфий (тобеин, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 6) Хорижа ибн Ҳорис ибн Рофеъ ибн Макийс Жуханий Маданий (катта табаа тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Абу Довуд “Сунан”да ривоят қилган, ишончли ровий), 7) Хорижа ибн Абдуллоҳ ибн Сулаймон ибн Зайд ибн Собит Абу Зайд Ансорий Нажжорий (катта табаа тобеин. Хижрий 165-йилда вафот этган. Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Хосият, Xosiyat (*ap.*) – яхши хислат ва фазилатлар соҳибаси.

Хубайб, Xubayb (*ap.*) – 1) Хубайб ибн Адий Ансорий (саҳобий), 2) Хубайб ибн Исоф ибн Утба ибн Амр ибн Жундаъ ибн Омир ибн Жушам (саҳобий. Ибн Абу Довудга кўра, у Бадра шаҳид бўлган), 3) Хубайб Абу Абдуллоҳ Жуханий (саҳобий), 4) Хубайб ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр ибн Аввом Қураший Асдий Маданий (тобеин. Хижрий 93-йилда вафот этган. Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий ва обид зотлардан бўлган), 5) Хубайб ибн Абдурахмон ибн Хубайб ибн Йисоф Абу Ҳорис Ансорий Хазражий (тобеин. Хижрий 132-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Хувайлид, Xuvaylid (*ap.*) – “Холид” исмининг кичрайтирма шакли * 1) Хувайлид ибн Амр Абу Шурайх Ҳузойи (саҳобий. Мадинада яшаган ва ўша ерда вафот этган), 2) Хувайлид ибн Амр Ансорий (саҳобий), 3) Хувайлид Замрий (саҳобий), 4) Хувайлид ибн Мурра (муҳазрам. Бани Ҳузайл қабиласидан. Ёши кексайганида Ислонни қабул қилган. Умар розияллоҳу анху давригача яшаган. Хижрий 15-, мелодий 636-йилда вафот этган), 5) Хувайлид ибн Холид ибн Мухрис Абу Зуайб (муҳазрамлардан. Бани Ҳузайл ибн Мидрика қабиласидан. Жоҳилият ва Ислон даврини кўрган. Мадинада яшаган, ғазот ва фатҳларда иштирок этган. Усмон халифалиги давригача ҳаёт кечирган. Абу Зуайб Африка фатҳида иштирок этган ва Абдуллоҳ ибн Зубайр билан Африка фатҳи башоратини Усмон розияллоҳу анхуга етказган. Абу Зуайб хижрий 27-, мелодий 648-йилда Миср фатҳида вафот этган).

Худодод, Xudodod (*фм.*) – Аллоҳ берган фарзанд.

Худоёр, Xudoyor (*фм.*) – Аллоҳнинг ёрдамига сазовор банда.

Худойберган, Xudoybergan (*фм.-ўз.*) – Аллоҳ берган фарзанд.

Худойберди, Xudoyberdi (*фм.-ўз.*) – “Худойберган” билан маънодош.

Худойназар, Xudoynazar (*фм.-ap.*) – Аллоҳ назарига, лутф-карамига, марҳаматига эришувчи банда.

Худойшукур, Xudoyshukur (*фм.-ap.*) – фарзанд бергани учун Аллоҳга шукр, деб қўйиладиган исм.

Худойкул, Xudoyqul (*фм.-ўз.*) – Аллоҳнинг бандаси.

Хузайма, Xuzayma (*ap.*), (*э.у.*) – 1) Хузайма ибн Жузь Суламий (саҳобий, Ҳиббон ибн Жузь ва Холид ибн Жузьларнинг биродари. Хузайма ибн Жузь Басрада яшаган. Термизий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Хузайма ибн Собит ибн Фоқиҳ ибн Саълаба ибн Соида Абу Умора Ансорий Хатмий

⁵⁴ “Хондамир” исми аслида “Хованд амир” кўринишига эга. “Шайхонтохур” ҳам аслида “Шайх хованд тохур” сўзларидан иборат.

(саҳобий. Ухуд ва Сиффинда иштирок этган. Ҳижрий 37-йилда Сиффинда вафот этган. Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилган), 3) Хузайма ибн Маъмар Ансорий Хатмий (саҳобий), 4) Хузайма ибн Ҳаким Суламий Наҳдий (саҳобий).

Хулайд, Xulayd (*ар.*) – “Холид” билан маънодош * 1) Хулайд ибн Абдуллоҳ Абу Сулаймон Асрий (тобеин. Айтилишича, у Абу Дардонинг мавлоси бўлган. Муслим ва Абу Довуд ундан ривоят қилган), 2) Хулайд ибн Жаъфар ибн Ториф Абу Сулаймон Ҳанафий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Муслим, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган).

Хулайда, Xulayda (*ар.*) – “Хулайд”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Хулайда бинти Каънаб Заббия (саҳобия, байъат берганлардан).

Хуррам, Xurram (*фм.*) – хурсанд, шод, қувноқ; бахтли, саодатли.

Хурсанд, Xursand (*фм.*) – “Хуррам” билан маънодош.

Хуршид, Xurshid (*фм.*) – чиройли, кўркам.

Хуршида, Xurshida (*фм.*) – “Хуршид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Хушвақт, Xushvaqt (*фм.-ар.*) – бахтиёр, қувноқ.

Хушнуд, Xushnud (*фм.*) – мамнун, шодон; рози.

Хушрўй, Xushro‘y (*фм.*), (*а.у.*) – чиройли юзли.

Хушхабар, Xushxabar (*фм.-ар.*) – хурсанд қилувчи хабар, башорат.

Хушқадам, Xushqadam (*фм.-ар.*) – бахт ва саодатга сабаб бўлувчи фарзанд.

Хушхол, Xushhol (*фм.-ар.*) – хурсанд, манмун, бахтиёр.

Чўлпон, Cho‘lpon (*ўз.*) – ёруғ юлдуз.

Ш

Шабиб, Shabib (*ар.*) – ёш, навқирон, ўсмир * 1) Шабиб ибн Нуайм Абу Равҳ Шомий Ҳимсий (тобеин), 2) Шабиб ибн Ғарқада Суламий (тобеин), 3) Шабиб ибн Бишр Абу Бишр Бажалий Куфий (кичик тобеин), 4) Шабиб ибн Саид Абу Саид Тамимий Ҳабатий (табаа тобеин, Аҳмад ибн Шабиб ибн Саиднинг отаси), 5) Шабиб ибн Абдулмалик Тамимий Басрий (кичик табаа тобеин).

Шаввол, Shavvol (*ар.*) – ҳижрий ўнинчи ой номи.

Шавкат, Shavkat (*ар.*) – кучли, қудратли, шон-шавкати баланд⁵⁵ (Бошқа шакллари: Шавкатали, Шавкатмирза, Шавкатназар).

Шайба, Shayba (*ар.*), (*э.у.*) – сочининг бир дона оқ толаси; ҳурматли, эҳтиромга муносиб * 1) Шайба ибн Усмон ибн Абу Талҳа Абу Усмон Абдарий Маккий (саҳобий), 2) Шайба ибн Нусоҳ Махзумий Маданий (тобеин, уммул мўминин Умму Саламанинг мавлоси), 3) Шайба Хузрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси), 4) Шайба ибн Аҳнаф Абу Назр Авзойи (катта табаа тобеин).

Шайбон, Shaybon (*ар.*) – 1) Шайбон ибн Умайя Абу Хузайфа Қитбоний (тобеин), 2) Шайбон ибн Миҳзам (тобеин. Насоий “Муснади Али”да ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 3) Шайбон ибн Абдурахмон Абу Муовия Тамимий Наҳвий (катта табаа тобеин. Бир оз Куфада яшаб, кейин Бағдодга кўчиб ўтган. Ҳижрий 164-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Шайх, Shayx (*ар.*) – ақлли, доно; шайх.

Шайхаҳмад, Shayxahmad (*ар.*) – “Шайх” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Шайхзода, Shayxzoda (*ар.-фм.*) – шайхлар наслига мансуб.

Шайхмахмуд, Shayxmahmud (*ар.*) – “Шайх” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Шайхмуҳаммад, Shayxmuhammad (*ар.*) – “Шайх” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Шайхулислом, Shayxulislom (*ар.*) – шаръий илмлар билимдони, шайхулислом, катта уламо.

Шакур, Shakur (*ар.*) – Аллоҳ таоло берган неъматларга кўп шукр қилувчи. “Шокир” исмининг кучайтирма шакли (“Шакур” Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатларидир).

Шакуруллоҳ, Shakurulloh (*ар.*) – Аллоҳ таолонинг кўп шукр қилувчи бандаси.

⁵⁵ Араб тилидаги “шавкат” сўзи бундан ташқари “санчки” (вилка), “найза”, “ниш”, “қурол” каби маъноларни ҳам англатади.

Шамвил⁵⁶, **Shamvil** (*ибр.*) – Аллоҳ эшитади, Аллоҳ ижобат қилади * Шамвил (қози ва набий бўлган. Довуд алайҳиссалом даврида яшаган).

Шамсиддин, Shamsiddin (*аp.*) – Ислом динининг қуёши.

Шамсий, Shamsiy (*аp.*) – қуёшли, нурли, файзли, равшан, ёруғ.

Шамсия, Shamsiya (*аp.*) – “Шамсий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Шариатуллоҳ, Shariatulloh (*аp.*) – Аллоҳ таолонинг шариатига амал қилувчи, шариат бўйича ҳаёт кечирувчи итоаткор банда.

Шариф, Sharif (*аp.*) – ҳурматли, эъзозли, қадрли (Бошқа шакллари: Шарифжон, Шарифмирза, Шарифназар, Шарифхўжа).

Шарифа, Sharifa (*аp.*) – “Шариф”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Шарифаҳмад, Sharifahmad (*аp.*) – “Шариф” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Шарифмаҳмуд, Sharifmahmud (*аp.*) – “Шариф” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Шарифмуҳаммад, Sharifmuhammad (*аp.*) – “Шариф” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Шарофат, Sharofat (*аp.*) – ҳурмат-эътибор ва обрўё соҳиби, эъзозли, қадрли.

Шарофиддин, Sharofiddin (*аp.*) – Ислом динининг шарафи, шон-шавкати, улуғворлиги * 1) Шарофиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад Бакрий (ҳадис ровийси. Ҳижрий 65-йилда вафот этган), 2) Шарофиддин Абдуллоҳ ибн Юсуф Ҳанбалий (фиқҳ ва усулул фиқҳда катта олим бўлган), 3) Шарофиддин ибн Абдулқодир ибн Баракот ибн Иброҳим ибн Ҳабиб Ғаззий (ҳанафий мазҳаби фақиҳи, тафсир ва араб тили билимдони. Мелодий 1596-, ҳижрий 1005-йилда вафот этган), 4) Шарофиддин ибн Зайнулобидин (мисрлик фозил кишилардан, кўплаб таснифлар муаллифи – мел. 1620-1681, ҳиж. 1030-1092).

Шафоат, Shafogat (*аp.*) – қиёмат куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шафоатларига сазовор бўлувчи.

Шаъбон, Sha'bon (*аp.*) – ҳижрий йил ҳисоби бўйича саккизинчи ой номи.

Шахло, Shahlo (*аp.*) – кўзи кўк қиз.

Шаҳобиддин, Shahobiddin – қаранг. “Шаҳобиддин”.

Шаҳодат, Shahodat (*аp.*) – ҳақ йўлда гувоҳлик берувчи; шаҳодат калимасини ихлос билан айтувчи.

Шаҳр, Shahr (*аp.*) – ой (сана, вақт); чиройли * Шаҳр ибн Ҳавшаб Абу Саид Ашъарий Шомий Ҳимсий (тобеин, Асмоъ бинти Язид Ансория розияллоҳу анҳонинг мавлоси, олим тобеинлардан. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қироатни ўрганган. Ҳижрий 112-йилда вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Бухорий унинг ривоятини “Ал-Адабул муфрад”да келтирган).

Шибл, Shibl (*аp.*) – 1) Шибл ибн Маъбад Музаний (саҳобий), 2) Шибл ибн Ҳомид Музаний (тобеин. Насоий ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 3) Шибл ибн Аббод Маккий (кичик тобеин).

Шижоат, Shijoat (*аp.*), (*э.у.*) – шижоати баланд, ҳаракатчан, ғайратли; довжорак, кўркмас.

Ширин, Shirin (*фм.*) – мазали, тотли (“Лазиза” исмининг форсча шакли).

Шифо, Shifo (*аp.*), (*а.у.*) – соғ-саломат * Шифо бинти Абдуллоҳ ибн Ҳошим ибн ибн Халаф ибн Абдушамс ибн Зидод ибн Абдуллоҳ ибн Курт ибн Разоҳ ибн Адий ибн Каъб Умму Сулаймон Адавия Курашия (саҳобия, муҳожира ва байъат берганлардан, уммул-мўминин Ҳафсага ёзишни таълим берган. Ҳижрий 20-, мелодий 640-йилда вафот этган. Шифо розияллоҳу анҳо 12 та ҳадис ривоят қилган. Унинг ривоятини Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Абу Довуд ва Насоий “Сунан”да келтирган).

Шихоб, Shihob (*аp.*) – чўғ, олов; ёруғ юлдуз * 1) Шихоб ибн Кулайб Абу Шутайр Жармий (саҳобий), 2) Шихоб ибн Убод Абдий Асрий Басрий (тобеин, Ҳуд ибн Шихобнинг отаси).

Шихобуддин, Shihobuddin (*аp.*) – Ислом динининг ёруғ юлдузи * 1) Шихобуддин Саййид Маҳмуд Алусий Бағдодий (машхур муфассир. “Руҳул маоний” номли тафсир муаллифи), 2) Шихобуддин Аҳмад ибн Юнус (ҳанафий фақиҳи. “Ҳошия ало шарҳил канз” асари муаллифи).

Шох, Shoh (*фм.*) – ҳукмдор; мартабаси баланд.

Шоаббос, Shoabbos (*фм.-аp.*) – “Шох” ва “Аббос” исмлари бирикмаси.

Шоанвар, Shoanvar (*фм.-аp.*) – “Шох” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

⁵⁶ “Шамвил” исми инглиз тилида “Samuel” шаклида қўлланади. “Шамвил” исми “шам”, “йу” ва “ийл” сўзларидан иборат бўлиб, “Аллоҳ эшитади” маъносини билдиради. Ёдингизда бўлса, “Исмоил” исми ҳам шу маънони англатиши айтилганди. “Исмоил” ва “Шамвил” исмлари маъно ва шакл жиҳатидан бир-бирига яқин.

- Шоафзал, Shoafzal** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Афзал” исмлари бирикмаси.
- Шоаҳмад, Shoahmad** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.
- Шоаҳрор, Shoahrор** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Аҳрор” исмлари бирикмаси.
- Шобува, Shobuva** (*фм.-ўз.*) – мартабали фарзанд.
- Шобуви, Shobuvi** (*фм.-ўз.*) – мартабаси баланд киз.
- Шобурҳон, Shoburhon** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Бурҳон” исмлари бирикмаси.
- Шовали, Shovali** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Вали” исмлари бирикмаси.
- Шодиёр, Shodiyor** (*фм.*) – бахт-саодат доим ҳамроҳи бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм.
- Шодия, Shodiya** (*фм.*) – шод, хуррам, қувнок, хурсанд.
- Шодмон, Shodmon** (*фм.-ар.*) – “Шодия”нинг эркакларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Шоикром, Shoikrom** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Икром” исмлари бирикмаси.
- Шоислом, Shoislom** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Ислом” исмлари бирикмаси.
- Шоисмат, Shoismat** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Исмат” исмлари бирикмаси.
- Шоисмоил, Shoismoil** (*фм.-қад.яҳ.*) – “Шох” ва “Исмоил” исмлари бирикмаси.
- Шоисроил, Shoisroil** (*фм.-қад.яҳ.*) – “Шох” ва “Исроил” исмлари бирикмаси.
- Шоисҳоқ, Shoishoq** (*фм.-қад.яҳ.*) – “Шох” ва “Исҳоқ” исмлари бирикмаси.
- Шокамол, Shokamol** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Камол” исмлари бирикмаси.
- Шокир, Shokir** (*ар.*) – Аллоҳ таоло берган неъматларга шукр қилувчи, У Зотга ибодат қилувчи.
- Шокира, Shokira** (*ар.*) – “Шокир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.
- Шокирали, Shokirali** (*ар.*) – “Шокир” ва “Али” исмлари бирикмаси.
- Шокираҳмад, Shokirahmad** (*ар.*) – “Шокир” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.
- Шокирмаҳмуд, Shokirmahmud** (*ар.*) – “Шокир” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.
- Шокирмуҳаммад, Shokirmuhammad** (*ар.*) – “Шокир” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.
- Шокируллоҳ, Shokirulloh** (*ар.*) – Аллоҳга шукр қилувчи банда.
- Шомансур, Shomansur** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Мансур” исмлари бирикмаси.
- Шомаҳмуд, Shomahmud** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.
- Шомақсуд, Shomaqsud** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Мақсуд” исмлари бирикмаси.
- Шомил, Shomil** (*ар.*) – кенг қамровли, шомил; комил, етук, мукамал; барча яхши хислатларни ўзида жамлаган.
- Шомурод, Shomil** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.
- Шомухтор, Shomuxtor** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Мухтор” исмлари бирикмаси.
- Шомуҳаммад, Shomuhammad** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.
- Шораҳим, Shorahim** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Раҳим” исмлари бирикмаси.
- Шораҳмат, Shorahmat** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Раҳмат” исмлари бирикмаси.
- Шосайд, Shosaid** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Саид” исмлари бирикмаси.
- Шосалим, Shosalim** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Салим” исмлари бирикмаси.
- Шосалмон, Shosalmon** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Салмон” исмлари бирикмаси.
- Шособир, Shosobir** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Собир” исмлари бирикмаси.
- Шосолих, Shosolih** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Солих” исмлари бирикмаси.
- Шоумар, Shoumar** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Умар” исмлари бирикмаси.
- Шоусмон, Shousmon** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Усмон” исмлари бирикмаси.
- Шофайз, Shofayz** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Файз” исмлари бирикмаси.
- Шохалил, Shoxalil** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Халил” исмлари бирикмаси.
- Шоюнус, Shoyunus** (*фм.-қад.яҳ.*) – “Шох” ва “Юнус” исмлари бирикмаси.
- Шоюсуф, Shoyusuf** (*фм.-қад.яҳ.*) – “Шох” ва “Юсуф” исмлари бирикмаси.
- Шояъқуб, Shoya'qub** (*фм.-қад.яҳ.*) – “Шох” ва “Яъқуб” исмлари бирикмаси.
- Шоқосим, Shoqosim** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Қосим” исмлари бирикмаси.
- Шоғани, Shog'ani** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Ғани” исмлари бирикмаси.
- Шоғиёс, Shog'iyos** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Ғиёс” исмлари бирикмаси.
- Шоғулом, Shog'ulom** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Ғулом” исмлари бирикмаси.
- Шоҳабиб, Shohabib** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Ҳабиб” исмлари бирикмаси.
- Шоҳаким, Shohakim** (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Ҳаким” исмлари бирикмаси.

Шохалим, Shohalim (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Ҳалим” исмлари бирикмаси.

Шохасан, Shohasan (*фм.-ар.*) – “Шох” ва “Ҳасан” исмлари бирикмаси.

Шохид, Shohid (*ар.*) – ҳақ йўлда гувоҳлик берувчи; ҳужжат, далил.

Шохида, Shohida (*ар.*) – “Шохид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Шохиста, Shohista (*фм.*) – ҳурматга лойиқ.

Шуайб⁵⁷, Shuayb (*ар.*) – шарафли; раҳбар; ҳақ йўлга даъват қилувчи; ёрдамчи, кўмакчи * 1) Шуайб ибн Муйкил ибн Яшжар ибн Мадян ибн Иброҳим (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан. Мусо алайҳиссаломни ҳимоясига олиб, уни икки қизидан бирига никоҳлаган), 2) Шуайб ибн Ҳабҳоб Абу Солиҳ Аздий Миъвалий (тобеин), 3) Шуайб ибн Холид Хасъамий (тобеин), 4) Шуайб ибн Амр ибн Сулайм Ансорий (тобеин), 5) Шуайб ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос Кураший Саҳмий (тобеин, Амр ибн Шуайбнинг отаси), 6) Шуайб ибн Рузайқ Тоифий Сақафий (кичик тобеин).

Шукрий, Shukriy (*ар.*) – Аллоҳ таолога шукр қилувчи, У Зот берган неъматларни ўз ўрнида ишлатиб, Аллоҳ таолога ибодат қилувчи.

Шукрия, Shukriya (*ар.*) – “Шукрий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Шукруллоҳ, Shukrulloh (*ар.*) – Аллоҳга шукр қилувчи банда.

Шурайх, Shurayh (*ар.*) – шарх, изоҳ берувчи, маъносини тушунтирувчи * 1) Шурайх Ансорий (саҳобий), 2) Шурайх ибн Ҳорис ибн Қайс Абу Умайя Киндий Куфий (машҳур тобеин. “Шурайх ибн Шураҳбил” ёки “Ибн Шароҳил” номлари билан машҳур бўлган. Ҳижрий 80-йилларда вафот этган), 3) Шурайх ибн Нўъмон Соидий Куфий (тобеин).

Шураҳбил, Shurahbil – 1) Шураҳбил ибн Абдуллоҳ ибн Мутоъ Абу Абдуллоҳ Киндий Ғавсий (саҳобий), 2) Шураҳбил ибн Муслим ибн Ҳомид Хавлоний Шомий (тобеин), 3) Шураҳбил ибн Саъб Абу Саъд Хатмий Маданий (тобеин), 4) Шураҳбил ибн Шуфъа Абу Язид Раҳабий (тобеин), 5) Шураҳбил ибн Саид ибн Саъд ибн Убода Хазражий Ансорий (кичик тобеин).

Шуъба, Shu’ba (*ар.*, *э.и.*) – гуруҳ, тоифа, жамоа; бўлак, қисм * 1) Шуъба ибн Динор Абу Абдуллоҳ Кураший Ҳошимий (тобеин), 2) Шуъба ибн Динор Куфий (кичик тобеинларга замондон бўлган), 3) Шуъба ибн Ҳажжож ибн Вард Абу Бистом Атакий Басрий (табаа тобеин. “Ғароиб” асари муаллифи. Саврий: “Шуъба ҳадис соҳасида мўминлар амиридир”, деган).

Шухрат, Shuhrat (*ар.*) – машҳур, таниқли, донғи кетган.

Э

Эгамберган, Egambergan (*ўз.*) – Аллоҳ таоло берган фарзанд.

Эгамберди, Egamberdi (*ўз.*) – “Эгамберган” билан маънодош.

Эгамназар, Egamnazar (*ўз.-ар.*) – Раббим Аллоҳ раҳмат назари билан қарайдиган бола.

Эгамқул, Egamqul (*ўз.*) – Аллоҳнинг бандаси.

Эгамёр, Egamyor (*ўз.-фм.*) – Аллоҳ қўллайдиган банда.

Эзгулик, Ezgulik (*ўз.*) – яхшилик, саховат ва ҳиммат қилувчи, савобли ишларни амалга оширувчи.

Эзидёр, Ezidyor (*фм.*) – “Эгамёр” билан маънодош.

Элбек, Elbek (*ўз.*) – элнинг бошлиғи, йўлбошчиси.

Элдор, Eldor (*ўз.-фм.*) – элнинг етакчиси, раҳнамоси.

Элёр, Elyor (*ўз.*) – ўз элини севувчи, ватанпарвар.

Элмурод, Elmurod (*ўз.-ар.*) – ўз элининг орзу-умидларини ушалтирувчи.

Элнур, Elnur (*ўз.-ар.*) – ўз элига зиё тарқатувчи, уларга маърифат улашувчи.

Элсевар, Elsevar (*ўз.*) – ўз элини, юртини севувчи ватанпарвар инсон.

Элчин, Elchin (*ўз.*) – юртнинг жасур фарзанди.

Эмин, Emin (*ар.*) – тинч, хотиржам.

Эргаш, Ergash (*ўз.*) – Аллоҳга, Расулига, ота-онасига итоат этсин, деган умидда қўйиладиган исм.

Эркин, Erkin (*ўз.*) – озод, мустақил, эрки ўз қўлида бўлган инсон.

⁵⁷ “Шуайб” исми инглиз тилида “Jethro” шаклида қўлланади.

Эшмухаммад, Eshmuhammad (ўз.-ар.) – Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўлига, суннатига эргашиш.

Эъзоа, E'zoza (ар.) – кучли, қувватли; ҳурматли, эътибор соҳиби; камёб, нодир.

Эътибор, E'tibor (ар.) – ҳурмат-эътиборли, кадрли, эъзозли.

Эҳсон, Ehsan (ар.), (э.у.) – Аллоҳга худди У Зотни кўриб тургандек ибодат қилувчи; яхшилик, хайрли ишларни амалга оширувчи.

Эҳсонали, Ehsionali (ар.) – “Эҳсон” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Эҳсонуллоҳ, Ehsanulloh (ар.) – Аллоҳ таолонинг марҳаматига сазовор банда (“Атоуллоҳ”, “Ризқуллоҳ”, “Ҳибатуллоҳ” исмлари билан маънодош).

Эҳтимом, Ehtimom (ар.), (а.у.) – диққат, эътибор, эҳтимом (“Эътибор” ва “Иноят” исмлари билан маънодош).

Эҳтиром, Ehtirom (ар.), (а.у.) – ўзидан катталарни ҳурмат қилувчи; ҳурматга лойиқ, кадрли.

Ю

Юксал, Yuksal (ўз.) – улуғ мартабаларга эришсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Юлдуз, Yulduz (ўз.) – толеъи баланд, бахтли, саодатли бўлсин.

Юнус⁵⁸, Yunus (қад.яҳ.) – кабутар * 1) Юнус ибн Мутай алайҳиссалом (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан бири, наҳанг қорнида уч кечаю уч кундуз қолиб кетган, Аллоҳга дуо қилиб, у ердан қутулиб чиққан зот), 2) Юнус ибн Убайд Сақафий (катта тобеин), 3) Юнус ибн Жубайр Абу Ғаллоб Боҳилий (тобеин), 4) Юнус ибн Сайф Ансий Калойй (тобеин), 5) Юнус ибн Майсара ибн Ҳалбас Абу Ҳалбас Ҳимярий (тобеин).

Юнусали, Yunusali (қад.яҳ.-ар.) – “Юнус” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Юнусаҳмад, Yunusahmad (қад.яҳ.-ар.) – “Юнус” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Юнусвали, Yunusvali (қад.яҳ.-ар.) – “Юнус” ва “Вали” исмлари бирикмаси.

Юнусмаҳмуд, Yunusmahmud (қад.яҳ.-ар.) – “Юнус” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Юнусмурод, Yunusmurod (қад.яҳ.-ар.) – “Юнус” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Юнусмухаммад, Yunusmuhammad (қад.яҳ.-ар.) – “Юнус” ва “Мухаммад” исмлари бирикмаси.

Юртсев, Yurtsevar (ўз.) – ўз юртингни сев, ватанпарвар бўл.

Юср, Yusr (ар.) – енгиллик, осонлик; ўнг томон.

Юсуф⁵⁹, Yusuf (қад.яҳ.) – ўсадиган, ривожланадиган, кўпаядиган; Аллоҳ томонидан танлаб олинган * 1) Юсуф⁶⁰ ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Тасорух ибн Ноҳур ибн Соруғ ибн Роав ибн Фолиғ ибн Обир ... ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссалом (Аллоҳнинг пайғамбари), 2) Юсуф ибн Абдуллоҳ ибн Салом ибн Ҳорис Абу Яъқуб Исроилий (саҳобий), 3) Юсуф Қураший Умавий (тобеин, Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг мавлоси), 4) Юсуф ибн Зубайр Қураший Асадий Маккий (тобеин, Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг мавлоси), 5) Юсуф ибн Иброҳим ибн Муҳаммад Акмалуддин Зухрий (ҳанафий фақиҳи. “Ҳадийятус саҳих шарҳу мишкотил масобих” ва “Шарҳу мултақол абхур” асарлари муаллифи).

Юсуфали, Yusufali (қад.яҳ.-ар.) – “Юсуф” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Юсуфаҳмад, Yusufahmad (қад.яҳ.-ар.) – “Юсуф” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Юсуфвали, Yusufvali (қад.яҳ.-ар.) – “Юсуф” ва “Вали” исмлари бирикмаси.

Юсуфмаҳмуд, Yusufmahmud (қад.яҳ.-ар.) – “Юсуф” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Юсуфмурод, Yusufmurod (қад.яҳ.-ар.) – “Юсуф” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Юсуфмухаммад, Yusufmuhammad (қад.яҳ.-ар.) – “Юсуф” ва “Мухаммад” исмлари бирикмаси.

⁵⁸ “Юнус” исми инглиз тилида “Jonah” шаклида қўлланади. Аҳли китоблар наздида “Юнус” айнан “Юнон” дир.

⁵⁹ “Юсуф” исми инглиз тилида “Joseph” шаклида қўлланади. Европа халқларида кенг тарқалган “Жосеф” ва “Иосеф” исмлари ҳам айнан “Юсуф” исмининг бошқа кўринишидир. Руслар мазкур исмни “Иосиф”, “Осип”, данияликлар “Зеф”, португаллар “Хосе”, “Зе”, “Зезе”, испанлар “Хосе”, “Пепе”, “Пепито” шаклида қўллайдилар.

⁶⁰ Исмига монанд тарзда Аллоҳ таоло Юсуф алайҳиссаломга мол-дунё ва чирой ато этганди. Айтилишича, чиройнинг ярми Юсуф алайҳиссаломга берилган.

Юшаъ⁶¹, Yusha' – Аллоҳ озод қилади, Аллоҳнинг озод бандаси, Аллоҳ халоскоримдир * Юшаъ ибн Нун ибн Афройим ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссалом (Мусо алайҳиссалом хизматкори. Қуръони каримнинг “Каҳф” сурасида зикр қилинган. Баъзилар у пайғамбар бўлганини айтишган).

Я-Ў

Язид, Yazid (*ap.*) – кўпаядиган, зиёда бўладиган, ривожланадиган * 1) Язид ибн Абу Суфён (Саҳр) ибн Ҳарб ибн Умайя Абу Холид Қураший Умавий (машҳур саҳобий, Муовия ибн Абу Суфённинг туғишган биродари), 2) Язид ибн Асвад Сувоий (саҳобий), 3) Язид ибн Собит ибн Заҳҳок Ансорий (саҳобий, Зайд ибн Собитнинг акаси), 4) Язид ибн Саид ибн Сумома ибн Асвад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳорис Киндий (саҳобий, Соиб ибн Язиднинг отаси), 5) Язид ибн Салама ибн Язид ибн Мушажжиа ибн Мажмаъ ибн Молик Жувфий (саҳобий), 6) Язид ибн Шайбон Аздий (саҳобий), 7) Язид ибн Унайс Ҳузалий Маданий (катта тобеин), 8) Язид ибн Ҳавтакий Тамимий (катта тобеин).

Яиш, Yaish (*ap.*) – яшовчи; ривожланувчи, ўсиб-унувчи * 1) Яиш Ғифорий (саҳобий, басралик), 2) Яиш Жуҳаний (саҳобий. “Зулғурра” лақаби билан танилган), 3) Яиш ибн Валид ибн Ҳишом ибн Муовия ибн Уқба ибн Абу Муайт ибн Абу Амр ибн Умайя Қураший Умавий Муайтий Димашкий (тобеин. Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Яиш ибн Саид ибн Муҳаммад ибн Абдуллоҳ Абулқосим Варроқ (ҳадис илми билимдони. “Ибн Ҳажжом” кунyasi билан танилган. Қуртуба аҳлидан саналади. Ибн Ҳажжом мелодий 1003-, ҳижрий 394-йилда вафот этган).

Ямин, Yamin (*ap.*) – қиёмат куни номаи аъмоли ўнг тарафидан бериладиган, ўнг тараф соҳиби (яхши ният билан қўйиладиган исм).

Япроқ, Yaproq (*ўз.*), (*a.u.*) – япроқ, барг.

Ясир, Yasir (*ap.*) – “Саҳл” исми билан маънодош * 1) Ясир ибн Амр Абул Хиёр Куфий Муҳорибий (кичик саҳобий, (х. 1-85). Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган), 2) Ясир ибн Амр Сакуний Дурмукий (муҳазрам. Басрада яшаган. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам вафот этганларида ўн ёш бўлган. Ҳижрий 85-йилда вафот этган), 3) Ясир ибн Умайла Фазорий Куфий (тобеин, Рабийъ ибн Умайланнинг биродари. Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Ясира, Yasira (*ap.*) – “Ясир”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Ясира Умму Ёсир Ансория (саҳобия, муҳожиралардан. Абу Довуд ва Термизий ундан ривоят қилган).

Ясор, Yasor (*ap.*) – енгиллик; ўн тараф * 1) Ясор ибн Абд Абу Иззат Ҳузалий Басрий (саҳобий), 2) Ясор ибн Нумайр Маданий (катта тобеин, Умар ибн Хаттобнинг мавлоси), 3) Ясор Маданий (тобеин, Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттобнинг мавлоси), 4) Ясор Абу Нажих Маккий Сақафий (тобеин), 5) Ясор ибн Зайд Абу Билол (тобеин).

Яхши, Yaxshi (*ўз.*) – “Ҳасан” исмининг ўзбекча шакли.

Яшнар, Yashnar (*ўз.*) – умри баркали бўлувчи, ҳаёти гуллаб-яшнайдиган.

Яъло, Ya'lo (*ap.*) – юқориловчи, кўтарилувчи; ўсувчи * 1) Яъло ибн Умайя ибн Абу Убайда Абу Халаф Маккий (машҳур саҳобий), 2) Яъло ибн Мурра ибн Ваҳб ибн Жобир ибн Аттоб Абу Мурозим Сақафий (саҳобий), 3) Яъло ибн Шаддод ибн Авс ибн Собит Абу Собит Ансорий Хазражий Нажжорий (тобеин), 4) Яъло ибн Атоъ Омирий Қураший (тобеин), 5) Яъло ибн Уқба Маккий (тобеин), 6) Яъло ибн Мурра Абу Мурра Куфий (тобеин).

Яъмар, Ya'mar (*ap.*) – умр кўрувчи, яшовчи; бахтли-саодатли * Яъмар (саҳобий, Абу Хузоманинг отаси).

Яъқуб⁶², Ya'qub (*ap.-яҳ.*) – изидан боровчи, таъқиб қилувчи; эргашувчи * 1) Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим ибн Тасорух ибн Ноҳур ибн Соруғ ибн Роав ибн Фолиғ ибн Обир ... ибн Сом ибн Нух алайҳиссалом (Аллоҳнинг пайғамбари), 2) Яъқуб ибн Абу Яъқуб Маданий (тобеин), 3) Яъқуб ибн Ато ибн Абу Рабоҳ Маккий Ҳижозий (кичик тобеин), 4) Яъқуб ибн Валид ибн Абдуллоҳ ибн Абу Ҳилол Абу Юсуф Аздий (табаа тобеин).

⁶¹ “Юшаъ” исми инглиз тилида “Joshua” (Жосуа) шаклида қўлланади.

⁶² “Яъқуб” исми инглиз тилида “Jacob” шаклида қўлланади.

Яхё⁶³, Yahyo (яҳ.) – ўта сахий, кўли очик, карами кенг; яшовчи, ҳаётӣ; хушхулк * 1) Яхё ибн Закариё ибн Азн ибн Баркиё (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан. Ҳадисларнинг бирида: “Бирон кишига: “Мен Яхё ибн Закариёдан яхшироқман, дейиш дуруст эмас, чунки у (қалбида) биронта ҳам гуноҳ иш қилишни ният қилмаган”, дейилган, Яхё алайҳиссаломдан олдин ҳеч ким бу ном билан аталмаган эди⁶⁴. Яхё алайҳиссаломдан кейин иккинчи бор бу исм Исо алайҳиссаломнинг ҳаворийси – шогирдига қўйилган), 2) Яхё ибн Абу Умома Асъад ибн Зурора Ансорий (кичик саҳобий), 3) Яхё ибн Исҳоқ Ансорий (тобеин), 4) Яхё ибн Халлод ибн Рофеъ ибн Молик ибн Ажлон ибн Амр ибн Омир ибн Зурайқ Ансорий Зуракий Маданий (катта тобеин), 5) Яхё ибн Шароф ибн Муррий ибн Ҳусайн Абу Закариё Ҳизомий Ҳавроний Нававий Шофеъий (фикҳ ва ҳадис бўйича етук аллома. Кўплаб асарлар муаллифи. Улардан энг машҳури “Саҳиху Муслим”га ёзган шарҳи саналади).

Ўктам, O'ktam (ўз.) – кучли, довюрак, ботир.

Ўткир, O'tkir (ўз.) – ақл-заковати ўткир бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм.

Қ

Қабиса, Qabisa (ар.) – таомни кўли билан еювчи; тупроқ, ер * 1) Қабиса ибн Мухориқ ибн Абдуллоҳ Абу Бишр Ҳилолий (саҳобий, Қутн ибн Қабисанинг отаси), 2) Қабиса ибн Ваққос Лайсий (саҳобий), 3) Қабиса ибн Зуайб ибн Ҳалҳала Абу Саид Хузойй (кичик саҳобий, отаси ҳам саҳобий бўлган. Ҳижратнинг саккизинчи йилида туғилган. Заҳабий айтишича, Қабиса ибн Зуайб олим ва тақводор кишилардан бўлган), 4) Қабиса ибн Жобир ибн Ваҳб ибн Молик Абу Ало Асадий (катта тобеин), 5) Қабиса ибн Ҳулб Тоий Куфий (тобеин), 6) Қабиса ибн Ҳурайс Ансорий Басрий (тобеин).

Қаййим, Qayyim (ар.) – ишончли; ҳақиқий, одил, тўғри; қимматбаҳо, ноёб; фойдали, манфаатли.

Қаййима, Qayyima (ар.) – “Қаййим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Қайс, Qays (ар.) – шиддатли, ғайратли, журъатли * 1) Қайс Жузомий Шомий (саҳобий), 2) Қайс Килобий (саҳобий, Атийя ибн Қайсининг отаси), 3) Қайс ибн Абу Ғурза Ғифорий (саҳобий), 4) Қайс ибн Ҳорис ибн Жидор Асадий (саҳобий), 5) Қайс ибн Нўмон Сакуний Куфий (саҳобий), 6) Қайс ибн Нўмон Абул Валид Абдий (саҳобий. Абдулкайс гуруҳидан), 7) Қайс ибн Саъд ибн Убода Абу Абдуллоҳ Ансорий Хазражий (саҳобий), 8) Қайс ибн Осим ибн Синон ибн Холид Абу Али Тамимий Саъдий (саҳобий), 9) Қайс ибн Амр ибн Саҳл ибн Саълаба Ансорий Маданий (саҳобий), 10) Қайс ибн Махрама ибн Мутталиб ибн Абдуманоф Абу Муҳаммад Қураший Мутталибий (саҳобий), 11) Қайс ибн Абу Ҳозим Абу Абдуллоҳ (катта тобеин).

Қайюмберган, Qayyumbergan (ар.-ўз.) – ҳар бир нарса устида гувоҳ бўлиб турувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Қайюмберди, Qayyumberdi (ар.-ўз.) – “Қайюмберган” билан маънодош.

Қайюмқул, Qayyumqul (ар.-ўз.) – барча воқеалар устида қоим бўлувчи Аллоҳнинг бандаси.

Қамар, Qamar (ар.), (а.и.) – ойдек чиройли, зебо.

Қамариддин, Qamariddin (ар.) – Ислом динининг тўлин оyi (“Бадриддин”, “Нажмиддин”, “Шамсиддин”, “Зиёвуддин”, “Нуриддин” исмларига маъно жиҳатдан яқин).

Қамарнисо, Qamarniso (ар.) – аёлларнинг энг чиройлиси.

Қаноат, Qanoat (ар.) – сабр-қаноатли, шукрли.

⁶³ “Яхё” исми инглиз тилида “John” шаклида қўлланади, “Жон” деб талаффуз қиладилар. Мазкур исм “йу” ва “ханнаҳ” сўзларидан иборат бўлиб, “меҳрибон, раҳмдил” маъносини англатади. “Яхё” исми Аҳли китобларда “Юханно” дейилади.

“Яхё” исми ғарб тилларида жуда оммалашган бўлиб, унинг юзга яқин шакллари мавжуд. Жумладан, руслар уни “Иоанн”, “Иван”, “Ваня”, испанлар “Хуан”, “Юван”, “Юванито”, арманлар “Ёханнес”, данияликлар “Йенс”, “Янник”, греклар “Яннис”, италянлар “Жаванни”, “Гиан”, “Гианни”, “Нино”, “Ванни” шаклида ишлатадилар.

⁶⁴ Бу ҳақида Қуръони каримнинг “Марям” сураси 7-оятда: “Эй Закариё, Биз сенга бир фарзанд хушхабарини берамиз. Унинг исми “Яхё” бўлиб, Биз илгари унга бирон (кимса)ни отдош қилмаганмиз”, дейилган.

Ибн Аббос, Икристима, Қатода, Ибн Журайж, Абдурахмон ибн Зайд ибн Аслам, Суддий ояти каримани “Яхё алайҳиссаломдан олдин бирон кимса бу ном билан чақирилмаган”, деб тафсир қилишган (Табарий ривояти).

Имом Бухорий “Тарих”да ривоят қилишича, Яхё ибн Халлод Зуракий туғилганида отаси уни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хузурларига олиб борган. У зот чақалоқ танглайини кўтарганларидан сўнг: “Мен бу болага шундай исм қўяман, Яхё ибн Закариёдан кейин бирон кимсага бу исм берилмаган”, деганлар ва болага “Яхё” деб исм қўйганлар.

Қатода, Qatoda (*ap.*), (*э.и.*) – дарахт тури * 1) Қатода ибн Нўъмон ибн Зайд ибн Омир Абу Абдуллоҳ Ансорий Авсий Зафарий (саҳобий, Абу Саид Худрийга она тарафдан туғишган биродар), 2) Қатода ибн Милхон Қайсий Жаририй (саҳобий, Абдулмалик ибн Қатоданинг отаси), 3) Қатода ибн Диома ибн Қатода Абул Хаттоб Садусий (тобеин), 4) Қатода ибн Фузайл ибн Қатода ибн Абдуллоҳ ибн Қатода ибн Айёш Абу Хумайд Ҳароший (кичик табаа тобеин).

Қатгон, Qatton (*ap.*) – 1) Қатгон Али ибн Иброҳим ибн Салама ибн Баҳр Абул Ҳасан Қазвиний (имом, ҳофиз, шайхул Ислому, Қазвин олими. Ҳижрий 254-йилда туғилган), 2) Қатгон Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Язид ибн Азрақ Абу Али Моликий Жассос (саёҳатчи, мусанниф, ҳофиз, ишончли ровий. Ҳижрий 310-йиллар атрофида вафот этган), 3) Қатгон Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Ҳасан ибн Халил Абу Бакр Найсобурий (шайх, олим, солих, Хуросон муҳаддиси. Ҳижрий 332-йилда шаввол ойида вафот этган), 4) Қатгон Ҳусайн ибн Яхё ибн Айёш ибн Исо Абу Абдуллоҳ Бағдодий (шайх, муҳаддис, ишончли ровий. Ҳижрий 334-йилда Бағдодда вафот этган), 5) Қатгон Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Айюб ибн Ҳайён Абу Муҳаммад Димашкий (ҳофиз, олим, Дамашқ муҳаддиси).

Қахрамон, Qahramon (*фм.*) – кучли, ботир, бақувват.

Қахҳорберган, Qahhorbergan (*ap.* -ўз.) – барча махлуқотларидан устун Аллоҳ берган фарзанд.

Қахҳорберди, Qahhorberdi (*ap.* -ўз.) – “Қахҳорберган” билан маънодош.

Қахҳорқул, Qahhorqul (*ap.* -ўз.) – барча махлуқотларидан Ғолиб Аллоҳнинг бандаси.

Қивомиддин, Qivomiddin (*ap.*) – Ислому динининг устуни (“Низомиддин” ва “Имодуддин” исмлари билан маънодош) * 1) Қивомиддин Масъуд ибн Муҳаммад (Абу Иброҳим) ибн Муҳаммад ибн Саҳл Абу Муҳаммад Кармоний (адиб, ҳанафий мазҳаби фақиҳи (мел. 1266-1348, ҳиж. 664-748). Қивомиддин Кармоний фикҳ, унинг усули ва араб тилида ўткир олим бўлган), 2) Қивомиддин Амир Котиб ибн Амир Умар ибн Амир Ғозий Абу Ҳанафия Форобий Итқоний (ҳанафий мазҳаби фақиҳи (мел. 1286-1357, ҳиж. 685-758). Форобнинг Итқонида туғилган. Миср ва Бағдодга сафар қилган, кейинчалик Мисрни ўзига ватан қилган ва ўша ерда вафот этган. Қивомиддин Амир Котиб “Ҳидоя”га олти жилдлик “Ғоятул баён” номли шарҳ ёзган), 3) Қивомиддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Хўжандий Санжорий Кокий (ҳанафий мазҳаби фақиҳи. “Ҳидоя”нинг шарҳи бўлмиш “Меъроҷуд дироя”нинг муаллифи. Қивомиддин Кокий мелодий 1348-, ҳижрий 749-йилда вафот этган).

Қобил, Qobil (*ap.*) – қабул қилувчи; рози бўлувчи; тасдиқловчи.

Қобила, Qobila (*ap.*) – “Қобил”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Қобул, Qobul (*ap.*) – “Қобил”нинг кучайтирма шакли.

Қобус, Qobus (*ap.*) – чиройли юзли, кўркам кўринишли * 1) Қобус ибн Мухориқ Шайбоний Куфий (тобеин. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 2) Қобус ибн Абу Забён Жанбий Куфий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа “Сунан”да ундан ривоят қилган).

Қодирберган, Qodirbergan (*ap.* -ўз.) – ҳар нарсага Қодир Аллоҳ берган фарзанд.

Қодирберди, Qodirberdi (*ap.* -ўз.) – “Қодирберган” билан маънодош.

Қодирқул, Qodirqul (*ap.* -ўз.) – ҳар нарсага Қодир Аллоҳнинг бандаси.

Қорий, Qori (*ap.*) – Қуръони каримни тажвид қоидаларига мувофиқ қироат қилувчи (кўп Қуръон ўқиб, унга амал қилувчи бўлсин, деган ниятда қўйиладиган исм).

Қория, Qoriya (*ap.*) – “Қорий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Қосим, Qosim (*ap.*) – иккига бўлувчи; улуш ажратувчи, тасқимловчи; ҳукм қилувчи (Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам сифатлари) * 1) Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддиқ Абу Муҳаммад Қураший Таймий (тобеин), 2) Қосим ибн Ҳассон Омирий Куфий (тобеин), 3) Қосим ибн Рабийъа ибн Жавшан Ғатафоний Жавшаний Басрий (тобеин), 4) Қосим ибн Абдурахмон Абу Абдурахмон Шомий (тобеин), 5) Қосим ибн Абдуллоҳ ибн Рабийъа Сақафий (тобеин), 6) Қосим ибн Авф Шайбоний Бакрий Куфий (тобеин).

Қосима, Qosima (*ap.*) – “Қосим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Қосимали, Qosimali (*ap.*) – “Қосим” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Қувонч, Quvonch (*ўз.*), (*а.и.*) – “Севинч” исми билан маънодош.

Қуддусберган, Quddusbergan (*ap.* -ўз.) – айб-нуқсонлардан Пок Аллоҳ берган фарзанд.

Қуддусберди, Quddusberdi (*ap.* -ўз.) – “Қуддусберган” билан маънодош.

Қудома, Qudoma (*ap.*), (*э.и.*) – олдинда юрвчи, биринчи сафда турувчи * 1) Қудома ибн Абдуллох ибн Аммор ибн Муовия Абу Абдуллох Килобий (саҳобий), 2) Қудома ибн Мазъун ибн Ҳабиб Жумаҳий (саҳобий), 3) Қудома ибн Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Ҳотиб Қураший Жумаҳий (тобеин), 4) Қудома ибн Вабара Ужайфий Басрий (тобеин), 5) Қудома ибн Мусо ибн Умар ибн Қудома ибн Мазъун Қураший Маккий (кичик тобеин. Масжидун набавий имоми бўлган).

Қудрат, Qudrat (*ap.*) – куч-қувват рамзи; забардаст, кучли, жасур.

Қудратуллох, Qudratulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг қудрати; Аллоҳнинг иродали, кучли бандаси.

Қурбат, Qurbat (*ap.*), (*э.и.*) – Аллоҳнинг яқин ва севимли бандаси.

Қурбатуллох, Qurbatulloh (*ap.*) – Аллоҳга яқин бўлувчи банда.

Қурбон, Qurbon (*ap.*) – Аллоҳга яқин банда; қурбонлик қилувчи.

Қурбонали, Qurbonali (*ap.*) – “Қурбон” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Қурбонвали, Qurbonvali (*ap.*) – “Қурбон” ва “Вали” исмлари бирикмаси.

Қурбонмахмуд, Qurbonmahmud (*ap.*) – “Қурбон” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Қурбонмурод, Qurbonmurod (*ap.*) – “Қурбон” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Қурбонмуҳаммад, Qurbonmuhammad (*ap.*) – “Қурбон” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Қурбонсаид, Qurbonsaid (*ap.*) – “Қурбон” ва “Саид” исмлари бирикмаси.

Қусам, Qusam (*ap.*) – карами кенг, қўли очик.

Қутба, Qutba (*ap.*) – 1) Қутба ибн Молик Саълабий (саҳобий, Зиёд ибн Илоқанинг амакиси. Абу Довуддан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 2) Қутба ибн Қатода Садусий (саҳобий. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга байъат қилган ва у зот Қутбани “Абу Ҳавсала” кунyasi билан чақирганлар), 3) Қутба ибн Омир ибн Ҳадида ибн Амр ибн Саввод Сулабий Ансорий (саҳобий. Бадр ва Ақабада иштирок этган), 4) Қутба ибн Абдулазиз ибн Сиёх Асадий Ҳамоний Куфий (табаа тобеин, Язид ибн Абдулазизнинг биродари. Муслим ва “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган).

Қутбиддин, Qutbiddin (*ap.*) – Қутбиддин ибн Абдулхай Зоҳидий Кабирий Ҳусайний Лорий (муфассир. Замахшарийнинг “Кашшоф”ига ҳошия ёзган. Мелодий 1640-, ҳижрий 1050-йилда вафот этган).

Қутли, Qutli (*ўз.*) – баракали, бахтли, саодатли.

Қутлибека, Qutlibeka (*ўз.*) – “Қутли”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Қутлиназар, Qutlinazar (*ўз.-ap.*) – назари қутлуғ банда.

Қутлинисо, Qutliniso (*ўз.-ap.*) – аёлларнинг энг бахтлиси.

Қутлиқадам, Qutliqadam (*ўз.-ap.*) – қадами қутлуғ келувчи.

Қутлуғ, Qutlug (*ўз.*) – бахтли, омадли, саодатли.

Қутлуғали, Qutlug‘ali (*ўз.-ap.*) – “Қутлуғ” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Қутлуғжамол, Qutlug‘jamol (*ўз.-ap.*) – “Қутлуғ” ва “Жамол” исмлари бирикмаси.

Қутлуғкамол, Qutlug‘kamol (*ўз.-ap.*) – “Қутлуғ” ва “Камол” исмлари бирикмаси.

Қутлуғмахмуд, Qutlug‘mahmud (*ўз.-ap.*) – “Қутлуғ” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Қутлуғмирза, Qutlug‘mirza (*ўз.-фм.*) – “Қутлуғ” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Қутлуғмурод, Qutltg‘murod (*ўз.-ap.*) – “Қутлуғ” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Қутлуғмуҳаммад, Qutlug‘muhammad (*ўз.-ap.*) – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бахтли, саодатли уммати.

Қутлуғназар, Qutlug‘nazar (*ўз.-ap.*) – “Қутлиназар” билан маънодош.

Қутлуғқадам, Qutlug‘qadam (*ўз.-ap.*) – “Қутлиқадам” билан маънодош.

Ғ

Ғазвон, G‘azvon (*ap.*) – 1) Ғазвон Абу Молик Ғифорий (тобеин. Бухорий, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 2) Ғазвон ибн Жарир Заббий Куфий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган, Фузайл ибн Ғазвоннинг отаси, Муҳаммад ибн Фузайл ибн Ғазвоннинг бобоси. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Ғайбуллох, G‘aybulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг ғайби; Аллоҳнинг илми ладунига сазовор банда.

Ғайрат, G‘ayrat (*ap.*) – шижоатли, ғайратли; ғаяур, аҳли-аёлини номахрамлардан қизғанадиган.

Ғайс, G'ays (*ap.*) – ёмғир.

Ғалаба, G'alaba (*ap.*) – ғалаба қозонувчи, муваффақиятга эришувчи (“Зафар” исми билан маънодош).

Ғани, G'ani (*ap.*) – бой, бадавлат, тамаъдан беҳожат, фақат Аллоҳга муҳтож банда.

Ғассон, G'asson (*ap.*) – 1) Ғассон ибн Ағар ибн Ҳасин ибн Авс Абу Ағар Нахшалий (катта табаа тобеин), 2) Ғассон ибн Барзин Абу Миқдом Тухавий (катта табаа тобеин), 3) Ғассон ибн Авф Мозиний Басрий (табаа тобеин), 4) Ғассон ибн Музар Абу Музар Аздий Нумарий (табаа тобеин).

Ғаффорберган, G'afforbergan (*ap.-ўз.*) – бандалари гуноҳларини доимий тарзда кечириб турувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Ғаффорберди, G'afforberdi (*ap.-ўз.*) – “Ғаффорберган” билан маънодош.

Ғаффоркул, G'afforqul (*ap.-ўз.*) – бандалари гуноҳларини муттасил мағфират қилувчи Аллоҳнинг бандаси.

Ғиёс, G'iyos (*ap.*) – ёрдам, кўмак, мадад (“Авн”, “Наср” исмлари билан маънодош) * Ғиёс ибн Жаъфар Шомий Раҳабий (табаа тобеинлардан илм олган ишончли ҳадис ровийси. Ибн Можа ундан ривоят қилган).

Ғиёсмаҳмуд, G'iyosmahmud (*ap.*) – “Ғиёс” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Ғиёсмурод, G'iyosmirod (*ap.*) – “Ғиёс” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Ғиёсмухаммад, G'iyosmuhammad (*ap.*) – “Ғиёс” ва “Мухаммад” исмлари бирикмаси.

Ғиёсуддин, G'iyosuddin (*ap.*) – Ислом диннинг ёрдами; Диннинг ривожланиши учун ҳисса кўшувчи.

Ғозий, G'oziy (*ap.*) – Дин йўлида курашиб, ғолиб чиқувчи.

Ғозиюддин, G'oziyuddin (*ap.*) – “Ғозий” исмининг хос шакли.

Ғозислом, G'ozislom (*ap.*) – “Ғозиюддин” билан маънодош.

Ғозимаҳмуд, G'ozimahmud (*ap.*) – “Ғозий” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Ғозимуҳаммад, G'ozimuhammad (*ap.*) – “Ғозий” ва “Мухаммад” исмлари бирикмаси.

Ғозия, G'oziya (*ap.*) – “Ғозий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ғолиб, G'olib (*ap.*) – ғолиб, музаффар, зафар кучувчи * 1) Ғолиб ибн Абжар Музаний (саҳобий. Абу Довуд ундан ривоят қилган), 2) Ғолиб ибн Абдуллоҳ Лайсий (саҳобий), 3) Ғолиб ибн Ҳузайл Абулхузайл Авдий Куфий (тобеин), 4) Ғолиб ибн Хатоф Абу Сулаймон Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Ғолиб ибн Маҳрон Абу Ғифор Абдий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 6) Ғолиб ибн Сулаймон Абу Солиҳ Атакий Жаҳмазий (катта табаа тобеин. Абу Довуд “Маросил”да, Ибн Можа “Тафсир”да ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 7) Ғолиб ибн Нажиҳ Абу Бишр Куфий (катта табаа тобеин. Термизий ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 8) Ғолиб ибн Абдуллоҳ ибн Абул Юмн Абу Таммом Қайсий Қуртубий (аллома, кори, тилшунослар шайхи. Ҳижрий 465-йилда вафот этган).

Ғолиба, G'oliba (*ap.*) – “Ғолиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ғолия, G'oliya (*ap.*) – қимматбаҳо, камёб, қадрли, ҳурматли.

Ғулом, G'ulom (*ap.*) – хизматкор; банда, қул.

Ғуломанвар, G'ulomanvar (*ap.*) – юзи нурли ва йўли чароғон банда.

Ғуломазиз, G'ulomaziz (*ap.*) – улуғ ва буюк Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломазим, G'ulomazim (*ap.*) – улуғ ва буюк Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломакбар, G'ulomakbar (*ap.*) – энг буюк Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломакрам, G'ulomakram (*ap.*) – энг қарамли Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломалий, G'ulomaliy (*ap.*) – улуғ мартабали Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломалим, G'ulomalim (*ap.*) – ҳар нарсани билувчи Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломарҳам, G'ulomarham (*ap.*) – энг раҳмли Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломаҳад, G'ulomahad (*ap.*) – ягона Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломаҳмад, G'ulomahmad (*ap.*) – “Ғулом” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Ғуломборий, G'ulomboriy (*ap.*) – йўқдан бор қилувчи Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломбосит, G'ulombosit (*ap.*) – кенг ризқ берувчи Аллоҳнинг бандаси.

Ғуломбоқий, G'ulomboqiy (*ap.*) – боқий қолувчи Аллоҳнинг бандаси.

- Ғуломваҳҳоб, G‘ulomvahhob** (*ap.*) – муруввати чексиз Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломворис, G‘ulomvoris** (*ap.*) – мангу қолувчи Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломвоҳид, G‘ulomvohid** (*ap.*) – ягона Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломжаббор, G‘ulomjabbor** (*ap.*) – бандалар ишини ислоҳ қилувчи Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломжавод, G‘ulomjavod** (*ap.*) – сахий Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломжалил, G‘ulomjalil** (*ap.*) – улуғ Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломиддин, G‘ulomiddin** (*ap.*) – Ислом дини учун хизмат қилувчи, Дин хизматчиси, Ислом фидокори.
- Ғуломкабир, G‘ulomkabir** (*ap.*) – буюк Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломкарим, G‘ulomkarim** (*ap.*) – карами кенг Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломмавлон, G‘ulommavlon** (*ap.*) – оламлар Парвардигори Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломмажид, G‘ulommajid** – шарафли Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломмалик, G‘ulommalik** (*ap.*) – оламлар подшоҳи Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломмахбуб, G‘ulommahbub** (*ap.*) – Аллоҳнинг севимли бандаси.
- Ғуломмахмуд, G‘ulommahmud** (*ap.*) – мақтовга сазовор амаллар қилувчи банда.
- Ғуломмуҳаммад, G‘ulommuhammad** (*ap.*) – “Ғулом” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.
- Ғуломназир, G‘ulomnazir** (*ap.*) – “Ғулом” ва “Назир” исмлари бирикмаси.
- Ғуломрахим, G‘ulomrahim** (*ap.*) – раҳмли Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломрахмон, G‘ulomrahmon** (*ap.*) – меҳрибон Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломризо, G‘ulomrizo** (*ap.*) – “Ғулом” ва “Ризо” исмлари бирикмаси.
- Ғуломсиддиқ, G‘ulomsiddiq** (*ap.*) – ростгўй банда.
- Ғуломсобир, G‘ulomsobir** (*ap.*) – сабр-тоқатли банда.
- Ғуломсодиқ, G‘ulomsodiq** (*ap.*) – тўғрисиўз банда.
- Ғуломуллоҳ, G‘ulomulloh** (*ap.*) – Аллоҳ йўлида хизмат қилувчи.
- Ғуломфаттоҳ, G‘ulomfattoh** (*ap.*) – раҳмат ва ризқ эшикларини очувчи Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломхолиқ, G‘ulomxholiq** (*ap.*) – махлуқотларни яратувчи Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломшакур, G‘ulomshakur** (*ap.*) – бандаларнинг оз амалига ҳам кўплаб савоблар берувчи Аллоҳнинг бандаси; Аллоҳ таолога кўп шукр қилувчи банда.
- Ғуломқаҳҳор, G‘ulomqahhor** (*ap.*) – ғолиб ва қудратли Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломқодир, G‘ulomqodir** (*ap.*) – ҳар нарсага қодир Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломқуддус, G‘ulomquddus** (*ap.*) – нуқсонлардан пок Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломғафур, G‘ulomg‘afur** (*ap.*) – гуноҳларни кечирувчи Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломҳабиб, G‘ulomhabib** (*ap.*) – Аллоҳга севимли банда.
- Ғуломҳаким, G‘ulomhakim** (*ap.*) – ҳикматли Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломҳалим, G‘ulomhalim** (*ap.*) – табиати юмшоқ, хулқи гўзал банда.
- Ғуломҳамид, G‘ulomhamid** (*ap.*) – мақтов соҳиби Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломҳасан, G‘ulomhasan** (*ap.*) – чиройли ва одобли банда.
- Ғуломҳафиз, G‘ulomhafiz** (*ap.*) – бандаларини турли офатлардан сақлаб турувчи Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломҳодий, G‘ulomhodiyy** (*ap.*) – тўғри йўлга бошловчи Аллоҳнинг бандаси.
- Ғуломҳусайн, G‘ulomhusayn** (*ap.*) – “Ғулом” ва “Ҳусайн” исмлари бирикмаси.
- Ғундар, G‘undar** (*ap.*) – 1) Ғундар Муҳаммад ибн Жаъфар Абу Абдуллоҳ Ҳузалий Басрий Каробисий (хофиз, мужаввид. Ҳижрий 115-йиллар атрофида туғилган), 2) Ғундар Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Дуррон Абу Таййиб Бағдодий (муҳаддис, зоҳид, сўфий. Ҳижрий 357-йилда вафот этган), 3) Ғундар Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Аббос Абу Бакр Нажжор (шайх, кироат илми устози. Ҳижрий 379-йилда вафот этган).
- Ғуфрон, G‘ufron** (*ap.*), (*a.u.*) – Аллоҳ таолодан истиғфор сўровчи.

Х

Ҳабиб, Habib (*ap.*) – севимли, суюкли, маҳбуб * 1) Ҳабиб ибн Авс Сақафий Мисрий (катта тобеин), 2) Ҳабиб ибн Солим Ансорий (тобеин, Нўъмон ибн Баширнинг мавлоси ва котиби), 3) Ҳабиб Тамимий Анбарий (тобеин), 4) Ҳабиб ибн Абу Ҳабиб Абу Амр Бажалий (тобеин), 5) Ҳабиб ибн Абу Субайъа Зубайи (тобеин), 6) Ҳабиб ибн Абу Фазлон Моликий Басрий (тобеин).

Ҳабиба, Habiba (*ap.*) – “Ҳабиб”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Ҳабиба бинти Саҳл ибн Саълаба ибн Ҳорис ибн Зайд ибн Саълаба Ансория Нажжория (саҳобия), 2) Ҳабиба бинти Шурайх ибн Абу Хайсама Ҳузалия (саҳобия, Масъуд ибн Ҳакам Зуракийнинг онаси), 3) Ҳабиба бинти Убайдуллоҳ ибн Жаҳш ибн Риоб Асадия (саҳобия, уммул мўминин Умму Ҳабиба – Рамла онамизнинг кизлари. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ўз тарбияларига олганлар), 4) Ҳабиба бинти Майсара ибн Абу Хайсам Умму Ҳабиб Фихрия (тобеин, Ато ибн Абу Рабоҳнинг мавлоси).

Ҳабибиддин, Habibiddin (*ap.*) – Ислом дини ихлосманди.

Ҳабибуллоҳ, Habibulloh (*ap.*) – Аллоҳнинг севимли, маҳбуб бандаси.

Ҳавво⁶⁵, **Havvo** (*қад.яҳ.*) – ҳаётбахш (Одам алайҳиссалом жуфтнинг исми) * Ҳавво бинти Язид ибн Сакан ибн Курз ибн Зауро Умму Бужайд (саҳобия, ансориялардан, Амр ибн Муоз Ашҳалийнинг момоси, Қайс ибн Ҳатиймнинг завжаси, Асмоънинг синглиси. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да ундан ривоят қилган).

Ҳавшаб, Havshab (*ap.*) – 1) Ҳавшаб (саҳобий, Ҳассон ибн Курайб ундан ривоят қилган), 2) Ҳавшаб Зу Зулайм (саҳобий), 3) Ҳавшаб ибн Уқайл Абу Диҳя Журмий (катта табаа тобеин. Абу Довуд, Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 4) Ҳавшаб ибн Муслим Абу Бишр Сақафий (катта табаа тобеин, Ҳажжож ибн Юсуфнинг мавлоси. “Сихоҳи ситта” соҳибларидан биронтаси ундан ривоят қилмаган, аммо ишончли ровий саналади).

Ҳадича, Hadicha – (“Ҳадижа”га қаранг) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари исми.

Ҳадия, Hadiya (*ap.*), (*э.и.*) – совға, инъом, тухфа * Ҳадия ибн Абдулваҳҳоб Абу Солиҳ Марвазий (табаа тобеинлардан илм олганлардан. Ҳижрий 241-йилда вафот этган. Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Ҳадиятуллоҳ, Hadiyatulloh (*ap.*), (*э.и.*) – Аллоҳ таолонинг инъоми, неъмат, раҳмати (“Атоуллоҳ”, “Ризкуллоҳ”, “Ҳибатуллоҳ” исмлари билан маънодош).

Ҳаё, Hayo (*ap.*), (*а.и.*) – ҳаёли, иболи, ор-номусли.

Ҳаёт, Hayot (*ap.*), (*а.э.и.*) – тириклик, барҳаётлик; соғлик; ўсиш, ривожланиш * 1) Ҳаёт ибн Шурайх ибн Сафвон ибн Молик Абу Зуръа Тажибий (катта табаа тобеин, фақиҳ, зоҳид ва обид кишилардан бўлган), 2) Ҳаёт ибн Шурайх ибн Язид Абу Аббос Ҳазрабий (табаа тобеинлардан илм олганлардан, ишончли ҳадис ровийси), 3) Ҳаёт ибн Қайс ибн Ражжол ибн Султон Ансорий Ҳарроний (шайх, зоҳид, обид, ихлос ва каромат соҳиби. Ҳижрий 581-йил жумодул увла ойида саксон ёшида вафот этган).

Ҳажжож, Hajjoj (*ap.*) – ҳажга қайта-қайта борувчи; доимий суратда ҳажга боришни ният қилувчи * 1) Ҳажжож ибн Амр ибн Ғозия Ансорий Мозиний Маданий (саҳобий), 2) Ҳажжож ибн Молик ибн Уваймир ибн Абу Усайд ибн Рифоа ибн Саълаба Асламий (саҳобий, Ҳажжож ибн Ҳажжож ибн Моликнинг отаси), 3) Ҳажжож ибн Ҳажжож ибн Молик Асламий Ашжаий Ҳижозий (тобеин), 4) Ҳажжож ибн Ҳажжож Асламий (тобеин), 5) Ҳажжож ибн Ҳассон Қайсий Басрий (кичик тобеин), 6) Ҳажжож ибн Ҳажжож Боҳилий Басрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси), 7) Ҳажжож ибн Динор Ашжаий (катта табаа тобеин), 8) Ҳажжож ибн Шаддод Санъоний (катта табаа тобеин), 9) Ҳажжож ибн Сафвон ибн Абу Язид Маданий (катта табаа тобеин, Умар ибн Абдулазизнинг Рабаза шаҳридаги закот йиғувчиси бўлган).

Ҳазм, Hazm (*ap.*) – қатъиятли, иродали * 1) Ҳазм ибн Абу Каъб Ансорий Суламий Маданий (саҳобий, Абу Довуд ундан ривоят қилган), 2) Ҳазм ибн Абу Ҳазм Абу Абдуллоҳ Басрий (катта табаа тобеин, Сухайл ибн Абу Ҳазмнинг биродари. Ҳижрий 175-йилда вафот этган, Бухорий ундан ривоят қилган).

Ҳазрат, Hazrat (*ap.*) – ҳурматли, эътиборли, эъзозга муносиб.

⁶⁵ Одам Ато ва Ҳавво момонинг исмлари ғарб тилларида ҳам кенг қўлланади. “Одам” исми “Adam”, “Ҳавво” эса “Eva” шаклида ишлатилади. Араб тилида таъсирида биз мазкур исми “Ҳавво” тарзида ишлатамиз. Ғарб тилларида мазкур исмининг кўп шакллари мавжуд.

Ҳайдар, Haydar – жасур, кўркмас; кучли, қудратли.

Ҳайён, Hayyon (*ap.*), (*э.и.*) – тирик, яшовчи * 1) Ҳайён ибн Бистом Ҳузалий Басрий (тобеин, Сулайм ибн Ҳайённинг отаси), 2) Ҳайён ибн Ҳусойн Абу Ҳайёж Асадий Куфий (тобеин, Марсун ибн Ҳайён ва Жарир ибн Ҳайённинг отаси), 3) Ҳайён ибн Умайр Абу Ало Қайсий Жаририй (тобеин).

Ҳайсам, Haysam (*ap.*) – қизил рангли * 1) Ҳайсам ибн Шафий Абу Ҳусойн Руайний (катта тобеин), 2) Ҳайсам ибн Абу Синон Маданий (тобеин), 3) Ҳайсам ибн Асвад Абу Урён Нахайй (тобеин), 4) Ҳайсам ибн Молик Абу Муҳаммад Тоий (кичик тобеин).

Ҳакам, Hakam (*ap.*) – 1) Ҳакам ибн Амр ибн Муждаъ ибн Ҳизям ибн Ҳулвон ибн Ҳорис ибн Нуайла ибн Мулайл ибн Замро ибн Кинона Гифорий (саҳобий), 2) Ҳакам ибн Ҳазн Кулафий (саҳобий), 3) Ҳакам ибн Мийноъ Ансорий Маданий (катта тобеин), 4) Ҳакам ибн Абдуллоҳ ибн Исҳоқ Басрий (тобеин), 5) Ҳакам ибн Абдуллоҳ Абу Мутиъ Балхий (фақиҳ олимлардан. “Фикхул акбар” асари муаллифи).

Ҳақим, Hakim (*ap.*) – ақлли, доно, донишманд; ҳақим; табиб * 1) Ҳақим ибн Ҳизом ибн Хувайлид ибн Асад ибн Абдулғуззо ибн Қусай ибн Килоб Абу Холид Кураший Асадий (саҳобий, мўминлар онаси Хадижа бинти Хувайлиднинг жияни), 2) Ҳақим ибн Муовия Нумайрий (катта тобеин), 3) Ҳақим Санъоний (катта тобеин, Муғйра ибн Ҳақимнинг отаси), 4) Ҳақим ибн Абу Ҳурра Асламий Маданий (тобеин), 5) Ҳақим ибн Афлах Маданий (тобеин), 6) Ҳақим ибн Жобир ибн Торик ибн Авф Аҳмасий Куфий (тобеин), 7) Ҳақим ибн Саъд Ҳанафий (тобеин).

Ҳақима, Hakima (*ap.*) – “Ҳақим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Ҳақима бинти Умайма (тобеин. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган), 2) Ҳақима бинти Умайя ибн Ахнас ибн Убайд Умму Ҳақим (тобеин. Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, мақбул ровия).

Ҳақимали, Hakimali (*ap.*) – “Ҳақим” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ҳақимберган, Hakimbergan (*ap.-ўз.*) – ҳар бир тадбирини ҳикмат билан, мукаммал ҳолда амалга оширувчи Аллоҳ берган фарзанд.

Ҳақимберди, Hakimberdi (*ap.-ўз.*) – “Ҳақимберган” билан маънодош.

Ҳалим, Halim (*ap.*) – мулойим, меҳрибон, кўнгилчан.

Ҳалима, Halima (*ap.*) – “Ҳалим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * Ҳалима бинти Абу Зуайб (Абдуллоҳ) ибн Ҳорис ибн Ҳайён ибн Саъд ибн Бакр ибн Ҳавозин Саъдия (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни эмизган оналари. Унинг икки фарзанди Абдуллоҳ ва Унайса Расулуллоҳнинг эмикдош биродарлари саналади. Ҳалима Ҳорис ибн Абдулғуззо ибн Саъд ибн Бакрнинг завжаси бўлган. Улар Ҳудайбияда яшар эдилар. Расулуллоҳ айнан Ҳудайбия ва унинг атрофларида катта бўлганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олти ёшга тўлганларида Ҳалима ва Ҳорис у зотни оналари ҳузурига олиб борадилар, аммо бу вақтда Омина вафот этган эди. Шу сабаб Расулуллоҳни боболари Абдулмутталиб ўз қарамоғига олади. Ҳалима Расулуллоҳ Хадижага уйланганларидан кейин яна бир бор Маккага келади ва қурғоқчиликдан шикоят қилади. Шунда Хадижа розияллоҳу анҳо унга қирқта қўй бериб юборадилар. Ҳалима ва Ҳорис нубувватдан кейин Маккага келиб мусулмон бўлишган. Ҳалима хижрий 8-, мелодий 630-йилдан кейин вафот этган).

Ҳамдам, Hamdam (*фт.*) – соҳиб, ҳамроҳ, дўст, ўртоқ.

Ҳамдон, Hamdon (*ap.*) – Аллоҳ таолога кўп ҳамду сано айтувчи * Ҳамдон Варроқ Муҳаммад ибн Али ибн Абдуллоҳ ибн Михрон Бағдодий (хофиз, олим, мужаввид, солих кишилардан бўлган. Ҳижрий 272-йилда вафот этган).

Ҳамдуллоҳ, Hamdulloh (*ap.*) – Аллоҳга ҳамд айтувчи.

Ҳамза, Hamza (*ap.*), (*э.и.*) – кўкат; нордон; чучук; ўткир * 1) Ҳамза ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф Абу Умора Кураший Ҳошимий Маданий Бадрий (машҳур саҳобий, пайҳлавон, шаҳидлар саййиди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амакилари ва эмикдош акалари. Ҳамза у зотдан икки ёш катта бўлган. Пайғамбарликнинг иккинчи йилида Исломга кирган. Расулуллоҳ у билан Зайд ибн Ҳорисани ўзаро биродар тутинтириб қўйганлар. Ҳамза “Асадурроҳман” (“Раҳмон сифатли Аллоҳнинг шери”, яъни кучли, шижоатли бандаси) ва “Асаду росулиллаҳ” (“Расулуллоҳнинг шери”) лақаблари билан танилган. Шаввол ойининг ўрталарида Уҳуд жангида шаҳид бўлган), 2) Ҳамза ибн Амр ибн Уваймир ибн Ҳорис ибн Аъраж ибн Саъд ибн Рузоҳ ибн Адий ибн Саҳм Абу Солих Асламий (саҳобий. Ҳижрий 61-йилда вафот этган. Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган), 3) Ҳамза ибн Абу Усайд (Молик) ибн Рабийъа Абу Молик Ансорий Соидий (тобеин, Мунзир ибн Абу

Усайднинг биродари. Валид ибн Абдулмалик халифалиги даврида вафот этган. Бухорий, Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган), 4) Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб Абу Умора Қураший Адавий (тобеин, Солим ибн Абдуллоҳнинг биродари, Умар ибн Ҳамзанинг отаси. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Ҳамза ибн Амр Абу Умар Оизий (тобеин. Муслим, Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган), 6) Ҳамза ибн Сафина Басрий (кичик тобеин. Термизий ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 7) Ҳамза ибн Ҳабиб ибн Умора Абу Умора Зайёт Қориъ (катта табаа тобеин, Ҳабиб ва Ҳабибнинг биродари (х. 80-158/159). Бухорийдан бошқа “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 8) Ҳамза ибн Ҳорис ибн Умайр Убу Умора Адавий (табаа тобеинлардан илм олганлардан, Умар ибн Хаттоб оиласи мавлоси. Насоий ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 9) Ҳамза ибн Саид Абу Саид Марвазий (Абу Довуд “Маросил”да ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Ҳамзаали, Hamzaali – “Ҳамза” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ҳамзамурод, Hamzamurod (*ap.*) – “Ҳамза” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Ҳаммам, Hammam (*ap.*) – қалбида солиҳ амаллар қилишни, яхшилиқни ният қилувчи; охират ғами билан яшовчи (Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан энг яхши исм дея таърифланган исмлардан бири – “Ҳорис” ва “Ҳаммом”) * 1) Ҳаммом ибн Ҳорис ибн Қайс ибн Амр Нахайй Куфий (катта тобеин), 2) Ҳаммом ибн Мунаббих ибн Комил ибн Сайж Абу Уқба Ямоний (тобеин), 3) Ҳаммом ибн Яҳё ибн Динор Абу Абдуллоҳ Авзий Муҳаллимий (катта табаа тобеин).

Ҳаммод, Hammod (*ap.*) – Аллоҳ таолога кўп ҳамду сано айтувчи * 1) Ҳаммод ибн Абу Сулаймон Ашъарий (кичик тобеин, Абу Мусо Ашъарийнинг мавлоси, мужтаҳид олимлардан, Ҳанафий мазҳаби асосчиси Абу Ҳанифанинг устози), 2) Ҳаммод ибн Нажих Розий (катта табаа тобеин), 3) Ҳаммод ибн Салама ибн Динор Басрий (табаа тобеин), 4) Ҳаммод ибн Зайд ибн Дирҳам Абу Исмоил Аздий Жаҳзамий (табаа тобеин), 5) Ҳаммод ибн Масъада Абу Саид Басрий (кичик табаа тобеин).

Ҳаммода, Hammoda (*ap.*) – “Ҳаммод”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ҳанафий, Hanafiy (*ap.*) – бут-санамларга ибодат қилишдан сақланувчи, Аллоҳни Ягона илоҳ деб тан олувчи; тўғри, ҳақиқий; мустаҳкам, собит; ҳанафий мазҳабига мансуб.

Ҳанафия, Hanafiya (*ap.*) – “Ҳанафий”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ҳанбал, Hanbal (*ap.*) – денгиз; бўйи паст, аммо гўштдор * 1) Ҳанбал ибн Исҳоқ ибн Ҳанбал ибн Ҳилол ибн Асад Абу Али Шайбоний (имом, хофиз, муҳаддис, фақиҳ, мусанниф, Аҳмад ибн Ҳанбалнинг амакиваччаси ва шогирди. “Ат-Тарих”, “Ал-Фитан”, “Михнатул имом аҳмад ибни ҳанбал” номли китоблар муаллифи. Ҳанбал ибн Исҳоқ ҳижрий 200-йилдан олдин таваллуд топган ва ҳижрий 273-, мелодий 886-йилда вафот этган), 2) Ҳанбал ибн Абдуллоҳ ибн Фараж ибн Саодат Абу Али Воситий Бағдодий Русофий (ҳадис ровийларидан), 3) Ҳанбал ибн Али Абу Жаъфар Бухорий Сижистоний (сўфий ва оқил кишилардан бўлган. Ҳижрий 541-йилнинг шаввол ойида етмиш етти ёшида Ҳиротда вафот этган).

Ҳаниф, Hanif (*ap.*) – “Ҳанафий” билан маъноси бир хил.

Ҳанифа, Hanifa (*ap.*) – “Ҳаниф”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ҳанон, Hanon (*ap.*), (*a.u.*) – меҳрибон, раҳмдил, шафқатли * 1) Ҳанон ибн Хорижа Суламий Заквоний Шомий (тобеин. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 2) Ҳанон Асадий Басрий Куфий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган. Абу Довуд ва Термизий ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Ҳарис, Haris (*ap.*) – ҳарисманд, ташна, умидвор; одамлар имонга келишига ташна, уларнинг хидоятга мушарраф бўлишларидан умид қилувчи (Мазкур исм Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сифатларидандир. У зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам қавмлари имонга келишига ўта ҳарис эдилар).

Ҳариса, Harisa (*ap.*) – “Ҳарис”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ҳармала, Harmala (*ap.*), (*э.и.*) – кунжутга ўхшаш дон тури * 1) Ҳармала ибн Абдуллоҳ Тамимий Анбарий (саҳобий), 2) Ҳармала (тобеин, Усома ибн Зайд ибн Ҳориса Калбий Маданийнинг мавлоси), 3) Ҳармала ибн Иёс Абу Ҳармала Шайбоний (тобеин).

Ҳасан, Hasan (*ap.*) – яхши; чиройли, кўркам * 1) Ҳасан ибн Али ибн Абу Толиб Абу Муҳаммад Қураший Ҳошимий (машҳур саҳобий, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сеvimли набиралари), 2) Ҳасан ибн Усома ибн Зайд ибн Ҳориса Калбий Маданий (тобеин), 3) Ҳасан ибн Сухайл

ибн Абдурахмон ибн Авф Кураший Зухрий (тобеин), 4) Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб Абу Муҳаммад Кураший Ҳошимий (тобеин), 5) Ҳасан ибн Язид Ижлий (катта тобеин), 6) Ҳасан ибн Ясор Абу Саид Басрий (машҳур тобеин), 7) Ҳасан ибн Аммор ибн Али Шурунбиллоий Мисрий (ханафий мазҳаби фақиҳи, “Нурул изох” асари муаллифи).

Ҳасанали, Hasanali (*ap.*) – “Ҳасан” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ҳасанмирза, Hasanmirza (*ap.*) – “Ҳасан” ва “Мирза” исмлари бирикмаси.

Ҳассон, Hasson (*ap.*) – одамларга кўп яхшилик қилувчи * 1) Ҳассон ибн Собит ибн Мунзир ибн Ҳаром ибн Амр Абу Абдурахмон Ансорий Нажжорий (саҳобий. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва салламнинг шоирлари), 2) Ҳассон ибн Курайб Абу Курайб Ҳимярий Руайний (катта тобеин), 3) Ҳассон ибн Замрий (тобеин), 4) Ҳассон ибн Билол Музаний Басрий (тобеин).

Ҳассона, Hassona (*ap.*) – “Ҳассон”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ҳафс, Hafs (*ap.*) – жасур, дойрак * 1) Ҳафс ибн Осим ибн Умар ибн Хаттоб Кураший Адавий (тобеин, Исо ибн Ҳафс ибн Осимнинг отаси, Убайдуллох ибн Умарнинг бобоси), 2) Ҳафс ибн Абдуллох Лайсий Басрий (тобеин), 3) Ҳафс ибн Убайдуллох ибн Анас ибн Молик Ансорий Басрий (тобеин), 4) Ҳафс ибн Умар ибн Саъд Кураз Маданий (тобеин), 5) Ҳафс ибн Умар ибн Абдурахмон ибн Авф Кураший Зухрий Маданий (кичик тобеин).

Ҳафса, Hafsa (*ap.*) – “Ҳафс”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли * 1) Ҳафса бинти Умар ибн Хаттоб Адавия (саҳобия, уммул мўминин, Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг завжалари (ҳиж. -18-45, мел. 604-665). Ҳафса Зайнаб бинти Мазъун ибн Ҳабиб ибн Вахб ибн Ҳузофа ибн Жумахнинг кизи, Қудома ибн Мазъуннинг жияни. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Бухорий ва Муслим ундан олтмишта ҳадис ривоят қилган), 2) Ҳафса бинти Абдурахмон ибн Абу Бакр Сиддик (тобеин, Асмоъ бинти Абдурахмон билан опа-сингил бўлган. Мунзир ибн Зубайрнинг завжаси эди. Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Ибн Можа Ҳафса бинти Абдурахмондан ривоят қилган), 3) Ҳафса бинти Сийрин Умму Ҳузайл Ансория Басрия (тобеин, фақиҳа, Муҳаммад ибн Сийриннинг опаси ёки синглиси. Ҳафса ўн икки ёшида Куръонни тўлиқ ёдлаган. Ҳижрий 100-йилдан кейин етмиш ёшида вафот этган. “Сихоҳи ситта” соҳиблари Бинти Сийридан ривоят қилишган).

Ҳақиқат, Haqiqat (*ap.*), (*a.u.*) – одил, ҳаққоний (“Адолат” исми билан маънодош).

Ҳақберган, Haqbergan (*ap.*-*ўз.*) – Аллох берган фарзанд.

Ҳақберди, Haqberdi (*ap.*-*ўз.*) – “Ҳақберган” билан маънодош.

Ҳақдод, Haqdod (*ap.*-*фм.*) – адолатли Аллох берган фарзанд.

Ҳақдўст, Haqdo'st (*ap.*-*ўз.*) – ҳақлиги тасдиқланган Аллохнинг дўсти.

Ҳақёр, Haqyor (*ap.*-*фм.*) – ҳақлиги тасдиқланган Аллохнинг мададига муносиб банда.

Ҳақиқат, Haqiqat (*ap.*), (*a.u.*) – адолатли, ҳаққоний, ҳақиқат тарафдори.

Ҳаққул, Haqqul (*ap.*-*ўз.*) – ҳақни зоҳир қилувчи Аллохнинг бандаси.

Ҳибатуллох, Hibatulloh (*ap.*), (*э.у.*) – Аллохнинг тухфаси, инъоми * 1) Ҳибатуллох ибн Абдулворис ибн Али Абулқосим Шерозий (имом, ҳофиз, муҳаддис, саёхатчи. Хуросон, икки Ҳарам, Ироқ, Яман, Миср, Шом, Жазира, Форс давлатида бўлган ва кўплаб ҳадислар эшитган), 2) Ҳибатуллох ибн Абдураззоқ ибн Муҳаммад ибн Абдуллох ибн Лайс Абул Ҳасан Ансорий Авсий Ашҳалий Саъдий Бағдодий (улуғ шайх, муҳаддис, ҳадис ровийси – х. 402-491), 3) Ҳибатуллох ибн Ҳасан ибн Мансур Абулқосим Табарий Розий (ҳадис ҳофизларидан. Шунингдек, мазҳаб фақиҳи. Табаристонда туғилган. Кейин Бағдодни ўзига ватан қилиб олган. Мелодий 1027-, ҳижрий 418-йилда вафот этган), 4) Ҳибатуллох ибн Ҳусайн ибн Али ибн Муҳаммад ибн Абдуллох Абулқосим Бағдодий (шайх, ровий. Ҳижрий 461-йил сафар ойида туғилган), 5) Ҳибатуллох ибн Аҳмад ибн Муалло ибн Маҳмуд Тирозий Шужоуддин Туркистоний (ханафий мазҳаби фақиҳларидан (мел. 1272-1333, ҳиж. 671-733). Туркистоннинг Тирозида туғилган. Сўнг Дамашққа бориб, ўша ерда фикҳни ўрганган ва бир нечта китоблар тасниф қилган), 6) Ҳибатуллох ибн Муҳаммад ибн Яҳё ибн Абдурахмон ибн Тожиддин Баълий Димашқий (ханафий мазҳаби фақиҳи (мел. 1739-1809, ҳиж. 1151-1224). Дамашқда туғилган. Қоҳира ва Румда таълим олган ва бир нечта китоблар тасниф қилган).

Ҳидоят, Hidoyat (*ap.*), (*a.u.*) – тўғри йўлда юривчи; тўғри йўлга бошловчи.

Ҳидоятulloх, Hidoyatulloh (*ap.*), (*э.у.*) – Аллохнинг ҳидоятига мушарраф инсон.

Ҳизом, Hizom (*ap.*) – қатъиятли, бир сўзли; иродали * Ҳизом ибн Ҳақим ибн Ҳизом ибн Хувайлид ибн Асад ибн Абдулғуззо Қураший Асадий Ҳижозий Маданий (тобеин, Ҳишом ибн Ҳақим ибн Ҳизомнинг биродари. Насоий ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Ҳикмат, Hikmat (*ap.*), (*э.у.*) – ақлли, доно, донишманд, ҳақим.

Ҳикматуллоҳ, Hikmatulloh (*ap.*), (*э.у.*) – Аллоҳнинг ҳикмати; Аллоҳнинг ҳикматли тадбирларини англаб етувчи.

Ҳилол, Hilol (*ap.*) – янги чиққан ой номи * 1) Ҳилол ибн Абу Ҳилол Асламий (саҳобий), 2) Ҳилол ибн Умайя ибн Омир ибн Қайс Ансорий Воқифий (саҳобий. Табук ғазотидан қатнаша олмаган, кейин Аллоҳ таолонинг мағфиратига ноил бўлган уч кишидан бири), 3) Ҳилол ибн Омир Басрий (катта тобеин), 4) Ҳилол ибн Абу Ҳилол Маданий (тобеин), 5) Ҳилол ибн Усома Фихрий Маданий (тобеин), 6) Ҳилол ибн Ясоф Абу Ҳасан Ашжаий (тобеин).

Ҳилола, Hilola (*ap.*) – “Ҳилол”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ҳилолиддин, Hiloliddin (*ap.*) – диннинг кўрки.

Ҳиммат, Himmatt (*ap.*), (*э.у.*) – ҳимматли, саховатли, қўли очик.

Ҳимматали, Himmatali (*ap.*) – “Ҳиммат” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ҳимоят, Himoyat (*ap.*) – муҳофаза қилинувчи қиз.

Ҳинд, Hind (*ap.*), (*а.э.у.*) – 1) Ҳинд бинти Суҳайл ибн Муғийра ибн Абдуллоҳ ибн Умар ибн Махзум Умму Салама Қурашия Махзумия (Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари. Ҳижрий тўртинчи йилда ўз никоҳларига олганлар. Бундан олдин у Абу Салама ибн Абдулғасад ибн Муғийранинг завжаси бўлган. Абу Салама жароҳат туфайли оламдан ўтгач, Умму Салама Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам никоҳларига олинган), 2) Ҳинд бинти Утба ибн Рабийъа ибн Абдушамс Қурашия (саҳобия, Муовия ибн Абу Суфённинг онаси. Макка фатҳи куни мусулмон бўлган. Ҳижрий 14-йили вафот этган), 3) Ҳинд ибн Абу Ҳола Наббош ибн Зурора Тамимий Усайдий (саҳобий, Хадижа бинти Хувайлид онамизнинг аввалги завжаларидан бўлган ўғиллари. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ўз тарбияларига олганлар), 4) Ҳинд бинти Ҳорис Хасъамий (тобеин), 5) Ҳинд бинти Ҳорис Фиросия (тобеин), 6) Ҳинд бинти Шарик ибн Забон Басрия (тобеин).

Ҳишом, Hishom (*ap.*) – бўлувчи, ушатувчи; тақсимловчи * 1) Ҳишом ибн Ҳақим ибн Ҳизом ибн Асад Қураший Асадий (саҳобий, Зайнаб бинти Аввомнинг ўғли, Зубайр ибн Аввомнинг жияни), 2) Ҳишом ибн Омир ибн Умайя ибн Хашшош ибн Молик ибн Омир ибн Ғанм ибн Молик ибн Нажжор Ансорий Нажжорий (саҳобий, Саъд ибн Ҳишомнинг отаси), 3) Ҳишом ибн Зайд ибн Анас ибн Молик Ансорий (кичик тобеин), 4) Ҳишом ибн Урва ибн Зубайр ибн Аввом Абул Мунзир Қураший Асадий (кичик тобеин, фақиҳ олим), 5) Ҳишом ибн Амр Фазорий (кичик тобеин).

Ҳодийберган, Hodiyybergan (*ap.*-ўз.) – ҳақ йўлга бошловчи Аллоҳ берган фарзанд.

Ҳодийберди, Hodiyyberdi (*ap.*-ўз.) – “Ҳодийберган” билан маънодош.

Ҳожар, Hojar (*қад.яҳ.-ap.*) – яхши, чиройли; ҳижрат қилувчи (Иброҳим алайҳиссалом завжаси, Исмоил алайҳиссалом онаси. Ушбу исмнинг бошқа шакллари: Ҳожарбиби, Ҳожарбону, Ҳожарбуви).

Ҳожи, Hoji (*ap.*) – ҳаж қилувчи.

Ҳожиакбар, Hojiakbar (*ap.*) – катта ҳожи.

Ҳожиаҳмад, Hojiahmad (*ap.*) – “Ҳожи” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Ҳожибурҳон, Hojiburhon (*ap.*) – “Ҳожи” ва “Бурҳон” исмлари бирикмаси.

Ҳожимурод, Hojimurod (*ap.*) – “Ҳожи” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Ҳожимуҳаммад, Hojimuhammad (*ap.*) – “Ҳожи” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Ҳозим, Hozim (*ap.*) – ақлли, қатъиятли * Ҳозим ибн Ҳармала Асламий (саҳобий. Ундан мавлоси Абу Забиб ривоят қилган. Ҳозим мадиналикдир).

Ҳозима, Hozima (*ap.*) – “Ҳозим”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ҳозик, Hoziq (*ap.*) – билимдон, уста, моҳир, ўз касбининг устаси.

Ҳоқим, Hokim (*ap.*) – бошлиқ, раҳбар; ўз нафсига ҳоқим.

Ҳомид, Homid (*ap.*) – Аллоҳ таолога ҳамд айтувчи * 1) Ҳомид ибн Умар ибн Ҳафс ибн Умар ибн Убайдуллоҳ ибн Абу Бақра Абу Абдурахмон Сақафий Бакровий (табаа тобеинлардан илм олган ишончли ҳадис ровийси, Кирмон қозиси. Ҳижрий 233-йилда вафот этган. Бухорий ва Муслим ундан ривоят қилган), 2) Ҳомид ибн Яҳё ибн Ҳониъ Абу Абдуллоҳ Балхий (табаа тобеинлардан илм олган. Ҳижрий 242-йилда вафот этган. Абу Довуд ундан ривоят қилган, ишончли ровий), 3) Ҳомид ибн Саҳл

Абу Муҳаммад Бухорий (муҳаддис, ҳофиз, ҳадис ровийси), 4) Ҳомид ибн Абу Амид ибн Амирий ибн Вараший ибн Умар Абу Ризо Қазвиний (шофъийлар шайхи, қозилик, мударрислик ва муфтийлик қилган. Ҳижрий 548-йилда Қазвинда туғилиб, 636-йилда вафот этган), 5) Ҳомид ибн Юсуф ибн Ҳомид Зиёвуддин Искандорий Бондармавий (ҳанафий мазҳаби уламоларидан (мел. 1700-1758, ҳиж. 1111-1172). Усул, ҳадис, ақоид, навҳ ва бошқа соҳаларга оид кўплаб китоблар муаллифи).

Ҳомида, Homida (*ap.*) – “Ҳомид”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ҳомидали, Homidali (*ap.*) – “Ҳомид” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ҳомидуддин, Homiduddin (*ap.*) – Ислом динини мактовчи, унинг ҳақ дин эканини одамларга тушунтирувчи.

Ҳомий, Homiy (*ap.*) – ҳимоя қилувчи, сақловчи; қўллаб-қувватловчи; Ислом динини душманлар адоватидан, иғво-туҳматларидан ҳимоя қилувчи.

Ҳоней, Hone (*ap.*) – тайёрловчи, ҳозирловчи; берувчи, қарам кўрсатувчи * 1) Ҳоней ибн Язид ибн Наҳик ибн Дурайд Абу Шурайх Мазҳижий (саҳобий, Шурайх ибн Ҳонейнинг отаси), 2) Ҳоней (катта тобеин, Али ибн Абу Толибнинг мавлоси), 3) Ҳоней Абу Саид Барбарий (тобеин, Усмон ибн Аффоннинг мавлоси), 4) Ҳоней ибн Кулсум ибн Абдуллоҳ ибн Шарик ибн Замзам Киноний (тобеин), 5) Ҳоней ибн Абдуллоҳ ибн Шиххир ибн Авф ибн Каъб ибн Вақдон Омирий Басрий (тобеин).

Ҳорис, Horis (*ap.*) – деҳқончилик қилувчи, зироат билан шуғулланувчи; дунё ва охират учун амал қилувчи (Ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан энг яхши исм, дея таърифланган исмлардан бири – “Ҳорис ва “Ҳаммам”) * 1) Ҳорис ибн Навфал ибн Ҳорис ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим ибн Абдуманоф Қураший Ҳошимий Маккий (саҳобий, Абдуллоҳ ибн Ҳорис ибн Навфалнинг отаси), 2) Ҳорис ибн Амр Ансорий (саҳобий, Бароъ ибн Озибнинг амакиси. Баъзи манбаларида “тоғаси”, дейилган), 3) Ҳорис ибн Абдуллоҳ ибн Авс Сақафий Ҳижозий (саҳобий), 4) Ҳорис ибн Уқайс Уклиий (саҳобий), 5) Ҳорис ибн Ҳорис Абу Молик Ашъарий Шомий (саҳобий), 6) Ҳорис ибн Ҳотиб ибн Амр ибн Убайд Ансорий (саҳобий), 7) Ҳорис ибн Ҳассон ибн Калада Бакрий Зухалий Омирий (саҳобий).

Ҳориса, Horisa (*ap.*, *э.и.*) – “Ҳорис”га муаннас жинсни билдирувчи “та” кўшиб ясалган исм * 1) Ҳориса ибн Нўъмон ибн Нафъ ибн Зайд ибн Убайд Абу Абдуллоҳ Ҳазражий Наҷжорий (саҳобий. Бадр ва бошқа ғазотларда қатнашган. Ривоятларда келишича, у Жаброил алайҳиссаломни икки марта кўрган. Шуларда бирида уни Дихятул Калбий розияллоҳу анҳу суратида кўрган), 2) Ҳориса ибн Суроқа ибн Ҳорис (саҳобий, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу аммасининг ўғли. У Бадр куни жароҳатланган), 3) Ҳориса ибн Молик Ансорий (саҳобий, Бадрда қатнашган), 4) Ҳориса ибн Ваҳб Хузойй (саҳобий, она тарафдан Умар ибн Хаттобнинг биродари. “Сихоҳи ситта” соҳиблари ундан ривоят қилишган), 5) Ҳориса ибн Шароҳил ибн Каъб ибн Абдулғуззо ибн Имрулкайс ибн Омир ибн Нўъмон Калбий (саҳобий, Зайд ибн Ҳорисанинг отаси. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига ўғли Зайдни қидириб келганида мусулмон бўлган), 6) Ҳориса ибн Мударриб Абдий Куфий (катта тобеин. “Сунан” соҳиблари ундан ривоят қилишган. Ҳориса ибн Мударриб ишончли ровий саналади).

Ҳорун⁶⁶, Horun (*ap.*-*қад.яҳ.*) – бой, бадавлат; посбон, кўрикчи * 1) Ҳорун⁶⁷ ибн Имрон ибн Ясҳар ибн Моҳайс Бани Лова ибн Яъқуб ибн Исҳоқ ибн Иброҳим алайҳиссалом (Мусо алайҳиссалом акаси. Аллоҳ таоло уни Мусога ёрдамчи қилиб юборган), 2) Ҳорун ибн Абу Исо Абу Абдуллоҳ Шомий (тобеин, Муҳаммад ибн Исҳоқнинг котиби, Абдуллоҳ ибн Ҳоруннинг отаси), 3) Ҳорун ибн Саъд Куфий (тобеин), 4) Ҳорун ибн Умму Ҳоней (тобеин), 5) Ҳорун ибн Саъд Ҳижозий Маданий (катта табаа тобеин).

Ҳосила, Hosila (*ap.*) – муваффақиятга эришувчи, касб қилувчи.

Ҳотим, Hotim (*ap.*) – жавоб берувчи; лозим тутувчи; бирон ишни қатъият билан амалга оширувчи * 1) Ҳотим ибн Ҳурайс Тойй (тобеин), 2) Ҳотим ибн Маймун Абу Саҳл Килобий (табаа тобеин), 3) Ҳотим ибн Вардон ибн Маҳрон Абу Солиҳ Саъдий (табаа тобеин).

Ҳофизиддин, Hofiziddin (*ap.*) – Исломни дин душманлари хуружидан ҳимоя қилувчи.

⁶⁶ “Ҳорун” исми инглиз тилида “Aaron” шаклида қўлланади.

⁶⁷ “Ҳорун” исми “оҳо” ва “рун” кўшимчаларидан иборат бўлиб, “қувват манбаи” маъносини англатади. Мазкур исм асли қибтийча бўлиши ҳам мумкин.

Ҳошим, Hoshim (*ap.*) – тақсимловчи, улашувчи; ҳурматли, обрўъли (Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг катта боболари – Абдулмутталибнинг отаси Амр қаҳатчилик йилларида халққа кўп миқдорда таом ва сув тарқатгани учун одамлар томонидан унга “Ҳошим” лақаби берилган) * 1) Ҳошим ибн Барид Абу Али Куфий (кичик тобеин), 2) Ҳошим ибн Билол Абу Ақил Димашкий (кичик тобеин), 3) Ҳошим ибн Саид Абу Исҳоқ Басрий (табаа тобеин), 4) Ҳошим ибн Махлад ибн Иброҳим Сақафий Марвазий (табаа тобеин), 5) Ҳошим ибн Қосим ибн Муслим Абу Назр Бағдодий (кичик табаа тобеин).

Ҳошимали, Hoshimali (*ap.*) – “Ҳошим” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ҳошиманвар, Hoshimanvar (*ap.*) – “Ҳошим” ва “Анвар” исмлари бирикмаси.

Ҳошимаҳмад, Hoshimahmad (*ap.*) – “Ҳошим” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Ҳошиммаҳмуд, Hoshimmahmud (*ap.*) – “Ҳошим” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Ҳошиммуҳаммад, Hoshim Muhammad (*ap.*) – “Ҳошим” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Ҳубайш, Hubaysh (*ap.*) – 1) Ҳубайш ибн Халид Абу Саҳр Ҳузойи (саҳобий), 2) Ҳубайш⁶⁸ ибн Шурайх Абу Ҳафса Ҳабаший (тобеин. Абу Довуд ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 3) Ҳубайш ибн Мубашшир ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Абу Абдуллоҳ Сақафий (табаа тобеинлардан илм олган фақиҳлардан. Ҳижрий 258-йилда вафот этган. Ибн Можа ундан ривоят қилган, ишончли ровий).

Ҳувайрис, Huvayris (*ap.*) – “Ҳорис”нинг кичрайторма шакли * Ҳувайрис Абу Молик ибн Ҳувайрис (саҳобий).

Ҳувайриса, Huvayrisa (*ap.*) – “Ҳувайрис”нинг аёлларга нисбатан ишлатилadиган шакли.

Ҳувайтиб, Huvaytib (*ap.*) – “Ҳотиб”нинг кичрайторма шакли * Ҳувайтиб ибн Абдулғуззо ибн Абу Қайс ибн Абдувад ибн Наср ибн Молик ибн Ҳасл ибн Омир ибн Луай Абу Муҳаммад Кураший Омирий Маккий (саҳобий. Ҳижрий 54-йилда Мадинада вафот этган. Бухорий, Муслим, Насоий ундан ривоят қилган).

Ҳуд⁶⁹, Hud – дўст, ўртоқ * 1) Ҳуд ибн Абдуллоҳ ибн Рабоҳ ибн Халуд ибн Од ибн Авс ибн Ирам ибн Сом ибн Нуҳ алайҳиссалом⁷⁰ (Аллоҳ таолонинг пайғамбарларидан. Од қабиласига элчи қилиб юборилган), 2) Ҳуд ибн Абдуллоҳ ибн Саъд Абдий Асрий (тобеин. Бухорий “Ал-Адабул муфрад”да, Термизий “Сунан”да ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Ҳужжат, Hujjat (*ap.*), (*a.u.*) – ҳужжат, далил, исбот.

Ҳужжатуллоҳ, Hujjatulloh (*ap.*), (*э.у.*) – Аллоҳнинг ҳужжати, далили, исботи.

Ҳузайл, Huzayl (*ap.*) – тез юрувчи.

Ҳузайм, Huzaym (*ap.*) – 1) Ҳузайм ибн Амр Саъдий (саҳобий, Зиёд ибн Ҳузаймнинг отаси), 2) Ҳузайм ибн Абдуллоҳ Тағлибий (катта тобеин. Абу Довуд ва Насоий ундан ривоят қилган, мақбул ровий).

Ҳузайфа, Huzayfa (*ap.*), (*э.у.*) – кесувчи, тушириб қолдирувчи * 1) Ҳузайфа ибн Ямон ибн Жобир ибн Усайд Абу Абдуллоҳ Абсий (машҳур саҳобий. “Соҳибус сир” – Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам маҳфий сирларини айнан шу саҳобийга айтар эдилар. Чунки мазкур саҳобийнинг сир сақлаш қобиляти кучли бўлган), 2) Ҳузайфа ибн Усайд Ғифорий (саҳобий), 3) Ҳузайфа ибн Абу Ҳузайфа Аздий (тобеин), 4) Ҳузайфа Борикий (тобеин).

Ҳумайд, Humayd (*ap.*) – Аллоҳ таолога кўп ҳамду сано айтувчи * 1) Ҳумайд ибн Абдурахмон ибн Авф Абу Иброҳим Кураший Зухрий (катта тобеин), 2) Ҳумайд ибн Абдурахмон Ҳимярий Басрий (тобеин. Ибн Сийрин: “У Басра аҳлининг энг фақиҳ кишисидир”, деган), 3) Ҳумайд ибн Абдурахмон ибн Авф Руосий (тобеин), 4) Ҳумайд ибн Молик ибн Хайсам Ҳижозий (тобеин), 5) Ҳумайд ибн Рофеъ Абу Афлаҳ Ансорий (тобеин), 6) Ҳумайд ибн Ҳилол ибн Ҳубайра Абу Наср Басрий (тобеин, катта олим зотлардан бўлган).

Ҳумайда, Humayda (*ap.*) – “Ҳумайд”нинг аёлларга нисбатан ишлатилadиган шакли * 1) Ҳумайда (тобеин аёл), 2) Ҳумайда бинти Убайда ибн Рифоа Умму Яҳё Ансория Зуракия (кичик тобеин, Исҳоқ ибн Абдуллоҳ ибн Абу Талҳанинг завжаси).

⁶⁸ Исҳоқ ибн Сувайд Рамлий Ҳубайш ибн Шурайх саҳоба эканини айтган. Мусо ибн Саҳл Рамлий эса унинг тобеин эканини зикр қилган.

⁶⁹ “Ҳуд” исми инглиз тилида “Heber” шаклида қўлланади.

⁷⁰ Аксар пайғамбарлар исми иброний тилида. Чунки пайғамбарларнинг кўпи Бани Исроил қавмидан чиққан. Фақат тўрт пайғамбар – Ҳуд, Солиҳ, Шуайб ва Муҳаммад соллalloҳу алайҳи ва саллам араб миллатига мансуб пайғамбарлар саналишади.

Ҳумайза, Humayza (*ap.*), (*а.э.и.*) – нордон, аччик * 1) Ҳумайза ибн Шамарзал Асадий Куфий (тобеин. Абу Довуд ва Ибн Можа ундан ривоят қилган, мақбул ровий), 2) Ҳумайза бинти Ёсир (тобеин аёл. Абу Довуд ва Термизий ундан ривоят қилган, мақбул ровия), 3) Ҳумайза ибн Абу Намий Муҳаммад ибн Ҳасан ибн Али Ҳасаний Алавий Ҳошимий (Макка амирларидан. Ҳижрий 720-, мелодий 1320-йилда вафот этган).

Ҳумайро, Humayro (*ap.*) – қизил, қизғиш; ҳаёдан қизариб кетувчи (Мазкур исм Оиша розияллоху анҳо онамиз лақаблари, шарафли номлари саналади. Ҳадисларнинг бирида: “Мана бу Ҳумайродан Динингизнинг ярмини олинглар”, дейилган. Бу ҳақида бошқа ривоят ҳам бор. Оиша розияллоху анҳо ривоят қилади: “Олдимга Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам кирдилар. Мен кўёшда сув иситиб кўйгандим. У зот: “Эй Ҳумайра, бундай қилма! Чунки у пес (касали)га сабаб бўлади”, дедилар” (Дорақутний “Сунан”да, Байхақий “Ас-Сунанул кубро”да, Табароний “Авсат”да ривоят қилган. Ривоят санади заиф).

Ҳумоюн, Humoyun (*фм.*) – кутлуғ, баракали.

Ҳунайн, Hunayn (*ap.*) – Макка ва Тоиф орасидаги водий номи * 1) Ҳунайн Абу Абдуллоҳ Қураший Ҳошимий (саҳобий, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг мавлоси. Набий соллаллоху алайҳи ва салламга хизмат қилган), 2) Ҳунайн ибн Абу Ҳаким Қураший Умавий Мисрий (кичик тобеинлар билан замондош бўлган ишончли ҳадис ровийси).

Ҳурайс, Hurays (*ap.*) – “Ҳарис”нинг кичрайтирма шакли * 1) Ҳурайс ибн Зуҳайр Куфий (катта тобеин), 2) Ҳурайс Узрий (тобеин), 3) Ҳурайс ибн Аблаж Салихий Шомий (тобеин).

Ҳурайса, Huraysa (*ap.*) – “Ҳурайс”нинг аёлларга нисбатан ишлатиладиган шакли.

Ҳуррият, Hurriyat (*ap.*) – озод, эркин, мустақил.

Ҳусайн, Husayn (*ap.*) – “Ҳасан”нинг кичрайтирма шакли * 1) Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб Абу Абдуллоҳ Қураший Ҳошимий (Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг сеvimли набиралари. У зот Ҳусайн ҳақида: “Ҳусайн мендан ва мен Ҳусайнданман. Ҳусайнни яхши кўрган бандани Аллоҳ яхши кўради”, деганлар), 2) Ҳусайн ибн Ҳорис Куфий (тобеин), 3) Ҳусайн ибн Соиб ибн Абу Лубоба ибн Абдулмунзир Ансорий Авсий (тобеин), 4) Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн Убайдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмутталиб Абу Абдуллоҳ Қураший Ҳошимий (кичик тобеин), 5) Ҳусайн ибн Али ибн Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб Қураший Ҳошимий (катта табаа тобеин. “Кичик Ҳусайн” деб аталган).

Ҳусайнали, Husaynali (*ap.*) – “Ҳусайн” ва “Али” исмлари бирикмаси.

Ҳусайнаҳмад, Husaynahmad (*ap.*) – “Ҳусайн” ва “Аҳмад” исмлари бирикмаси.

Ҳусайнмаҳмуд, Husaynmahmud (*ap.*) – “Ҳусайн” ва “Маҳмуд” исмлари бирикмаси.

Ҳусайнмурод, Husaynmurod (*ap.*) – “Ҳусайн” ва “Мурод” исмлари бирикмаси.

Ҳусайнмуҳаммад, Husaynmuhammad (*ap.*) – “Ҳусайн” ва “Муҳаммад” исмлари бирикмаси.

Ҳусан, Husan – “Ҳусайн” исмининг ўзгартирилган шакли. Аслида “Ҳусан” эмас, “Ҳусайн” бўлади.

Ҳусниддин, Husniddin (*ap.*) – Ислом динининг чиройи, кўрки, файзи (“Жамолиддин” билан маънодош).

Ҳусойн, Husoyn (*ap.*) – (“сод” ҳарфи билан) “Ҳасин” исмининг кичрайтирма шакли * 1) Ҳусойн ибн Авс Наҳшалий (саҳобий, Зиёд ибн Ҳусойннинг отаси), 2) Ҳусойн ибн Убайд ибн Халаф Абу Имрон Ҳузойй (саҳобий, Имрон ибн Ҳусойннинг отаси), 3) Ҳусойн ибн Авф Ҳасъамий Маданий (саҳобий), 4) Ҳусойн ибн Миҳсан Ансорий Хатмий Маданий Ашҳалий (саҳобий), 5) Ҳусойн ибн Ваҳвах Ансорий Авсий Маданий (саҳобий), 6) Ҳусойн ибн Жундуб ибн Амр ибн Ҳорис ибн Ваҳший ибн Молик ибн Рабийъа Абу Зубён Жанбий Куфий (катта тобеин), 7) Ҳусойн ибн Қабиса Фазорий Куфий (катта тобеин), 8) Ҳусойн ибн Молик ибн Хашшош Тамимий Анбарий (катта тобеин), 9) Ҳусойн ибн Муҳаммад Ансорий Солимий Маданий (катта тобеин).

Ҳусомиддин, Husomiddin (*ap.*) – Ислом динининг қиличи (“Сайфиддин” исми билан маънодош).

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Яҳё ибн Шараф Абу Закариё Нававий. “Ал-Азкор мин каломи саййидил аброр”. /Таржимон Анвар Аҳмад. Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2003. -230б.

2. Муҳаммад Саййид Тантовий. “Қуръони карим қиссалари”, 1-китоб. /Таржимон Зиёвуддин Раҳим. – Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2005. -189б.

3. Муҳаммад Саййид Тантовий. “Қуръони карим қиссалари”, 2-китоб. /Таржима ва изоҳлар муаллифи Зиёвуддин Раҳим. – Тошкент.:Мовароуннаҳр, 2007. -267б.
4. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва Ҳаёт”, 19-жузъ /Нубувват ва рисолат. Тошкент.:Шарқ. 2006. 575б.
5. Э. А. Бегматов. “Ўзбек исмлари”. – Тошкент.: Ўзб.Мил.Энц., -604б.
6. О. Исматуллаев. “Исм – фарзанд иқболи”. – Наманган.: “Наманган” нашр., 2007. -123б.